



ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР ЕЗУВЧИЛАР СОЮЗИ ОРГАНИ

Бош редактор:

Эркин ВОҲИДОВ

Редакцион коллегия:

Саид АҲМАД,

Эркин АЪЗАМОВ,

Баҳодир ЖАЛОЛОВ,

Гулчеҳра ЖЎРАЕВА,

Андрей ДЕМЕНТЬЕВ,

Олимжон ИСМОИЛОВ,

Фёдор КАМОЛОВ,

Муроджон МАНСУРОВ

(бош редактор ўринбосари),

Омон МАТЖОН,

Насриддин МУҲАММАДИЕВ

(масъул секретарь),

Хайриддин СУЛТОНОВ,

Худойберди ТЎХТАБОЕВ,

Шароф УБАЙДУЛЛАЕВ,

Улмаамбет ХЎЖАНАЗАРОВ,

Урие ЭДЕМОВА,

Ўткир ҲОШИМОВ.

ОИЛИК
АДАБИЙ-
БАДИИЙ,
ИЖТИМОИЙ-
СИЕСИИ
ЖУРНАЛ

(42)

1985

ЙИЛ,
ИЮНЬ



ТОШКЕНТ
«Еш гвардия» нашриёти

МУНДАРИЖА

НАСР

Нодир НОРМАТОВ . Жазо. Қисса	5
Нормурод НОРҚОБИЛОВ . Икки ҳикоя	23
Аббос САИДОВ . Мирхон. Ҳикоя	31

НАЗМ

Муқаррама МУРОДОВА	22
Исмоил ТУЛАКОВ	29

ҚАЛДИРҒОЧ

Зиқрилла НЕЪМАТОВ . Шеърлар	3
--	---

ЖАҲОН АДАБИЕТИДАН

Антуан де СЕНТ-ЭКЗЮПЕРИ . Бола подшо	36
---	----

ПУШКИНХОНЛИК

А. С. ПУШКИН . Шеърлар	58
---	----

НАФОСАТ ЧАМАНИ

Абдумажид МАДРАИМОВ . Қизғин ижод палласи	59
--	----

ҚУТЛАЙМИЗ!

Машраб БОБОЕВ . Бизнинг режиссёримиз	61
---	----

ПУБЛИЦИСТИКА

Нурали ҚОБУЛ . Нурота камалаги	63
---	----

АДАБИЙ САБОҚ

Карл МАРКС . «Езувчининг асл мақсади...»	67
---	----

АДАБИЙ МУНОЗАРА

Турсунбой АДАШБОЕВ . Боладек беғубор бўлсин!	69
Анвар ОБИДЖОН . Камроқ хитоб, кўпроқ китоб	72

МУТОЛАА

Алишер НАВОИЙ . Шаҳрисабз афсонаси	75
---	----

ЕШЛИКНИНГ АҚЛ ТИШИ

Акбар ЮНУСОВ . Жаҳаннам қайта қурилмоқчи	79
---	----


Қирқ бешинчи йил ёмғирлари...

Ёмғир шитирлайди. Майсалар унар
Заминнинг кул босган далаларида.
Ёмғир шитирлайди. Малҳам қўйилар
Ватаннинг тўрт йиллик яраларига.

Ёмғир шитирлайди. Мисли хушхабар
Борлиққа сочилар маржон доналар,
Севинч ёмғирида ивиб, жилмаяр
Фарзанди жанггоҳдан қайтган оналар.

Ёмғир шитирлайди. Отасиз қолган
Мурғак гўдакларнинг кўз ёшларидай.
Ёмғир шитирлайди. Сўнгесиз армонлар —
Тул қолган аёллар бардошларидай.

Ёмғир шитирлайди. Кетамиз яйраб,
Биз — шу ёмғирдан сўнг унган майсалар.
Кошкийди, дунёнинг бор майсалари
Шундай ёмғирларга ета олсалар...



**Зикрилла
Неъматов**

Вазминлик

Вазмин Ер шарининг бир чеккасида
Ўй суриб турибман ўйларим вазмин.
Жисимда вазминлик кезар осуда,
Туйғуларим — вазмин, куйларим вазмин.

Қалбимга ботса-да вазмин бу ҳолат,
Мен уни маҳкамроқ босғум бағримга.
Чўкмоқликдан сақлар чунки у ҳар вақт,
Мени енгил-елпи ўйлар қаърига.

Вазминлик — бу олам сокин турган дам,
Вазминлик — инсоннинг оний ҳолати.
Дунёнинг бошига иш тушганда ҳам
Шу вазмин кишилар яраб қолади.

Мен ҳам бу дунёни ўйлаб тўймайман,
Вазминлик тилайман унга ҳам ҳар дам.
Асраб-авайлайман енгилтаклардан.
То тирик эканман, азиз юртимни.

Дунё — иккимизнинг ёниқ ишқимиз

Майсалар — оламнинг майин сочлари,
Силагум уларни ардоқлаб, суюб.
Зора қаердадир сенинг сочларинг
Кўлларим тафтини олсалар туюб.

Гуллар — бу оламнинг нафис лаблари,
Улардан энтикиб олгум бўсалар,
Зора қаердадир сенинг лабларинг
Бу бўса лаззатин тота билсалар.

Юлдузлар — соғинчда ётган кўзларим,
Йўлингга бир умр илҳақдир билсанг.
Самога тушганда ногоҳ кўзларинг,
Зора бу соғинччи ҳис эта олсанг.

Дунё — сен ва менинг ёниқ ишқимиз,
Тугалдир у бизнинг қайноқ ҳислардан.
Бир тан, бир жон бўлиб зора иккимиз,
Уни асрай олсак ёмон кўзлардан.



Суянч

Суянчсиз нарса йўқ дунёда асли,
Суянчсиз эмасдир ва ҳатто олам.
Токи яшар экан одамзод насли,
Дунёнинг суянчи одамдир, одам.

Қамтар қоялардир, қамтар қоялар,
Буюк чўққиларни турғувчи суяб.
Ахир, бўлмаганда мазмун — ғоялар,
Шеърят тоғи ҳам кетарди қулаб.

Чақмоққа суянчдир — шиддат, гулдирак,
Шиддатга суянчдир бир зумлик имкон.
Дунёда, суянчнинг чеки йўқ, бироқ
Энг яхши суянчдир инсонга инсон.

Менинг ҳам суявчи тоғларим каммас,
Аммо юрагимни ўртар ўзга дард:
Одамзод суянчга ишониб эмас,
Ишончга суяниб яшамоғи шарт.





Нодир
Норматов

Жазо

1

ҚИССА



навбатдаги кир — коржомани тоғорага солмоқчи эди, нимадир жиринг этгандай бўлди. Коржомо чўнтаklarини кавлаган эди, биридан иккита қадимий танга чиқди. Аёл энтикиб кетди. Ҳеч ишонгиси келмади. Кафтига олиб яхшилаб қаради, тишлаб кўрди. Тиллага ўхшайди! Бир пайтлар — Довулқўргон атрофида мол боқиб юрганида худди шунга ўхшаш бир неча танга топиб

олганини эслади. Уйдаги бешик, омборхонадаги кетмон, сомонхонадаги ўроқ ўшаларнинг бадалига келган. Раҳматли онаси узоғини ўйлаб иш тутган экан. Тангаларнинг пулига бешала қизига бешик, кетмон ва ўроқ олиб берган эди.

Аёл ҳали-ҳануз таажжубда юрарди: тилла деган нарса дуч келган жойда ётаверар экан-да? У коржомани авайлаб қўлига олди. Коржомо одмигина, қора сатиндан тикилган, унчаям эски эмас. Раҳматли эри пенсияга чиққанда мактаб маъмурияти бир радиоприёмнигу мана шу коржомани совға қилган. Радиоприёмник-ку майли, лекин коржомо беришгани нимаси, деб ҳайрон бўлган эди ўшанда. Тўғри, эри Эргаш кунда (раҳматлининг лақаби шунақа эди, қўли бўш вақтларда тўнка кавларди) аслида мактаб қоровули бўлса ҳам, эгнидан коржомо тушмаган. Унинг меҳнати туфайли мактаб боғи хўб обод эди. Чамаси, коржомо Эргаш кунданинг ўша хизматларини тақдирлаш маъносида берилган. Бугун эса ана шу коржомо омборхонанинг бир чеккасида чиқиб қолди. Ювгани олиб чиқса — мана шу тангалар. Аёлнинг боши қотди: булар қаердан келиб қолди экан? У ниҳоят коржомани ювиб, дорга ёйиб қўйди.

Тангалар кун бўйи аёлнинг чўнтагида юрди; қўли тегди дегунча, уни гумонлар гирдобига тортади. Эри бу коржомани сўнгги марта Ойхол бид-бидникига кийиб борган эди. Кейин у ердан тирик қайтмади, илон чақиб ўлдирди уни. Аёлнинг билгани шу. Тангаларни ўша ердан топганми ёки бошқа жойдан — унга қоронғи. «Энди бунинг сенга нима қизиғи бор Майрам қўшмижжа? — деб ўзи-га-ўзи сўйлади аёл. — Эринг тирик бўлса эканки, ундан сўраб билсанг!»

Кийим кечга яқин қуриди. Аёл унга дазмол босар экан, хаёли ҳалиям тангалар билан банд эди. Агар тангалар эрига тегишли бўлса, нега у айтмаган? Игна топса ҳам ундан бекитмас эди-ку? Аёл ана шунга ҳайрон эди.

У тангаларни яна коржоманинг чўнтагига солиб қўйди. Яхшиси, шу ерда туратурсин. Тишлари бутун, худди маржондай терилган; рўзғори бут, ўғли ишлайди, ўзи ишлайди, иккаласининг топгани ўзларига бемалол етади.

Хуллас, Майрам қўшмижжа коржомани сандиққа жойлади-ю, кўнгли сал-пал хотиржам бўлди.

Эртаси куни Ойхол бид-бид келди. Майрам қўшмижжа ҳайрон: нечук бу бетавфиқ уни йўқлаб қолди экан? Эри ўлгандан бери келмас эди — ё ўзини озроқ бўлса ҳам айбдор деб билармикан?

Ойхол бид-бид бошқа мақсадда келган экан. Опаси Банот мошинанинг қизи Барфинга бир йигит совчи қўяётган эмиш. Банот мошинани Майрам қўшмижжани маслаҳатга айттириб юборибди. Майрам қўшмижжа унинг гапини тинглаган бўлиб, кўрпасини қавиб ўтираверди. Ойхол бид-бид нимани гапирди, нимани гапирмади — иши бўлгани йўқ. Тинглаб ҳам нима қилади, ўша Ойхол бид-бид-да (ўз номи билан)! Минг йил ашаса ҳам ўзгармайди бу. Йўғ-э, ана унда ҳам ўзгартиш бор — оғзини тўлдириб тилла тиш қўйдирибди. Қутлуғ бўлсин қилмасанг, ҳали-вери кетмайди энди.

— Э-ҳа, тилла тиш муборак!

— Ҳа, раҳмат... Улиб бўлдим бу тишларни қўйдиргунимча. Емон дўхтирга тушган эканман, роса азоб берди.

— Тоза тилла экан.

— Тозасини топмай қўйдираманми!

Майрам қўшмижжа ҳайрон бўлди: қизил тилладан тиш қўйилмас эди-ку, қаердан топди экан?.. Кеча коржомадан чиққан тангалар лоп этиб эсига тушди. Шошма, Ойхол бид-бид худди ўшандай тангалардан тиш қўйдирган эмасмикан...

У кетгач, сандиқдан тангаларни олиб, синчиклаб кўздан кечирди. Ажаб, Ойхолнинг тишлари худди мана шу тангалардан қилингандек эди. Бу ёсуман бир гапни билади-ёв!

Аёлнинг кўнглига гўлгула тушди. Аввалига ўзини қарғаб олди — нимага ўшанда эрини Ойхол бид-биднигига юборди? Ахир, уни қўярда-қўймай жўнатган ўзи эди-да. Эри у ерда роппа-роса бир ҳафта тўнка кавлади. Шу ҳафтанинг ичиди ким билади нималар бўлганини! Балки бу ёсуманга тилла тангаларни эри элтиб бергандир, шу билан унинг кўнглини овлагандир. Мана бу иккитасини кейинги сафарга олиб қўйгандир. Ҳар ҳолда, қариқиз бўлса ҳам, қиз номи бор. Қиз эмиш, нақ шайтоннинг ўзи-ку, эрини йўлдан оздирган бўлсаям ажаб эмас. Эри аввалига кўнмаган бўлса, «Ҳа, Эргаш ака, хотинингизни ҳам унча фаришта деб ўйлабберманг. Бир аёлнинг макри — қирқ эшакка юк», деган бўлса-чи? Эҳтимол, у Эргаш кундага Майрам қўшмижжанинг ҳеч ким билмаган сирини очгандир. Ахир, Майрам қўшмижжа бу ёсуманинг олдида тилқисиқ-ку.

Улар девор-дармиён қўшни эдилар. Урушнинг учинчи йили. Қаҳатчилик. Майрам қўшмижжа ўша куни, одатдагидек, бир ҳовуч қўғирмочни пўстак устига сочиб юборди. Шундай қилмаса, болалар бирпасда еб бўлиб, яна сўршади. Омборхонада бошқа ҳеч вако йўқ. Уйлаб-уйлаб, оқшом чоғи гунг тегирмончининг уйига борди. Бундай пайтда тегирмончидан бошқа ким ҳам ўзидан орттириб бирор нарса сақлай олади! Гунг тул эди, бир йил бурун хотини ўлган бўлиб, икки ўғли урушда. У Майрам қўшмижжанинг аҳволини тушунди — бир чакса унни аямади. Иккинчи мартасига ҳам йўқ демади. Кейинги гал эса, уйингга ўзим элтиб берман, деган имо-ишорани қилди. Майрам унинг мақсадини англамади — одамгарчилик қилмоқчи шекилли, деб ўйлади. Ҳақиқатан ҳам, эртаси куни тонг-саҳарда тегирмончи ярим халта ун кўтариб келди. Ишком остидаги супада биргалашиб нонушта қилишди. Сўнг, қўшмижжа гунгни алқаб-алқаб, кўчагача кузатиб чиқди. Гунг муюлишда кўздан ғойиб бўлиши биланоқ, нариги ҳовлидан лоп этиб Ойхол бид-бид чиқиб қолди: «Тун билан роса-а искашдиларингми-а», деди у ишшайиб. Майрам қўшмижжа: «Йўқол! — деди. — Одамга унақа маломат қилма». «Мени рози қилсанг, сир шу ерда қолади», деди Ойхол бид-бид. Майрам, шу шаллақи ҳар ерда гап қилиб юрмасин тагин, деган андишага бордию кўна қолди. Унга берадиган нимаси ҳам бор эди — уйга сигир кирса, шохига илгудек нарсаси йўқ. Шунда Ойхол бид-бид уй тўридаги ўймакор сандиқни сўради. Бу сандиқ раҳматли

отасидан қолган эди. Ҳар томонни ўйлаб, сандиқдан воз кечди. Эри урушдан қайтгач, сандиқни сўраган эди, буғдойга алмаштирдим, деб айтди. Ойхол бид-бид эса кунда-шунда. Майрам қўшмижжа юрагини ҳовучлаб яшади. Кейин туғилган икки боласи турмади. Шуни баҳона қилиб, эрига: «Бу ерда кўзимга ҳар бало кўринадиган бўлиб қолди, бошқа ерга кўчайлик», деб туриб олди. Шу йўл билан Ойхол бид-биддан узоқлашмоқчи эди. Эри қишлоқ юқорисиди бўшаб қолган ҳовлилардан бирини жамоадан сўраб олди. Урушдан кейин бундай ҳовлилардан кўплаб топиларди. Улар ташлаб чиққан ҳовлига Ойхол бид-бид эгалик қилди. Шунда ҳам Майрам қўшмижжа йўқ дея олмади. Бироқ, Ойхол бид-бид уларнинг янги ҳовлидан ҳам оёғини узмади. Фақат, Эргаш кунда ўлгандан бери келмас эди. Мана, бугун у келиб-кетди-ю, Майрам қўшмижжанинг тинчи яна бузилди. «Шумоёқ», деб қарғади у Ойхол бид-бидни.

Майрам қўшмижжа тангаларни кафтига олган кўйи фаромуш ўтирарди. Улар энди кўзига худди лағча чўғ бўлиб кўринди. Эти куйгандек сесканди. Тангаларни қайта жойига қўйиб, ҳовлига чиқди. Лойсупага суяниб, туғдона дарахтига тикилди. Кўнглида эса бир дунё гап. Туғдона одам бўлсаки, уни тингласа, тинглаб унга далда берса! Одамзод шундай бир жумбоқ экан-да. Мана, эри. Уттиз йил бир ёстиққа бош қўйиб яшабди-ю, унинг тилласи борлигини, кўнглида нима гап яширинлигини билмабди. Балки, Эргаш кунда бир ҳафтада ўша манжалақи билан оғиз-бурун ҳам ўпишиб қолгандир? Эри олтишни қоралаган бўлса ҳам ҳали бақувват эди... Йўқ, бекор гап, у эрига ишонарди, агар мана шу сабил тангалар топилмаганда, дунёдан бир умр ишониб ўтарди. Мана, энди эри-ку ўлиб кетди, азобга қолган — у.

Лекин унга алам қиладигани — эрининг тангаларни беки-тиб юргани. «Балки, менга айтмоққа фурсати бўлмай, кейин ёдидан кўтарилгандир», деб ўйлади у. Аммо бу тахминдан кўнгли жойига тушмади. «Топган нарсаси игна эмас-ку, ёдидан чиқса!»

Кеч кирди. Қуёш ботиб, ой чиқди. Майрам қўшмижжа ўғли ишдан келганда ҳам бир ҳолатда эди. Уғли овқат устиди қишлоқ йўлидан нолиб гапирди:

— Э, бу Маржоннинг йўли... Бу йўлда танка ҳам чидаш бермаса керак. Йўқса, бир йилда икки рессорни синдираманми!

Майрам қўшмижжа бундай пайтларда ўғлига: «Ҳа, энди, ўғлим, ҳамма хўжалик ҳам сизнинг Тузқонингиздек саранжом-сариштали эмас-да»,— деганга ўхшаш жавоб қилган бўлар эди.

Онасидан садо чиқмагач, Нусрат ажабланди, кейин унинг юзиди изтироб изини кўриб, ҳушёр тортиди.

— Бирор ерингиз оғриётганга ўхшайди,— деди синчковлик билан.

Майрам қўшмижжа уни тинчлантирмоқчи бўлиб: — Э, шунчаки бошоғрик,— деди.— Ҳозир ўтади-кетди. Нусрат барибир ҳовлиқиб кетди, апил-тапил овқатини еб олдию бошига чийбахмал келкасини бостириб, кўчага чиқди.

У ўғлининг шу тобда қаерга боришини яхши билади. Майрам қўшмижжа, бирор жойи оғриси ё юраги сиқилса, Мерган момонинг бирпас гурунгини эшитса кифоя — ҳеч нарса кўрмагандай бўлиб кетади. «Лекин бу гал... бу галчи оғрик бошқача, ўғлим,— деди аёл ўзича хўрсиниб.— Сен бун билсанг эди! Йўқ, йўқ, билишингни ҳам истамайман, жон болам!»

Нусрат узоқ куттириб қўймади. Аммо бу сафар доридармон кўтариб келибди.

— Мерган момо уйда йўқ экан,— деди у.— Лекин, эртага келиши аниқ.

Мерган момо Майрам қўшмижжа кир ювган куни келган эди. Ҳовлига бир бош сукди-ю, дарҳол қайтиб кетди. Уй эгаси дарвозахона йўлагида ўтирган бўлса-да, уни кўрмай қолди. Башарти, кўчага тескари ўтирмаганда ҳам кампирни

пайкаши даргумон эди. Кампир Майрам қўшмижжанинг орқасидан келди, унинг коржомани тиззасига қўйиб, хаёлга берилганини кўрдию, «Чарчабди-да бечора, бирпас гурунг қилайин», деб яқинлашди. Шунда кўзи дафъатан Майрам қўшмижжанинг қафтадаги тангаларга тушди. (Бундай тангаларни таниш унга чўт эмас, қулоқ қилиш даврида фаол бўлган, қанча-қанча хазиналарни ўз қўли билан давлатга топширган.) У ўзича: «Эргаш кундадан қолган тангаларни санапти-ёв, хира паша бўлмайин», деб секин изига қайтди.

Мерган момо тўғри сойга борди. Бир ариқ сув оқиб ётган катта сой ўзанидан қизиган тош қидирди. Кампирнинг ўн яшар невараси ичбуруғ бўлган. Иссиқ тош шунга керак. Лекин, мурутак мевасидан зўри йўқ. Кампир аслида Майрам қўшмижжадан ана шу камчил мевани сўрамоқчи эди. «Эртан-мертан сўрарман, — деб ўйлади у. — Бугунча иссиқ тош элтай...» Бироқ, сойдан қизиган тош топа олмади — кунлар энди салқин, куз кириб қолган эди. Шундай бўлса ҳам кампир ялпоқ бир тошни кўтариб ҳовлига қайтди. Унинг ҳовлиси кенг-мўлгина, бир чеккасида катта ўғли, қарама-қарши томонда кичик ўғли уй қурган. Лекин, кампирнинг кўнглига қишлоқда урф бўлган бундай чорхонали уйлар ёқмайди. Ичкари хоналарига кирса, ўтириб қолган ҳавосидан нафаси қайтади. Унга эридан мерос икки хонали уйи тузук. Уйнинг бир хонаси даҳлиз, иккинчиси ётоқ, айни чоқда меҳмонхона. «Қайсинг кўргинг келса, мана шу кулбаи ёдгоримга келарсан. Анали «плон»ингга кириб юрмайман», деб ўғилларига тайинлаб қўйган.

Неваралари кампирнинг «кулбаи ёдгор»ига ўрганиб қолишган. Агар бу ерда бир ой тунашса, «қоровул»лик маошини олишади, бўлмаса йўқ. Бундай қоровулликка улар жон-жон деб келишарди. Бу сафар навбатдаги «қоровул»нинг тоби қочиб қолди.

Кампир тошни даҳлиздаги газга қўйиб, қўл куяр-куймас қилиб қиздирди. Кейин неварасини ҳол-жонига қўймай тўшакдан турғизди-да, иштонини ечиб, тош устига ўтказди. Бола аввалига кўнмаган эди, кампир «қоровуллик ҳақи»ни оширишга ваъда берди.

Кампирнинг қорни очган эди. Газга мис чойнакни қўйиб чой қайнатди, суви қочган нон ивтиб еди, новвот шимиди. У ўғилларининг қарамоғида бўлганидан уйда қозон осмасди. Иккала келини навбатма-навбат қарайди. Кампир ҳеч қайси келинига «Уни қилиб бер, бунни қилиб бер», демайди. Нимаики юборишса, шунга шукр қилади. Лекин бугун овқат вақти ўтган бўлса ҳам уни йўқлашмади. «Хай, майли, эсларидан чиққан бўлсам чиққандирман, мана нон-чой бор», дея ўзини овутди кампир.

Невараси «бўлди энди» деб хархаша қила бошлади. Касалхонага тушса, қирқ кунсиз чиқмаслигини, агар айтганини қилмаса, ҳозир дўхтирни чақиршини айтиб кампир уни кўрқитди.

Бир маҳал ҳовлидан бақир-чақир эшитилди. Кампирнинг юраги сиқилди. Дераза рафига қўл тираб ҳовлига қаради. Гужум тағида катта келини Анорхол чўнқайиб йиғлапти. Ундан сал нарида қўшнилари Неъмат ака тик турибди. Қудуқдан сув олгани чиққан шекилли, ёнида иккита сатил. Қудуқ яқинидаги харсантошда кампирнинг тўнғичи Холмирза ўтирибди. Қўлида катта ошпичоқ.

— Йўқол кўзимдан, бўлмаса ҳозир пичоқлайман! — деб бақирди у хотинига.

Кампир ҳовлига чиққанда ўғли бўлган гапни бир бошдан Неъмат акага тушунтираётган эди.

— Яхшими, ёмонми, бир қари онам бор, — дерди у бўғилиб. — Шунга овқат юбор десам, гап қайтаради...

Кампир жанжал ўзи туфайли чиққанидан эзилиб кетди. Эшитмаганга олиб ёнғоқ тағига ўтди. Хазон титиб, ерда ётган ёнғоқлардан терди. Шу баҳонада мижорони тинглаб ўтирди.

— Овқат юбормоқчи эдим, — деди Анорхол Неъмат акага қараб. — Бу сафар балки айб мендан ўтгандир. Лекин ўзининг айби йўқми? Бир сўранг. Яқинда отам келган эди. У киши ойда-йилда бир келади. Шунда ҳам турткилаб жўнатади. Айтаверсам, гап кўп... Зиқналигини-ку қўяберинг. Яқинда магазиндан ярим кило чой олган эдим, «Уйда бор эди, нега олдинг?» деб мени роса ҳақорат қилди. Уша чойни, ана, Қўзивой аканинг хотинига сотиб келдим. Бу

киши бир тийиннинг устида талашади. Хоҳ ишонинг, хоҳ йўқ, кийишга эгнимдагидан бўлак нарсам йўқ. Уғил болаларнинг қўйлак-иштонига ямоқ солса бўлар, лекин қизларга тўғри келмайди. Уларга кийим-кечак олай десам, алдагани алдаган.

— Йўқол кўзимдан! — деб бақирди Холмирза.

Анорхол Неъмат акага ёлвора бошлади:

— Айтинг, ҳеч бўлмаса, болаларимнинг нафақасини ўзимга берсин. Майли, ойлиги ҳам, бошқаси ҳам керак эмас.

У гапдан тинди-да, кўзёшини рўмолининг учи билан арта-рта уйига кириб кетди.

— Келини кўп қийнаманг, ҳамсоя, — деди Неъмат ака насихатомуз.

Холмирза ҳам дардини ёрди:

— Бу хотиннинг шариги ишламайди ўзи. Ун иккита болани боқиш ҳазил гапми? Хабарингиз бор, бунинг устига икки қиз икки боласи билан уйга келиб ўтирибди...

Бултур Холмирзанинг икки куёви мотоциклда тўйдан қайтаётди, гараждан чиқаётган машинага бориб урилган. Улардан бири шу заҳоти ўлди, иккинчиси тирик қолган бўлса ҳам, жигари эзилиб кетган экан, тузалмади. Эгачисингил болаларни эргаштириб оталариникига қайтиб келишди.

Холмирза ойлигининг бир қисми машинасининг эҳтиёт қисмларига кетаётганидан шикоят қилди.

— Уғилчалар катта бўлаяпти, оз-моз пул йиғмасак бўлмайди. Бу хотин бўлса фақат бугунни ўйлайди, — деди у қовоғини солиб.

Кампир ўглининг бундан кейин яна нималар дейишини яхши билади, шунинг учун унинг қолган гапларига қулоқ солмади. Қайфияти бузилиб, уйга кирди. Қариган чоғида оёғини узатиб, ҳузур-ҳаловатда яшаса экан. Қачон қараманг, бу ҳовлида уруш-жанжал. Ким билади ҳали, вақти-соати келиб қазо қилса, ўғил-келиндари ҳурматини ўрнига қўйиб кўмишармикан? Ҳеч бўлмаса, Жарқин момодай қилиб.

Бир ҳафта бурун кампир мазор бошига чиққан эди. Чолининг зиёратига боратуриб, Жарқин момонинг гўрига кўзи тушди. Уғил-қизлари унга қора мрамар қўйишибди. Кампир ижирғанди. Попуққанду сақич пуллаб юрадиган бир кампирга шунча обрў, шунча иззат! Нима, унга — Мерган момога, кимсан — районда биринчи тракторчи бўлган, комсомолга биринчи бўлиб кирган одамга мрамар қўйишса, арзимайдими? Одамлар айб қилмайдими: ўша олибсотарга мрамар топилибди-ю, нонини ҳалоллаб еган Мерган момога топилабдими, деб?!

Мерган момо Жарқин момо билан кўп тортишарди. Мерган момо унга: «Сен зараркунандасан, болаларингни ҳам шундай ўстирдинг, — дерди. — Ҳукуматнинг бағри кенг экан, ҳалиям сенларга индамайди». «Узинг ҳукуматга нима иш қилиб бердинг? — дерди Жарқин кампир. — Тирактир ҳайдаб, шаҳар олиб бердингми? Менинг болаларимга нима кипти? Бири буфетчи, иккинчиси омборчи! Сенинг болаларингга ўхшаб, шалоқ арава миниб юрсинми!»

Ана шу Жарқин кампирнинг маърақасини ўғиллари тўйда қилиб ўтказди. Неча марта қозон осилиб, неча қўй сўйилди. Айтишларича, дафн куни йиртишининг ўзигагина уч минг сўм тарқатилибди. Пули бор одам отасига йилига икки марта йилоши беради, дейдилар. Мерган момо ўғилларидан, келинларидан хафа бўлиб кетди. Булар бўлса, кунини жанжал билан ўтказди.

Кампир оладиган олтмиш сўм нафақасининг бир қисмини ўлимликка йиғди, қолгани — неваралариники. Қани энди, хазина топиб олса! Ушанда ўлими олдидан шундай васият қиларди: «Манави тангаларнинг бир қисми Холмирзага, фарзанди кўп, бу қисми — Каримбойга. Энди мендан рози бўлинглар». Ана кейин ўғиллари, айниқса, келинлари унга кўнғилдагидек хизмат қилмаганликларидан, жеркиб-сўкканларидан пушаймон бўлишади, кетма-кет олдига кириб, кўзёши қилишади, кечирим сўрашади. Мерган кампир бўлса: «Майли, болаларим, кечирдим, мендан рози бўлинглар», дейди. Кейин, кўнглини тўқ қилиб, гўрида тинч ётади. Уғиллари унинг қабрига катта мрамартош ўрнатишса ҳам ажаб эмас. Утган-кетганлар эса мрамар лавҳада шу сўзларни ўқиб ўтишади: «Ҳурматли онамиз ва момоимиз Норгул кампирга — ўғилларидан, келинлари ва неварала-

ридан». Кўпчилик балки Норгул кампир деса танимас, яхшиси, унинг лақаби — «Мерган момо» деб ёзилгани тузукдир. «Мерган момо» деб ёзилса, э-ҳа, анови кампирми, дейишади-да. Сўнг, у ҳақдаги нақли бири иккинчисига айтиб беради. «Ана шу кампир, — дейди у, — ўн уч яшарлигида қизил аскарларга қўшилиб, босмачиларга қирон келтирган. Мерганликда унинг олдига тушадигани йўқ экан. Учиб бораётган қушни ҳам уриб тушираркан».

...Мерган кампир қандай бўлмасин, Майрам қўшмижжага тилла қаёқдан келиб қолганини билишга, билса — тегишли жойга хабар беришга аҳд қилди ва бир кун ўтказиб уникига борадиган бўлди. Нусрат келиб кетган куннинг эртасиёқ жунамоқчи эди, келини кўрпаликка мағиз тикиб беринг, деб қўймади. Кампир: «Нусратнинг онаси чақирибди, бир бориб келай», деб гапни мужмал қилган эди, келин хафа бўлгандай бўлди: «Уларникига қадам босмас эдингиз-ку? Майрам қўшмижжа бева бўлдию уникига серкатнов бўлиб қолдингиз. Ишқилиб, хазина-пайлар топганингиз йўқми, у ердан?»

Аслида, келинининг ҳеч гапдан хабари йўқ, лекин бехосдан айтган бу гапи кампирни доводиратиб қўйди. У, Эргаш кунда хазина топганини келиним биров-яримдан эшитганмикан, деб ўйлади. Е, бўлмаса, рўст гапни тасодиф кўнглига солдимикан? Нима бўлса ҳам шу гапдан кейин гўмон қилиб юргани чин бўлиб кўринди.

Келинининг ажабланиб гапиргани бежиз эмас: Мерган момо Эргаш кунда тириклигида Майрам қўшмижжани ойда-йилда йўқласа йўқларди, бўлмаса йўқ. Негаки, Эргаш кунда билан гапи қовушмасди. Қайси бир йили олмасорда қизларга қандай қилиб тракторчи бўлганини гапириб бераётган эди, қаердандир Эргаш кунда келиб қолди-да: «Хола, сиз кўпам мактанаберманг, сиздан ҳам бир пайлар қинғирлик ўтган. Бошқа киши гапирса ярашади», деб унинг қитиқ-патиға тегди. Кампир Майрам қўшмижжага: «Эринг ўзи ёмон эмас-у, лекин бетга чопарлиги ёмон», дерди. Кампирдан ҳам қинғирлик ўтган, буни сира яширмайди. Урушдан олдин мана шу Эргаш кунданнинг амакваччасини (касб-кори кўнчи эди) ўртақол бўлганига қарамай, қулоқ қилдириб юборган. Бунга бир оғиз сўз сабаб бўлган. Мерган момо Эргаш кунданнинг амакисини йўлда учратиб, «Ҳорманг, Тўрақул», деса, у қўрсик қилган, «Мен Тўрақул эмас, Тўрабойман», деган. «Бой бўлсанг, қулоқ қиламиз», деса, «Кўлингдан келганини қил», деган. Кампир унинг ана шу бир оғиз сўзи учун қулоқ қилдириб юборган. Тўғри, унинг оти Тўрақул эмас, Тўрабой эди. Лекин бир оғиз сўз билан инсон тақдирини ҳал қилиш чўт эмасди. Эргаш кунда ана шу гуноҳи учун кампирни ёқтирмас эди. Кампир барибир уни ҳурмат қиларди. Эргаш кунда ўлганда Майрам қўшмижжанинг алам-изтиробига шерик бўлган ҳам, иссиқ-совуғига қарашган ҳам шу — Мерган момо бўлди.

Мерган момо келинининг раъйига қаради — кун бўйи ўтириб пахта савади, кўрпага мағиз тикди. Шу иш мобайнида хаёлига бир ўй келдию севиниб кетди. Майрам қўшмижжага хонаки гилам керак эмасмикан? Жуда керагов. Уйланаман деб турган ўғли бор-ку. Рози бўлса, ана шу гиламни Мерган момо тўқиб беради. Гиламни унинг ҳовлисида тўқиса — олам гулистон. Анови тангаларни қўлга киритишга ҳам ўнғай бўлади...

3

Майрам қўшмижжа кампирнинг ташрифидан севиниб кетди.

— Йўқлатган экансан, қизим, кеч бўлса ҳам бир хабар олай дедим.

Майрам қўшмижжа кўрпача тўшаб, кампирни тўрга ўтказди.

— Холажонимдан айланай, — деди у кулимсираб. — Сизни йўқлаб бориш биздан лозим эди-ку.

Майрам қўшмижжа кампирга Ойхол бид-бид келиб, кўнглига шубҳа солиб кетганини айтмади. Фақат, шу кунларда юраги бир оз сиқалаётганидан шикоят қилди.

— Нусратни уйлантиргин-қўйгин-да, — деди Мерган момо. — Ёнингда келин бўлса, юрагинг ҳам сиқилмайди. Кейин, неварга кўрсанг, зеркиш нималигини ҳам билмайсан.

Майрам қўшмижжанинг нияти ҳам аслида шундай эди.

Лекин, Нусрат «Шошманг ҳали, онажон», деб нуқул пайсалга солгани солган. Раҳматли отаси ҳам ўғлининг тарафини олиб, «Нусратнинг ўзига қўйиб бер, қачон уйланаман, деб тиқилинч қилсагина уйлантир», деган. Уғли яқинда, отасининг йилидан сўнг, «тайёргарлик кўриб қўйинг» дегандай қилди.

Мерган момо бу гапларни эшитиб, «Нусрат ҳартугул уйланадиган бўлибди-да», деб севинди. Кейин:

— Шу ўғлингнинг тўйига атаб бир гилам тўқиб берсаммикан? Улиб кетсам, Мерган момодан ёдгорлик, деб эслаб юрарсизлар, — деди.

Кампирнинг товуши негадир титраб чиқди. Бундан Майрам қўшмижжа таъсирланиб кетди. Мерган момо аломат кампир-да! Одамнинг кўнглидагини топиб гапирди. Келин олишга хонаки гилам етмай турган эди. Аини мудадо бўлди. Бунинг устига, Мерган момо тўқиб берса! Кампир ўз вақтида қишлоқнинг энг чевар гиламдўзларидан эди. Энди эса қаричлик, кўнгли кетса, ойда-йилда бир тўқийди, бўлмаса йўқ.

Майрам қўшмижжа фурсатни бой бермай, ичкаридан калаваларни чиқариб кўрсатмоқчи бўлди. Лекин Мерган момо гапни чувалатди. Уйда тинчлик йўқлигидан шикоят қилди. Невараларининг қий-чуви бошини оғритиб ташлаган. Уғли билан келини кунора жанжаллашишмаса куни ўтмайди.

— Сенга ваъда бердим-у, шунисини ўйламабман, — деди Мерган кампир уҳ тортиб. — Нима қилай, шовқин-суронга тобиб йўқ — қон босимим бор. Бунақада ҳовлида гилам тўқиб бўлармиди?

Майрам қўшмижжа кампирни қўлдан чиқармасликни ўйлади. Мерган момо тўқийман деса, мана — ҳовли, кенгагина, бир эмас, уч ўрмак сифади. Қолаверса, кампир шу ерда тўқиса, унинг ҳам кўнгли ёзилади.

Кампир бу таклифга рози бўлди.

— Сен нима десанг, шу, — деди у. — Хоҳласанг, уйингда ҳам кўриқчи, ҳам тўқувчи бўлиб ўтирабераман-да.

Орадан бир неча кун ўтиб, кампир ўрмак қўйди. Ҳовли саҳнида қатим-қатим тортилган ранг-баранг ипларни кўриб Майрам қўшмижжанинг баҳри дили очилди, қиличнинг ўрмакка тўқ-тўқ урилиши қулоғига ёқимли куйдек эшитиларди.

— Гиламга нақшинг қайси хили бўлсин? — деб сўради Мерган момо.

Майрам қўшмижжа «иттовон» нақши ёқишини айтди. Насиб бўлса, кампир тўқиб берадиган гилам келинининг тортиқдорига осилади. Бу — кампирнинг меҳнатига муносиб ҳурмат. Мерган момонинг юзига табассум ёйилди.

— Хўп, хўп, — деди у. — «Иттовон»ни хоҳлаганинг, «Келиним эрига итдай содиқ бўлсин», деганинг-да, шундайми?

Майрам қўшмижжа «Ҳа, шундай», деб қўяқолди. Аммо бу фикр хаёлига ҳам келгани йўқ. Азбаройи шу нақшни ёқтиришидан айтди, холос. Кампир халқи кўп кунжков келади, ҳар бир сўзингизни жон қулоғи билан тинглаб, мағзини чақади, шунга яраша жавоб излайди. Ажаб эмас, Майрам қўшмижжа ҳам қариганда шундай бўлса. Шу Мерган кампирга ўхшаса, кошки эди. Саксонни қораласа ҳам ҳалигача шу кампир ўт-олов. Мана, бир неча кун бўлдики, Майрам қўшмижжа ишдан чарчаб келса, Мерган момо ҳовлини супуриб, овқат, чойгача тайёрлаб қўяди. «Ўзингизни бунча уринтирманг, момо», деса ҳам кампир ўз билганидан қолмайди. Баъзан, гурунғ чўзилиб кетган кечалари шу ерда ётиб ҳам қолади. Унинг бисотида қизиқ гаплар жуда кўп. Лекин ҳаммасини ҳам айтавермайди. Одатига кўра, қайси хонадонда меҳмон бўлса, ўша оилага тегишлисини топиб гапирди.

Кампир биринчи кунлари гапни Нусратдан бошлади. — Нусратбой, чалги воқеаси ҳалиям эсингдами? — деб сўради у.

Нусрат «йўқ» дегандай бош чайқади.

— Йўғ-э?!

Кампир энди ўгирилиб Майрам қўшмижжадан сўради: — Майрам, катта қизингни узатганинда Нусрат нечида эди? Ўн учдами?

Кампир чалги воқеасини ҳикоя қила кетди. Раҳматли чоли ўша тўйда кўнгли тусаб дутор чалмоқчи бўлибди. Даврага чой ташиб юрган Нусратни чақириб, «Бизникига бориб кел. Холангга айтсанг, чалғини беради», деб тайинлабди. Нусрат

уларнинг уйига бориб, Мерган холага: «Чалғини бераркансиз, амаким айтди», дебди. Мерган кампир ҳам ўйламай-нетмай, чолғунинг ўрнига чалғини бериб юборибди. Уша кун чали мулзам бўлиб, тўйдан эрта қайтибдию келасолиб Мерган момони дўппослай кетибди.

— Калтак емасликка-ку кучим етарди, — деди Мерган момо. — Лекин индамадим. Узим гуноҳдор бўлгандан кейин калтакка ҳам чидадим-да. Нусрат-ку болаки қилиб сўзинг фарқига бормабди, қиш кунни чалғи нимага керак бўлибди, деб мен фаросат қилмайманми? Ажойиб чолим бор эди-да, жойи жаннатда бўлгур. Комсомолга кирганимда индамаган, тракторчи бўлганимда гапирмаган чолим ўшанда роса адабимни берган. Шу-шу, биров бир нима деса, дарҳол гапнинг мағзини қақай дейман.

Нусрат кампирнинг бу гапларидан маза қилиб кулди. Афтидан, унга ҳам Мерган момонинг гурунги ёқиб қолган эди. Лекин у бир ҳафта ўтар-ўтмас, бузук телевизорни сошлаш баҳонасида ўзини четга олди. Чунки, кампир ундан нима учун ўйланмай юрганини сўрайвериб берор қилди. Қишлоқнинг хушрўй-хушрўй қизлари бегона ерларга тушиб кетаётганини қайта-қайта ташвишланиб айтди. Нусрат бўлса, «бизга ҳам топилиб қолар»дан нарига ўтмади.

— Углин жудаям уятчан-да, — деди бир кун Мерган момо Майрам қўшмижжага. — Шу томони отасига тортмабди. Эргаш кунда ёшлиғида аломат йигит эди. Буни мендан ҳам кўра сен яхшироқ билсан. Катта боғда сенга олма едириб юрганлари эсингдадир...

Кампир қурғурнинг билмаган нарсаси йўқ экан. У Майрам қўшмижжанинг қизлик пайтида Эргаш кунда билан Каттабоғда қучоқлашиб турганини кўрганини айтди. Бўлмаса, Майрам қўшмижжа ўша боғда Эргаш кунда билан бор-йўғи бир мартагина учрашган, холос. Эсида, ўшанда иккаласи райондан олти ойлик муаллимлик курсини тугатиб келишаркан эди. Боғ қишлоқ йўли устида бўлиб, эртапишар тарақи олмаларга эндигина маза кирган эди. Улар чанқовни босиш учун боққа бурилишди. Эргаш дарахта чикиб, олма қоқди. Сархил тарақи олмалар ер билан битта бўлди. Кейин гўё осмон ҳам олмаларга тўлиб кетди. Ҳавода олмаларнинг хушбўй хиди анқиди. Эргаш кунда унинг ўзини ҳам олма каби қўлига олиб эркалади, суйди, бағрига босди... Кампир қурғур ўшанда уларни кўриб қолган экан-да! Ҳатто, улар учрашган жойнинг қаердалигини ҳам тўппа-тўғри айтди. Боғ қўйнида бир қиялик бор, номини сувтурмас дейишади. У ерда баланд-баланд олмалар бўларди. Нимагадир бу навни «эшак олма» деб аташарди. Меваси йирик, шигил бу дарахтлар бошқа ҳеч қаерда учрамайди. Бу дарахтларни ким, қачон экканини ҳам ҳеч ким билмайди. Ким экан бўлса ҳам отасига раҳмат. Лекин бурноги йил ёмон иш бўлди. Майрам қўшмижжа бели оғриб, Обигармга кетса, ўша дарахтлар кесилиб кетибди. Дарахтлардан қолган тўнгаларни кўриб, Майрам қўшмижжа яна ётиб қолди. Кейин билса, пахта заводининг директори у ерда ўзига хосхона қуришни кўзлаган экан. У яна бу фикридан қайтиб, Етимтоғ ичкарисини танлабди. Утган йили ўша директор янги қурилган оромгоҳда ўзини осиб ўлдирди. Майрам қўшмижжа унинг ўлганини эшитиб, заррача ачинмади. Мерган момо ҳам Майрам қўшмижжанинг гапларига қўшилди. Уша директорнинг шаънига бир-икки аччиқ-тизиқ гап ҳам айтди. Кейин яна бояги гапни давом эттирди.

— Уша, боғда сенларни кўрганимнинг эртаси кунини Эргашни учратиб, «Ҳа, олмазорга ҳам бориб турибсанми?» деб сўрадим. «Холажон, ҳеч кимга айтманг», деб кўп ялинди боёқиш. «Қизнинг номига доғ тушмасин», деди. Мен бўлсам, жўрттага дўқ ураман, у бўлса нима қиларини билмайди. Охири, ҳеч кимга айтмайман, деб тинчтидим.

Ҳа, буларнинг ҳаммаси Майрам қўшмижжанинг эсида. Эргаш кунда олов эди. Ушандаёқ, боғнинг қўйнида ишини пишитиб олган эди. Лекин, ўйланишга шошилмади. Қўли калталиқ қилди. Кейинроқ, ўйланишга бир оз сармоя йиққач, тўйлари бўлди. Урушгача иккаласиям ўқитувчилик қилди. Урушдан кейин эса, бу билим билан ўқитувчилик қилиб бўлмаслигини сезишдию иккаласиям ўзларини боғдорчиликка уришди.

4

Одам тушида уचा, толеи баланд бўлади, дейишади. Майрам қўшмижжа кеча Маржон теварагидаги Оқтоғ

устидан учиб юрган эмиш. Оқтоғ унча баланд эмас, этаги пахтазор, чексиз-поёнсиз дала, нариги тарафи эса қарғиш теккандай хувиллаган адирлик. Бу ерлар йилнинг тўққиз ойи давомида сувсизликдан қарқаб ётади. Ана шу адирликнинг бир учи Етимтоққа бориб туташади. Етимтоғ ёнбошида эса каттагина боғ яшнаб ётади. Бу боғ қачонлардир қазилиб, кўмилаёзган қоризлардан сув ичади. Мабодо, районда бирор киши қаердан эканлигини суриштирса, «Маржонликман» дегн, суҳбатдошингиз дарҳол: «Ҳа, анави боғ ёнидаги қишлоқми?» дейди. Ана шундай, бу боғни кўпчилик билади. Майрам қўшмижжа шу боғда бригадир. Тушида ҳам ўша Оқтоғ устидан тўғри ана шу боққа қараб учибди. Лекин, дарахтларда олмалар эмас, тилла тангалар осилиб турган эмиш. Майрам қўшмижжа тушининг тафсилотини Мерган момога айтган эди, кампир унинг қўнглини кўтарди: «Қизим, тушинг яхшиликка экан, худо хоҳласа, бу йилги ҳосилинг баракали бўлади», деди.

Кампир рост айтган экан. Кузги олмалар пишди. Ҳосилидан дарахтларнинг қадди ёйдек эгилган. Майрам қўшмижжа бир-икки марта кампирни ҳам ўша Каттабоққа олиб борди. Севинганини айтинг. Кўйлагига олма ҳиди уриб қолган экан, гилам тўкиб ўтирганида ҳам ўзини боғда юргандай ҳис қилармиш. Шундан кейин, унинг иши ҳам унди. Гиламнинг бир йўлини тўкиб тугатди. Аммо Майрам қўшмижжанинг иши юришмай қолди. Кампир буни сезган ҳам экан, сўроққа тутди. «Нима бўлди ўзи?» деб ҳол-жонига қўймади. У кампирга дардини тўққани билан мушқули осон бўлармиди? Майрам қўшмижжанинг дарди ҳар йили олма пишиғида қўзийди. Танида эмас, юрагида. Қанча меҳнат қанча парвариш қилинган олмаларнинг нобуд бўлаётганини кўриб, юраги эзилади. Директорга борса, одатдагидек, бир хил жавоб олади: «Совхоз боғдорчилик эмас, чорвага ихтисослашган, бошни кўп қотирманг».

Уч кун бурун ҳам шунга ўхшаш савол-жавоб бўлди.

— Олма нобуд бўляпти, директор бова, ишчи беринг, — деди Майрам қўшмижжа.

Директорнинг қовоғи уюлди. Ҳозир унинг нима дейиши Майрам қўшмижжага аён. Ем-хашак тўплаш — биринчи масала, қолаверса, ёрдамчи кучларни пахтакор совхозларга юборганимиз, дейди. Худди шундай бўлди. Майрам қўшмижжа ялинишга ўтди.

— Ҳеч бўлмаса, биргадга қарашли одамларни хашакдан қайтаринг. Олмани териб олишга бир ҳафтагина етади, холос, — деб кўндирмоқчи бўлган эди, директор:

— Одамларингизни томорқамда ишлатаётганим йўқ, — дея жеркиб берди.

Майрам қўшмижжа ҳам ўзини тутиб туролмади.

— Шунча мева увол бўлиб кетса майлими?! — деди аччиқланиб.

— Ҳа энди, кучларингиз етганча териб турунглари-да, — деди директор сал юмшаб.

— Қанақа кучни айтяпсиз? Боғда мену қоровул — иккимиз бормиз, холос.

— Хўп, майли, ёрдам қиламиз, — деди директор. — Пича сабр қилиб турунглари.

Лекин у ваъдасида турмади. Ҳаляям ёрдамдан дарак йўқ. Бу ёқда олма нобуд бўляпти. Чунки, директор олмадан совхозга даромад кам деб, бу ишга мутлақо қайғурмайди. Тўғри, район тайёрлов пункти олмани жуда арзонга сотиб олади. Лекин, халқ-чи? Халққа олма керак эмасми? Район чорваю пахтага ихтисослашгани билан, чорвадор ва пахтакор олма емайди, деб ким айтди? Ана, бозор оралсангиз, бир кило олма фалон пул. Бу ёқда эса олма нобуд бўлиб ётибди. Директор бу гапларни билмайдими? Билади, фақат жон куйдирмайди.

Майрам қўшмижжа «ҳеч гап бўлгани йўқ» деб, Мерган момодан қутулмоқчи эди, бўлмади. Кампир гапни бошқа томондан олди.

— Шўрлик Эргаш кунда! — деди у гўё афсус оҳангига. — Мен сени лаби-даҳани бор, туппа-тузук аёлга ўйланган десам, адашган эканман. Бунақа ичимдан топ, гунг хотин билан шунча йил умрингни қандай ўтказдинг-э?

Майрам қўшмижжанинг ёрилишидан бошқа чораси қолмади. Кампирга айтмаса, у ҳеч ҳам тинчимайди. Шунинг учун бор дардини тўкиб солди.

— Шошмай тур, ҳали ишларинг ўнгланиб кетади, —

деди Мерган момо. Кейин, бирпас ўйланиб, шундай деди: — Эртага бир сатил олмангдан келтири-чи!

Майрам кўшмижжа «кампир невараларига олма сўраёт-тир» деган хаёлга борди-да, эртасига бир челақ олма келтириб берди. Кампир олманинг устини дока билан беркитиб, уйга олиб кетди. Майрам кўшмижжа шу куни тўғри мактабга борди. Мактаб директорига учрашиб, ҳашарга ўқувчи сўради.

— Совхоз боғига денг, — деди ёш директор. — Директорингиз ёрдам керак деб менга айтмади-ку?

— Бу менинг шахсий илтимосим, ука, — деди Майрам кўшмижжа.

Мактаб директорини узоқ ўйланди.

— Опа, хабарингиз бор, юқори синф ўқувчилари пахтада, қуйи синфларни эса қишлоқ хўжалик ишларига жалб қилиш мумкин эмас.

— Ҳеч бўлмаса, бешта-ўнта бола юборсангиз бўларди, — деди Майрам кўшмижжа умид билан. — Олма нобуд бўляпти, ука.

Директор хушламайгина рози бўлди, майли, беш-ўнта ўқувчи юбораман, деди. Майрам кўшмижжа раҳмат айтиб, ташқарига чиқаётган эди, директор луқма ташлади:

— Олмангиз яхши пишганми ўзи?

«Ана холос! Ҳозир октябрь ойи, олма фарқ пишганини яхши биласиз-ку, муаллим!» Майрам кўшмижжанинг хаёлидан шу гаплар ўтди-ю, лекин дилидагини тилига чиқармади, аксинча, худди катта бир янглик айтиб уни ишонтирмоқчи бўлгандек, шоша-пиша:

— Олма шунақам фарқ пишганки, кўяберинг, бир қути юбораман, еб кўриб, бир йилгача қанд деганини оғзингизга олмайсиз! — деди.

Бу гапдан директорнинг чеҳраси очилди. Ундаги ўзгариш Майрам кўшмижжага қаттиқ таъсир қилди. Негадир ўзини маҳзун сездди. «Олма керак бўлса, очикдан-очиқ айта-бермайдим!» деб фикрини ўзича.

Лекин у пишиб турган ишни бузгиси келмади. «Хўп, кутамиз энди», деб гапни қисқа қилди.

5

Бугун Майрам кўшмижжа ишдан ҳориб қайтганига қарамай, оғзи-қулоғида эди. У келасолиб, уйга кириб-чиқиб юрган Мерган момога мақтов ёғдирди. Гиламдўзликда сизга тенг келадигани йўқ, деди, онам ўрнида онамсиз, деди, устма-уст унинг юз-кўзидан ўпиб, сиз зўр фолчисиз, деди. Кампир ҳам суюниб кетди.

— Ҳа, тинчликми, Майрамой, момонгни бозорга чиқарадигандай қилиб мақтадинг?... Мунча хурсандсан, бир кўза тилла топгандай? — деб сўради Мерган момо қулоқларини динг қилиб.

— Тилла ҳам гапми? Бир боғ тилла олмани сотарман бўлди-ку! Шахсан райкомнинг биринчи секретари совхоз директорига: «Маржонда ажойиб олмazor бор экан, нега шу пайтгача айтмадингиз? Дарҳол олмани тердириб, пахтакор совхозларга жўнатинг!» деди. Ана шундай, омад бераман деса, қўшқўллаб бераркан. Бир ёқдан «Олмани бегона қилманг» деб, тайёрлов пункти ходимлари келиб туришибди!

Мерган момо бу гапни эшитиб, ғурур билан мақтади:

— Э, ўша райком сен берган олмалардан татиб кўрган эди-да!

Майрам кўшмижжанинг оғзи очилиб қолди.

— Ҳали сиз кечаги бир сатил олмани райкомга элган эдингизми?

Мерган момо кула-кула бор гапни айтиб берди. У ўша куннинг эртасига тўғри райкомга борибди. Секретарь йўқ экан, лекин Мерган момо қабулхонадан нари кетмабди. Келган-кетганга биттадан олма бериб, кўпчиликнинг кўнглини овлаб ўтирибди. Котиба қиз: «Хола, бекорга вақтингизни кетказиб ўтираберманг, райком келгани билан сизни қабул қилмайди, бугун бюро бўлади», деган экан, кампирнинг аччиғи чиқибди: «Ветеран коммунист Мерган момони қабул қилмай кўрсин-чи!» деди.

Райком секретари хуфтонга яқин келибди. Қирқ беш ёшлар атрофидаги келишган, бўйчан бир киши экан. Котиба

қиз ўрнида ўтирган кампирни кўриб, ҳайрон бўлибди. Салом берибди. Шундан сўнг Мерган момо ўрнидан туриб, гапни бошлабди.

«Сизга олма келтирган эдим, еб кўрсангиз», — дебди у дабдурустдан ва челақдан бир неча донасини олиб узатибди. Секретарь унинг қўлини қайтармай олмани олибди. Бир-икки тишладан сўнг кампирга қарабди.

«Ширин эканми?» — деб сўрабди Мерган момо.

«Ширин, ширин, — дебди секретарь ва кампирни ичкарига бошлабди. — Қани, энди эшитайлик-чи, бу олмалар қаерники?»

«Маржонники, — дебди кампир. — Ана шу Маржонда қадимдан қолган бир боғ бор. Олмалари увол бўлиб кетяпти. Ердам берсангиз, деб келган эдим...»

Котиб кампирнинг ҳамма гапини диққат билан тинглабди. Кейин, шофёрни чақириб, бу кишини Маржонга қўйиб келасан, деб тайинлабди. Кампирга эса: «Хотиржам бўлинг, момо, бундай ширин олмаларни увол бўлишига йўл қўймаймиз», дебди.

— Ана шундай, Майрамхон, Мерган момонг қишлоққа райкомнинг мошинида келди! — деб гапни тугатди кампир.

— Айланай ўзимнинг момондан! — деди Майрам кўшмижжа қувониб. — Мен сизни бекорга мактамадим-да. Кампир пиёва сузиб келди. Узи эса, таомга қўл чўзмади.

— Нега емайсиз? — деб сўради Майрам кўшмижжа. — Ё мақтовдан тўйиб қолдингизми?

— Мақтов ҳам қари одамга таомдай гап, — деди кулиб кампир. — Мени кўябер. Ростини айтсам, кечқурунлари овқат есам, босинқираб чиқадиган бўлибман.

Майрам кўшмижжа овқатни иштаха билан еди, сўнг дастурхонни йиғиштиратуриб, сўради:

— Менга қаранг, агар райком секретари сизга, уйингизга бориб тинчгина ўтираверинг, ҳозир пахта кампанияси, ишимиз шундай ҳам бошимиздан ошиб ётибди, деса, нима қилардингиз?

Кампир бу гапга ҳайрон бўлди. Кейин қатъий ишонч билан жавоб қилди:

— Ундай калтаўй одамни катта ишга қўймайди!

Майрам кўшмижжа нима деярини билмай қолди. Нима ҳам десин? Аввалги секретарь калтаўй одам эмасмиди? Худди ўша эмасмиди катта-кичикнинг фикри билан ҳисоблашмайдиган? У қайси бир йили бригадаси индивидуал жун топширишни удаламагани учун Майрам кўшмижжага кўпчилик олдида ўдағайлаган, шунда Майрам кўшмижжа ҳам тап тортмай: «Менинг жун заводим йўқ, борини топширдик. Қолаверса, мен ферма мудир эмас, боғдорчилик бригадириман!» деган. Ана шу гапи учун, хотин-қизлардан эканини ҳисобга олиб, енгил жазо — ҳайфсан беришган эди.

Яна бир воқеа эсида. Майрам кўшмижжа бир мажлисда район советининг депутати сифатида сўзга чиқди. Маржон сингари қадимий қишлоқлар тақдирини ҳақида гапирди. У бу масалани кўпдан бери ўйлаб юрарди. Районда аҳолиси кўп эски қишлоқлар бир талай, лекин уларга зътибор йўқ. Нимаики қурилиш, ободончилик ишлари бўлса, фақат янги ташкил этилган совхозларга. Эски қишлоқларда эса ишчи кучи кўп. Бир қишлоқда, лоф эмас, тўқсон фоиз хотин-қиз уйда ўтиради. Маълумки, улар бола-чақасини ташлаб чўлга боролмайди. Шундай бўлган, уларга гиламчилик ёки ип-калава йиғириш цехи очиб бериш зарур. Бу масала Нурота шаҳрида тўғри ташкил этилган.

Майрам кўшмижжа мана шу фикрларни минбардан туриб гапирди. Лекин унинг қўйиб-пишиб айтган гапларига райкомнинг биринчи секретари энсаси қотиб луқма ташлади: «Чўлга одам етмаяпти-ю, бу киши қаердаги талабларни қўйяпти!» Шу луқма сабаб бўлиб Майрам кўшмижжанинг таклифи инобатга олинмади. Мана, райкомга янги секретарь келди, қиш ўтсин-чи, бу масалани унинг ҳукмига қўяди.

6

Майрам кўшмижжа ишдан келганда Мерган момо ҳовлида одатдагидек ўрмак ўриб ўтирарди. У Ойхол бид-бид уйга чақириб кетганини айтди. Кейин, нима жавоб қиларкан, дегандек Майрам кўшмижжанинг оғзига ти-

қилди. Майрам бунн сизди-ю, лекин ҳеч нима демади, ўрик билан туғдонага тортиланг сим дордан ювилган кийимларни йғди, улэр орасидан майда гулли крепдешин кўйлагини ажратиб, дазмол босди. Мана шу кўйлак одмироқ, бошқасини кийиб борса, Банот мошиначи қилдан қийиқ ахтаргандай бирор гап топади. Унинг феъли шундай — сут билан кирган жон билан чиқармиш. Майрам қўшмижжанинг аслида у ерга кўнгли тортмаса ҳам, ноилж боришга мажбур. Бўлмаса, Ойхол бид-бид яна гап қилиб юради. Туриб-туриб унга: «Бор, иғво қилсанг қилабер, тўйдим кўрқитишларингдан!» дегиси келади. Лекин, бу гапни неча йиллардан бери ўйлайди-ю, айтишга журъат этолмайди. Уртада ўғли бор, яккаю ягона ўғли. Қизи ҳар ҳолда кўнгиладан. У ўғлидан ҳайиқади, гап-сўз кўпайса, унинг юзига қандай қарайди? Бу гапдан сўнг ўғли одамлар орасида қандай бош кўтариб юради? Майрам қўшмижжани мана шу кўйнайди.

Кампир унинг Ойхол бид-бидниги отланаётганини кўриб, қовоғини солди.

— Ундан кўра, қизингдан хабар олсанг бўлмайди, ўғилчаси сариқ бўлган деб эшитдим, — деди у гилам тўқишдан тўхтаб.

— Қизимниги кейинги ҳафта бориб келаман, — деди Майрам қўшмижжа сир бой бермай. — Ойхол билан ҳамсоя турганмиз. Яна айтиб юрмасин, бизни менсимайди, деб.

Кампир ҳеч нима демади. Майрам қўшмижжа йўлга чиқди. Бора-боргунча Ойхол бид-бид билан ҳамсоя бўлган дамларини, уларнинг ҳовлисига қачон биринчи марта кирганини эслади.

У энди келин бўлиб тушган кезлар эди. Бир кунн қайнанаси: «Келинжон, Банот қайчимизни олиб кетган эди, бориб олиб келинг», деди.

Майрам қўшмижжа қўшниникига чиқди. Дарвозаси очик экан, тўғри кириб борди. Ҳовлининг ўртасига етганда, тандир устида ўтирган, соч-соқоли оппоқ бир чолни кўрди. Чол лабида мохорка, бармоқларини шавқ билан қирсиллатарди. Майрам қўшмижжани кўриб, оғзидан ҳалқа-ҳалқа тутун чиқариб, бир терма айтди:

Маст бўламан бу кеча,
Асп бўламан бу кеча,
Келмай қолса оймқиз,
Хас бўламан бу кеча.

Майрам қўшмижжа чолнинг нашаванд эканини аввал эшитган бўлса-да, уни кўриб ақли шошиб қолди. Шошапиша орқасига қайтмоқчи эди, ҳовли саҳнида Банотнинг онаси пайдо бўлди. У чолни қаргаб кетди: «Қани эди, хас бўлиб кетса бу уйи куйгур!» Кейин, Майрам қўшмижжани кўриб, кўярда-қўймай уйига етаклади. Қайчани бергач, боғига бошлаб чиқди, бир косани тўлдириб марвартак тут териб берди. Майрам қўшмижжа уй орқасида ўсиб ётган ўсимликни кўриб, «Хола, нима бало, ғўза экдингизларми?» деб сўраган эди, «Ғўза эмас, наша, — деди кампир. — Кўриб кетгур чолнинг иши бу».

Эсида, наша гуллаш арафасида милиция ходимлари келишдию барини суғуриб ташлашди.

Чол ҳар йили экаверди. Шундан кейин уни бир-икки ойча қамаб ҳам қўйишди. Чол тавбасига таянган бўлиб, наша экмасликка тилхат берди.

Бир кунн Майрам қўшмижжа олма тергани дарахтга чиққан эди, кўшни боғдаги эски саройга кўзи тушди. Бу ер бир пайтлар колхознинг отхонаси эди. Унинг қўштабақали дарвозаси ланг очик бўлиб, ичида гуркираб наша ўсиб ётарди.

Эртаси кунн далада қизларга ўйламай-нетмай кеча кўрганни айтиб юборди. Кўп ўтмай бу гап қанот чиқариб, бутун қишлоққа ёйилди, кейин органга ҳам етиб борди. Милициядан одам келиб нашани юлиб ташлади-да, чолнинг жазаваси кўзиб, мияси айниб қолди. Уни жиннихонага олиб кетишди.

Чол соғайиб чиққач, кўча эшиги олдида бўйинни қисиб ўтирадиган одат чиқарди. Аммо, Майрам қўшмижжани кўриб қолса, яна жини кўзиб, уятли сўзлар билан сўкарди. Кампирни бўлса, аксинча, Майрам қўшмижжани қаерда

кўрса, «Болаларингнинг ҳузурини кўр, мени бу даҳмаздан кутқариб, савоб иш қилдинг», деб алқар эди.

Чол кўп ўтмай қазо қилди. Қизлари — уч опа-сингил эса, оталарининг ўлимини Майрам қўшмижжадан кўриб, кўча-кўйда уни қаргаб юришди. Бу орада кампир кўричак бўлиб беморхонага тушди. Ун-ўн беш кун ўтмай у ҳам бандаликни бажо келтирди.

Майрам қўшмижжа опа-сингилларни ёмон кўрса ҳам, аза кунлари белини бойлаб, уларнинг гамига шерик бўлди. Марҳуманинг еттисига қадр, йўқлов айтганларга кунора овқат чиқариб турди, ҳамсоячилик одатини жойига қўйди.

Мана шу ҳамдардлигини назарда тутибми, ҳарқалай, уч опа-сингил унга муомаларини ўзгартиришди.

Онасининг йили ўтмай Банот мошиначи Абдусалом деган йигитга эрга чиқди. Абдусалом кўшни қишлоқдан эди. У қизни олиб кетмай, ўзи ичкўёв бўлиб келди.

Шундан кейин Майрам қўшмижжа бу ҳовлига кирмай кўйди.

Абдусалом ичкилик деса ўзини томдан ташлайдиганлар хилидан экан. У ўрмон хўжалигида ишласа ҳам, кунини ҳовлисида ўтказарди. Уни йўқлаб уч улфати тез-тез келиб турар, улфати чор бўлиб тонггача базм қилишар, базмнинг охири албатта муштлашув билан тугар эди. Эргаш кунда баъзан эски латта-путтадан тўп ясаб, унга мой шимдишарди-да, белкурак устига кўйиб, девор оша уларнинг ҳовлисига иргитарди. Абдусалом ўн-ўн беш кун тинчиб кетар, кейин яна ўз билганидан қолмас эди. Унинг улфатларини Майрам қўшмижжа яхши танирди. Жарқин момонинг икки ўғли — бири райондаги буфетда, иккинчиси колхоз омборхонасида ишларди. Учинчи киши оқтошлик бир созанда эди. Ана шу созанда Қирмиз билан ўйнашиб, кейин уни хотин қилди. Кўп ўтмай Қирмиз ундан ажралиб, район раҳбарларидан бирига тегди. Лекин, урушдан сўнг, бепуштлиги учун ажралиб келди. Орада Ойхол бид-бид кўруқ қолди. Жарқин момонинг буфетчи ўғли унга уйланмоқчи эди, чўлоқ деб тегмади. Неча йил йигит танлади, урушдан кейин эса тузук одам чиқмади. Шундай қилиб, уч опа-сингил бир ҳовлида қолиб кетишди.

Абдусалом ака урушдан хийла вазмин бўлиб қайтди. Хотини диққинафас уйда ўтириб кийим тикаверганиданми, бошқа нарсаданми, сил дардига гирифторм бўлган эди. Дўхтирлар, агар уй-жой, қозон-товоқ тоза тутилмаса, бу дард бошқаларга ҳам ўтиши мумкин, дейишибди. Шу гап туртки бўлди, ҳарқалай, Абдусалом ака ҳовлини обод қилишга киришди. Лекин негадир «Биров устимдан ёзма-син», деб доим чўчиб юрарди. Йўқ, барибир, «Томорқаси катта, бир ўзи икки гектар ерни эгаллаб ётибди», деган мазмунда устидан ёзилди. Комиссия текшириб кетди. Бироқ, қишлоқ советининг хўжалик дафтаридан уч опа-сингил алоҳида-алоҳида хўжалик эгаси сифатида қайд этилгани учун ҳеч ким ҳеч нарса дея олмади. Майрам қўшмижжа уларнинг томорқаси ўртасидаги ярим қулочли девор нима учун кераклигини шунда тушунди.

Эргаш кунда унга доим: «Кўй, хотин, ўша ерга борма», деб айтгани айтган эди. Лекин Майрам қўшмижжа «Ойхол бид-бидниги бориб турмасам, яна иғво бошлайди», деб кўрқарди. Эргаш кунда опа-сингиллардан ҳам кўра Абдусаломни ёқтирмас эди. У қайси бир йили мактабда Ғалаба кунн муносабати билан ўтказилган тантанали ййғилишда сўзлаб, урушда кўрсатган қаҳрамонликлари учун олган орден-медалларини қайтишда поездда йўқотганини айтиб, ҳаммани лақиллатган экан. «Хайрият, бундай касофатлар фронтда кўп эмасди. Сотқинлар ҳам мана шундайлардан чиққан-да», дер эди Эргаш кунда.

Майрам қўшмижжа Ойхол бид-бидниги бориб келган кунлари эрига «Абдусалом ака сизни ҳақиқатчи, камтар киши, бўлмасам, урушда кўп геройлик қилган, деди», қабилидаги гапларни етказар эди. Лекин бу муросасоз гаплар Эргаш кундага қилчелик ҳам таъсир қилмади, у Абдусалом билан ош-қатиқ бўлишни хоҳламади. Фақат, кунда кавлаш учунгина уларнинг ҳовлисига бир марта борди. Майрам қўшмижжа қистаб турганидан йўқ деёлмади. «Хайр, борсам борибман-да, — деди. — Мен Абдусалом билан эмас, кундалар билан тиллашаман-ку.»

Майрам қўшмижжанинг хаёлида бир нарса жумбоқ бўлиб қолган. Эри азалдан нима учундир ўша ҳовлига қадам босгиси келмасди. Ё кўнгли бирор нимани сезарми-

ди? Қизик, у энг шаллақи хотин — Дўндиникига боришдан ҳам ҳазар қилмасди-ю, лекин шу ҳовлига қолганда ўзини тортар эди.

Майрам қўшмижжа ҳозир шу ҳовлига яқинлашаётиб, ўша мудҳиш воқеа содир бўлган кунни хотирлади. Баҳорнинг ўрталари эди. У ўчоқбошида туриб, энди довучча бўлган ўриқдан бир неча донасини пиёвага солаётган эди. Хали қозон қопқоғини ёлпаган ҳам эдики, чап қовоғи учаверди. Бир пайт Мерган момонинг Бекмурод деган невараси ҳаллослаб ҳовлига кирди. Бола тутила-тутила Эргаш кундани илон чаққанини айтди. Бу хабарни эшитиб Майрам қўшмижжанинг жонида жон қолмади. Ойхол бид-бидни-кига учиб бордим, чошиб бордим — эсида йўқ. Эрини лойсупага ётқизиб қўйишган экан. Майрам қўшмижжа унинг жонсиз эканини кўриб тахтадек қотиб қолди. Кейин бир фарёд қилди беҳуш йиқилди. Қолган гапни эрининг еттиси ўтгач, Мерган момодан эшитди.

Эргаш кундани илон чаққанда ёнида ҳеч ким бўлмаган экан. Ҳовлидагилар кеч хабар топишибди. Ойхол бид-бид унга чой олиб борса, Эргаш кунда кўзи олайиб, оёғини чангаллаб ётган эмиш. У Ойхол бид-бидга қараб: «Илон, илон», дебди жон берибди...

7

Банот мошиначи, ҳар доимгидек, кийим тикиб ўтирган экан. У Майрамни кўриб ўрнидан кўзгалди, нимтабассум билан кўлини узатди. Авваллари у билан хушламайгина кўришар эди. Биргина Майрам қўшмижжа билан эмас, бошқалар билан ҳам шундай. Айниқса, ким олдига илтимос билан келса. Хотин-халажнинг эса унга кўп иши тушади. Аёллар магазиндан тайёр кийим-кечак олишмайди. Кийимларини маҳаллий шароитга мослаб тиктиришади, яъни — этаклари узун, энглари кенг, бичими — ҳар кимнинг дидига қараб. Қишлоқда ателье деган гап йўқ. Шундай бўлгач, хонаки тикувчидан азиз одам борми?

Банот мошиначи икки қўли тикишда бўлса ҳам гап сота бошлади. Ҳар галгидек, мижозларнинг инсофсиз бўлиб кетганини, Мерган момонинг катта келини икки жуфт кийим тикдириб, аммо оз пул берганини айтиб ўтди. Ниҳоят, гап қизи Барфинга келиб тақалганда, Майрам қўшмижжа иягини тиззасига қадаб унинг оғзига термилди. Банот мошиначи қизига совчи келганини, бўлғуси куёв шу ҳовлига кўчиб келишга рози бўлганини айтган эди, Майрам қўшмижжанинг юзига табассум ёйилди. У энди хотиржам ўтирди, ҳатто бўлажак ичкүёвнинг номини ўзи айтмагунича гап ҳам сўрамади. Банот мошиначи Барфин ўша йигитни хошламаётганини айтиб зорланди.

— Барфинни кўндириб беринг, Майрамой, — деди у. — Сизнинг гапингизга киради.

Барфин ичкарида йиғлаб ўтирган экан. у Майрам қўшмижжани кўриб суюниб кетди. Йиғлаганининг сабаби — отаси билан бир соатча уришибди. Отаси: «Агар ўша йигитга кўнмасанг, оқ қиламан!» деб қўрқитибди. «Хола-жон, отамга тушунтиринг», дея кафти билан кўзларини артиб гапирди Барфин.

— Нимани айттай отанга? — деб сўради Майрам қўшмижжа.

Аслида у қизнинг ниятини билиб турарди. Барфин «Ўзим келин қилмоқчиман, деб айтинг», демоқчи эди.

— Айтингки, — деди қиз овози титраб, — шу ишни қилмасинлар, ихтиёримни ўзимга қўйиб берсинлар.

— Майли, қизим, айтиб кўраман. Лекин отанг гапимга кўнармикан? — деган эди, қиз бир нарсани тушунгандек йиғлаб юборди.

Майрам қўшмижжа бу гапнинг бугунми, эртами — барибир айтилиши кераклигини билар эди. Барфин Майрам қўшмижжани жуда яхши кўрарди. «Тўй бўлсам, бошида сиз турасиз», дерди эркаланиб. Унинг Ҳусратга кўнгли борлигини Майрам қўшмижжа аллақачон сезган. Барфин ўзи мулойим, меҳрибон қиз. Кеча у ҳақда Мерган момо билан ҳам гаплашган эди. Боёкининг қўлоғи хўб қизигандир. Мерган момо ҳам қизни мактаб, ёмонлар орасига адашиб тушган яхшининг ҳолига ачинди. Майрам қўшмижжа ҳозир бошқа нарсани ўйлар эди. Банот мошиначи унга боя:

«Қизимни ўғлингизга унаштирсангиз, буларнинг ёшлиқдан бир-бирига кўнгли бор» дейишдан қўрққан эди. У бу хонадон билан қуда-анда бўлишни ҳеч ҳам хохламасди.

Ҳозир эса Майрам қўшмижжа қизни нима деб юпатишни билмасди. Ойхол бид-бид қўшни хонадан уларни дастурхонга чорлади. Барфин Майрам қўшмижжани айвонга кузатиб чиқиб, ўзи қайтиб хонасига кирди. Майрам қўшмижжа кечқурунги тамаддини уйда қилмоқчи эди, лекин Банот мошиначининг муқаррар кесатиғидан чўчиди. «Майрамхон биз билан бир дастурхондан овқат ермиди? Касалим юқиб қолишдан қўрқади... Э, қўрқманг, бирибир бу дунёга устун бўлолмайсиз!» деган у бир марта.

— Барфинга бирор насахат бердингизми, Майрамой? — деб сўради Банот мошиначи. — Нима дейди ўзи бу ўжар қиз?

— Қиз сизники, — деди Майрам қўшмижжа ўйчанлик билан. — Шундай экан, мен унга, ундай қил, бундай қил, дейлмайман. Бундай ишга, ўзингиз биласиз, ота-онадан бўлак киши аралаша олмайди.

Уч опа-сингил бир-бирларига маъноли қараб олишди. — Ҳа, майли, — деди Қирмиз семиз. — Қиз боланинг нози бўлади-да. Бунинг устига якка-тантиқ ўсган фарзанд.

— Узимиз кўндирамиз, опа, — деди Ойхол бид-бид. — Қани, овқатга қаранглр.

Шу билан бу мавзуда бошқа оғиз очилмади.

Дастурхон устида уч опа-сингил бир-бирига гап бермай роса валақлашди. Қирмиз семиз ўтирганларга Райим кар хотини билан ажрашаётганини худди хушxabар айтгандек қилиб маълум қилди.

— Йўғ-э! — деди Ойхол бид-бид. — Уртада саккиз фарзанд бор-а! Қандай кўзи қияркан?

— Э, — дея қўл силтади Банот мошиначи, — эркак зоти боланинг қадрини билармиди!

Уч опа-сингил мана шу талхит, ажрашаётган эр-хотинни ярим соатча муҳокама қилишди. Улар фақат эркаклар масаласида бир-бирларини қўллаб-қувватлашмасди. Қирмиз семиз нима бўлса ҳам эр-хотин бир марта ажраб кетишининг тарафдор, оила бузилса — хурсанд. Банот мошиначи эса, эркак зотига паст махлуқ деб қарайди. Ойхол бид-бид бўлса бу борада ким ҳақ, ким ноҳақлигига қарамайди, дарҳол эркакнинг ёнини олиб гапирди.

Опа-сингилларнинг суҳбатидан Майрам қўшмижжанинг юраги тарс ёрилай деди.

— Э, опа, — деди Ойхол бид-бид, — ўша Райим кар ўнта соғ эркакдан аъло! Бари айб хотинида. Доим қўсқи бўлиб юради. Утган кун саҳарда буюк бўйига чиқсам, сатил кўтариб турибди. Бундай қарасам, кўйлагининг қўлтиғи...

— Йўғ-э, Донахол бундай аёл эмас эди-ку, — деди Қирмиз семиз.

— Нима, шу ёшга кириб ёлғон гапирманми! — деб аччиқланди Ойхол бид-бид. — Тўғри, Донахолнинг ўзига айтмадим. Уялмасин дедям-да.

«Донахолни бало урди, — деб ўйлади Майрам қўшмижжа. — Қирмиз семиз бу гапни бутун қишлоққа дoston қилади энди».

Майрам қўшмижжа номигагина икки-уч марта қовурдоқдан олган бўлди. Дарҳол туриб кетишни эп кўрмади. Унинг энди опа-сингилларга термилиб ўтиришдан бошқа чораси йўқ эди.

У тўрда ўтирган Банот мошиначининг хатти-ҳаракати, афт-ангорига разм солди. Унинг ориқ гавдаси одатдагидек букчайган. Юзи девордек оқ, қовоғини солганча оғзидаги луқмани чайнаб ўтирибди. Унинг ёнида Қирмиз семиз. Лақаби ҳам ўзига мос — овқатга ружу қўйганиданми, семириб кетган. Ҳар галгидек, у суҳбат давомида оёқ оғриғидан шикоят қилди. «Шунча гавдани кўтарган оёқ оғримасинми?» деб ўйлади Майрам қўшмижжа. Қирмиз семиз опа-сингиллар орасида энг хушрўйи, қошлари қалдирғочнинг қанотидек, сочлари ҳалиям орқасини тўлдириб турибди. Қизиги шуки, кенжа — Ойхол бид-бид иккала опасига қараганда анча қаримсиқ кўринади. Ораларида энг кўп гапирадигани ҳам, энг дангасаси ҳам шу. У гап билан одамни аврайди, ишини ҳам қуруқ гап билан битиради.

Қирмиз семиз кўпроқ ҳожатбарорликни яхши кўради. Хотин-халажга камёб молларнинг қайсисидан керак — марҳамат. Пул йиғишдан бошқа гами йўқ. Бир марта Мерган момо қандай бўлиб унга: «Қирмизхон, бундай юрманг, бирорта бола асраб олинг, эртаги кун қариб-қартайганда, қолаберса, ўлсангиз кўмадиган одамингиз бўлмаса, бариси бекор», деб насиҳат қилган экан, Қирмиз семиз: «Мени пулим кўмади», деб жавоб берибди. Мерган момо Ойхол бид-бидга ҳам: «Нима бало, бу дунёдан ҳур ўтмоқчимисан, ахир, бирорта сўққабошга тегиб ол-да», деса, «Энди менга эркак иси ёқмайдиган бўлиб қолган», деб жавоб берибди. Бу гапни у ўйлига айтади, холос. Эллик бешга кирган бўлса-да, ҳалиям дунёдан умидини узган эмас. Буни кўзлари ҳам айтиб туради. Лекин, иккала сингил ҳам опалари Банот мошиначидан негадир ҳайқишади. Банот мошиначи тили захар, жуда зиқна аёл. Майрам қўшмижжа унинг иккала сингисидан ҳам ҳар ойда рўзғор харажатига тийинма-тийин пул санаб олганини кўп кўрган. Ҳатто бир гал Ойхол бид-бид бир сўм кам бергани учун пулини юзига отиб юборган эди.

Опа-сингиллар уни унутгандек, ўзларича гап сотишарди. Улар Майрам қўшмижжани камгаплиги учун гурунгга тортишмасди. Майрам қўшмижжа тингловчи сифатидагина керак, холос. Узи ҳам буни билади. Шунинг учун, худди тинглаётгандек, бўлар-бўлмас гапга ҳам бошини лиқиллатиб ўтиради. Ҳозир бу уч опа-сингилни қайси бир эртақдаги уч бошли аждарҳога менгзарди.

Майрам қўшмижжа чойдан сўнг кетишга изн сўради. Кетар чоғида Барфиннинг тўйи хизматига тайёр эканини айтди. Ойхол бид-бид уни кузатиб чиқди. Дарвозага яқинлашганларида Майрам қўшмижжа ўзи яшаган уй тарафга кўз ташлади. «Шу уйни бир зиёрат қилай», деди у Ойхол бид-бидга. Иккаласи уй томон юришди. Уй янгидан оқланган, дераза ромлари бўялган, эшиги ҳам алмаштирилган эди. «Бу ер энди омборхона», деди Ойхол бид-бид. Уй эшиги қулфлоглиқ эди. Майрам қўшмижжа дераза ёнига бориб, ичкарига қаради. Хонадаги сара олмалар жойланган қутиларни кўриб, оғзи очилиб қолди. «Мунча олмани қаердан олдинглар, олмзорларинг йўқ-ку?» деди Ойхолга қараб.

Ойхол бид-бид кулди: «Бераман деса, бизга ўхшанганларга бераверади».

Бу тоғ оралиғида фақат Маржоннинг боғидагина шундай олмалар бор, холос. Аммо ҳеч ким бунча олмани ўғирлаб келолмайди. Боғ қоровули ўзига маҳкам одам. Олма топширувчи Рустамбек ҳам, шофёр Мамаат ҳам инсофли кишилар. Қизиқ, бу олмалар қаердан келиб қолди экан?..

— Кўп ҳайрон бўлаберма, — деди Ойхол бид-бид. — Агар шуни билмоқчи бўлсанг, айтишим мумкин. Олмаларни директоринг юборган.

Майрам қўшмижжа анқайиб қолди, лаблари билинар-билинимас пириллади. Мана, нима учун директор бу ишни орқага ташлар экан!

— Нима, ишонмайсанми? — деб бидирлади Ойхол бид-бид. — Керак бўлса яна юборади. Давлат нархида сотиб оламиз. Абдусалом поччам чўлга элтиб, чакана нархда пуллайди. Директоринг олмани бекорга бермайди, ахир!

Майрам қўшмижжа озига қайтди. Ҳазабдан аъзойи бадани қалтирарди. Эвоҳ! Ҳали унинг шунча чопа-чоп қилиб юрганлари, чеккан захматлари мана шулар учун экан-да! Энг ёмони шуки, бу сирни, бу қаллобликни у ҳеч кимга айтолмайди. Ойхол бид-бид шунинг учун ҳам бор гапни унга очик-ойдин гапириб ўтирибди.

Майрам қўшмижжа бу ҳовлидан нимадандир ирганган одамдек кўнгли айниб кучага чиқди.

8

Уша кундан бошлаб Майрам қўшмижжанинг кўзига опа-сингиллар уч бошли аждарҳога ўхшаб кўринаверди. Утирса ҳам, турса ҳам уларга қандай зарба беришни ўйлайди. Баъзан бу уч опа-сингилнинг бари нобор чиққанига ҳайрон бўлади. Буларнинг отаси нашаванд бўлса ҳам онаси мўмин-қобил, раҳмдил аёл эди-ку!.. Аксига олиб икки кундан бери

Мерган момодан ҳам дарак йўқ. Унга ўрганиб қолган экан, оқшом пайти кампирни йўқлаб борди. Кампир кичик келинининг уйида экан. Икки келин Қирмиз семиздан чайқов нархида сотиб олган ялтироқ кўйлақларини кийиб кўришаётган эди.

— Ҳе, ўша ебтўймасни пул тешиб чиқсин! Одам сиёғи йўқ унинг, — деб қаргарди Мерган момо Қирмиз семизни.

Майрам қўшмижжа ҳайрон. Қаерга борса, одамлар жўрттага ўша опа-сингилларни тилга олаётгандек. Улардан бошқа одам йўқми ўзи бу дунёда?

У кампир билан чой ичаркан, ўйлаб юрган гапни айтди. Нера бу опа-сингилларнинг бировини эмас, икковини эмас, биратўла ҳаммасини қарғиш урган?

— Уларни китоб урган, — деди кампир астойдил ишонч билан.

— Китоб? — деб ҳайрон бўлди Майрам қўшмижжа. — Эслайсанми, уларнинг бир амакиси бор эди, тухмат билан қамалиб кетган!.. — деди кампир.

Майрам қўшмижжа эслай олмади.

— Э-ҳа, у қамалганда сен ҳали Эргаш кундага чиқмаган эдинг. Бир ақлли, бир чиройли йигит эди. Одамларни йиғиб, Бедил, Ҳофиз, ҳазрати Навоидан ўқиб берарди. Уша кишидан бир уй китоб қолган эди. Ойхолнинг онаси китобларни кўз қорачиғидек асраб юрарди. У ўлдию манави ер юткур қизлари ўз билганларича иш тутиб, китобларни тутантириққа ёқиб юборишди. Мен ўшанда уларга неча бор сенларни китоб уради, деб айтдим. Мени «эскилик сарқити» деб масхара қилишди. Ана шундай, қарғиш ургандан китоб ургани ёмон бўлади.

Мерган момо бу гапларни шундай ишонч билан айтдики, Майрам қўшмижжанинг унга ишонгиси келди. Аслида эса у барча айбни опа-сингилларнинг текинхўрлигидан кўрарди. Қишлоқда ишламайдиган хотин-халаж кўп-у, лекин улар бундай бало эмас. Кампир айтгандай, бу опа-сингилларни китоб ургани рост.

Кичик келин кўйлақни тахлаб бўғжамага солар экан, «Пул деганини шундайларга берар экан-да», деб қўйди.

Кампир аччиқланди:

— Бошингизда гулдай эрингиз бор. Фарзанддан қисман бўлса. Уларнинг нимаси бор? Пулими? Пул қўлнинг кири — келиб кетаберади.

Кичик келин кулиб-кулиб тавба қилди ва гапни Банот мошиначи ўғирлаган товукларга бурди.

— Биламан, — деди кампир, — пули кўп бўлса ҳам назари паст аёл. Бўлмаса, бултур бизнинг товугимизни ўғирлармиди! — У Майрам қўшмижжага ўша воқеанинг тафсилотини ҳикоя қилиб берди.

Утган йили киш қаттиқ келган эди. Дала-дашда юрган чорванинг анчаси қирилиб кетди. Кампирнинг катта ўғли уйда гўшт тортилиб қолмасин деган мақсадда инкубатрдан ўттизтача жўжа келтириб боқибди. Товуқхона боғ этағида бўлиб, Банот мошиначининг ҳовлисига ақин экан. Бир куни Мерган момо товукларни катагига қамаб, қайта-қайта санаса ҳам ҳисобидан кам чиқаверибди. Кампир келинларидан «Бугун товукшўрва қилдингизларми?» деб сўраган экан, «Йўқ, дейишибди. Мерган момо Банот мошиначининг ҳовлисига ўтибди. Товуқхонасига қараса, бешта хонаки товук қаватига иккита оқ товук қўшилганмиш. Банот мошиначи бўлса бетини без қилиб: «Товуқларингизни кўрганим йўқ. Бу иккита оқ товукни кеча Шерободнинг бозоридан олиб келдим», дебди. Мерган момо ҳайрон бўлиб: «Бозорда бундай товукларни сотмайди-ку?», деса, Банот мошиначи: «Йўқ, сотаркан», деб ўз гапни маъқуллади. Хуллас, Мерган момо унга бас келолмай уйга қайтибди. Бу воқеани ҳамсояси Сарви холага айтиб берган экан, у: «Кеча Шерободдан Банот мошиначи билан автобусга бирга чиқдик-ку, қўлида ҳеч қанақа товук-повук йўқ эди», депти ҳайрон бўлиб. Мерган момо барибир товукларини қайтариб ололмабди. Нима ҳам қилсин, ўғирлаганини ўз кўзи билан кўргани йўқ. Лекин у бир нарсадан ажабланибди. Банот мошиначи бир ойлар чамаси товукларни катакдан қўйвормабди. Авваллари унинг товуклари Мерган момонинг ҳовлисига ўтавериб безор қилар экан. «Банот мошиначи қув-да, ўғирланган товуклар янги товуқхонага ўрганиб кетсин деган мақсадда шундай қиялпти шекилли», деб ўйлабди Мерган момо. Бир куни у товукларига дон бераётган экан, Банот мошиначининг

ҳовлисида ўша ўғирланган икки товуқ ўтиб келибди. Улар эски жойини унутмаган эканми, товуқхона ёнидан нари кетишмабди. Мерган момо дарҳол уларни тутиб, омборхонадан бўёқ олиб чиқибди-да, товуқларнинг бир қанотини бўяб — белги қўйиб чиқибди. Кечқурун Банот мошиначи келиб, йўқолган товуқларини сўраган экан, Мерган момо: «Кўрмадим, — дебди. — Бизнинг товуқларга белги қўйилган. Агар ичида бўлса, ўзингиз таниб олинг». Банот мошиначи товуқхонага кириб, товуқларни бирма-бир кўриб чиқибди. «Буларнинг ҳаммасини бўяб қўйибсиз-ку, қандай танийман!» дебди дами ичига тушиб. Ана шундай қилиб, Мерган момо товуқларини жанжалсиз яна қайтариб олибди.

Бу воқеани эшитиб Майрам қўшмижжа қотиб-қотиб кулди.

9

Майрам қўшмижжа якшанба куни қизиникига жўнади. «Боласи сариқ касал бўлибди», деб эшитган эди. Қизи бир неча йилдан бери чўлда — совхоз посёлкасида яшайди. У қизиникига киришдан олдин посёлка бозорига бурилди. Невараларига совға-салом, мева-чевани қишлоқдан олиб келса ҳам бўларди. Лекин, бундай пайтларда қизиникига етиб келиш-келмаслиги гумон. Чунки, куз келди дегунча автобуслар қатновдан олинади, ҳамма куч пахтага, ҳашарга ташланади. Бирор йўловчи машина учраса-ку, манзилга етиб олиш мумкин, бўлмаса кенгача йўл устида тухум босган курк товуқдай бир жойда ўтираверасиз. Майрам қўшмижжа Тузконга қадар ўғлининг машинасида келди. Бундан бу ёғига йўловчи бир машинага чиқиб олди.

Бозор чоғроққина бўлса ҳам мева-чевага бой экан. Майрам қўшмижжа Денов хурмосио Қорабоғ аноридан икки кило-икки килодан олди. Яна нимадир харид қилмоқчи бўлиб расталарни айланаётган эди, тўсатдан қўли-қўлига тегмай олма савдосини қизитиб турган Абдусалом акага кўзи тушди. Шартта юз ўгириб, бозордан чиқиб кетди. Йўлда бир идорага кириб ўтди. Коридор охиридаги «участковый» деб ёзилган хона эшигини тақиллатди. Аммо эшик берк эди. Орқасига қайтмоқчи бўлган эди, ичкарида калит шақирлади. Эшик очилди, кўзларини ишқаганча, ёшгина бир йигит чиқиб келди. «Кечирасиз-да, опа, кечаси билан йўқ бўлмаган, — деди у хушмуомалалик билан. — Қани, келинг марҳамат.» Майрам қўшмижжа ичкари кирди. Участковой унинг озода кийинганию ўзини сипо тутишиданми, «Пахта ҳашарига келган ўқитувчилардан бўлса керак», деб ўйлади шекилли:

«Ишлар яхшими, муаллим опа? — деб аҳвол сўради.

Майрам қўшмижжа ўзининг кимлигини айтмоқчи бўлган эди, участкавой сўзига давом этди:

— Ун иккинчи мактабдансиз-да? Энди ташвишланмансангиз ҳам бўлади, опа. Рўзиев домланинг иши жойида бўлади. Уни ҳақоратлаган бригадир бугун-эрта бориб мактаб коллективидан, домуллодан кечирим...

— Мен мактабдан эмасман, — деди Майрам қўшмижжа унинг сўзини бўлиб. Кейин, ҳозиргина бозорда совхоз олмагарини арзон-гаровга олиб, фойдаси билан пуллаётган бир олибсотарни кўрганани айтди.

Йигит унинг гапини энаси қотиброк тинглади.

— Мен район советининг депутатиман, — деди Майрам қўшмижжа. — Бундай ишларга аралашшга ҳаққим бўлса керак...

Участковой бирдан жонланди, жилмайиб уни ўтиришга таклиф қилди. Стол устидаги совиб қолган кабогни Майрам қўшмижжанинг олдига сурди.

— Қани, ҳамма ҳам сиздай жонкуяр бўлса! — деди у ҳамон жилмайиб.

— Юринг, ўша кишини сизга кўрсатаман, — деди Майрам қўшмижжа. — Фақат узоқдан!

Участковой бу гапдан ҳайрон бўлди. Майрам қўшмижжа олибсотар ўзига сал қариндош эканини шаъма қилди.

— Қолаверса, ҳамқишлоқ, у ёғини ўзингиз боппайсиз, ўртоқ участкавой!

Улар кўчага чиқибди. Майрам қўшмижжа бурчакдаги дўкон ёнидан туриб участкавойга Абдусалом акани кўрсатди.

— Мен сизни идора ёнида кутиб тураман, натижасини айтмасиз, — деди.

Участковой қанчалик тез кетган бўлса, шунчалик тез қайтиб келди. Келасолиб, Майрам қўшмижжанинг қўлига бир қоғоз тутқазди.

— Мана, ўртоқ депутат, — деди у илжайиб. — Бизга тартиб қаттиқ. У киши олмани ўзининг томорқасидан келтирган экан. Ана, қоғози бор, ўқиб кўринг.

Майрам қўшмижжа бу қутилмаган далилни кўриб ҳеч нарса деёлмай қолди, қоғозга кўз ташлади. Справка қишлоқ советидан берилган эди.

— Унинг боғида олма йўқлигини мен яхши биламан-ку, ука!

Участковой елка қисди.

— Опа, энди бу ёғи бизнинг иш эмас, — деди у. — Мана, ўзингиз кўрдингиз, ҳужжати жойида экан. Кечирасиз, ишим зарил эди... — Участковой бурилиб, идорасига кириб кетди.

Майрам қўшмижжа кечқурун қизиникида куёви Хонтўра билан гурунглашиб ўтирган эди, бир маҳал ҳовлига хуржун елкаган Абдусалом ака кириб келди. У чорпоёда ўтирганлар билан бирма-бир кўришиб тўрга чиқибдан олдин хуржунидан бир неча олма олиб гилам устига ташлади.

— Зўр олма-да, — деди Хонтўра ёш боладек севишиб. — Маржондан кўчатини келтириб экиб кўрдим, барибир сизларникидек бўлмади.

— Тиричилиқ-да, жиян, — деди Абдусалом ака унинг гапига эътибор қилмай. — Катта-катта егандан кейин катта-катта топиш ҳам керак экан. Бугун бозорда савдонинг мазаси йўқ. Эртага Шерободга элтсамми, деб турибман. Бу кеча сизиникида тунайман-да.

— Бемалол, бемалол, — деб илтифот кўрсатди Хонтўра. — Хоналаримиз кўп... Бозорда олма кетмади, дейсизми? Кўпчилик кундузи пахтада... Э, бу Маржоннинг олмаси жуда ажойиб-да!

Майрам қўшмижжа қарсиллатиб олма еяётган куёвиган норози тикилдию уйга кириб кетди. Қизига чарчаганини баҳона қилиб, ётиб олди. Ухлаб ухлагандай ҳам бўлмади, ичини ит тирнагандай ётди.

Абдусалом ака эрталаб чойга ўтирмади. Кетар маҳали эшик олдидан туриб Майрам қўшмижжани қақирди.

Майрам қўшмижжа «Бунинг менда нима гапи бор экан?» дея ҳайрон бўлиб унинг оғзига тикилди. Абдусалом ака тишининг оқини кўрсатиб аллақандай тантана билан гапирди:

— Оббо, келин-эй... Шундай қилиб, мени участкавойга бориб чақдингми? Яхши эмас, яхши эмас. Ҳамқишлоқ-миз-а...

У гапининг жавобини ҳам кутмай жўнаб қолди.

«Менинг участкавойга учраганимни қаердан билдийкин? — деб ҳайрон бўлди Майрам қўшмижжа. — Наҳотки, участкавойнинг ўзи айтган бўлса? Йў-э... Барибир сени тинч қўймайман! Бу сафар марра сеники бўлди, лекин кейинги сафар, бўлмаса, ундан кейинги сафар қўлга тушсан...»

10

Майрам қўшмижжа қизиникига кетган куни Мерган кампир ўрмак ўрмади. Унинг фикри ҳамон ўша тангаларда эди. «Сабилни қаердан топди экан Эргаш кундадай камбағал одам? Бу ерда бир гап бор...»

Майрам қўшмижжа кампирни яқин билиб, унга хоналарнинг калитини бериб қўйган эди.

Уй эски услубда — хуржуннусха қилиб қурилган, яъни: ўртада даҳлиз, икки томонида икки хона. Чапдагиси Нусратники. Ундан кейин яна бир хона бор — меҳмонхона. Майрам қўшмижжа тангаларни Нусратнинг хонасига қўймаслиги аниқ. Уёлига ишонмаслигидан эмас. Нусрат отасидек, биров бир нимани сўраса, йўқ деёлмайдиган бўш-баёв йигит. Меҳмонхонага келганда, у ўз номи билан меҳмонхона. Ким ҳам у ерга ҳазина яширарди? Кампир тангаларни фақат Майрам қўшмижжа яшайдиган хонадан излаш кераклигини тушунди.

Мерган момо мўлжалдаги хонага кирди. Кирди-ю, бирпас гаранг бўлиб турди. Нима қилсин? Тўрдаги икки қадимий сандиқдан бошласинми? Эҳтимол, ҳазина тоқчада

турган косаимис ичидадир? Кампир курси топиб, токчадаги косаимисни олди, ағдариб кўрди. Ҳеч нарса йўқ. Мерган момо тасмон орасидан сандиқларнинг калитини топди. Сандиқлар жуда кўҳна, қопқоқлари ҳозиргиларга ўхшаб тепадан эмас, олд томонидан очилар эди. Бу кампирга қўл келди. У сандиқ устидан кўрпаларни тушириб ҳам ўтирмай, қопқоқни осонгина очди. Биринчи сандиқни эндигина кўриб ҳам бўлган эдики, дарвоза томондан кимдир қақираётганини эшитди. Кампир жонҳолатда сандиқни қулфлаб, ҳовлига чиқди.

Келганларнинг бири совхознинг бош ҳисобчиси экан. Қаватидаги кишини эса кампир танимади. Кўриниши-кийинишидан бу ернинг одамига ўхшамайди. Узи ёш-у, соқол қўйган. Сочиям энди жамалак тақишга орзуманд қизчаникидек келади. Мерган момо улар билан салон-алик қилди. Соқолли киши эса, алифбени ҳижжалаб ўқийдиган болага ўхшаб, «Қани-и, бормиси-из, бир кўришайли-ик», дея кучоғини очиб келди. Мерган момо кўрқиб кетди — орқага тисарилди. Маст-аласт бўлса керак, деб ўйлади. Бош ҳисобчи кула-кула меҳмонни таништирди:

— Э, хола, бу киши Чори пахсакашнинг ўғли-ку!

— Қайси Чорининг?

Меҳмон тўхтаб кампирнинг кўзига тикилди-да, саволга савол билан жавоб қилди:

— Мана шу ҳовлининг олдинги эгасини танирмидингиз? Ушанинг ўғлиман.

Кампир энди англади. «Э, ҳа, урушдан олдин ўлиб кетган Чори Муродни айтяпти, шекилли. Ундан икки ўғил қолган эди. Шуларнинг бири бўлса керак», деб фикр қилди.

Бош ҳисобчи меҳмоннинг рассом эканини, туғилган ҳовлисини бир кўриб кетмоқчи бўлганини айтди. Кейин Майрам қўшмижжани суриштирди.

— Қизиникига кетган, — деди Мерган момо.

Шу пайт шабада эсиб, уй олдини тўсиб турган мурчрайҳону нозбўйдан хушбўй ҳид таралди.

— Ох, оҳ! — Меҳмон кулочини кериб, чуқур нафас олди. Кейин, олдинга юриб, ҳовли саҳнидаги ўрмакни кўрдию альбомига ёпишди.

— Хола, қани ўша ерга бориб туринг! — деб амр қилди у кампирга.

Меҳмоннинг буйруқ қилиши кампирга ёқмади. «Каттакон бўлса ўзига, — деб аччиқланди ичида кампир. — Е менга топшириб қўйгани борми!»

Мерган момо жойидан жилмай тураверди. Бош ҳисобчи ўнғайсизланиб:

— Расмингизни чизмоқчи, хола, — деди. — Бу киши ҳар кимни ҳам чизавермайди.

Мерган момо бўш келмади.

— Расминни чизмоқчи бўлса, ана, уйимга борсин, — деди. — Уйда қанча медалим бор, қўшиб чизсин. Менинг ким эканлигимни билсин. Гилам нима бўпти, уни қишлоқда ҳамма тўқийди-да.

Меҳмон кампирнинг гапига ҳайрон бўлди, кейин, раъйига бориб: «Майли, ҳовлингизга ҳам борамиз. Қўй сўясизми ўзи?» деб ҳазил қилган бўлди.

Кампирга бу ҳазил ҳам ёқмади. Уларнинг кетишини кутиб бетоқат бўлди.

Аммо бош ҳисобчи унга чой буюриб, ўзлари боғ этагидаги чордевор томон юришди. Улар чордевор олдида узоқ қолишди. Кампир чой қайнатиб, уларни чақиргани борди. Қараса, бош ҳисобчи дарахт тагида олма еб ўтирибди. Меҳмон бўлса, қўлида қоғоз-қалам, чордеворга тикилгани тикилган. Кампир аввалига, туғилган жойини зийрат қилиб, ота-онасининг арвоҳига дуо ўқияптими, деб ўйлади. Йўқ, чордеворнинг суратини чизаётган экан.

Кампирнинг хаёлига бошқа бир фикр келди. Ҳовлининг собиқ эгаси — Чори Мурод бадавлат бўлмаса ҳам яхшигина ҳунарманд эди. Лекин қаттиқ одам эди, шу чордеворда унинг тилласи қолмаганмикан? Уғли балки шу тиллани қидириб келгандир? Эҳтимол, Эргаш кунда ана шу тиллани топиб олгандир...

Меҳмонлар кетишгач, кампир дарҳол чордевор томон борди. Атрофини айланди, у-бу ерда ётган сопол синикларини олиб қаради. Уй тўрида қолган кандик ўрнини кавлаштирди. Бир маҳал қараса, Майрам қўшмижжа келяпти.

— Бу ерда нима қилиб юрибсиз, момо? — дея ҳайрон бўлиб сўради у.

— Тоза кесак қидирдим, — деди кампир қовоғини уйиб. — Ҳожатхонага газета қўйибсан. Бу ишинг гуноҳ.

Майрам қўшмижжа кула-кула у билан кесак теришди. Эртаси куни Майрам қўшмижжа ишга кетиши биланоқ кампир иккинчи сандиқни кавлаштирди. Йўқ. Кейин уй бурчакларини кўздан кечирди. Ҳеч қаерда йўқ. Қани энди, излаган нарсаси олмадек кўринсаю дарҳол олиб қўйнига солса!

Оқшом кирди, лекин у на қидирган нарсасини топди, на ўрмак ўрди. Кампир энди бор умидини узиб, этак силкиб уйига кетмоқчи ҳам бўлди.

Майрам қўшмижжа ишдан қайтди. Дарвозадан киратуриб, йўлақда мункиб кетди.

— Одам мункиган жойда тилла кўмилган бўлармиш, — деди кампир ва Майрам қўшмижжа бу гапдан кейин ўзини қандай тутаркан, деб унинг юзига синчиклаб тикилди. Лекин, бирон бир ўзгариш сезмади.

— Шундай денг? — деди Майрам қўшмижжа хурсанд бўлиб. — Бўлмаса ўша тиллани сизга бағишладим. Қазиб кўрмайсизми?

Кампир ҳам ҳозиржавоблик қилди:

— Шу ҳовлидан топсам бўлдимми?

Кампир, бу қалтис саволга нима жавоб қиларкан, деб қараб турди.

— Майли, момо, топганингиз ўзингизники, — деди Майрам қўшмижжа бамайлихотир.

Кампирнинг кўнглида яна илинж пайдо бўлди. «Шу айтганига тилла тангаларини топмай қўймайман!» деб аҳд қилди у.

Кампир Майрам қўшмижжага чой устида бир ҳикоят айтиб берди.

Бир қишлоқда икки қўшни яшаркан. Бири бой, иккинчиси камбағал. Бой ер ҳайдаб юрса, камбағал қўшнисини унинг олдига чиқибди. Дўнгликка ўтириб олиб, ўзига бино қўйиб гапирга бошлабди. Бой ўша дўнгликда, худди камбағал ўтирган ерга тилласини кўмган экан.

«Қўшни, — дебди камбағал, — мана, кўз тегмасин, сизнинг ойдаи қизингиз, бизнинг Алпомишдай ўғлимиз бор. Неча йилдан бери аҳил яшаймиз. Биз ҳам, насиб этса, ердан мўл ҳосил олиб бойиб кетсак ажаб эмас».

Камбағал эртаси куни ҳам ўша ерда ўтириб, гапини давом эттирибди:

«Биз ҳам бойиб кетсак, қизингизга совчи қўймоқчимиз. Данғиллама тўй берамиз. Кейин, иккаламиз узоқ сафарларга чиқиб кетамиз. Қайтганимизда неварамиз олдимизга чопиб чиқса, бундан ортиқ бахт борми?!»

Бой унинг гапини маъқуллаб ўтирибди-ю, лекин ичидан зил кетибди. «Наҳотки у менинг хазинам кўмилган ерни билса!» деб ўйлабди ваҳима билан. Камбағал уйига кетиши ҳамона хазинасини кавлаб олиб, бошқа ерга кўмибди.

Эртасига камбағал яна аввалги жойига ўтирибди-ю, гапи бошқа чиқа бошлабди.

«Э, қўшни, — дебди у ҳасрат билан, — сиз ким-у, биз ким. Сиз билан қуда бўлишга бизга йўл бўлсин!»

Камбағал аввалги кунлар тагида ётган хазинанинг кучи билан катта-катта гапирган экан...

— Ана шундай, тилланинг дами ўткир бўлади, — деди Мерган момо.

Майрам қўшмижжа ҳикоятни эшитиб:

— Кимдир ўйлаб топган-да бунди, — деди. — Мен ишонмайман. Сиз-чи, момо?

— Бунди тилласи бор киши билади, Майрам! — деди Мерган момо.

Мерган момо кейинги икки кун ичида уйнинг ўзи гумон қилган ҳамма жойини қайта-қайта кўриб чиқди. Тангалар ҳеч қаерда йўқ эди. У ҳатто сандиқларни ҳам қайта кавлаштирди. Иккинчи сандиқни ёпатуриб, тахлаб қўйилган коржоммага кўзи тушди. Кампир ўша куни Майрам қўшмижжа тангаларни мана шу коржоманинг устига қўйиб ўтирганини эслади. Коржоманинг чап чўнтагига қўл солган эди, ростдан ҳам танга илашди. Бу ўша тилла тангалар эди. Кампир коржоманинг ҳамма чўнтақларини кўриб чиқди. Лекин бошқа нарса топилмади. Тавба, ниҳоят иккитагина эканми? — деб ўйлади у. — Бунақа нарса битта-иккита ётмайди-ку, қолгани кимда экан!»

Кампир ҳовлига чиқиб, яна ўрмакка ўтирди. Бирпас гилам тўқиди, лекин иши унмади. Эртасига ҳам шу ҳол такрорланди. Сал тўқиса, хато қилади, иши унмай жиғибийрон бўлади. Кампирнинг безовталанаётганлигини кўриб Майрам кўшмижжа: «Момо, қўйинг шу ишни, бирикки кун дам олинг, тўқиш бўлса қочиб кетмас», деди. Лекин кампир унга қулоқ солмади.

У ахийри тилла тангаларни қайтиб жойига қўйдию гиламни яна кўнгилдагидек тўқий бошлади. Кампир то гиламни тўқиб бўлмагунча тангаларга тегмасликка қарор қилди.

Гилам ой охирида тўқиб бўлинди. Кампир гилам ҳақини олмади, «Мендан ўғлингиз ёдгорлик бўлсин», деди. Майрам кўшмижжа ҳам Нусратнинг тўйида кампирга бош-оёқ сарупо бериб, шу йўл билан унинг хизматини тақдирламоқчи бўлди.

Гилам битишидан бир кун аввал, кампир дастлабки аҳдидан қайтиб, тилла тангаларни жойидан олиб, уйига элиб қўйди. Лекин тагига ета олмагач, қайтариб бера олмай, ўзича, тангаларни гилам ҳақига ҳисоблади. Буларни ўлими олдидан икки ўғлига тақсимлаб беради. Ҳар ҳолда, «Мерган момо ўғилларига тилла қолдириб кетибди!» деган миш-мишнинг ўзи катта гап!

11

Нусрат ҳовлига Барфинни бошлаб кирди. Майрам кўшмижжа айвонда эди. Уларни кўрдию юраги бир нимани сезгандай шив этди.

Барфин совхоз марказида ишларди. Уйига қайтаётиб баъзан Майрам кўшмижжаникига ҳам кириб ўтарди. Нусрат билан Барфин бирга келган пайтлари ҳам бор. Бундай пайтларда улар иш юзасидан ё районга кетаётган, ё бирор йиғилишдан қайтаётган бўлишарди. Чунки уларнинг бири Тузқонда, иккинчиси совхозда комсомол ташкилотчиси. Барфин кўпинча у-бунини сўраб Нусратнинг олдига келиб туради.

Қизнинг бу галги ташрифи Майрам кўшмижжани ҳайрон қолдирди. Барфиннинг қўлида каттагина тугун бор эди. Узини тутиши, қадам босиши аввалгидек дадил эмас, нимадандир ийманиб турибди. Ана, Нусрат тўйсига илинган қулф-калитни олиб, шоша-пиша дарвозани қулфлади. Демак, Барфин уйдан қочиб келган. Майрам кўшмижжа шу фикрга бориб, қаттиқ ҳаяжонга тушди. Қўлидаги даврочроқни тозалашни ҳам унутиб, улар томон юрди. Барфиннинг лаблари пир-пир учди, кўзлари ёшга тўлди. Майрам кўшмижжа у билан қўл бериб кўришди-да, секингина: «Кираберинглар» деди. Кейин, бирор ножўза сўз айтиб қўйишдан чўчиб, дарҳол улардан нари кетди. Хумдан лампамой олиб, даврочироққа қўйди. Кеча қаттиқ довул бўлган эди, электр симларини узиб ташлади, чироқ ҳали-вери ёнадиганга ўхшамасди.

Кеч кирди. Майрам кўшмижжа даврочироқни ёқиб, Нусратнинг хонасига кирди. Барфин уни кўриши билан ўрнидан турди. Юзиди гуноҳдорона табассум, кўзларида ғалати бир нур жилва қилди. Майрам кўшмижжа чироқни қўйиб чиқиб кетмоқчи эди, Нусрат уни тўхтатди.

— Бундай бир гап сўранг-да, она, — деди у. — Мана, келинингизни олиб келдим. Энди бизни сўқиш бўлмасин.

Майрам кўшмижжа бу гапни ўғлининг ўз оғзидан эшитдию кўрқиб кетди. Демак... у, қизнинг ота-онасидан розилик сўрамай, эргашириб келибди. Бундай айтганда, олиб қочибди...

— Нима ҳам дейман? — деди Майрам кўшмижжа бўшашиб. — Сизлар тушунган, ҳар нарсани билган одамларсизлар...

У ҳорғинлик билан бир ўғлига, бир Барфинга қаради. Барфин Нусратнинг сал-пал жингалак сочларидан кўз узмай турарди. Нусратнинг кўзларидаги ҳадик йўқолди, у энди айбдорона жилмайди. «Нодон бола, мендан, ўз онангдан лоақал бир оғиз маслаҳат сўрамайсанми! Одамлар, Майрам кўшмижжа бор-йўғи бир келин қилди-ю, шунинг элаб, расм-русмини жойига қўйиб ололмади, дейишмайдимми?...» Майрам кўшмижжа хонасига қайтди. У ерда озгина кўзёши қилиб ўтирди. Бир пайт дарвоза занжири шикиллади. Аёл вужудига англаб бўлмас бир титроқ кирганини сезди. Сигир мў-мўлагондан кейингина сал-пал хотиржам бўлди. Ҳатто, подадан қайтган сигирни ҳовлига

киргизиш учун дарвозасини очишга ҳам юраги бетламаётганини ҳис қилди. Қизнинг ота-онаси, холалари келиб қолишдан кўрқиб, юраги тақа-пука эди. У Нусратдан калитни олиб дарвозани очди-да, сигирни ҳайдаб оғилхонага киритди. Лекин дилғашлиги сира тарқамасди. Бугун, нима бўлса ҳам бугун қизнинг ота-онаси келмаслигини истар эди. Фақат шу кеча ўтса — бўлган. Кейин ҳеч ким қизини қайтариб олиб кетмайди. Агар улар бугун келишса, Нусрат ҳам, у ҳам шарманда бўлади. Улар Нусратга тўхмат қилишдан ҳам тойишмайди.

Майрам кўшмижжа оғилхонадан қайтаётиб, деразадан Нусратлар ўтирган ёруғ хонага қаради. Қарадио бир зум гангиб қолди. У нима ғамда-ю, бу икки ошиқ-маъшук нима билан машғул! Боягина кўзларидан ёш оқизган қиз Нусратга суяниб, қалин дафтардан бир нимани ўқиб бераётир. Нусрат ҳам ўзида йўқ хурсанд, қизнинг билакларидан тортиқлаб, унга қулоқ осган. «Ўзи ёзган шеърлардан ўқиб бераётган бўлса керак», деб ўйлади Майрам кўшмижжа. Шундай маҳалда уларнинг кўнглига шеър сиққанига ҳайрон қолди. Барфиннинг касби-кори архив тикувчи бўлса ҳам унча-мунча шеър ёзиб юрарди. Совхоз идорасидаги «Чорвадор» деган деворий газетани шу қиз тайёрлайди. Ҳар байрамда чиқариладиган бу газетига Барфин Майрам кўшмижжа номидан ҳам мақола ёзади. Ёнида эса албатта ўзининг шеъри бўлади. Қайси бир йили област газетасидан ўртамиёна шеърлар ёзиб юрадиган журналист-шоир келган эди. У Барфиннинг деворий газетадаги шеърини ўқиб, «Сиздан зўр шоира чиқади», деб мактабди. Шундан бери бечора қиз шеър жинниси. Уша шоир совхозга келиб кетгандан сўнг газетода Ойхол бид-бидга бағишланган шеърини эълон қилди. Шеър яхши ёзилганми, йўқми — Майрам кўшмижжа айтолмайди, лекин шоир ёлгон гапни шеърга солганига аччиғи келди. Унинг ёзишича, Ойхол бид-бид гўё урушда бедарак кетган қайлиғига вафодор бўлгани учун эрга тегмай юрган эмиш. Қирон келсин бундай шеърга! Ёлгонни ёзган шоир шоирми? Аммо у ичидagini сиртига чиқармади. Ойхол бид-бидни кўрганда ҳатто табриклар ҳам қўйди. Кейинчалик уни табриклагани қачон эсига тушса, ўзидан ўзи жирканиб кетарди. Лекин, Барфиннинг шеър ёзиши Эргаш кундага жуда маъқул эди. Қизнинг мактабда Совет Армиясига бағишланган байрамда ўқиган шеърини эшитган экан, талай вақт таърифлаб юрди: «Э, бу Барфин бало экан, шеърини жуда аломат ўқиди. Сал бўлмаса йиғлаб юборай дебман!»

...Майрам кўшмижжа дераза ёнида бирпас туриб қолди. Барфин шеърини тугатди шекилли, Нусратнинг пинжиги тикилди. Чамаси, энди улар товушсиз, сўзсиз, энг содда, кўҳна тилда суҳбат бошлашган эди...

Осмонда булутлар орасидан ой кўринди. Майрам кўшмижжа айвонга ўтди. Дили сал бўлса ҳам ёришгандай эди.

Дарвоза тақиллади. «Ана келишди!» У юрак ютиб хонасига кирмоқчи бўлган эди, оёғи тагида бўш сатил турган экан, даранглаб кетди.

Кимдир дарвозани тошми, темирми — ишқилиб, қаттиқ бир нарса билан тақиллатди. Бу тақ-туққа қарғиш ва сўқинишлар жўр бўлиб кетди. Майрам кўшмижжа бир нарсадан хотиржам эди. Чори пахсакашдан қолган бу баланд деворлардан унча-мунча одам ошиб ўтолмайди, арчадан ясалган манави дарвозани ҳеч ким бузиб қиролмайди. Фақат уй орқаси — жарлик томондан бир сўқмоқ бор. Аммо у ердаги дарча ҳам берк. Қолаверса, кечаси у ердан юришга юрак керак...

Дарвоза ҳамон шитоб билан тақилларди. Нима бўлса бўлди, товуш бермаса бўлмайди шекилли.

— Ҳувв, ким у? — деди Майрам кўшмижжа ва дарвоза томон қадам босди.

Кўчада турганлар бирпас жимиб қолишди. Сўнг Ойхол бид-биднинг товуши келди. У дағдаға билан, агар Майрам кўшмижжа қизни чиқариб юбормаса, оқибати яхши бўлмаслигини айтиб дўқ-пўписа қилди.

— Шошма ҳали, бу буқачанинг бурнидан ип ўтказиб турмага тикдираман! — деб қичқирди Банот мошиначи.

Майрам кўшмижжа ихтиёр қизнинг ўзида эканини айтди. Қиз нима деса — шу. Кетаман деса, дарвозани очиб беради, бўлмаса — иложи йўқ. Лекин Нусрат қизга тўй қилиб уйланади. Бу ёғига кўнгиллари тўқ бўлсин.

— Куллуг-э, — деди Ойхол бид-бид. — Қизнинг ихтиёри ўзида эмиш! Ким айтди бун сенга? Ҳали қизнинг онаси, отаси ўлган эмас. Ҳали отаси билмайди бу гапни. Билса, уни тилка-пора қилади!

— Ҳозироқ қизимни чиқариб бер! — деб чийиллади банот мошиначи.

— Узини қақир бу ёққа! — деди Ойхол бид-бид. — Икки оғиз гапим бор унга.

— Нима дейсиз? — дея айвондан туриб овоз берди Барфин.

— Эҳ, жиянгинам! — деди Ойхол бид-бид куйиб-пишиб. — Мен сени ақли расо, тушунган қиз деб юрибман-а! Нимага бизни шарманда қилдинг? Ҳеч бўлмаса мендан ўрнак олсанг бўлмасмиди? Мен шунча, мусофир ерларда юриб, бирор йигитга қайрилиб қараганим йўқ.

Ойхол бид-бид бундан йигирма-ўттиз йиллар илгари област марказида олти ойлик ҳамширалар курсида ўқиган, шунга назарда тутмоқда эди.

Нусратнинг дағал овози эшитилди:

— Сизга ҳам бирор йигит қайрилиб қарамагандир-да!

Майрам қўшмижжа сал нарида чекиб турган ўғлига норози бўлиб қаради. Жим турса бўлади-ку. Ўзи бировнинг қизини олиб қочиб келган бўлса, яна тап тортмай пичинг қилишига бало борми?

— Ҳой, тилиннга қуйдирги чиққур! — дея қарғанди Ойхол бид-бид. — Нима, сен ичимга кириб чиққанмисан? Е, шоир Шайдоёни менга атаб шеър ёзганини билмайсанми? Ана, газитни ўқиб кўр, саводсиз! Йигитим урушда йўқолган, билдингми? Бевафолик қилмадим — эрга тегмадим...

— Қўй шу гапларни! — Қирмиз семизнинг синглисига танбех бергани эшитилди. — Ундан кўра Барфинни қақир. Косапора бўлмаган бўлса, олиб кетайлик.

Банот мошиначи Қирмиз семизга ниманидир уқтира бошлади. Кейин яна Ойхол бид-биднинг дўки эшитилди:

— Ҳой, Майрам, қизни чиқарсанг чиқар, бўлмаса — сирингни элга ёрман!

Майрам қўшмижжа таҳликага тушди. Ана энди шарманда бўлади. Кўчада анча одам тупланганга ўхшайди: гала-говур, бақир-чақир... Нима қилса экан? Дарвозани очгани тузукдир, гап-сўз кам бўлади.

У дарвозага яқинлашган эдики, Барфин қичқириб юборди:

— Хола, очман!

Ё тавба, фарзанд ҳам ота-онасидан шунчалик безадими? Нима бу, қизнинг аҳди қаттиқлигиданми ёки тантиқликми? Майрам қўшмижжа икки ўт орасида қолди.

Дарвоза яна шитоб билан тақиллади.

— Айтдим-ку, ихтиёр қизда, деб, — деди Майрам қўшмижжа шикаста овоз билан. — Энди менга нима дейсизлар?

— Сирин-инини очаман! — деган таҳдидли овоз келди. — Йўқса, дарвозани оч!

— Барфин энди сизларникига бормайди! — деди Майрам қўшмижжа китъят билан. — Хомтама бўлманглар, дарвозани очмайман!

Банот мошиначи фарёд қилди.

— Айтдим-ку, қизимни мана шу Майрам мегажин йўлдан урган! — деб бақирди у.

— Ҳой, Барфин! — деб қичқирди Ойхол бид-бид. — Биласанми бўлажак қайнананг кимлигини? Бўлмаса, эшит! Унинг қилмишини фақат мен биламан!

Худди бир мўъжиза юз берадигандек, ҳамма бирдангина тинчиб қолди. Кўнглини ғаш қилувчи жимжитлик чўкди. Фақат, боғ тарафдан шамол эсиб, деворлар устидаги тўсиқ — сертикан шох-шаббаларни қисирлатди.

Майрам қўшмижжанинг вужуд-вужуди қулоққа айланган. Энди у ожиз-нотавон эмас. Майли, ўша қасамхўр ҳамма гапни айтса айтаберсин! «Лекин ўғли эшитса, нима деркин?» — Ҳаёлида фақат шу савол чарх урарди.

— Эшит, ҳой, Барфин! — деди Ойхол бид-бид товушининг борича қичқириб. — Майрам қўшмижжа сен ўйлагандек фаришта аёл эмас. Уруш йиллари эри қон кечиб юрганда бу киши гунг билан маишат қилиб эди...

— Елгон! — деб қичқирди Майрам қўшмижжа. — Иф-лоснинг гапини қаран! Тухматчига ўлим йўқ экан-да! —

Елгон гапирма, Ойхол! — деди у титраб. — Худодан кўрқ!

— Энди худодан кўрқадиган бўлиб қолдингми? — дея масхараомуз қолиб гапирди Ойхол бид-бид. — Гапим елгон бўлса, нима учун сен отангдан қолган ўймакор сандиқни менга бердинг? Е бўлмаса, нима учун ҳовлини менга ташлаб чиқдинг? Бекоргами? Йў-ўқ, сиримни очмасин, ҳеч ким билмасин, деб шундай қилдинг!

Майрам қўшмижжа ҳовли ўртасида серрайиб қолди. Нусрат унинг ёнидан ўтиб дарвоза томон борди.

— Елгон гапирманг! — деди у бўйин томирларини қабартириб.

— Елгон? Елгон бўлса, ана, онангдан сўра!

Нусрат бирпас онасига гарансиб қаради. Кейин бир-бир қадам ташлаб олди келди. Унинг кўзлари аламдан қақнар, лаблари асабий қимтилган эди.

— Шу гап ростми? — деди у хурпайиб.

— Ҳеч! Ҳовлини ташлаб чиқиб кетган бўлсам, қулогим тинчисин деб...

— Сандиқ берганингиз-чи?

— Уғлим!.. Сенга қандай тушунтирсам? — Майрам кўзлари ёшланиб аллақандай илтижо билан тикилдию кейин юзини қўллари билан яширганча ўтириб қолди.

Нусрат шарт бурилиб ичкари кириб кетди.

Ташқарида, кўчада Ойхол бид-бид ҳамон Майрам қўшмижжани гўрдан олиб, гўрга соларди.

— Ҳой, мегажин! — деди у яна чийиллаб. — Узинг-ку бир пуллик одамсан, энди Барфинни ҳам ўзингдай қилмоқчимисан?! Йў-ўқ, қанжик, бу ниятингга етолмайсан!

Майрам қўшмижжа кетма-кет зарбалардан гангиди. Оёқлари қалтираб, ерга мажолсиз ўтириб қолди. Кўп ўтмай ўғли уйдан чиқди, елкасига костюмини ташлаб, айвон устунига қапишиб турган Барфиннинг қўлидан тортиди. Майрам қўшмижжа унинг аламнок овозини эшитди:

— Барфин, юр, кетайлик бу ердан. Қани, бўл, тугунингни ол. Бу ҳовли бизга ҳаром энди.

Қиз кўркув аралаш Нусратга қаради.

Нусрат унга уй орқасидаги сўқмоқни кўрсатди.

Майрам қўшмижжа ҳамон қараёт эди, у ўрнидан туришини ҳам, турмаслигини ҳам билмасди.

Дарвоза ҳамон тақиллар, бақир-чақир давом этар эди.

— Кетма! — деб фарёд қилди Майрам қўшмижжа. — Кетма, болам!

Дарвоза ортидагилар унинг фарёдини эшитишдими, ҳовлида бир нимадир содир бўлаётганлигини англаб, жимиб қолишди.

Майрам қўшмижжа иккала қўлини ерга тираганча изиллаб йиғлади.

У қадам товушлари узоқлашгани сайин ҳолсизланиб борарди. Ниҳоят, қадам товушлари тинди.

— Нусрат! — деди Майрам қўшмижжа овозининг борича.

Ҳеч ким жавоб бермади. Дарвоза ортида яна ғовур-ғувур бошланди. Майрам қўшмижжа ҳозир ўғлининг бирон бир шофёр ошнасиникига боришини биларди. У ердан кимнингдир машинасини оладию қизни миндириб Тузконга жўнайди. Аммо бунга бир соатча вақт кетади. Бирор соатча! Унга қадар дарвозани очмаслик керак!

Майрам қўшмижжа ўша кечани уйқусиз ўтказди. Ҳай-ҳотдек ҳовлида ўзи билан ўзи олишиб ётди.

Аслида-ку, кўнгли шу ҳолни қачондан бери кутган эмасмиди? Уша Ойхол бид-биднинг таъқибидан озод бўлишни хоҳламаганмиди? Лекин Нусратнинг кетиб қолгани ёмон бўлди. Уғлининг: «Елгон денг буларга», деб қилган илтижосини эсласа, юрак-бағри эзилди. Нима қилсин, ўғли бир сўзли, гапни айтди — тамом, энди изига қайтмайди. Отасидек ориятли, отасидек ўжар у. Майрам қўшмижжанинг эсида бор. Бу воқеа Нусрат ё ўн икки, ё ўн уч ёшга кирганда рўй берган эди. Мерган кампирнинг келинлари пилла қурти тутишди. Улар Нусратни ёрдамга — барг кесишга олиб кетишди. Банот мошиначининг боғидан барг олишаётганда у келиб бир нарса дебди. Нусрат югуриб уйга келиб, омборхонадаги милтиқни ўқлаб, Банот мошиначини отишга бораётганида отаси зўрга ушлаб қолган эди. Ана энди бўлса ўша Нусрат унинг қизига уйланмоқчи! Отаси тирик бўлганида бунга йўл қўярмиди?..

Майрам қўшмижжа эрталаб туриб Мерган момоникига

борди. Йиглай-йиглай кечаги воқеани сўзлаб, кўнглини бўшатди. Ойхол бид-бидга сир олдириб, емаган сомсага ақча тўлаганини айтди. Қизиғи шундаки, кампир воқеадан хабардор экан. У бўлса, буни шунча йиллардан бери Ойхол бид-биддан бўлак ҳеч ким билмайди, деб юрибди. Гунгни Қорасувага кўчириб юборган ҳам Мерган момо экан. У Ойхол бид-биддан бу сирни эшитибдию гунгнинг олдига борибди. «Қишлоқдан кет, Эргаш кунда фронтдан қайтса, сени қийма-қийма қилади», дебди. Майрам кўшмижжа бу гапдан баттар хижолат бўлди, тиззасини қучоқлаб бўйинини қисди.

— Лекин, эринг эшитгани йўқ эди, — деди кампир унинг кўнглида тугилган шубҳани сезгандек. — Ойхол фақат менга айтган. Мен унга: «Агар бу гап яна оғзингдан чиққудек бўлса, шармандангни чиқараман», дедим. У беимонни ўз поччаси билан тутиб олган жойим бор... Ишонабер, сен тўғрингда бошқа ҳеч қаерда чурқ этгани йўқ. Кеча энди ўзини тутиб туролмабди-да.

Мана, Майрам кўшмижжага ҳаммаси аён бўлди. Аммо бундан нима фойда? Фақат, ўзининг шунчалик аҳмоқ, довдир бўлганига ўкинди у. «Нусрат ҳам бир кун ҳамма гапни тушуниб олар», деб тасалли берди кампир. У яна бир нима демоқчи бўлиб лаб жуфтлади-ю, аммо ботинолмади.

12

Майрам кўшмижжа Абдусалом ака милицияга ариза берганини ўзига келган қақирув қоғозидан билди. Тергов кунни уларнинг ҳаммаси: Абдусалом ака, Банот мошиначи, Ойхол бид-бид, Қирмиз семиз бир автобусда йўлга чиқишди. Майрам кўшмижжа қишлоқ этагидаги бекатда турган эди, уни кўриб типратикандай ҳурпайиб олишди. Айниқса, Абдусалом ака.

Автобусда одам унча кўп эмас, йигирма-ўттиз чоғли йўловчи бор эди. Майрам кўшмижжа ҳамқишлоқларига салом берди-да, бир бурчакка бориб ўтирди. Ёнига ҳамқишлоқларидан бири — мақола ёзиб юрадиган мухбир бола жойлашиб олган экан, ундан дала ишларини суриштира бошлади. «Ука, тобим қочиб турибди, ҳозир ҳеч гап сўраманг», деди Майрам кўшмижжа. Мухбир бола хафа бўлгандек, қошларини чимириб қўйди. Кейин жойидан туриб, олдиндаги йўловчиларни гапга тутди.

Майрам кўшмижжа кеча Мерган момонинг кичик ўғлидан Нусрат Тузкон посёлкасида тўй қилмоқчи эканини эшитди. Уғли уни тўйга қақирармикан? У хаёлан тўй оқшомини, давра тўрида бўйи бўйига ярашган, гулдай яшнаб турган Нусрат билан Барфинни кўз олдига келтирарди. Қани, келин-куёвга ўзи оқ фотиҳа берса! Эргаш кунда ҳам ҳаёт бўлсаю бу тўйни, бу тантанани кўрса! Шунда Майрам кўшмижжанинг ҳеч ҳам армони қолмасди.

У айна дамда ўша боғин, илк учрашувини, кузаки олмалару илк марта ўптириб, юзи олмадай қизарган дамларини эслади. «Майрам, сен мен учун байрамсан», деган эди Эргаш кунда ўшанда. Кейин у бу гапни кўп йиллар давомида такрор-такрор айтди. У бу гапни биринчи марта айтганида уни ҳали Эргаш сағир дейишарди. Кейин у Эргаш ботир бўлди. Майрам ҳалиям унинг учун байрам эди. Эргаш ботирни эл энди Эргашбой деб атай бошлади. Шунда ҳам Майрамнинг ўзи учун байрам эканини тилдан қўймади. Сўнг у Эргаш кунда бўлди. Майрам эса ҳамон унинг байрами эди. У бошқалар учунгина Майрам кўшмижжа эди. (Узун мишжалари икки қатор ўтганидан унга шундай лақаб қўйишган.) Эри унинг исми «байрам» сўзига уйқаш эканидан хурсанд эди. Агар у Майрам деб аталмаганида ҳам эри барибир ниманидир ўйлаб топган бўларди...

Шунингдек, Барфин ҳам Нусрат учун байрам!

Майрам кўшмижжанинг кўзи Ойхол бид-бидга тушдию хаёли бўлинди. Автобус тирбанд эмаслигига ачинди. Агар одам кўп бўлганида, уни душманларидан пана қиларди. Ахир, бир соат улар билан ёнма-ён кетишнинг ўзи азобку. Уларга ҳам худди шундай бўлса керак, ҳар сафар бирортасининг нигоҳи беяхтиёр унга тушса, қалампир егандек юзи буришади. Лекин у афтини буриштирамайди, кўнгли беҳузур бўлади, холос. Йўқ, улардан уялгани ҳам, кўрқани ҳам йўқ. Фақат, нима бўлса ҳам, милиция

бўлимига боргунча жанжал кўзгашмас — бўлгани. Шунинг учун ҳам миқ этмай ўтиришни лозим кўрди.

Банот мошиначи эри билан гангир-гунгур қилиб келарди. Улар эски сомонхонани бузиб, янгисини қуриш, бу ишни ким уддалаша мумкинлиги ҳақида баҳслашишарди. Эри кимнидир айтган эди, хотини маъқулламади «Кўзи оч, пулни кўп сўрайди», деди. Эри уни жеркиб берди. Майрам кўшмижжанинг оғзи очилиб қолди. Яккаю ягона қизлари қочиб кетади-ю, буларнинг гаплашиб ўтирган гапини қаранг!

Бужур кал Гултепада автобусни тўхтатиб, йўловчиларга билет тарқата бошлади. У Абдусалом акага юзланаркан:

— Қани, куда-андалар мундай кичининглар-чи! Биргалашиб йўлга чиқибсизлар-да, тўйга тайёргарликми? — деди.

«Ана, бошланди, — деб ўйлади Майрам кўшмижжа. — Энди, Ойхол бид-бид дийдиёсини қилади. Э, Бужур кал, ҳеч нарсадан беҳабардек сўрайсан-а! Биласан-ку ҳамма гапни, укам... Хангоманинг орқасидан қувлайдиган маржонликсанда!»

Банот мошиначи эрининг ўрнига жавоб қилди:

— Қанақа тўй, Бужурбой?.. Илмоқли гап қилманг ундай!

— Кўп гапирмай носдан ол, Бужур, — деди Абдусалом ака. — Узинг яхши юрибсанми?

Бужур кал носқовоғини оғриниб узатди, гап сўраганига пушаймон бўлди.

— Утган галгидек носнинг ярмини олиб қўйманг, Салом ака, — деди у.

— Салом эмас, Абдусалом дегин, шунда худонинг қули бўламан, — деди Абдусалом ака носқовоғига «атиги бир отим» нос тўкиб олган.

— Э, сиз худонинг қули бўлгунча, халқнинг гули бўлинг, ака! — деди Бужур кал. — Хўп, тўй қачон энди?

— Уша қутурган айғирга қиз бераманми! — деди Банот мошиначи. — Уни ушлаб оёғига кишан солдирмасам, отимни бошқа қўяман!

— Э, э, секинроқ, қудангиз ўтирибди, эшитса яхши эмас, — деди Бужур қувлик билан. — Қудачилик — минг йилчилик, деганлар.

«Шу сўзинг ортиқча бўлди-да, укам. Бу газандалар яна гапни чувалтиришади», демоқчи бўлди Майрам кўшмижжа.

— Эшитсин, эшитсин! — деб шовқин солди Ойхол бид-бид. — Хангисини тушовлаб олсин эди бўлмаса.

У гапини тугатмаёқ, Банот мошиначи давом эттирди: — Бекорга жағингни оғритиб нима қиласан? Булар одам бўлса, совчи-элчи қўймайди! Шуларни шарманда қилай, иснодга қўяй, деган-да!

Қирмиз семиз ҳам гапни олиб қочди:

— Э, булар қалин-палин деган ташвишдан қочган. Бу шўринг курғурларда пул нима қилсин! Анави қасамхўри ҳалиям қарзини тўламай юрибди...

Майрам кўшмижжа тишини-тишига қўйиб ўтирди. Нима ҳам десин? Гап таллашиб барибир обрў топмайди. Лекин, Қирмиз семиз болади — Нусратга маломат қилди. Аслида-ку, Нусрат ундан қарздор эмас. У кузда Мерган момога бир машина кўмир келтириб берган эди. Қирмиз семиз кўчага қараган уйига печка қурган экан. Нусрат фафлатда қолибди — машина кузови печка карнайини пачоқлаб ўтибди. Кечқурун Қирмиз семиз роса қиёмат кўтариб келди. Нусрат ўшанда беш сўм билан уни тинчитгану янги карнай олиб беришни ваъда қилган эди...

Қирмиз семиз гапдан тўхтамас эди:

— Бети қурсин ундай йигитнинг! «Шопирдан эринг бўлмасин...» деганлари шу-да!

Майрам кўшмижжанинг ҳам бардоши тугади.

— Қирмиз, — деди у ўзини босишга уриниб, — аввал ўзинг биронта туғиб, тарбия қилгин-да, кейин қаргагин...

— Ундай бола туққандан, туғмаган афзал! — деб қичқирди Қирмиз семиз.

— Уғлинг қизимзини йўлдан уради-ю, қарғамайми-ми? — деди Ойхол бид-бид. — Бу ҳали ҳолва, қарғаш у ёқда турсин, қаматтирамиз ҳам!

Майрам кўшмижжа ҳаммаси терговда аниқ бўлишини айтди.

— Уғлинг қизимга арақ ичириб, бошини айлантирган! — деди Банот мошиначи. — Бу нима, жиноят эмасми?

«Уғлим қизингга қанақасига арақ ичирсин?.. Барфин

Норбиби ҳисобчининг туғилган кунига борган экан. Зиёфатда бўлганларнинг бари Нусрат ўтириш тугаганда борганини айтишди. Лекин сен бунга ишонармидинг, гўрсўхта!» деди ичида Майрам қўшмижжа. Шунчаликка қарамай, у рақибларига мулойимроқ муомала қилмоқчи бўлди:

— Энди, иккови ҳам ёшлик қилибди. Лекин, биз, катталар бамаслаҳат иш тутаёлик.

Шу гапни бекор айтган экан. Буларга муросасозлик қилиш — оловга мой сепиш билан баробар бўлди. Айниқса, Абдусалом аканинг жазаваси кўзиди:

— Насихатингни ўғлингга қил, қанжиқ! — деди у бўкириб. — Пайтавангга қурт тушганда ақлинг кирдим! Шошма ҳали, тухуминг билан қуритмасам, юрган эканман...

Майрам қўшмижжа оғзига талқон солгандек ўтирди — булар фақат даҳанаки жангга эмас, юлиб-турткилашга ҳам шай.

Автобус манзилга етдию у енгил нафас олди.

Тергов хонаси чоғроққина эди, Майрам қўшмижжанинг яна ўша башаралар билан рўбарў бўлишдан бошқа чораси қолмади. Терговчи ёш бўлса-да, пишиққина экан, бир-бирига гап бермай жавраб ўтирган опа-сингилларни дарҳол огоҳлантирди:

— Айтиб қўяй, бу ерда ножўя ҳаракат қилсаларинг, сўкишларинг оқибати яхши бўлмайди! — Кейин у Абдусалом аканинг важоҳатини кўриб: — Айниқса, сиз тартиб сақланг. Ҳали бу ерга кўп қатнашингиз керак бўлади. Сабаби ўзингизга маълум, — деди.

Терговчи бу гапни уларнинг кўзини кўрқитиб қўйиш учун айтди ёки чинданми? — Майрам қўшмижжага қоронғи, лекин у ич-ичидан севинди.

Терговчи бир пайт қўшни хонада ўтирган икки ёшни — Нусрат билан Барфини чақиртирди. Майрам қўшмижжа уларни кўриб, қувончидан ўрнидан туриб кетай деди. Иккаловини ҳам қучоқлаб олгиси келди. Лекин, иложи қанча?

«Кўёв-қаллиқ» терговчининг ишораси билан тўрға ўтишди. Шу маҳал Банот мошиначи сапчиб ўрнидан турдию Нусратнинг сочига чанг солди. Нусрат ҳамладан ўзини олиб қочишга улгурмай, Барфин онасига ёпишди.

— Қўлингизни олинг! — деб қичқирди у.

Банот мошиначи терговчининг аралашувидан сўнг, кўзёши қилиб ўрнига ўтирди.

— Билиб қўйинг, — деди Барфин юзини кескин дераза томон буриб, — мени тинч қўймасаларингиз, у ёғини ўзим биламан...

Майрам қўшмижжа ағрайиб қолди. Епирай, Барфин гапиряптими шу гапни? — Мулойимгина, йиғидан бошқани билмайдиган қиз-а? Бу ёғига Майрам қўшмижжанинг кўнгли тўқ бўлди.

Терговчи қизнинг «тушунтириш хати»ни ўқиб эшиттирди. Кейин, Нусрат ва Барфин билан савол-жавоб қилди. Уларнинг жавобидан шу нарса маълум бўлдики, Нусратни зиёфатга қиз айтириб юборган экан. Лекин йигит зиёфат тугашига яқин кириб борибди. Қочиш режасини ҳам қиз таклиф қилган. Нусрат эса: «Онамни ёлғиз ташлаб ҳеч қаёққа кетолмайман, яхсиси бизникига борайлик, кейин бир гап бўлар», деган.

— Сизнинг яна қандай эътироз-шикоятингиз бор? — деб сўради терговчи Абдусалом акадан.

— Қизнинг ихтиёри ўзида эмас, — деди Банот мошиначи. — Бу юзсиз нимага биз билан бир оғиз маслаҳат қилмади?

Барфин унга ғалати бир қараган эди, онаси негадир жим бўлди.

— Қиз ўз ихтиёри билан йигитга турмушга чиқмоқчи экан, бунинг нимаси ёмон? — деди терговчи.

Шу гапдан сўнг даъвогарларнинг нафаси ичига тушиб кетди.

— Сизларга жавоб бўлмаса, — деди терговчи ёшларга. Майрам қўшмижжа, ўғлим ҳозир ёнимга келади, деб умид қилган эди. Нусрат эса қайрилиб ҳам қарамади. Қизнинг тирсагидан ушлаб, хонадан чиқди. Терговчи ҳаммага бир варақдан қоғоз бериб, «тушунтириш хати» ёзишни сўради. Абдусалом акага эса, «Йигитга даъвом йўқ», деб ёзинг, деган эди, у кўнмади.

— Ўзингиз биласиз, — деди терговчи. — Ҳар ҳолда, энди қизини... уйингизга қайтариб кетмасангиз керак. Ундан кўра, тўйларини яхшилаб ўтказиб беринг. Ёшлар бахтли бўлишсин.

Абдусалом ака бу гапдан сўнг чурқ этмай қоғозга қўл чўзди.

13

Янги йил арафаси эди. Майрам қўшмижжа ҳеч қаерга чиқмай ўтирди. Борадиган жойи йўқ эмас, бор. Эрталаб бригадасида ишлайдиган учта аёл: «Байрамни бирга кутайлик», деб уйларига таклиф қилиб келишган экан. «Кечирасизлар, қизимникига кетяпман», дея уларни қайтариб юборди. Аслида, у қизиникига ҳам бормоқчи эмас эди. Янги йилни тантана билан кутиш кўнглига сиғмасди. Бундай оғланди-ку, янги йилни Маржонда ҳамма ҳам байрам қилавермайди. Қари-қуриларнинг ярим кечагача ўтиришга тоқатлари йўқ — барвақт ётиб, азонда туришга ўрганишган. Ёшларнинг йўриғи бошқа. Майрам қўшмижжа ҳам уларга қўшилди ҳар йили янги йилни кутишга одатланган. Ўтган ҳафта чўлдан куёви келиб, «Отпускангизни олинг, сизни Хоразмга элтаман», деди. «Хоразмда нима бор?» деб ҳайрон бўлди у. Куёви Хоразмдан бир табиб қиз чиққанини айтиб: «Кўзлари рентгендек кўрармиш, қўллари билан шифолармиш, газитда ўқидим», деди. Куёви ҳам қизик-да! Наҳотки, қайнонасининг дардини сезмаса, билмаса? Ахир, у ўғли билан ярашса — олам гулистон-ку! Унга ҳеч қандай табиб-пабибнинг кераги йўқ. Лекин у куёвиге бундай демади. «Майли, фақат янги йилдан кейин борайлик», деб қўяқолди. Зора янги йилгача ўғлим кириб келса, деб умид қилди. Ана шу умидда бугун эрталабдан пазандалик маҳоратини ишга солиб манти пиширди, шўрва осди, лочира ёйди. Дўконга чиқиб, «Ошна-пошнаси билан келиб қолса, керак бўлар», деб арақ олди.

Уйга қайтса, дарвозасини Мерган момонинг кенжа ўғли тақиллатиб турибди. Уни кўриб, Майрам қўшмижжа севишиб кетди. «Нусратдан бирор хабар келтиргандир», деб ўйлади.

— Ке, ке, — деди.

— Онамнинг аҳволи оғирга ўхшайди. Сизни сўраяпти.

— Борабер. Мен ҳозир етиб бораман, — деди Майрам қўшмижжа.

У харид қилган нарсаларини уйга киргизиб қўйди-да, физиллаб кампирникига жўнади.

Мерган момо оёқдан қолган бўлса ҳам, лекин тили-жағи соғ эди. Майрам қўшмижжа хонага кирганда, у келини билан бурро-бурро гаплашиб ётган экан. Кампир келинига: «Бизни холи қўйинг, айланай», деди. Келини Анорхол Майрам қўшмижжага ғалати бир қаради-да, хонадан чиқиб кетди. Кампир ёстиқ тагидан дока рўмол олиб, Майрам қўшмижжага узатди. Майрам қўшмижжа рўмолнинг туғилган учини очдию иккита таниш қизил тангани кўриб, анграйиб қолди.

— Таниясанми, бу тангалар ўзингизники, — деди кампир.

— Сиз уни қаердан топдингиз? — У тангаларни коржоманинг чўнтагига солиб қўйган эди-ку, ё ҳовли-повлида тушириб қолдирганмикан?

Кампир унинг ҳайрон бўлаётганини кўриб, хаста товуш билан гап бошлади.

— Қизим, мен бандаи нодонни кечир, — деди у кўзларига ёш олиб. — Мен бу тангаларни тагига етиб, ҳукуматга топширмоқчи эдим. Аммо кейин...

Майрам қўшмижжа ишонмади. Кампирнинг бундай қилишига ҳеч ҳам ишонмас эди.

— Эси оғиб, валдираяпти деб ўйлама, — деди кампир. — Рост айтяпман. Қариган чоғимда гуноҳга ботдим. Мана, бир ой бўлдики, на ўлиб ўлолмайман, на тузалиб туролмайман.

— Э, момо, бор-йўғи иккита танга экан-да, шунга шунчами! — деди Майрам қўшмижжа. — Шуларни сизга бағишладим.

Кампир бош чайқади.

— Бу тангаларнинг изи бўлса керак, — деди у Майрам қўшмижжани яна ҳайрон қолдириб. — Лекин, қолгани сенда эмас, биламан.

Кампир унинг хаёлига ҳам келмаган гапларни айтди.

Унингча, Эргаш кунда Ойхол бид-бидларникида кунда кавлайтуриб... хазина топган. Аммо, бу сирни айта олмай ўлиб кетди. Бўлмаса, Ойхол бид-бид тиш кўйдиришга мунча тиллани қаёқдан оларди?

— Бу ишнинг орқасидан тушгин, — деди кампир. — Агар шу сирнинг тагига етмасанг, у дунёи бу дунё рози эмасман. Бу тангаларни милисага элт. Эҳ, аввалги шаштим бўлганида борми, ўзим билар эдим...

Кампир бу гапни айтиб, анчагача жим ётди. Майрам кўшмижжа кўлидаги тангаларни камзулининг киссасига солди. Урнидан турмоқчи бўлган эди, Мерган момо ундан рози-ризолик сўради.

— Кўйинг бу гапларни, — деди Майрам кўшмижжа. — Дард бошқа, ажал бошқа, деганлар. Ҳали отдай бўлиб кетасиз. Мана, мени айтди дерсиз.

Майрам кўшмижжа ҳовлига чиққанида катта келин олдига югуриб келди. Қайнонаси нима деганини суриштирди.

— Момо рози-ризолик сўради, — деди Майрам кўшмижжа. Кампир билан ораларида бўлиб ўтган гапни айтиб кўйишдан ўзини зўрга тийди.

Майрам кўшмижжа уйига ғам-ғусса билан қайтди. Бир томондан, кампирнинг оғир аҳволда эканлигидан эзилса, иккинчи томондан, мана бу лаънати тангалар уни яна изтиробга солган эди.

14

...Хайрият, кечга яқин дарвоза тақилладию у ёстиқдан бош кўтарди. Ташқарида енгил лайлакқор ёғаётган эди. Майрам кўшмижжа ҳавонинг совуқлигига ҳам қарамай, бошига фақат рўмолини ташлаб чиқди. Сатин кўйлак остида юраги дук-дук урарди: нима бўлса ҳам, ўғли келган бўлсин!

Дарвозани очди. Рўпарасида тугунчак кўтарган Барфин турарди. Очиғи, у келиннинг бу ташрифидан унчалик севинмади. Кейинги кунларда кўнглининг қаеридадир: «Мана шу қиз туйфайли ўғлим мендан юз ўгирди», деган ўй-фикр ҳам йўқ эмасди. Барфин келасолиб, Майрам кўшмижжанинг белидан қучди, икки юзидан чўлпиллатиб ўпиб олди. Майрам кўшмижжа келиннинг беғубор тикилган қоп-қора кўзларига бардош бера олмади, кўнглидаги муз бирдан эриди. Эридию кўзларидан ёшга айлана оқа бошлади.

— Йиғламанг, жо-он хола, — деди Барфин. — Ёшлик қилдик, кечиринг бизни...

«Нимангни ҳам кечирай, болам? — деб ўйлади Майрам кўшмижжа уни уйга бошлаб кираркан. — Ҳаммасига ўзим сабабчиман-ку».

Уйда Барфин унга зар сим чакма қилинган бухори ковуш кийдириб, юргизиб кўрди. Майрам кўшмижжа бундан суюнган бўлса ҳам хаёли ўғлида эди.

— У киши Тошкентга командировкага кетди, — деди Барфин. — Мен бўлсам, янги йилни сиз билан ўтказай, деб тўғри келабердим.

Майрам кўшмижжа шунисига ҳам хурсанд бўлди. Келинига бирор нарса совға қилиш умидида сандиқ томон борди. Калитни оламан деб камзулига қўл суққан эди, тилла тангалар илашди.

— Мана шу сизга кўрмана совғам, — деди у келинига бурилиб. — Каттаси кейинроқ бўлади.

Дастурхон ёзаётган Барфин қайнонасининг кўлидаги тангаларни кўриб, ранги девордай оқарди.

— Сизга нима бўлди, қизим? — деди Майрам кўшмижжа ҳовлиқиб. — Кўнглингиз оздимми?

У дарров тўрға жой солиб, Барфинни ётқизди.

— Шамоллабсиз-да, келин, — деди унинг пешонасини ушлаб кўраркан. — Иссиғингиз ҳам борга ўхшайди.

Майрам кўшмижжа телевизор қўйилган тумбочка тортмасидан дори-дармон солинган қутичани олди. Унинг ичидан иситмани туширадиган дори излаб топди.

— Мана буни ичинг.

Барфин ёстиққа суянганча, қайнонаси узатган дорини ичди. «Мунча кўзларини олиб қочмаса», деб ўйлади Майрам кўшмижжа.

— Анави тангаларни қаердан олдингиз? — деди Барфин бир лаҳза сукутдан сўнг. У бу гапни айтатуриб кўзларини

юмди. Шунда Майрам кўшмижжа бу тангаларда бир гап борлигини сезди, юраги ҳаприқди.

— Нусратнинг отаси қиядиган коржомадан топган эдим, — деди у саросимага тушиб. — Нима эди?

Барфин кўзини шифтга илиғлик бир жуфт анорга тикиб, қийнала-қийнала гапирди:

— Уша... мен кўрган хумчадан олинган...

Майрам кўшмижжа жон ваҳмида қизнинг елкасидан ушлади:

— Нималар деяпсиз, жон қизим, тушунтириб гапиринг! Барфин бош силқиди:

— Айтман, фақат кейинроқ. Юрагим санчяпти. Анови сумкамда валидол бор, шуни олиб беринг, холажон.

Майрам кўшмижжа Барфинга ачиниб кетди. Шу ёшдан унда юрак санчиғи нима қилади?

Барфин валидолни тили тагига ташлаб, ётди.

У туни билан, бўлган воқеани йиғлай-йиғлай айтиб берди.

Бир кеча Барфин алламаҳалда уйғониб кетибди. Қараса, нариги хонада онаси ҳалиям нимадир тикиб ўтирган экан. Унинг олдига энди чиқмоқчи бўлиб турганида Қирмиз холасининг гапини эшитиб қолибди. У аллақандай хумча ҳақида сўз очиб, тангалар тақсимотидан норози эканини, агар улушини тўлиқ бермасалар, милисага хабар қилишини айтибди. Барфиннинг онаси бу гапга роса кулибди. Унинг айтишича, Эргаш кунда ўшанда Қирмиздан ёрдам сўраган. Лекин, дўхтирга хабар бермаган ким — Қирмиз... Шунинг учун ҳам Эргаш кунданнинг ўлимига фақат Қирмиз сабабчи. Қамалса ҳам Қирмиз қамалади. Барфин холасининг эйтирозини ҳам эшитиб олибди. Қирмиз холаси дўхтирга хабар қилмоқчи бўлганида Барфиннинг отаси, онаси, Ойхол холаси қўймаган эмиш. Агар у дўхтирга дарҳол хабар қилганида, Эргаш тоға тирик қолган бўлар экан... Барфиннинг онаси эса уни жеркиб берибди. «Поччанг сенга: «Эргаш кундани кўй, яхшиси, унинг олдида ётган хумчани тезроқ келтир», дегандан сўнг дўхтир чақирини ҳам эсдан чиқариб кўйдинг», дебди у синглисига. «Поччам дўхтирга вақтни ўтказиб бор, деганида ўзингиз шу ерда эдингиз-ку. У-бу гапни қўйинг, агар поччам улушимни тўлиқ бермаса, ўзидан кўрсин!» дебди Қирмиз холаси. Барфиннинг онаси кўрқиб қолиб, ялина бошлабди. Яна пича танга ваъда қилиб, уни жўнатибди. Холаси кетиши билан Барфин онасининг олдига чиқибди. Онасига ҳамма гапни эшитганини, эртага органга хабар қилишини айтибди. Онаси ҳўшдан кетиб қолибди. Барфин кўрқиб, холасини чақирибди. Биргаллашиб, унинг юзига сув сепиб, ҳушига келтиришибди. Онаси шу ётишда ўн кунча ўрнидан туролмабди. «Нимаки қилган бўлсак, сени деб қилдик. Сир очилса, ҳаммамиз қамалиб кетамиз. Аммо, шармандаларча қамалгандан кўра, сирка ичиб ўлганим минг марта яхшироқ. Бу дунёдан қизимнинг дастидан дод деб ўтаман!», деб Барфинни кўрқитибди...

Майрам кўшмижжа бу гапларни эшитиб, юрак-бағри эзилиб кетди. Барфин эса, ўшанда бу сирни ҳеч кимга айтмаганига афсусланиб йиғларди. Майрам кўшмижжа уни овутган бўлди. Кейин бир илтимоси борлигини айтди. Илтимоси шуки, Барфин бу гапларни милицияда ҳам такрорлаб бериши керак. Қиз бунга доим тайёр эканини, энди бу сирни ичда сақлай олмаслигини айтди.

Майрам кўшмижжа ерда ётган тангаларни оларкан, бир нарсани ўйлаб қолди: эри нима учун фақат иккита тангани киссасига солган экан?.. Балки, умри битганига ишониб, ёпиқлик қозон ёпиғлигича қолмасин, хазина буларнинг кўлида қолиб кетмасин, деган ўй билан далил тариқасида шундай қилгандир...

Майрам кўшмижжага негадир ана шу хулоса тўғридай туюлди.

* * *

Йўқ, улар керакли жойга боришга улгуришмади. Абдусалом ака қандайдир бир тиш дўхтирга тилла сотаётгани устида қўлга олинди. Барфин очган сирдан ҳамма хабардор бўлди. Утган ҳафта қазо қилган Мерган момонинг йиғи-йўқловида бир гўянда хотин ўша воқеани ҳам кўшиб айтди:

Зигир гулини ташлади,
Юлдуз кўзини ёшлади-я,
Чақмоқдайин момомиз-а
Бизни кимга ташлади-ё,
Вой момо-мо, вой момом!..
Эргаш кунда жиянинг-ай,
Бутун эди-ку имони-я.
Уни чақиб ўлдирди-я
Маржоннинг тўрт илони.
Вой момо-мо, вой момом!..

Бу эл қарғиши эди. Инсонга бундан ортиқ жазо йўқ. Майрам қўшмижжа ўз кўзи билан кўрди: йиғи-йўқлов айтишаётган хотинлар орасидан уч шарпа сирғалиб, қўрқалар чикиб кетди. Бу ўша уч опа-сингил, уч бошли аждаҳо эди. Улар элининг қарғишига дош беролмай, ғамхонани тарк этишган эди.

Удумга кўра, йиғи-йўқлов орада тўхтаб-тўхтаб айтилади. Навбатдаги бир фурсатлик тин олишда Сарви хола марҳуманинг ўлими олдидан қилган васиятини айтиб берди. Мерган момо ўлганидан сўнг қабрига Ифорли сойдан иккита кўк тош қўйишларини сўрабди. «Бошқа ёдгорлик қўйишмасин», дебди. Нима учун фақат иккита кўк тош? Бунинг маъносини Майрам қўшмижжа тушунмади. Кампирнинг бир пайтлар айтган гапи эсига тушди. «Кўк ранг — ота ранг, яшил ранг — она ранг», дерди. У балки икки кўк тош билан икки ўғлини назарда тутгандир...

Хотима

Эмишки, Абдусалом ака қамоқ муддатини ўтабди. Уйга қайтаётганида Бужур калнинг автобусига чиқибди. Ана шунда Бужур кал у билан қуйидагича суҳбат қурибди:

— Абдусалом ака, ростиңизни айтинг, — дебди Бужур кал, — ўшанда Эргаш кундага нега ёрдам қилмагансиз?

— Э, биродар, — дебди Абдусалом ака, — менинг ўрнимда у бўлганда ҳам шундай қиларди. Негаки, бир-биримизни ўлгудек ёмон кўрардик.

— Нима учун?

— Иккаламизнинг лойимиз икки жойдан олинган.

— Нима қиласиз яшириб? Аслида бир хумча тиллани деб шундай қилгансиз!

— Йўқ, аввал тиллани билганим йўқ эди. «Илон чақди», дейишганига «Ажаб бўпти», дедим, уйдагиларни дўхтиргача боргани қўймадим. Тўғриси айтсам, ўлади, деб ўйлаганим йўқ. Илон чаққан бўлса, бир азобини есин, дедим. Уни капча чаққан экан. Яна қаеридан денг — бўйнидан. Бўлмаса, тезда ўлмас эди.

— Тиллани нега давлатга топширмадингиз?

— Э, ука, — дебди Абдусалом ака, — Хотинликка ярамас эди. Бошқаси билан кўнгил очиш учун эса мулла-жиринг керак. Менинг ўрнимда бўлганинда сен ҳам шундай қилардинг.

Бужур кал автобусни тўхтатиб, «Абдусалом ака, пастга тушинг, бир маслаҳатли гап бор», дебди ва ўзи ҳам кабинадан тушаётгандек бўлибди. Абдусалом ака автобусдан тушиши билан кал машинани ҳайдаворибди. Орқадан сўкиниб чопиб келаятган Абдусалом акага қараб бундай деб бақирди: «Менинг ўрнимда бўлганингизда сиз ҳам шундай қилардингиз!»

Бужур кал кейинчалик уч опа-сингилдан ҳам алоҳида-алоҳида гап олибди. Уларга ҳам бояги саволларни бериб кўрибди.

Банот мошиначи бундай дебди: «Бировга ёрдам бериш тугул, ўзим ёрдамга муҳтож бўлиб ётган эдим. Тиллани сўраясизми, ҳа, худо бергани хуржунга сол, деганлар».

Ойхол бид-биднинг жавоби эса мана бундай бўлибди: «Ростини айтсам, тилла билан бўлиб, ёрдам бериш ҳаёлимдан кўтарилибди. Бунинг устига поччам бир оғиз айтмадики: «Бор, дўхтирни чақириб кел», деб. Тилла нега керак, дейсизми? Нима деяпсиз, ҳали бу дунёдан умидим бор. Зора, биров-яримтанинг хотини ўлиб, мен бечора ҳам эрлик бўлиб қолсам. Ёшлигимда эрақни кўп сайлаганим йўқ, ўша пайтларда эрақ кам эди-да ўзи, айланай. Кимгадир эрақ етмай қолса, бунинг нимаси қизиқ экан?»

Қирмиз семизнинг гапи мана бундай: «Ҳаммасига Ойхол билан поччам сабабчи. Поччам айтдики, агар Эргаш кунда тирик қолса, бу тиллаларни давлатга топширади, бизга ҳемири ҳам тегмайди. Мен дўхтиргача кетаётган эдим, Ойхол йўлимни тўсиб олди, сенинг эрингдан қолган пулинг кўп-да, тиллани назарга илмайсан, деди. Шундай бўлса ҳам касалхонага бордим. Лекин, семизман-да, нима қилай, тезроқ чопиб боролмадим».

Улар бу гапларни айтганми, йўқми — Бужур калнинг виждонига ҳавола. Негаки, бу гапларни Бужур кал элга ёйди. Оқибат, опа-сингилларнинг гапи бир-бирига етиб борди. Кейин улар ўзаро даҳанаки жанг қилишибди. Бири иккинчисининг юзини юлган, ётқизиб тепган, юзи-кўзи демай бир-бирини ҳақорат қилган.

Бужур кал дебди: «Бир гапнинг охирига етмай қўймайди. Ана шу можаронинг натижасини ҳам бир автобус одамга айтиб берди. Ойхол бид-бид лаш-лушини кўтариб шаҳарга кўчиб кетибди. «Шаҳарнинг бағри кенг», деганмиш. У яна: «Маржонни елкамнинг чуқури кўрсин», дебди. Қирмиз семиз эса, калтақни кўпроқ еган эканми, касалхонага тушибди. У билан ётганлар кундузи ухлаб, кечаси китоб ўқишар экан. Қирмиз семиз жуда қаттиқ хуррак отаркан-да.

Бужур кал Банот мошиначи ҳақида ҳеч нарса демади. Ҳамма унинг бир ой аввал дарди зўрайиб, қазо қилганидан хабардор эди.

Майрам қўшмижжа бу тафсилотларнинг барини автобусда эшитди. Лекин бундан унга нима фойда-ю, нима зарар? Ҳар ким қилмишига яраша жазо олади. Уни бошқа нарса қизиқтиради: одамни илон чақса, заҳри қанча вақтгача қирмайди? Агар одамни одам чақса-чи?..



Мен ушбу қиссамни журналга тақдим этишдан аввал баъзи дўстларимга ўқитиб олдим. Қисса уларга манзур бўлди, лекин бир ўринда эътироз билдиришди: «Асарда салбий қаҳрамонлар кўпайиб кетмаганми?» Бундай олганда улар ҳақ эди. Бироқ, асар ҳаётдаги мана шундай баъзи бир нопок одамларга нафрат руҳида ёзилган эди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумида худди ана шундай текинхўр, жамиятимизга ёт кишиларнинг жирканч башараси фош этилгани айни муддао бўлди. Мен асарда ана шундай тубан кимсалар (уч опа-сингил ва Абдусалом ака)га қарши турган дили пок одамлар (Майрам қўшмижжа, Мерган момо) образини яратишга, уларнинг маънавий товланиш йўлидаги уринишларини акс эттиришга интилдим.

МУАЛЛИФ

Онаси бетоблангач, уни илк бор ўйлаган,
Жон фидо қилишга шай турган фарзанд мисоли
Ўниб, она тилини авж пардада куйлаган
Шоирлардек, мен сени алқамандим ҳали...
Қаламим етолмаган армоним, она тилим!
Мангулик йўлларида сарбоним — она тилим!

Таърифга сизмас дедим, чунки сен ҳаёт тузи,
Халқ жигари асрлаб поклаган тоза қонсан.
Куйлаш юксак кўринди, чунки сен — менинг ўзим,
Сен — ўтмишим, ҳаётим, истиқболим, имонсан,
Қалбим ҳосилин тўккан хирмоним, она тилим!
Мангулик йўлларида сарбоним — она тилим!

Не қўйма тафаккурлар, не олим закий зотлар
Излаб топа олмади чаши ибтидоингни.
Ишонгум, ҳеч қандайин ЭХМ, содиқ роботлар
Тополмагай лимиту сарҳад, интиҳонингни,
Собит ишонч, беписанд карвоним, она тилим!
Мангулик йўлларида сарбоним — она тилим!

Гурур билан, баралла мадҳ айласам ҳаққим бор,
Бурчлимиз қадринг байроқ айлашга шеъримизда.
Миллион рўзномаларда тақдирсан, роз, ифтихор
Барча пролетарга хитобсан Гербимизда,
Марказкўм минбаридан Фармоним, она тилим!
Мангулик йўлларида сарбоним — она тилим!



Тўмарис нидоси

(туркумдан)

«Иигитлар маишат йўлин тутганда,
Ўз қолиб, ўзгалар қўлин тутганда,
Оналар, бурчакда захар ютгандан —
Сочингиз турмакдаб, мининг тулпорга!»

Майлига сувларда қолса қозонлар,
Майлига ўсмалар бўлса хазонлар,
Кўлингиз хиномас, бўйса қонлар —
Не қилай? Оналар, мининг тулпорга!

Ватандан азизроқ нима бор ахир?!
Хурликдан лазизроқ нима бор ахир?!
Фарзандга бергали нурафшон тақдир.
Оналар, бел бойлаб мининг тулпорга!

Маккор ёв кулганда меҳрдан тонинг.
Бўи кўнғил жомига харсанелар солинг.
Кўзи кеч очилган мандан дарс олинг,
Оналар! Кетдиз-эй, миниб тулпорга!»

* * *

«Эй зулмат қўйнида ойланган Ватан,
Кўринмас занжирда бойланган Ватан,
Душманга эзмаган мағрур бошини,
Ор-номус жангига шайланган Ватан!

Билмасдим тошларинг лахча чўғ экан,
Қушларинг ёв кўзин ўй ўқ экан,
Билмасдим Яксарт, Окс ёв ютар аждар,
Аждодлар ханжари экан ҳар тикан!



Мукаррама
Муродова

Сароблар ёв йўлин ютиб ташлади,
Иигитлар ёв қўлин бутаб ташлади,
Кексалар олчоқнинг орзу шохларин
Ўтирган жойида мўтаб ташлади!

Эй, эркин тин олиб, соғланган Ватан,
Эй, жоним-жонига боғланган Ватан,
Мен учун қасоскор муштга айланиб,
Кўксимга юракдай жойландинг, Ватан!»

Қайт, муҳаббат!

Сен ғофил илғамас шуур экансан,
Кўнғимни тўлдирган сурур экансан,
Каддимни тик этган гурур экансан.
Не учун нафратга ўғирдим экан?
Висол бўл, деб таъма қилмасман минбаъд,
Фақат юрагимга қайтгил, муҳаббат!

Сен кетдинг, борлиққа бежалди кул ранг,
Оламда бир сас йўқ — бўлдимми гаранг?!
Билмай завқ, журъатни беҳис, бемажол,
Пучмоқда судралиб юрибман аранг...
Мен дилдан ул ёрни қувгандим фақат,
Тезроқ юрагимга қайтгил, муҳаббат!

Мен наъра бўлсам, ёр сасдай туюлди.
Мен осмон эсам, у пастдай туюлди,
Сертўфон оламда хасдай туюлди,
Куйида туфроғлик басдай туюлди,
Қадр бўл, ардоғ бўл демасман минбаъд,
Фақат юрагимга қайтгил, муҳаббат!

Кеча панд берганди бир нотавон қиз,
Тўкин жазоладим юрак этмай жиз.
Қаёқдан келди бу бешафқатлик — ҳис?!
Қалбимда тош дарахт отмайин илдиз,
Тезроқ юрагимга қайтгил, муҳаббат!
Минелар деб Бирга қул ўтишга мен тахт,
Қайтгил юрагимга,
Қайтгил муҳаббат!



Нормурод
Норқобилов

Икки ҳикоя

Сурат

Расми Т. САЪДУЛЛАЕВ чизган



олдор уйга кайфияти носоз бўлиб қайтди. Хотини уни хушхабар билан қаршилади. Дафъатан у ҳеч нарса англамади, хотинига меровсираб қаради.

— Жўрангиз ўғилли бўпти, дейман,— дея хотини яна гапини такрорлади.

Холдор баттар талмовсиради:

— Қанақа жўрам?

— Суюн акани айтаман,— деди.— Ҳали келиб, эртан кечга зиёфатга айтиб кетди. Қувончидан еру кўкка сиғмайди, десангиз...

— А? Ҳм-м...— Холдор уч қиздан сўнг ниҳоят ниятига етган дўстининг бахтиёр ҳолатини кўз олдига келтириб жилмайди, тўғрироғи, жилмайишга уринди. Кейин минғирлаб қўйди:— Шундай де? Умри билан берган бўлсин.

Хотини унинг маъюс ҳолатини ҳорғинликка йўйиб, овқатни тезлагани ошхона томон шошилди.

Холдор хотинининг ортидан қараб қоларкан, чуқур хўрсиниб, бугунги ҳодисани эслади.

Райижроком йиғилишида уни қаттиқ олдилар. У қурилиш бошлиғининг ҳақли даъвосига биринчи печнинг тузатилаётганини рўкач қилиб, осонгина қутулмоқчи бўлди-ю, лекин раисдан балога қолди. Раис таъмир иши билан жиддий қизиқсинди: «Ҳалиям ўша гапми?— деди у ҳайратомуз оҳангда. Кейин олдидаги бир тўп қоғозни зарда билан ўзидан нари сурди-да, гапида давом этди:— Гишт... Айни кунда қурилишгаям, аҳолигаям шу нарса зарур, жуда зарур... Сиз эса, уялмай-нетмай алланималарни баҳона қилиб ўтирибсиз!» Шундан сўнг раис тутатиқиб, уни роса қасди-бастига олди, охирида, агар ишни эплай олмасангиз... деган нохуш гап қилди. Албатта, кўпчилик олдида бош эгиб, сўкиш эшитишнинг ўзи бўлмайди: Холдор роса таъзирини еди...

Холдор оёқлари тагида ўралишиб юрган ўғилчасини кўлга олиб, сўрига бориб ўтирди. Бирпас болани ўйнатган бўлди. Кейин, одатдагидек, хўжалик юмушига унади. Бошда қўрага кирди. Сигир турган оғилга бурилмай, тўрдаги оғил эшиги борди. Димоғига чириган хашак, гўнг ҳиди урилди. Шарпани сезган баҳай-

бат, семиз новвос улкан бошини охурдан кўтариб таҳдидли пишқирди. Холдор унинг бежо хатти-ҳаракатларидан жаҳли чиқиб, гўё бугунги гап-сўзга у айбдордай, қўлидаги курак билан новвоснинг сағрисига бир туширди-да, омилни тозалашга киришди. Сўнг қўра чеккасидаги пастак омбор-хонадан ярим тоғорачка ем опчиқиб охурга тўкди. Йиғилган гўнгни замбилғалтакка ортиб, томорқага ўтди ва ҳали чопилмаган ерга сочиб ташлади.

Аммо бу гал ер чопишга ҳафсаласи келмади. Қўллари орта, ҳорғин-толғин қиёфада томорқа айланди. Бир пайт кўзи деворнинг нураган жойига тушди. Кемтик янги, куни кеча чопилган ер бети ит панжалари остида топталган, ҳар ер-ҳар ерда жун ётарди.

Холдор койини девор тагига келди, гўё дайди итларни қидиргандай, кемтик оша ташқарига мўралади. Сарин ел димоғига кўклам ҳидини урди. У оқшом пардаси чулғаетган кенг далага термулганча туриб қолди. Қулоғи остида кенгликка, юксакликка ундовчи аллақандай сас — қўшиқ оҳанги жаранлагандай бўлди. Шу тобда, у кўнглида майин майсаларни ялангоёк босганча, даланинг уфққа туташ узоқ чеккасида заиф милтиллаётган чироқлар томон кетиш истагини туйди. Назарида, чироқлар сирли, жуда сирли эди; у томонларда олам бошқачадай...

Бу — болаликни кўмсаш эди. Болаликда ёруғ олам ўзгача бўлади, энг муҳими, у сеники, ёлғиз сеники. Улғайгач эса, бу туйғу ўрнини ҳадсиз-ҳисобсиз ташвишлар эгаллаб, олам жуда тор тортиб, кўп нарсалар одамни ҳаяжонга солмай қўяди.

Ҳамон эсида: болалигида қишлоқнинг кун чиқиш тарафидаги баланд қирнинг нарёғи унга жуда сирли туюлар эди. У ёқда нима боркин, деб ўйлар эди. Бир куни у юрак ютиб қир тепасига чиқди. Чиқдию ҳайратдан донг қотиб қолди: қир орти ҳам худди қишлоқ атрофига ўхшаш белоён бугдойзор адир экан... Енгил эпкин яшил бошоқларни силкиб ўйнардди...

Кейинчалик, кўклам кезларида у синфдош жўралари билан қирга тез-тез чиқадиган бўлди. Улар олтов эди. Олтови олти қизга ошиқ эди. Қир тепасидаги ялангликда ёнбошлашиб, ҳаяжонланганча, сирларидан бир-бирларини воқиф этардилар, келажак ҳақида, ҳали бирортаси бирон марта бўлмаган узоқ шаҳар ҳақида тинмай гапирардилар. Туйғулари нақадар соф эди. Энг асосийси, уларнинг ўз қўшиқлари бор эди. Қўшиқ муаллифи — Суюн; у озми-кўпми шеър машқ қилиб турарди. Ўзига маъқул бир шеърини қўшиққа солиб айтарди, бошқалар унга жўр бўларди. Қўшиқда тугал бир маъно бўлмаса-да, кенгликка, юксакликка ундовчи ҳайқириқ — ёшлик, софлик бор эди.

Ярим тунда кишиларнинг оромини бузиб, қишлоқ кўчаларидан ёшлик, софлик оқиб ўтарди...

Холдор нимаданбир қаттиқ сиқилса ё, айниқса, кўклам кезлари ўша қайтарилмас ўсмирлик йилларини, ўша «қўшиқни жуда-жуда кўмсайди. Назарида, у пайтада олам бошқача, бутунлай бошқача эди. Энди эса... у ўзининг ҳозирги яшаш тарзини ўз жуссасидан бир неча ҳисса катта донни инига судраб бораётган чумоли ҳаётига қиёслайди. Баъзан ўйлаб қолади: «Бунчалик тиришиб-тирмашиш нима зарур?» Аммо бу ўй бошига қандай келган бўлса, шундайлигича бир зумда ғойиб бўлади. Тириклик ортиқча ўйларга изн бермайди.

Рўзғор ташвиши унинг бошига сал эрта тушди. Институтга кирган йили отаси қазо қилди. У ўқишини сиртки бўлимига ўтказиб, қишлоққа қайтди. Уша куни илк бор ўзи тугилиб ўсган лойсувоқ кулба кўзига жуда кўримсиз кўриниб кетди. Аслида ҳам шундай, эски кулба оппоқ, соғлом тишлар қаторидаги курт еган тишдай, қатор данғиллама иморатлар орасида жуда кўримсиз аҳволда мунғайиб турарди. Отаси ёлғиз қўли (бирини урушда ташлаб келган) билан бир этак болани ҳеч кимдан кам қилмай едирган-ичирган бўлса-да, кулбасини янгилашга имкон тополмаган эди. Холдор амакисининг маслаҳати билан эндигина ташкил этилган фишт заводига ишлаб бошлади. Қўлига илинган нимаики бор, уйига ташиди; институтни битирган йили укаларини ишга солиб, эски кулба ўрнига беш хонали данғиллама иморат курди. Бу орада мастерликка, сал ўтмай цех бошлиғи лавозимида кўтарилди.

Уйда эса ишдан бўш пайтлари мол боқа бошлади. Бунинг ҳам ўзига яраша фойдали жиҳатлари кўп экан. Меҳнатдан

қочмади, оқибат — қўлига уч-тўрт минг сўм пул кириб, бир йилдаёқ белини тиклаб олди. Бироқ киримининг ташвиши ҳам кўп экан,— ем-хашак топиш тобора қийинлашиб борарди. Боз устига уларнинг қишлоғи шаҳар типига қурилган эди. У бир оқшом ўртанча укасининг ағдарма машинасида узоқ адирга, бир вақтлар ҳарбийда бирга бўлган жўрасини қоралаб йўлга тушди. Жўраси самимий, очик йиғит эди, унинг ташрифидан боши кўкка етди... Шу кеч вақтлар ўтиши билан узилган, унутилган дўстлик «ипи» қайта боғланди. Кейин, дўсти сўрамаса-да, Холдор унинг ҳовлисида бир машина фишт туширди. Адирликлар деворини лойдан кўтаради, томини лой билан сувайди. Жўраси Холдорни ғоят таажжублантириб, ҳар кимга ҳам топилавермайдиган шундоқ гиштни ошхонага ишлатиб юборди. Қисқаси, қайта тикланган бу дўстлиқнинг хулосаси шу бўлдики, саратоннинг ўрталарида Холдорнинг қишлоқ четига янги ҳовлисида бир йилга етарли ем-хашак келиб тушди. Бундай олиш-бериш ҳар йилги одат тусига айланди...

Холдор, кўнгли шуни кўмсаб турган бўлса-да, девор ошиб дала сайрига чиқмади; хотини овқатга чақириб қолди. У билинар-билимас хўрсинганча, ортига ўгирилиб, пештоқда чироқ порлаб турган тунука томли уйига қаради. Негадир бу сафар, кўзи қувонмади, дили яшнамади, қайтага юраги баттар сиқилди. Ҳозир боради-да, тўрға чордона қуриб ўтиради, хотини дастурхон тузайди, телевизор қуриб тинчгина овқатланишди; Холдор телевизор кўратуриб, секин пинакка кетади. Тонгда яна иш. Кечқурун эса, тагин ўша ғимир-ғимир...

Кунлар бир-бирига нақадар ўхшаш, баъзан дод деб юборгинг келади.

У ҳовлига ўтди. Шу дам дарвоза дадил очилиб, илжайганча, Туроб экспедитор кириб келди.

— Салом бердик, ўртоқ дириктир,— деди у қувноқ овозда.

Холдор унга пешвоз юрди.

— Айтган нарсанг,— деди Туроб қўлидаги қоғоз қутини унга узатиб, сўнг бостирма остидаги чап чироғи синиқ «Жигули»га ишора қилди:— Сўқир машинани миниб юравериб жонингга тегмадимми, а? Ҳозир алмаштириб қўяқоламизми?

— И-и, қўйсанг-чи,— деди Холдор эриниб.— Эртан ўзим бир амалларман. Қани, уйга юр!

Улар олдинма-кейин ичкари кириб, хонтахта атрофига чордона қуришди. Холдор шиша очди. Хотини катта чинни лаганда сергўшт мошкичири сузиб келди.

Жўралар алламаҳалгача гурунлашиб ўтирдилар. Кетар олдидан Туроб эслатиб қолди:

— Бу, айтган нарсам нима бўлди?

Холдор англамагандай унга қаради.

— Фишт...— деди Туроб маънодор томоқ қириб.— Уч минг... Уста чақириб қўйганман.

Холдор чайналди.

— Шу кунларда иш сал чатоқ бўлиб турибди-да. Бугун ҳам...

— Ланжланма,— деди Туроб илтимоси бажарилишига мутлақо ишонган оҳангда.— Бу, сўнги вақтларда, анча... тинчликми?

— Тинчлик.

— Унда нега бунча бужмаясан?

— Э, нималар деяпсан? Нега бужмаяр эканман?

— Ана, пешонанг тиришяпти-ку.

Холдорнинг тоқати тоқ бўлди. Билса — чин, билмаса — ҳазил қабилида гап қилди:

— Уф-ф, шу заводдан кетсам, қутуламанми сендан?

Турган гап, Туроб бу гапни ҳазил фаҳмлади.

— Бекорларни айтибсан,— деди у тишини кавлаб.—

Қариб-чуриб қолгунингча ишлайсан жойингда!— У ҳиринглаб кулди.— Бу ёқда бола-чақа улғайяпти, ҳар бирига алоҳида жой дегандай... Ё курсинг лиқиллаб қолдимди?

— Агар шу туришда кетаверса, лиқилламоқ у ёқда турсин, тарс синиб кетиши ҳам мумкин,— деди Холдор хомуш.

— Кўп ваҳима қилма. Узинг ҳам жа-а соянгдан чўчийди-ган бўп қопсанми? Ё менга қолганда... а? Айтавер тўғриси, кўнгилга олиш йўқ.

Холдор унга йўқ деёлмасди. Негаки, Туроб унинг

хожатини кўп чиқарган. Маёна бугун машинасига чироқ тоғиб келди.

— Бўпти, — деди у минғирлаб.

— Иложи бўлса, эртага, — дея Туроб ўрнидан турди. — Фақат, сифатлисидан бўлсин. Ҳов ўтган сафаргисининг ярми синиқ чиқди.

Холдор ваъда беришга берди-ю, лекин эртасини ўйлаб дили ғаш тортди. У эрталаб ишга боради-да, тили чучүкроқ жиянига: «Ун беш таглик ғишт ҳозирла!», деб буюради. Жияни ўн беш таглик ғишт саралайди. Кейин у керакли қоғозларни тўғрилаб ўлгудек олифта шофёр йигитга Туробнинг адресини айтади... У илгари бунақа ишларни сал чўчиб, сал хижолат тортиб бажарарди. Энди эса...

Холдор хийла вақтгача ухлаёлмай ётди. Чироқни ёқиб, сигарет тутатди. Шифтга ўрлаётган кўкиш тугунни кузатаётиб, ногаҳон кўзи ёндевордаги чиройли гилам устига осиб қўйилган суратга тушди. Мўъжазгина рамкадан мўйловлари диккайган, тажанг қиёфали чол отаси, худди тешиб юборгудек тикилиб турарди. Отасининг нигоҳи ўткир эди. Ҳаётлигида унинг қарашларига унча-мунча одам бардош беролмаган. Шунингдек, Холдор ҳам. У ҳозир ҳам чидай олмади, беихтиёр ўрнидан туриб чироқни ўчирди. Аммо қоронғилик қўйнида ҳам отасининг сиймоси нурланиб тураверди. Қора фонда шиддатли чехра..!

Холдор отасининг бу ҳолатини бундан уч ой бурун Тошкентга, яъни, рассом укасиникига меҳмон бўлиб борганида кўрган, кўриб жуда ҳайрон бўлган эди.

— Бу нимаси? — деб сўраган эди койиниб. — Юзию кўзи, бошқа ҳеч гап йўқ. Ахир, бунда-ай, одамга ўхшатиб... ҳалидақа... кўксини орден-медалга тўлдириб чизмайсанми?

Укаси — турқ-таровати, феъл-атвори қўйиб қўйгандай отасининг ўзи — унинг нодонлигидан очиқ-ойдин кулди. Лекин суратни изоҳлади:

— Мен отам қиёфасида ҳар қандай машаққатларни мардона енгаоладиган инсон тафаккури ва мардлигини ифодаладим. Кўзларига қаранг... кўлига ҳам... Наҳотки, ҳеч нарсани англамаётган бўлсангиз?

Холдор барибир ҳеч нарса англамади. Укасининг гаплари баландпарвоз бўлиб туюлди, ғижиниб, афтини буриштирди-да, тагин эътироз билдирди:

— Қўйсанг-чи, ука, бу суратинг бўлмайти. Айтганимдай қилиб чиз. Катта уйнинг турига осиб қўяман.

Холдорнинг отаси бирқўлли бўлса-да, манман деган йигитдан кам ишламасди. Бригадирман деб бир четда кузатувчи бўлиб турмаган, боғбонларга аралашиб хомток ҳам қилар, арра ҳам тортар, яшик михлаб ҳам кетаверар эди. Пишиқчилик пайтида эса, болаларини ёрдамга олиб чиқиб, уларга мева тердирар, лекин меҳнат ҳақи ёзмас эди. Уйда еярман-киярмани кўп бўлгани билан шу ишни қилмасди.

Сурат сабаб бўлиб, шу кеча ака-ука оталарини хотирлаб, узоқ гурунглашиб ўтирдилар. Суҳбат бу гал анча қовушди... Тажанг ука Холдорни ҳам, унинг жўраларини ҳам ёқтирмасди: «Жуда майда одамсизлар, дерди у баъзан андишани бир четга йиғиштириб қўйиб. — Сизларда на субут бор, на эътиқод! Кўрган кунларинг кўрсин!»

Лекин бу гал у акасининг ғашига тегмади. Қайтага, отасининг фотосуратдан катталаштириб ишланган суратини совға қилди. Холдор уни қишлоққа келтириб, девордаги гиламининг устига илиб қўйди.

Холдор укаси чизган расмни маъқул топмаган бўлса ҳам, лекин ундаги қиёфа хотирасида қаттиқ михланиб қолди: қора фонда шиддатли чехра; кўзлари тешиб юборай дейди...

Кўзи уйқуга кетаркан, Холдор шу нарсани аниқ ҳис қилди: отаси тирик бўлганида, ўша ёлғиз қўли билан уни — ўз ўғлини бўғиб қўярди. У бўйнида отасининг қўлини ҳис қилиб, алоқ-чалоқ тушлар кўриб чиқди.

Холдор тонгда карахт уйғонди. Машинасида заводга келди. Қоровулхонада қарта ўйнаб ўтирган олифта шофёр йигитдан машина чироғини алмаштириб қўйишни илтимос қилди-да, одатдагидек, заводни айланишга тушди.

Биринчи печда ишлаётган таъмирчилар бригадасида уч киши ишга келмаган экан, ёшгина мастер йигитни ҳўб қойиб, уни ишчиларни топиб келишга юборди. Кейин цех



Бошлиги билан печининг таъмирдан чиққан қисмини кўздан кечирди ва унга қатъий кўрсатма берди: «Ҳозирда оқғишт пиширишни бошланг! Қани, бўлақолинг!»

Иккинчи печга ўтди. Жияни терлаб-пишганча, бир йигит билан кўтаргич машинага қўйилган тагликкағишт тахлаётган экан. Бориб ҳол-аҳвол сўради, лекин тилининг учига турган гапни айтолмади. Завод дарвозасидан кириб келаётган юк машиналарига қараб, хўрсиниб, нари кетди. Ҳовли этагида қурилаётган янги плита цехида иш жойида кетаётганини кўриб кўнгли анча жойига тушди. Сўнгра кабинетига кириб, танш қассобга телефон қилди. Қассоб новосни шу якшанбада сўядиган бўлди. У кўтаринки кайфиятда кундалик ишига шўнғиди.

Оқшом пайти ювиниб-тараниб Суюнникига ўтди, уни ўпиб-қучиб табриклади.

Суюн бугунги зиёфатга фақат синфдош жўраларини чорлаган экан, дастурхон ниҳоятда тўкин эди.

Ҳамма йиғилгач, Туроб косагулликни қўлига олиб, пиёлаларни тўлдирди.

— Дўстлар! — деди у тантанали йўсинда. — Кун кеча жўрамиз Суюнбекининг нияти ушалди, яъни, кўчқордай ўғил кўрди. Мен мана шу қадахни полвон боланинг саломатлиги учун ва унинг кўп-кўп укаларига бош бўлиб юриши учун кўтаришларингни сўрайман!

Маъқулловчи қийқириқлар билан қадахлар бўшатилади.

Учинчи қадахдан сўнг, йигитлар чақалоқни ҳам унутиб, одатдаги гуруннга тушиб кетдилар. Узаро гаплаштуриб, бир пайт Бердимурод Туроб билан тортишиб қолди.

— Нима, ялинишим керакми? — деб у Туробга ёпиша кетди. — Йўқ, сен менга шуни айт: ялинишим керакмиди?

— Керак бўлса, ялинасан ҳам, — деди Туроб ҳам бўш келмай. — Сенинг хўжайинингми — у? Кўп жирилламай, гапга қулоқ тут! У — сенинг хўжайинингми? Ушанинг машинасини ҳайдайсанми? Шундай бўлгач, бўйсунмай қаёққа борасан? Бўйсунини шарт!

— Узи нима гап? — деб сўради пойгақда чой қуйиб ўтирган Суюн.

— Мен бунга дардимни айтсам, — дея гинахонлик қилди Бердимурод, — ановининг гапини маъқуллаб ўтирибди. Баҳсга бошқалар ҳам аралашди:

— Нима гап?

— Тинчликми?

— Тушунтириброк гапиринглр...

Туроб қўлини, э, ўлсин бу, деган маънода силкиб, деди:

— Ий, хўжайини билан уришиб қопти.

— Нега?

— Қаттиқ уришдинглрми?

— Сабабини айт, танобини тортиб қўйиш қўлимиздан келади.

Бердимурод ўксинган қиёфада бошини эгди.

— Э, юрасанми ўшанинг қўлида, — деди Суюн ғамхўрлик билан, — менга ўт. Яп-янги «МАЗ» бераман, хоҳласанг «КамАЗ!»

Бердимуроднинг чеҳраси бир зум ёришди-ю, тагин тундлашди.

— Утиб бўпти, — деди Туроб пичинг қилиб. — Сенинг машиналарингдан бунга нима фойда, чангга ботиб... Ҳозирги ишида тушим кўп: хўжайинини уйига обориб ташлайдию тун билан шаҳар қатнаб, кира ишлайди...

— Энди, тирикчилик-да. — Бердимурод гап мавзўини бошқа томонга буришга ҳаракат қилди.

— Шундай бўлгач, кўп ғингшмасдан, тинчгина ишлай-верда, — деб қақиб олди Туроб.

— Вой-бўй, бўлди-да, энди, — деди Бердимурод. — Бошқа гапдан гапиринглр.

— Туроб тўғри айтади, — дея суҳбатга аралашди Холдор. — Ишда энгилтаклик кетмайди. Ҳаммамиз болачақали одаммиз, бировнинг елкасини силаб, бировга қуллук қилиб бўлса ҳам иш юритишимиз лозим. Бетга чопарликдан маъни йўқ.

— Мухими — маҳмадана бўлма! — деди Туроб қулиб. — Бу дунёда «хўп»дан яхшиси йўқ.

Бу гапдан йигитлар бараварига қулиб юборишди: Туроб «хўп-хўп»лаб ҳар қандай чигал ишни қойиллатадиган уста йигитлардан эди.

Совий бошлаган давра яна қизиди.

Холдор барча қатори еди-ичди, бутун ташвишини унутиб, яйраб ўтирди. Барибир зиёфат охирида дили хира тортиди: Туроб секин шипшиб: «Ғишт нима бўлди?», деб сўраб қолди. У ёлғон гапирди: «Тайёр. Эрта-индин обориб ташлашади».

Йигитлар тун ярмида қўзғалишиб, кўчага чиқдилар.

Кеча тўлини ой нуридан сутдек ёришган, ҳавода кўклам ҳиди анқир, узоқ-узоқлардан қўй-қўзиларнинг маъраши эшитиларди. Бу фусунқор, ҳақиқий баҳор тун эди. Буни дафъатан ҳамма пайқади. Минғирлаганча, олган машинаси носоз чиққанидан шикоят қилиб турган бир йигитнинг ҳам дархол чакаги ўчди. Йигитлар атрофга суқланиб қараб қолишди.

Суюннинг ҳовлиси қишлоқнинг нариги томонида бўлиб, қирга жуда яқин эди. Қир ой нурида ажиб тусда товланади.

— Қирга чиқмаймизми, жўралар, — деб қолди шунда кимдир.

Йигитлар, худди шуни кутиб тургандек, шуурсиз равишда қир томон йўл олдилар.

Сўнги йиллар ичида улардан ҳеч ким қирга чиқмаган эди, тезда ҳансираб қолишди. Ичган арақлари бўғзиларига келиб тақалди. Кимдир қайт қилиб юборди. Лекин ҳеч ким нолимади, бир жон-бир тан ҳолда юқорига ўрмалайверди.

Қир тепасига, ўша — бир пайтлар ёнбошлаганча, юракларини тошириб, баданларини қиздириб сирларини ўртоқлаган сайхонликка бир амаллаб етишди. Лекин болаликдагидек, ўзларини гуппа-гуппа ерга ташламадилар, бир-бирларини тағларига босиб шўхлик қилмадилар; қўллари белда, оғир-оғир нафас олганча, теварак-атрофга маҳлиё термулиб қолдилар. Оламнинг бу қадар кенглигидан донг қотдилар. Ҳатто дунё ташвишини ҳозир ўзида жамлаган қишлоқ ҳам ойдинда жуда сокин ва сирли кўринарди. Елкаларини зил-замбил босиб турган чексиз-чегарасиз ташвишлари ҳам йигитлар кўзига ўта жўн, маъносиз кўриниб кетди.

Кўкда тўлини ой, ҳавода кўклам ҳиди — юракнинг тўртүрдан кўшиқ қўзғалади. Суюн аввал димогида, сўнг барала овозда кўшиқ бошлади. Бошқалар бирин-кетин унга жўр бўлдилар. Борлик узра жўровозлар парвоз қила бошлади...

Уша тун ором уйқусида ётган кишиларнинг тинчини бузиб, қишлоқ кўчаларидан ёшлик, софлик оқиб ўтди.

Учрашув

Хайри итдан жуда кўрқади: болалигида қўшнинг хирсдай кўппаги уни тўсатдан таппа босиб талаган. Баданида тиш излари — хунук-хунук чандиқлар қолган... Шу-шу, итни кўрса, юраги увишади.

Устига-устак, қишлоқ итлари ҳам уни ёқтирмайди; қадам олишидан танишади. Қўйиб берса, еб қўйгудек бўлишади. Аслида, барчасига ўзи айбдор. У кўрқоқ. Тасаввур қилинг: Хайри кўчадан бамайлихотир кетаётибди, бирдан кўча бўйида сокин муараб ётган бирор итга кўзи тушиб қолади. Нима қилиш керак? Шундоқ ўтиб кетаверишга юраги дов бермайди. Баданидаги чандиқлар жимиллаб ачишгандай

бўлади. Оғир бир нафас олиб, кўрққан олдин мушт кўтарган қабилида, итга дўқ уради: «Тур! Тур, йўқол!» Ит эринибгина кўзини очади ва кўрадики, ғўлабирдай бир йигит хунук важоҳатда таёқ силкитмоқда. Турган гап, ит итлигига боради — жаҳли кўзиб унга ташланади. Тумшўғига бир-икки аччиқ таёқ еб орта чекинади-ю... Хайрини яхшилаб таниб олади. Бошқа биров тепса ҳам қайрилиб қарамайдиган қўйдек ювош ит у билан шу зайлда ўчакишиб қолади.

Хайри бир нарсага ҳеч тушунмайди: «Одамлар нега уйда ит сақлайди? Нима, кўраси тўла молмикан ё сандиғида тилласи борми?» Бироқ буни у ҳеч кимсадан сўрамайди,



негаки итдан қўрқиши кўпга аён, калака қилишлари мумкин.

Ҳар икки-уч йилда бир бор қишлоққа ит отувчилар оралайди... Шунда у енгил нафас олади. Бироқ бу ҳол узоқ давом этмайди; кўп ўтмай қишлоқда тагин кучукларнинг акиллагани эшитилиб қолади. Хаш-паш дегунча, бу чиройли, дўмбоқ жониворлар росмана итга айланади. Хайри заранг таёғини яна ўзи билан олиб юришга мажбур бўлади.

Бу йил кеч кузда қишлоққа тагин ит отувчилар оралади. Баҳона одатдагидек: фалон қишлоқда ит қутурибди... Қишлоқ чеккасида турувчи Жовли жувозкашгина олапарини ўтинхонага яшириб, омон сақлаб қолди. Бундан Хайрининг ниҳоятда жаҳли чиқди. Чунки у олапар билан сира чиқишолмас эди.

— Жовли ака, бир кунмас, бир кун шу итингизни уриб ўлдираман-да,— дея у бир кунни кўнглидаги гинасини очикойдин айтди.— Жонга тегди... Утсам ҳам вов-вов, қайтсам ҳам вов-вов...

— Энди, ит-ит-да, Хайрибой,— деб Жовли жувозкаш уни юпатган бўлди.— Ит билан тенг бўлиб юрасизми. Парво қилманг эди, сизга ҳам тегмайди.

— Парво қилмай бўладими, важоҳатини қаранг...

Жовли жувозкаш унинг қўлидаги калтакка ишора қилди: — Манави зормандани олиб юрманг-да, Хайрибой. Ит калтакни ёмон кўради.

— Э, бусиз юриб бўларканми,— деди Хайри.— Шаппа почадан олиб қолса...

Оқибат шу бўлдики, Жовли жувозкаш итини боғлаб қўйди. Лекин орадан икки кун ўтар-ўтмай яна бўшатиб юборди; итга раҳми келди. Хайри билан олапар ўртасидаги мурасизлик одатдагидек давом этаверди. Хайри итни ўлдирмоқни турли режаларини тузди. Аммо табиатан раҳмдил бўлгани учун бу ишни амалга оширишга қўли бормди.

Бу орада йғим-терим тугаб, томорқалардаги ишлар тинчиб, қишлоқларда тўй мавсуми бошланди. Узоқ муддат-

ли қорасовуқдан сўнг ерга биринчи қор тушди. Уша кунни кечқурун Хайри ҳамқишлоқлари билан қўшни қишлоққа тўйга отланди. Тўй эгаси уларни кўноқхонага жойлаштирди.

Ташқарида тизза бўйи қор, совуқ чирсиллайди. Ичкарида чўян печка лангиллайди... Тўкин дастурхон теварагида ўтирганларнинг юз-кўзида масъудлик. Улар йилнинг уч фаслини далада ўтказиб, бу хил тўй оқшомларини хўб соғинишган, энди обдан яйрашмоқда. Уй эгаси эса, барча қишлоқ аҳли каби меҳмондўст: тўйхонадан юборилган масалликқа қаноат қилмай, гўшт тўла хумини кавлаштирган, хотинини тўнғиллатиб, каттакон куркасини сўйдирган, хуллас қўлидан келганча меҳмонларнинг кўнглини овламоқ билан овора. У билади: эрта-индин ўзи ҳам қўшни қишлоққа тўйга таклиф қилинади ва мана шу даврада ўтирганларнинг бирортасининг уйига бориб тушади. Турган жап, улар ҳам қараб туришмайди. Бу ерда ҳеч қанақа таъма йўқ, азалий одат ва кенг кўнгиллилик бор, холос...

Шўрвадан сўнг тўй эгаси улардан хабар олиб, бир талай шиша ташлаб кетди. Тўй эгаси сифатида у ўзида йўқ хурсанд, меҳмонлар ундан хурсанд. Давра қизигандан қизийди.

Қовурдоқдан кейин, Хайри бирдан «кетаман»га тушиб қолди. Утирганлар аввалига эътироз билдиришди: «Утир! Ошни еб, бирга турамыз». Хайри «ошни еб туриш» саҳарга бориб тарқалишини яхши биларди, кўнмади. Даврадагилар ҳам кўп зўрлашмади — тушунишди. Ахир, чимилдикда қайлиғи кутиб ўтирган қайси бир йигит ўтиришни саҳарлайди?!

Хайри бир ярим ой бурун уйланган эди.

У ярим тунда ёлғиз йўлга чиқди. Қишлоққача уч чақирим, уч ҳатласа етади.

Кўройдин, ер музлаган. Бунақа ҳавода киши юриб чарчамайди, юрган сайин юргиси келаверади. Хайри димоғида аллақандай қўшиқни хиргойи қилиб, йўлнинг ярмини бирпасда босиб ўтди. Зовур кўпригидан ўтиб,

дўнгликка чиқди. Тўхтаб, сигарет тутатди. Пастликда қорайиб турган қишлоққа боқиб, уйини тусмоллаб топди. Четдаги дераза ёруғ эди. Демак қайлиғи ухламай, йўлига илҳақ бўлиб ўтирибди. Хайри ширин энтикди. Кўзига қайлиғининг ўхшаш чехраси кўриниб кетди. Ҳозир уйига бориб, айвонга киради-да, этигини еча-еча, кетма-кет томоқ қиради. Қайлиғи, кўзларида қувонч порлаб, эшикни очди. «Келинг!», дейди. Бу сўз оҳанги ҳар қандай мусиқадан ёқимли! Тан жимирлаб, юрак энтикади. Сўнг у бир-бир босиб тўрга чиқади-да, чордона қуриб ўтиради. Қайлиғи биқинига болиш қўяди, у ёнбошлайди. Ёнбошлаганча қайлиғининг енгил ҳаракатларини сархуш кузатади. Қайлиғи назокат билан чой тутди. У чойни майда ҳўплаб, у ёқ-бу ёқдан гапирган бўлади. Қайлиғи эса майин табассум ҳада этганча, унинг ҳар бир гапини жонқулогги билан тинглайди. Кейин у ўрнидан туриб... атай тўнининг бир енгини ечади. Қайлиғи оҳиста келиб, унинг елкасидан тўнини олади-да, девордаги миҳга илиб қўяди. Сўнг эҳтирос ва бахтга тўла энтикишлар бошланадики, бу ёғи тасаввурга сивмайти...

Хайри шуларни хаёлидан ўтказиб, яна ҳам сархушланди. Кўксининг тўр-тўридан кўшиққа ўхшаш нарса тошиб чиқди. Чиқдию бўғзида тикилди-қолди. Кўзларига ишонмади: «Ярим тунда далада ит нима қилиб юрибди? Ия, келбати ҳеч итга ўхшамайди-ку?! Наҳотки...»

Секин юрган эди, чап томонида,—шундоққина эллик-олтмиш одим нарида чўнқайган қора ҳам оёққа қалқди. Бор қоматини намойиш этиб, шунақа бир керишдики, Хайри унинг бўри эканига тўла амин бўлди. У илгарги ҳам бир бор бўрига йўлиққан. Лекин унда кўпчилик орасида эди, ҳеч кўрқув сезмаган. Ҳозир эса жони товонига тушиб, ич-эти музлади. Қочмоқни ҳам ўйлади бир. Лекин оёқлари ўзига бўйсунмади. Худди шу аснода тураркан, узоқ қиш кечаларидан бирида чоллардан эшитган гаплар ёдига тушди. «Жондорга йўлиқсанг,—деган эди чоллар,—ё саллангни тўздир, ё гугурт чўли ташлаб бор, бўри алданади. Лекин зинҳор овозингни чиқарма!» Бу гапларнинг қанчалик рост, қанчалик ўйдирма эканини билмас-да, у беихтиёр чўнтагига қўл тикди. Титроқ бармоқларига гугурт қутиси илинди. Бир чўпни ёқди. Ожиз алангадан далда олиб йўлга тушди. Кейин яна, сал ўтиб яна гугурт ёқиб чўпини ташлади...

Бўри эса орадаги масофани ўзгартирмаган ҳолда ер ҳидлаб, секин-аста эргашиб келаверди.

Орадан хийла вақт ўтиб, бошқа бир нарсадан хавотирга тушди: гугурт чўпи оз эди. Қишлоққача етармикан? У умрида илк марта қишлоғига айрича сўқлашиб қаради. Ҳаётнинг нақадар ширин эканини юрак-юрақдан ҳис қилди. Ухламай кутиб ўтирган қайлиғини жонидан ортиқ яхши кўришини англади. Куни кеча қайлиғи қайноқ лабларини нақ қулогига бергизиб, минг истиҳола, минг андиша билан: «Гумонам бор!», деган эди. Бу хушxabарни эшитиб, Хайрининг кўнглида ҳали туғилмаган гўдакка нисбатан оталик меҳри уйғонган, қалби чексиз орзуларга тўлиб, қайлиғини ёш боладай ўпиб-қучиб эркалатган эди.

Энди қайлиғи ҳам, орзулари ҳам узоқда, жуда узоқда қолган, ўлим эса, шундоқ ортида турар эди: мана-мана ташланади... У ҳов узоқ бир йили қиш чилласида, тунда яёв йўлга чиқиб бўриларга дучор бўлган тоғлик бир аскарнинг фожиясини даҳшат билан хотирлади. Ҳозир унинг тақдирини қайси бир жиҳатдан уникага ўхшаш эди: аскар йигит уйдагиларни тезроқ кўриш истагида йўлга чиққан, Хайри эса — қайлиғини...

Ниҳоят, у қўрқиб кутган дақиқа ҳам етиб келди: кутидан охирги чўпни олди. Чақишдан олдин яна бир бор ортга

ўгирилиб қаради. Орадаги масофа сезиларли даражада қисқарган эди. Чўпни ёндирди, лекин ерга ташламади. Ортига аланглаб, юришда давом этаркан, бирдан бирор буюмни ёқиб зарурлигини эслади. Устидаги бор кийимини ёқиб бўлса-да, қишлоққа етиб олиш керак! Бўри ўлақолса ўтга яқин келмайди. У тезгина бошидан телпагини олиб, бармоқларини куйдира бошлаган алангага тутди. Аланга телпак туқларини сал ялади-ю, лип этиб ўчди. Хайри алампидан инграб юборди. Бўш қутини маҳкам чангаллаб, қишлоқ томон ютоқиб назар ташлади. Қишлоқ яқин қолган, қор босган том ва дарахтлар гира-шира кўриниб турарди. Айни дамда, бу масофа жуда узоқдек эди; ўтдан ҳайиқиб келган бўри энди ҳар дақиқада ташланиб қолиши мумкин.

Худди шу тобда қишлоқ томондан ит хурди. Шунчаки хурди: вов-вов... Ит овозини эшитиши ҳамон Хайри ғайри шуурий тарзда қичқириб юборди ва жон-жаҳди билан олға югурди. Аммо шу заҳоти оёғи тийғаниб, гурсиллаб йиқилиб тушди. Апил-тапил ўрнидан тураётган эди, қаттиқ-қаттиқ ҳўрганча ўзи томон ўқдек ўчиб келаётган олапарга кўзи тушди. Қаддини ердан узмаган ҳолда ров ортига қаради: бўри энди анча нарида, йўл ўртасида чўнқайиб турарди. Хайри ўлим чангалидан қутулганини англади; ўпкаси тўлиб йиғлаб юборди.

Олапар Хайридан беш-олти одим нари ўтиб тўхтади. Бўрига бет бўлишга юраги чопмади: кучсизлигини пайқади чоғи. Бўри ҳам унинг ожизлигини овозиданоқ сезган, лекин ҳўжум қилишга ботинолмаётган эди.

Инсон билан ит — катта куч, иккаласи бирлашса, енгил қийин.

Бўри чўзиб-чўзиб увлаб қўйди.

Хайри қоқилиб-суриниб қишлоқ томон юрди. Олапар унга эргашди. У ҳамон тинмай ҳўрар, овозида қаҳру ғазабдан ташқари, гўё номус ва алам ҳам бор эди. «Эҳ, битта шерик бўлганидами, анави безбетни бошлаб адабини берган бўларди!» деяётгандек.

Хайри оёқлари тагида ўралашиб, тиззаларига тегиб-тегиб кетаётган итга меҳри жўшиб, ҳиқиллаб борарди: «Сен оғамсан! Сен инимсан! Юр! Юрақол!»

Улар бир жон-бир тан бўлишиб, қишлоққа кириб келишди. Олапар ҳўрганча, дарвозаси олдида қолди. Хайри уйига ўтиб кетди. Энди уни бошқа бир ўй қийнай бошлади: бўрининг тажовузидан-ку омон сақланди, бироқ бу расво бўлган шим билан уйга қандоқ киради?..

У тонгда уйғониб, қайлиғига айтган дастлабки гапи шу бўлди:

— Мавжуб, бизам ит сақлаймиз!

Қайлиғи — чўпон қизи, исизис ҳовлига кўниқолмай юрган эди, бу гапдан ўзида йўқ қувониб кетди. Эрининг учуқ босган лабларидан енгилгина ўпиб қўйди.

Нонушта маҳали бригадир келиб, далага гўнг чиқаришга айтиб кетди.

Хайри шийпонга йўл олди. Жовли жувозкашнинг дарвозаси ёнидан ўтаётиб, гўзапўчоқ уюми устида, офтобруйда мудраб ётган олапарга кўзи тушди. Итга меҳри ийди. Чўнтагини кавлаб, кирланган бир чақмоқ қанд олди-да, итга яқин борди.

— Олапаржон, маҳ-маҳ!— дея қўлидагини унга ташлади.

Олапар кўзларини очди ва бирдан важоҳати ўзгариб, тишларини иржайтирганча, унга ташланиб қолди.

— Вов-вов, вов-вов-а!..

— Э-э-э...— Хайри лўкиллаб қочишга тушди. Қочаётиб ўнг думбасига нимадир қаттиқ ботганини ва яп-янги куёв тўни жариллаб йиртилганини пайқади...



Исмоил Тўлаков

* * *

Гўдак исларига ташна бешикни
қучоқлаб,
аллалар айтгиси келар Аёлнинг.
Навбаҳорда
айни ой тўлишган паллада,
Ойни чақалоқдек йўргаклаб олган
тун бўлгиси келар Аёлнинг.
Қуёшни гўдакдек йўргаклаб олган
кун бўлгиси келар Аёлнинг.
Ойдек қизи, Кундек ўгли бўлса Аёлнинг,
Ойдан уйи тўлса Аёлнинг.
Кундан кун кулса Аёлнинг.
Хаёлида ҳар кун
юлдузлардан бирини олиб,
бешикка белару беун
кўксини тутганча Юлдузига
аллалар айтади маҳзун.
Тўхтаб қолар кўкда Ой
алла сеҳридан.
Сокин тортар тошқин Сой
алла сеҳридан...

Лекин димоғига гўдакнинг эмас,
юлдузнинг ислари урилар.
Юлдузнинг ислари...
Унга гўдак ислари керак.
Гўдак ислари.
Бағридек қип-қизил гиламларида
қолса дейди бола излари.
Бола излари...
Мана шу онаси қучоқлаган бешикдан,
тамшана-тамшана интилса унга
Гўдак исларига тўлган бешикни
қучоқлаб, қучоқлаб, қучоқлаб,
аллалар айтса
айтаверса умри борича
мана шу Аёл.
Дунё
мана шу аёлдек ўктам, баркамол,
мана шу аёлдек ҳур, соҳибжамол;
орзулари бағрида ётган бетимсол —
чақалоғидек яшарди безавол.
Замин бешик бўлсин ўшал Аёлга.
Замон бола бўлсин ўшал Аёлга.

Рая Павловна

МУАЛЛИМАМга бағишладим.

Рая Павловна,
жонқуяр муаллимам!
Сизни эсладим,
мезонлар хаёлдай сузганда боғда.
Кузак сувлари
анҳорларда ўй сурган чоғда,
Сизни эсладим...

... Дарсларда шундай дердингиз:
«Гулларда юрак бор,
орзу бор, ўй бор.
Шунчаки ушламак, исламак учун,
лаҳзалик ҳаловат изламак учун
узманг бандидан...»

Рая Павловна,
оламнинг қалбини
бир китоб мисол очиб бердингиз.
Гулга термилмакни ўргатдингиз Сиз.
Қалбимизга

қалбингизни
ўрнатдингиз Сиз.

Сизнинг қалбингиз-ла, кўзларингиз-ла
боқдик борлиққа.
Олам кўзингиздек мовий,
юзингиздек оппоқ, қалбингиздек теран
кўринди бизга.

Рая Павловна,
Сизни эсладиму
интернатнинг сўлим боғлари
ёдимга тушди.
Кузаки олмадек, синфдошларим,
бир-бир ёнимга тушди.
Болалик шўхликлари,
болалик ўйлари қонимга тушди.
Хаёлимнинг сокин манзилгоҳига
Сизни чорладим.
Юзма-юз ўлтириб,
авж пардаларда созлаб қалб созин;
кўзларингизга
юрагимни очмоқ истадим.

Мовий кўзларингиз қаърида,
майин сочларингиз қориди
яшамоғин истадим
қўл етмас орзуларим.
Хаёлимнинг сокин манзилгоҳига
Сизни етакладим...

Эслаймизми,
«Нечун дунёда
ёмонларнинг қўли доимо баланд?» —
дея сўргандим.
Қулиб қўйгандингиз.
Бу ажиб жилмайиш замирида
олам-олам сирлар ётганин
сезмаган эдим...
У пайт китобий ҳаётни
излардик бизлар.
Йўлчи эди бизга
барча ишчан йигитлар.
Гулнор эди барча маъсума қизлар.
Наздимизда ҳаёт фото каби
оқ ва қора тасвирда эди.
Хуш кўрардик оппоқ рангларни,
оппоқ тонгларни хуш кўрардик.
Оламни парқуға беланган ҳолда
туш кўрардик.
Тушларимизда
оқ гуллардан иборат эди олам.
Пахта ҳам, бугдой ҳам
оқ гуллардек бўй таратарди,
тушларимизда...

Бизга
қалб — орзунинг йўргаги эди.
Ҳислар — биз англаб етмаган дунёнинг юраги эди.
Ҳайлар — келажакнинг ширин тилаги эди.
Яшардик нурга, орзуларга тўла оламда...

Қора ниятни
Қора ботир ила ер ютган дердик.
Барча нигоҳларга
бола кўзлари-ла боқардик ювош.
Ногоҳ киприкларда қалқинган кўз ёш
бизнинг юракларга ташларди оташ.
Кейин билсак,

ранглар ичра турфа ранглардек
қалблар ичра турфа қалблар бор экан.

Рая Павловна,
таъкидлар эдингиз:
«Ўз кўзингиз-ла боқинг одамга!»
Биз кечроқ англадик ушбу ҳикматни.
Яхшиларни мақтаб юргандан,
ёмонларни фош қилмоқ
зарурроқ экан. —
Шу туфайли,
ёлгонлар, бўҳтонлар олдида,
сийрати балчиғу
суврати инсонлар олдида
суврати инсонлар олдида
шиддатли вулқондек портлаб кетамиз.
Ермоқ бўламиз

кўксимизни

мисоли Данко.

«Эҳ, биродар, оқ нурни қадрига етсанг-чи» дея,
хайқирамиз,
овоз пардаларимиз йиртилгунча то.

Рая Павловна,
«Қалбингнинг энг сўнги кўрига қадар
ёниб яшагин.
Нурларга, меҳрга, сўзларга қониб яшагин», —
деган ўғитингиз дилларда ҳамон.
Қалбингизда сақланган армон,
кўзингизда портлаган туйғу —
кўксимиздадир.
Бизни шундай яшамоққа
ўргатдингиз Сиз.

Қалбингизни
қалбимизга
ўрнатдингиз Сиз.

Бизлар — интернатнинг
ўн саккизта оқ кабутари —
кўксимизга жойлаб
қалбингизни, орзунгизни
парвоз этмоқдамиз
коммунистик кенгликлар сари!

Рая Павловна!





Аббос
Саидов

Мирхон

Исонни енгиб бўлмас!..

Э. ХЕМИНГУЭЙ

ҲИКОЯ



Мирхон яккаю ёлғиз опоқойиси ёруғ дунёдан кўз юмгани ҳақидаги қайғули хабарни эшитиши ҳамоно бош-кетини йиғиштиролмайдиган типирчилаб қолди. Токсўри тагидаги шосупада тол чивиғи билан жун саваётиб, ғув этиб ҳали юзига, ҳали бўйнига, ҳали билакларига ёпишаётган хира пашшаларни қарғай-қарғай кўриётган рамақижон хотинини қистовга олди: «Чумолига ҳам озор етказмаган шундоқ опоғойим ўли-иб турсин-да, сен тепса-тебранмаснинг ялпайиб ўтиришингни қара-ю!..»

Эр-хотин бир зумда отланишиб, Олмазорнинг йўлига чиқишди. Аллақанча вақт биронта такси кўринмади. Мирхоннинг хуноби ошиб, фиғони фалакка етиб турган эди, кўққисдан Жомий кўчадан кўм ортган самосвал чиқиб келди. Мирхоннинг кўзлари қувончдан ёришиб кетди: Сувонқул кўкчи бўйнига юклаган юмуш эсига тушди. Рўпарасидан ўтиб кетаётган самосвалга шоша-пиша қўл кўтарди. «Ҳой-ҳўй, алё, ал-лё... ҳой, тўхта, тўхта!» деганча унинг ортидан югурди, ҳовлиқиб бармоқларини оғзига олиб борди-да, чунон ҳам ҳуштак чалдики, чий-чувига ўзининг қулоғи шангиллади. Хайрият, самосвал пича нарида ғийқиллаб, таққа тўхтади.

Мирхон гирдиғум сумбатини бесўнақай лапанглатиб унга етиб борди, ҳал-лослаб кабинанинг шофёр қаршисидаги эшиги қабзасидан тутди-да, кучи бори-ча тортди. Рулда кемтик оғзининг бир четида папирос қистирган ўттизлар атрофидаги қуюқ мўйловли қорача йигит ўтирар эди. У қовжироқ лабларини ялаб, ҳансираганча оғир нафас олаётган Мирхонга юраги ачиди шекилли, папиросини қўлига олиб туриб:

— Чопмасангиз ҳам бўларди, ака, эшитувдим чалган ҳуштагийизни,— деди.— У ерда ман этилган, шунинг учун тўхтамадим.— Кейин ярим табассум

Расми Р. ЗУФАРОВ чизган

қилди-да:— Аммо-лекигин ҳуштак чалишни қийиб юборар экансиз-э, қойилман! — деди. — Бу, ака, ёшлигийзда каптар-воз бўлмаганмисиз?

— Ҳе, кўявер,— дея Мирхон лоқайдланиб қўл силтади,— кўп нарса боққанман...— Сўнгра сидирға тирикка шимининг кассасига қўл суқиб, дастрўмолини чиқарди, юзи аралаш гарданини артди, қўл этиб ютинди.— Шу, ука, бир одамга... гапнинг пўст-калласини айтимай? Ҳеч кими йўқ бир мўйсафидга шу қумингдан мана мундай зарур эди,— деди қўлини томоғига қадаб.— Эшитясанми, ука, мана мундай...

Шофёр йигит унинг болаларга хос куйинчақлигидан беихтиёр кулиб юборди. Бўйинига ташлаб кўйган оқ лас қийиқни қўлига олиб, икки учини бирлаштирди, сўнг эса, терлаб кетганидан елкасига чиппа ёпишган калта англи кўйлагининг ёқасини хиёл юқори кўтарди. Қийиқ билан юзи, бўйни ва жундор кўкрагини елпир экан:

— Бўлмайти, ака,— деди. Қорайиб кетган бармоқлари орасида қисийғил турган папиросни оғзига олиб бориб, узоқ ичига тортиди. Бирор сониядан сўнг бурнидан тутун бурқситди:— Бу қумни ўзим аранг илтимос қилиб олдим. Мана — қоғози. Узимизникида ҳам қурилиш бор эди. Аранг кўндирдим...

Аччиқ тамаки дудидан Мирхон қаттиқ йўталди. У рапидадек кенг кафтларини елпийғич қилиб, тутунни ҳайдади.

— Неча кун мана шу йўлда сарғайибди, кекса одам... Узимга бўлганда бунчалик ялиниб ўтирмасдим. Ке, ука, бир ҳожатманднинг ҳожатини чиқаргин.

Шофёр хийла ўйга толди, қўлидаги чекиб бўлинган папирос қолдиғини кабина ойнасидан ташқарига улоқтирди, кетидан чирт этиб ўша ёққа тупурди ва қўл силтаган кўйи:

— Бўпти, ўтиринг! Шу бугун ҳожатбарорлик қилсам қилақолай, қани, чикинг мошинага!— деди.

Мирхоннинг ялпоқ юзи ёришди.

— Мана бу ўғил боланинг гапи бўлди,— деди овозини бир парда кўтариб. — Фақат, гап мундайда; биттаю битта олоғо-йим бор эди, оламдан кўз юмибди боёқиш... — Унинг ҳозиргина ёришган юзи қайғули тус олди:— Кенонинг иккимиз ўша ерга кетаётувдик... Ҳув ана, тоқати тоқ бўлиб турибди. Эртароқ бормасак уят-а! Энди, ўзинг тушунасан-ку! Ҳали Бешқайрағочга етиб боргунимизчам аллавақт ўтади. Сенга, ука, йўлни тушунтириб кўяман. Бўптими?

— Энди кўчама-кўча сарсон бўлиб санқишим қолувди,— дея норозиланди шофёр.— Шу дардингизни бояроқ айтмай-сизми!

— Ҳовлиқма, ука, сарсон бўлмайсан,— Мирхон шофёрни тинчлантирди.— Ҳозир шундай тушунтириб кўяйки, ҳеч бир қийинчиликсиз Сувонқул кўкчининг кўрғонидан чиқиб қолганингни ўзинг ҳам билмай қолсан.

Мирхон то самосвал чорраҳадан ўтиб, ўзи кўрсатган кўчага бурилиб кетгунга қадар ундан кўзини узмади. Бурилгандан сўнггина кўнгли жойига тушиб, кутавериб саргайган хотинининг ёнига борди. Хиёл ўтмай уларнинг қаршисига кўк чироғини липиллатиб такси келиб тўхтади. Эр-хотин шоша-пиша таксига ўтиришдию Бешқайрағочга йўл олишди...

Улар уйга қайтишганда, кун қиёмдан оғиб шомга томон оҳиста судралаёзган маҳал эди. Хончорбоқ тепасида дилхуш шабада туриб, баҳор қуёшининг илиқ-иссиқ тафтини хийла кесар, йўлнинг икки четидаги, хонадонлардаги дов-дарахтлар шоҳларини бир текис силкитиб, суйиб-эркалар эди.

Кўча оғзига етганда, Мирхон қўлтиғига суқиб олган банорас тўнини хотинига тутқазди.

— Сен боравер!— Унинг ранг-рўйи анча синиқиб, кўзлари ич-ичига тушиб кетган эди.— Мен Сувонқул кўкчиникидан хабар олай-чи, нима гап экан.

— Хабар олишингиз шартми?— дея норозиланди хотини.— Ағдариб кетгандир ўша ордонани!

— Сувонқул кўкчи, ҳаққингга раҳматлар айтаман, деган эди.

— Нокас бўлманг. «Раҳматингизни айтинг», деб бора-сизми?— дея гижинганча юзини буриштирди хотини.— Қандай бетингиз чидайди?

— Ҳўв, сен менга ундай қарама! Ҳали сенинг арпанг хом ўрганмича йўқ. Уқдингми?! Ундан кейин менинг ишларимга қачондан буён бурун суқадиган одат чиқардинг? А?..

Хотини унинг тезлигини жуда яхши билар эди, билатуриб ноўрин гап қилиб кўйганини туйди. Бироқ энди ёшт қолипдан кўчган эди; лабни тишладан ўзга чора йўқ.

— Тилингда хасмол чиққанми?!— Мирхон хотинининг гу-

ноҳқорлардек писиб, кўзларини яширишга уринишдан янада диққинафас бўлди.— Сендан сўраяпман!..

— ...

— Гапир!

Хотини йиғламсиради.

— Ҳўп деяпман-у...

— Қани хўп деганинг?— деди Мирхон қўлини паншаха қилиб.— Қани?!

— Унинг важоҳатидан хотинининг капалаги учди. Ҳозир эрим уриб юборди, деган хаёлга борди, янада кичрайиб, йиғламсираб тураверди.

— Феълимни билатуриб жигимга тегишингни-чи, а?

Хотини чурқ этмади. Бошини ҳам қилганча, ҳайкал мисол қотиб қолган эди у.

— Индамай туриб энгиб кетасан сен писмиқ,— деди Мирхон пича ҳовридан тушиб.— Бор энди, бирор тузукроқ овқатнинг ҳаракатини қил. Ҳозир кетингдан етиб бораман.

Мирхон пилдираб кетаётган хотинининг чуваккина жуссасига бир сония қараб қолди, унга ачинди. «Ошириб юбордим-ов,— деган ўйга борди.— Тағинам шу боёқиш чидайди инжиқликларимга, бошқаси чидолмасди. Пўлатдан экан-э ўзиям!»

У хотинини ўринсиз койганидан турли мулоҳазага бориб, ўзини нодонликда айблар экан, Сувонқул кўкчининг кўрғонига етиб келди. Келди-ю, юраги шигиллаб кетди: шофёр йигит ағдариб кетиши лозим бўлган қумдан ном-нишон йўқ! Устига-устак, кўкчининг эшиги зулфинига занг босган кичик бир осма қулф солинган эди. У минг турли хаёлга борди. «Ташиб олган бўлса-чи? Йўғ-э, бир мошина қумни-я! Ташиб олмайди, девдай одам ҳам уни бундай тез ташиб тугатиши амри маҳол... Чолда қувват борми... Ташиб олган тақдирда ҳам ақалли чиқат-пикити қолар эди-ку»

Бебурд шофёр лақиллатиб кетганига имони комил бўлса ҳам, қандайдир илнж уни тўнгалка чиқиб, Сувонқул чолнинг ҳовлисига мўралашга мажбур этди. Ҳувиллаб ётган кўримсизгина ҳовлини обдан кўздан кечирди: ҳеч бир ерда қум юми кўринмайди. Одамни ютаман дейдиган ҳовли жимжит. Жимжитлики тоқсўрига осилган, ипақ тўрларни ранг-баранг нозиклар, пистонлар билан безатилган иккита тўрқовоқдаги тезотар беданаларнинг «тараклатиб уриб туриши» бузар эди. Сувонқул хийла беридаги олма дарахти тағига узала тушганча пинакка кетган Сувонқул чолнинг суюкли ити — Оқтош ҳар замон-ҳар замонда кўзларини очиб, бошини силкитиб хира пашшаларни тирқиратар, сув идиши рўпарасидаги ғажиб ташланган катта суякни бир-биридан қизганиб талаётган қовоқариларни лоқайд кузатар, кейин яна эринчоқлик билан кўзларини юмиб олар эди...

Сувонқул кўкчи ўтган кунни Мирхондан қум тушириб беришни илтимос қилганики, шу уйларини қумсувоқ қилдирмоқчи бўлгандир-да. «Қум зарур бўлса, ахир, уйда ўтириш керак эди», дея Мирхон ҳуноб бўлиб ўйлади. Сўнг, нима қиларини билмай, тўнгалка ўтириб қолди. Анчагача ўтирди. Пешонаси тиришиб, икки чаккасида оғриқ турди. Тиззасига шаппатиллаб, ўрнидан қўзғалди. Қичқириб анҳори ёқалаб қайтаётган эди, кўчасидаги баланд темир сўрига қўшнарвон қўйиб, ток новдаларини бағазларга боғлаётган Қосим қотмага кўзи тушди.

— Ҳорманг энди, ака!— деди Мирхон бир текис таралган ток новдаларига ҳавас билан тикилар экан. Хаёлидан: «Қосим қотма кўп режали одам-да», деган фикр ўтди.

— Бор бўл!— деди Қосим қотма қўлидаги тоққайчини жомакор халатининг кассасига солатуриб. Пиллаполярига оёқ қўйган сари лопиллаб кетаётган омонат нарвондан эпчиллик билан пастга тушди:— Нима қип адашиб юрибсан биззи томонларда?

Иккови қўл бериб сўрашишди, бир-бирларининг ҳола-ҳоволларини суриштиришди.

— Сувонқул аканикидан келяпман,— деди Мирхон тушкун бир кайфиятда.— Қум керак, деган эди тунов кунни, ярим мошина... Эрталаб келиннингиз иккимиз бир қариндошимизникига кетаётиб, қум ортиб олган самосвални учратиб қолдик. Кўкчиникини тушунтириб қўйдим. Ҳўп, оббораман, сиз сўнгилни хотиржам қилиб кетаверинг, деган эди ярамас, кўзининг устидан чиқмабди. Сувонқул аканикига борсам, на қум бор, на чолнинг ўзи...

— Тўхта, тўхта-чи...— дея Қосим қотма ариқ четидаги майсалар устига чордана қуриб ўтирди, бармоғини дўрдоқ лабига олиб борди:— Расул остонасига бир мошина қум

ағдартираётганига кўзим тушгандай бўлувди лекин. Шўпир қорамғиздан келган йигит эмасмиди мабодо? Мўйловли!..

— Худди ўзи-да!— Мирхон ҳаяжон аралаш асабийлашди.— Оббо падарлаънати-ей! Ваъда берувди-я, албатта олиб бориб бераман, деб. Оббо даюс-э!

Қосим қотма синиқ кулди.

— Шўпир халқида лабз бўларканми?!— деди. Кейин бартартиб бажарган ишдан қаноат ҳосил қилди, шекилли, сўрига мамнун тикилди:— Расул кўпроқ тўлагандир-да, ақчадан, остонасига ағдариб кетаверган...

Унинг гапидан Мирхон тутаб кетди:

— Мендан кўради у қурумсоқ! Менинг совунимга кир ювмабди ҳали у!...— дедию хайр-маъзурни ҳам нася қилиб, ҳовлиққан кўйи Расул қоровулникига жўнади.

— Мулла Мирхон,— дея чақирди Қосим қотма унинг ортидан,— мени айтди, деб ўтирма тагин. Бир ернинг одамимиз-а, кўз-кўзга тушганда уялиб ўтирмай.

Анча олислаган Мирхон ортага ўгирилди-да, баланд овозда:

— У ёғидан ташвиш тортманг, ака,— деди.— У ёғини ўзим биламан!

Расул қоровулникига етиб келганда, ҳақиқатан бир машина кум шу ерга ағдарилганининг гувоҳи бўлди. Фиғони фалакка кўтарилди. Қумнинг устида чуғурчиқдек чуғурлашиб, бир тўда бола ўйнаб ўтирарди.

— Ҳўв боллар!— деди Мирхон уларга юзланиб.— Бирортанг менга Расул амакингни чақириб берсанг-чи!

Уйинқароқ болаларнинг энг кичкинтойи ўрнидан турди-да, кум ёпишган қўлларини калта иштонига артиб, пилдираб Расул қоровулнинг ҳовлисига кириб кетди.

Зум ўтмай остонада Расул кўринди. У ясама мулозамаат билан Мирхон томон пешвоз чиқди. Қалтабақай қўлларини олдинга чўзиб, кўшқўллаб сўрашига чоғланди. Мирхон унинг муғомбирона манзиратига заррача аҳамият бермади, аксинча, ижирғанди.

— Мен сиз минан кўришмайман,— деди. Қошлари асабий учди, юзидаги тундлик аломати янада қуюқлашди.— Нега бировнинг қумини эшигингиз тагига тўктириб оласиз?!

Расул қоровулнинг ранги-қути ўчди, муаллақ қолган қўлларини туширди, нима деярини билмай чайналди:

— Шофёр менга таниш чиқиб қолди... Сувонқул кўкчиники қулфлоглиқ экан. Кутгани вақтим зик, деди. Менгаям какраз кум зарур эди, меникига ағдариб кетақол, хизмат ҳақингни бераман, дедим. Кўндирдим. Тўкиб кетаверди. Бу ерда ҳеч бир айбситадиган иш бўлгани йўқ. Нақд пулини тўлаб кўйиб ағдартирдим...

— Нега ундай қиласиз? Нега?!

— Ҳой инсон, ҳўкизининг қулоғига танбур чертяпманми? Ҳозир айтиб турибман-а, шўпир таниш чиқиб қолди, деб. Устига-устак, Сувонқул кўкчиникига мана бундай занг босган қулф осиглиқ экан. Анча кутибди ҳам, келавермабди, энди мошинасини ўт олдираётган экан, мен уни тўктириб ола-қолдим. Барибир жўнаворардиям... Шунга ота гўри — қозихонами?... Шўпирни хурсанд қилиб юбордим: йигирма сўм тутқаздим қўлига. Тушунарлими? Иккита ўнталикини!

— Сиз агар яхши одам бўлганингизда, ўша танишингизга: «Майли, акаси, шу ерга ағдариб кетавер. Мана — хизмат ҳақинг, мен Сувонқул ака келса, ундан оларман», дердингиз-да, ўзингиз бош-қош бўлиб кузатиб турардингиз. Ана у одамгарчиликка тўғри келадиган иш бўлар эди,— деди Мирхон астойдил куйиниб.

— Ҳўв, сен менга кўпам ақл ўргатаверма! Сендақа ақлдиларнинг кўпини кўрганман!

— Ургатаман!— деди Мирхон тап тортмай.— Узингизда тамиз бўлмагандан кейин ўргатаман-да!...— У шундай дедию шимининг киссасидан чарм хамёнини чиқарди, ичидан иккита ўнталикини суғуриб, Расул қоровулга узатди.— Манг йигирма сўмингизни! Ҳозироқ замбилғалтак топиб келаман-да, ташиб кетаман қумни!

Расул қоровул пулга ола қараб, унинг кўлини силтаб ташлади. Ортига тисарилатуриб:

— Пулинг кер-ракмас менга,— деди ва Мирхонга еб кўйгудек ўкрайди.— Қани қумга тегиб кўр-чи, мен сени нима қилар эканман! Қани, бир сиқимини опкетгин-чи...

— Ҳаммасини ташиб кетаман,— деди Мирхон комил ишонч билан.— Бир сиқими қолса агар, Мирхон отимни бошқа қўяман!



Расул қоровул қараса — ҳеч бўлмайдиган, энди ялинишга ўтди.

— Акаси,— деди у анча мулоимлашиб,— кел, қўй, асабини бузма. Узи шундоқ ҳам уйдаги асаббузарлар етиб ортади. Кел, ярмини олақол...

Мирхон унинг таклифини инобатга олмади.

— Йўқ, ҳаммасини ташиб кетаман, вассалом!

Расул қоровул ғазабдан қалтиради, лекин Мирхоннинг ўжарлигига парво қилмаган киши бўлди. Йўқ, уддасидан чиқолмади; гарансирганча титроқ овозда:

— Осмон қўлингда бўлса, ташлаб юбормайсанми!— деди қўл силтаб.— Қани, шу ерга қайтиб кел-чи, худди уриб оёғингни синдирман!

Мирхон тўғри ошнаси Исмоилниқига жўнади. Исмоилнинг уйи гузардаги чойхонанинг қаршисига бўлгани учун, униқидан қайтишда Сувонқул кўкчини излаб чойхонага кириб ўтишни ҳам кўнглига тугди. Расул қоровул унинг ортидан лаънат-маломат тошларини ёғдирганча сўкиниб қолаверди.

Мирхон Сувонқул кўкчини чойхонадан топмади, эринмасдан яна чолнинг уйига борди. Ҳайрият, уни уйдан топди. Сувонқул кўкчи беданалари учун тариққа бозорга тушган экан, ундан эса, кўчага чиқдим-ку, деб Қурбақаободдаги яккаю ёлғиз қизидан ҳам хабар олиб келибди.

— Ака, энди унақамас-да,— деди Мирхон тўрқовоқлардаги беданаларнинг донини алмаштираётган кўкчига гинали оҳангда.— Шу бугунча уйда ўтирсангиз бўлмасмиди?! Бир мошина қум юборувдим, эшигийиз қулфлоглиқ экан. Шокир ошнаизнинг Расули ўзига ағдартириб олибди муттаҳам... Бориб жанжал кўтардим, замбилгалтак топиб келиб, ташиб кетаман, дедим. Сўкинганча қолаверди...

Сувонқул кўкчининг бужур юзида ўтинч аломати сезилди. — Барака топгур, шу ишни қилма,— деди у кўкимир томирлари бўртиб чиққан, сал титроқи қўлини Мирхоннинг кифтига ташлаб, зорланаркан.— Бир ернинг одамимиз ҳаммамиз, шу ишингни қилма, акаси...

— Тамизи йўқ эдими ўзининг?— деди Мирхон ўжарона оёқ тираб.— Ахир, сизниқига юборганимни айтган экан-ку шўпир. Билиб туриб шу ишни қиладими? Остонангизга тўктириб, пулини бериб юборса, у ер-бу ери камайиб қолмасди-ку! Келганингизда қайтарардингиз-ку ўша йигирма сўмини! Еб кетмасдингиз-ку, тўғримми?! Бу акам ўзларини ўйлаганлар; ҳеч зоғ билмайди — ёпиқлиқ қозон ёпиғлиғича қолади деган хаёлга борганлар! Йў-йўқ, янглишади, бир сиқимини қолдирсам унинг остонасида, одаммасман!

У гап тамом, вассалом, дегандай ўрнидан сапчиб туриб, ташқарига одимлади.

— Мулла Шокирнинг юзига қандай қарайман?— дея мўл-тайганча унинг кетидан судралди кўкчи.— Ахир, қиёматли ошнаммиз-а отаси билан...

— Ўғлининг қилмиши учун сиздан уялсин Шокир ака,— деди Мирхон замбилгалтак ёнига борганда.— Андишанинг оти кўрқоқ, шуни биласизку-а, Сувонқул ака?!

У кўча бошигадовур ялиниб-ёлвориб чиққан кўкчига қулоқ солмади, ўз билганидан қолмай, замбилгалтакни суриб кетди. Сувонқул кўкчи хафаланиб жойида қотди...

Чамаси ярим соатлар бурунги даҳанаки жанг ҳолва экан, жанжалнинг каттаси Мирхон замбилгалтакка қум солаётганда бошланди.

— Тегма, деяпман!.. Ҳў тўнғиз, сенга айтяпман!— Расул қоровул ини бузилган қўшдай саросимага тушиб, Мирхоннинг қўлидан белкуракни юлқиб олди-да, жон-жаҳди билан кўчаннинг ўртасига қараб улоқтирди:— Қани, бу ердан туё-фингни шиқиллатиб қол-чи, қорангни кўрмай!..

— Кетмайман!— Мирхон унга ўчакишиб, бориб белкуракни кўтариб келди, яна замбилгалтакка қум тўлатишга киришди.— Сиз... сен фирром экансан! Ҳаммасини ташиб битирмагунимча, бу ердан бир қадам ҳам жилмайман!

— Анвар, қани, бор, маҳалла комиссиясини топиб кел!— Расул қоровул боздан бери отасининг бу жанжалидан андишага бориб турган ўғлига дўқ урди.— Кимга айтяпман?! Куппа-кундузи отангни хонавайрон қилиб кетсин-да, сен қоққан қозикдай анграйи-иб туравергин-а?!

— Ада, ада... уятмасми?— Анварнинг овози титраб чиқди.— Улай агар, ада, сиз ҳозир ноҳақсиз! Ахир, қумни бу киши Сувонқул отаниқига юборган экан-ку, ўзига эмас экан-ку! Мана шу арзимас матоҳни деб шунча шовқин-сурон кўтариш

шартми?! Ташиб кетса, ташиб кетавермайдимми, қизиқ экансиз-ку, ада?!

Ўғлининг гапидан Расул қоровулнинг жони ҳалқумига тикилди. Титраб-қақшаб айхоҳаннос солди:

— Сен ҳали менинг пушти-камаримдан бўлатуриб, шунинг ёнини оляпсанми? Шунга қўшилиб уйимни куйдирмоқчимисан-а?..

Анвар четга қаради...

— Ҳеч ким сизнинг уйингизни куйдирмоқчи эмас...

— Йўқ, куйдирмоқчисанлар!— Расул қоровул ҳе йўқ-бе йўқ, кўққисдан бутун гавдаси билан ўзини қумнинг устига ташлади.— Аввал мени ўлдирасан, кейин қумни олиб кетасан...— У ётган жойидан гоҳ донг қотиб қолган Мирхонга, гоҳ номуздан ерга кириб кетгудек аҳволда турган ўғлига ўшқирарди:— Тушундингларми?! Аввал ўлгимни оласанлар, ундан кейин қумни!

— Туринг, ада,— деди Анвар ўнғайсиз ҳолда қизаринқираб.— Одамни иснодга қўйдингиз-ку!

— Аввал ўлгимни...— деди яна Расул қоровул палағда овозда.— Кейин қумни...

— Атрофга қаранг, ҳамманинг кўзи сизда!— Анвар бир тўда бўлиб йиғилиб олиб, текин томоша кўраётган болаларга юзланди:— Ҳўв зумрашлар, қани, бир жўнаворларинг-чи! Нима, бу ерда маймун ўйнаятгани сенларга, а? Жўналаринг!

Болалар бир-бирларига нималардир деб шивирлашиб, пича нари юришди-ю, қумнинг устида узала тушиб ётган Расул қоровулдан кўз узмай, қулиб тураверишди.

Анагача жим қолган Мирхон алоҳид тилга кирди:

— Туринг, ака,— дея Расул қоровулга яқинлашди, жирканиб тирсагидан тортиди:— Бу номерингиз ўтмайди. Сизни ҳечам шундай одам деб ўйламовдим.

— Қўлингиз торт, ювқисиз!— Расул қоровул унинг қўлини силтаб ташлади.— Кўзга — кўканак, оёққа тиканаклигинг қолмади!

Анвар отасига гапириб барака топмаслигини англади шекилли, шахд билан уйга кириб кетди. Бирор фурсат ўтган, онасини бошлаб чиқди.

Қовоқ-тумшуғи уюлган қирқ беш-элликлар атрофидаги оқ-сарикдан келган, димоқдор аёл қумда чўзилиб ётган эрини кўриши ҳамона сийрак ажинли юзини тириштириб ижирғанди. Теварак-атрофдагиларга ўғринча кўз югуртирди. Гўдақлардек мўлтираб турган эрига бир қош чимирган эди, Расул қоровул ўрнидан дик этиб туриб кетди. Хотинидан кўзларини яширишга тиришиб, аввал Мирхонга, кейин ўғли Анварга аламли ўқрайди.

— Қани, уйга кириг-чи!— деди хотини кўрсаткич бармоғини эшикка тўғрилаб.— Болаларга кулги бўлишдан уялмади-йизми? Қоқиб олинг ҳаммаёғийизни! Нима бу жиннилик?!

— Барибир қумга тегмайди,— деди Расул қоровул хотинидан чўчинқираб. Кейин Мирхонга бақрайди:— Эшитдингми, қумга қўлингизни урмайсан!

Аёл бир кўзини хиёл юмиб, чап кўкрагига кафтини қўйди-да:

— Пулини берсин-да, опкетаверсин!— деди.— Менинг жанжал-суронга тобим йўқ! Қани, оповси, буни акайиз қанчага тўктириб олганларини биласизми?

— Ой-й!— Онасининг дарров нархдан келаётгани Анварнинг хунобини оширди.— Ой!

— Сен тек тур! Бор, адангни ичкари олиб кир!— У шундай деди-ю яна кўкрагини чангаллади.— Бир кунмас бир кун мени инпарк қилиб ўлдирасанлар-да, кейин қутулсанлар. Мана, яна юракда санчиқ турди-қўйди... Қани, кириг деяпман!

Расул қоровул, ранги-кути ўчиб, типирчилаб қолди. Мирхонга ўзича нималардир деб пўнғиллади, итоаткорлик билан бўйинни қисиб, уйи томон истамайгина судралди. Унга Анвар эргашди.

Аёл кўкрагидан қўлини туширди. Чеҳраси сал ёришиб, Мирхон узатган иккита ўнталикни қўлига олди.

— Узи йигирма сўмга ағдартирган эканларми? Акайиздан сўрабмидийиз?— деди. Сўнг йўлақда кетаётган эрига овоз берди:— Ҳўв Анвар, бир минутга қараб кетинг! Бу ёққа қараворинг!..

Эри унинг чийилдоқ овозини эшитса ҳам эшитмаганга йўйди чоғи, қайтиб қорасини кўрсатмади.

Мирхон Расул қоровул қайтиб чиқмаганига хурсанд бўлди. Эркин тин олди-да:

— У кишининг ўзлари айтдилар, йигирма сўмга тўктирганман, деб,— деди.

— Ундай бўлса гўрга-я,— деди аёл ўпкалаганнамо оҳанг-

да. У яна қумнинг атрофига тўплана бошлаган болаларни энсаси қотиб ҳайдади:— Қани, жуналаринг бу ердан! Ҳаммаёққа сочиб ташлабсанлар! Жа, ҳаммангнинг ойинг менинг эшигим тагида туққан бўлса ҳам!..

Мирхон унга бир нима демоққа чоғланди-ю, гапириб обрў топмаслигини сезиб, индамай қўяқолди.

— Шу бугуноқ ташиб кетинг-а, оповси,— деди аёл ёшига ярашмаган кўйи айёрона ёлвориб.— Тағин акайиз...

Унинг гапи оғзида қолди. Мирхон юлиб олди:

— Шу бугуноқ ташиб битираман! Қандай бўлмасин ташиб кетаман!

— Ҳа, шундай қилинг,— деди аёл ва уйи томон одимлади. Йўлакдан ўғли Анварни койигани эшитилди: «Сен кўчага чиқишни хаёлингга келтирма! Раз ҳожатбарор эканми,

охиригача қилсин тантилигини!» «Ахир, ойи, тушунсангиз-чи,— дерди Анвар ўтиниб, — бир кишига оғир, ўзи таший олмайди шунча қумни. Бирпас қарашиб юборсам у ер-бу ерим камайиб қолмайди-ку!» «Йўқ!— деди онаси терс товушда.— Мабодо остона ҳатлаб чиқар экансан, отангнинг оёғига болта урган бўласан! Уқдингми?!» «Шу ишинглар яхши бўлмади, ойи, чакки бўлди. Қолаверса, Сувонқул ота Шокир бобомнинг қиёматли ошнаси эди, шу ишинглар яхшимас».

«Ориятли йигит экан,— дея сўзланди Мирхон енг шимариб ишга киришатуриб.— Ичларингда шу бола диёнатини йўқотмаган экан... Қўявер, ука, менинг сендан гинам йўқ, қўявер! Бир машина тугул, беш мошинаси ағдарилган тақдирда ҳам ташир эдим. Ташийман, ярим кечага қолсам ҳам, тонгга довуз бўлса ҳам ташийман. Ҳолдан тойиб эмақлаб қолсам ҳам, ётиб бўлса ҳам ташиб битираман!»



«Кел, бир гаплашиб олайлик».

И. ХУВАЙТОВ фототўғди.



Антуан
де Сент-Экзюпери

Бола подшо

Хайриддин СУЛТОНОВ таржимаси

Расмларни муаллиф чизган

Леон ВЕРТга

Бу китобчани катта ёшдаги одамга бағишлаганим учун болалардан кечирим сўрайман. Узимни оқлаш учун шуни айтишим мумкинки, бу катта ёшдаги одам менинг энг яхши дўстим бўлади. Бунинг устига, у дунёдаги ҳамма нарсани, ҳатто болаларга атаб чиқарилган китобчаларни ҳам тушунади. Ва ниҳоят, у Францияда яшайди; у ерда ҳозир ҳаммаёк совук, очарчилик, дўстим эса таскин-тасаллига бениҳоя муҳтож. Агар буларнинг барчаси ҳам мени оқлаёлмаса, у ҳолда китобчамни бир пайтлар мана шу катта ёшдаги дўстимнинг ўрнида бўлган кичкина болакайга бағишлайман. Ахир, катталарнинг ҳаммаси ҳам аввал-бошда ёш бола бўлганлар, фақат буни уларнинг озгинасигина билади, холос. Шундай қилиб, мана, мен бағишловга тузатиш киритаман:

Леон ВЕРТга — бир пайтлар ёш бола бўлган дўстимга бағишланади



Олти яшар пайтимда, осуда ўрмонлар ҳақида ҳикоя қилувчи «Бўлган воқеалар» деган китобда ғалати бир суратга кўзим тушиб қолди. Суратда баҳайбат бўғма илоннинг бир йиртқич ҳайвонни тириклай ютаётгани акс эттирилган эди. Мана, ўша сурат:



Сурат тагига шундай деб ёзилган эди: «Илон ўлжасини чайнаб ўтирмай бут-бутунисича ютиб юборади. Шундан кейин у жойидан қимирлаёлмай қолади ва то ўлжасини ҳазм қилиб бўлгунича сурункасига ярим йил донг қотиб ухлайди».

Мен жунглидаги саргузаштларга тўла ҳаёт ҳақида узоқ хаёл сўрдим, сўнг рангли қалам билан умримда биринчи марта расм чиздим. Бу — менинг 1-рақамли расмим эди. Мана, мен чизган нарсаси:



Ижодим намунасини катталарга кўрсатиб, қўрқинчли эмасми, деб сўрадим.

— Шляпанинг нимаси қўрқинчли экан? — деб эътироз билдиришди менга.

Аммо расмдаги нарсаси сираям шляпа эмас эди. Бу — филни тириклай ютиб юборган бўғма илон эди. Ушанда, катталарга тушунарли бўлсин, деб, илоннинг ички кўринишини ҳам чиздим. Ахир, катталарга ҳамма нарсани доим тушунтириб бериш керак-да. Бу менинг 2-рақамли расмим эди:



Катталар менга илонларнинг ичкию ташқи кўринишини чизиш ўрнига жуғрофия, тарих, арифметика ва ҳуснихатни кўпроқ ўрганишни маслаҳат беришди. Ана шундан кейин, олти яшар пайтимда рассомликнинг порлоқ истиқболдан воз кечишга мажбур бўлдим. 1- ва 2-рақамли расмларим муваффақиятсизликка учрагач, ўзимга нисбатан ишончимни йўқотдим. Катталар ҳеч қачон ўзларича бирон нарсани тушуна олмайдилар, уларга ҳадеб ҳижжалаб тушунтириб беравериш эса охир-оқибат болаларнинг ҳам жонига тегиб кетади.

Шундай қилиб, бошқа касб танлашимга тўғри келдию учувчиликни ўрганиб олдим. Осмони фалақдан қарийб

бутун дунёни кезиб чиқдим. Очиғини айтишим керак, жуғрофия менга жуда кўл келди. Бир қарашдаёқ Хитойни Аризона вилоятидан ажрата оладиган бўлдим. Тунда самода адашиб кетсанг, бу бениҳоя асқотади-да.

Умрим давомида турли-туман жиддий одамларни учратдим. Катталар орасида узоқ вақт яшадим. Уларни яқиндан кўрдим, билдим. Ва бундан, тан олишим керакки, улар ҳақидаги фикрим яхши томонга ўзгармади.

Катталар орасида бошқалардан кўра ақлли ва фаросатлироқ бирор кишини учратганимда унга 1-рақамли расмимни кўрсатардим — мен уни асраб қўйган эдим, доим ёнимда олиб юрардим. Бу одам чиндан ҳам бирор нимани тушунадими-йўқми, синаб кўрмоқчи бўлардим. Уларнинг барчаси расмга қараб туриб, «Шляпа-ку бу», дерди. Шундан кейин мен уларга на бўғма илонлар, на жунглилар, на юлдузлар ҳақида оғиз очардим. Уларнинг тушучаларига мослашардим-да, бриж ва гольф ўйинлари ҳақида, сиёсат ва бўйинбоғлар ҳақида гап бошлардим. Шунда катталар мендай бир бамаъни одам билан танишганларидан беҳад мамнун бўлар эдилар.

II

Мен шу тариқа ёлғизликда яшардим, дилимни англайдиган бирор ҳамдардим йўқ эди... Олти йил муқаддам самолётимнинг мотори бузилиб, Саҳрои Кабирга қўнишга мажбур бўлдим. Енимда на механик, на биронта ҳамроҳ бор эди. Қанчалик қийин бўлмасин, самолётни амаллаб бир ўзим тузатишга аҳд қилдим. Ё моторни тузатаман ё ҳалок бўламан. Бир ҳафтага базўр етадиган сув қолган.

Шундай қилиб, биринчи кечани ҳувиллаб ётган саҳрода, кўм устига узала тушиб ўтказдим. Минглаб чақирим нарида ҳам тирик жон асари сезилмасди. Кемаси ҳалокатга учраб, бепоён океанда сол узра сузиб бораётган одам ҳам менчалик ёлғиз бўлмагандир. Шу боис тонг саҳарда мени кимнингдир ингичка овози уйғотиб юборганда нақадар ҳайратга тушганимни тасаввур ҳам қилолмасангиз керак.

— Илтимос... менга кўзичоқ чизиб бер! — деган қўнғироқдек товуш янгради ёнгинамда.

— А?..

— Менга кўзичоқ чизиб бер..

Яшин ургандек, сапчиб ўрнимдан турдим. Апил-тапил кўзларимни ишқалаб, атрофга алангладим. Қарасам — рўпарамда аллақандай ғаройиб бир болакай менга жиддий тикилиб турибди. Мана, унинг энг яхши сурати, мен уни кейин чизишга муваффақ бўлдим:



Албатта, бу расмда у аслидагидек яхши чиқмаган. Начора, бунга мен айбдор эмасман. Олти яшар пайтимда

катталар, сендан рассом чиқмайди, деб роса мияга қўйишгани учун мен бўлма илонларнинг ички ва ташқи кўринишидан бошқа нарсани чизишни ўргана олмадим.

Шундай қилиб, десангиз, мен кўзларимни катта-катта очганча бу ғаройиб болакайга қараб турардим. Одамзот маконидан минглаб чақирим олисдаги яйдоқ саҳрода эканим ёдингиздан чиқмагандир. Шуниси ғалатки, бу боланинг афт-ангорига қараб, адашиб қолган ёки ниҳоятда ҳориб-чарчаган, қўрқувдан юраги ёрилиб, очлик ва ташналикдан ўлар ҳолга етган, деб бўлмасди. Кимсасиз саҳрода, инсон қадама тегмаган чўлу биёбонда дафъатан пайдо бўлиб қолган бу боланинг кўринишидан бундай фикрларни ҳаёлга ҳам келтириш мумкин эмасди. Ниҳоят, менга яна тил ато бўлиб, аста сўрадим:

— Лекин... сен бу ерда нима қилиб юрибсан?

У тагин оҳисталик билан ва ғоят жиддий оҳангда:

— Илтимос... кўзичоқ чизиб бер... — деди.

Буларнинг барчаси шу қадар сирли, англаб бўлмас бир тарзда рўй бераётган эдики, рад қилишга журъатим етмади. Жазирама саҳро қўйнида, ҳаётим қил устида турган бир паллада қанчалик бемаъни кўринмасин, чўнтагимдан қоғоз-қалам олдим-у, лекин шу заҳоти ўзимнинг асосан жуғрофия, тарих, арифметика ва ҳуснихатни ўрганганим лоп этиб эсимга тушди-да, болакайга қараб (ҳатто бир оз ачиқланиб) расм чизишни билмаслигимни айтдим. Бу гапимга у:

— Барибир кўзичоқ чизиб бер, — деб жавоб қилди.

Мен умримда кўзичоқ расмини чизиб кўрмаганим учун, ўзим билган ўша эски иккита суратдан бирини — бўлма илоннинг ташқи кўринишини чизиб кўрсатдим. Аммо болакай расмини кўриб:

— Йўқ, йўқ! Менга илон ҳам, фил ҳам керак эмас! Илон ҳаддан ташқари хавфли, фил эса ҳаддан ташқари катта. Менинг уйимдаги нарсаларнинг ҳаммаси кичкина. Менга кўзичоқ керак, кўзичоқ чизиб бер, — деб хитоб қилганида ниҳоятда ҳайрон қолдим-да, шу расмини чизиб бердим:



У расмини синчиклаб кўздан кечиргач:

— Йўқ, бу кўзичоқ жудаям ориқ-ку, — деди. — Бошқасини чизиб бер.

Мен бошқа кўзичоқ расмини чиздим:



Янги дўстим хушфеъллик билан мулоийм жилмайиб қўйди.




— Бу кўзичоқ эмас-ку, — деди у. — Узинг ҳам кўриб турибсан-а, қўчқор-ку бу. Ана, шохиям бор...

Мен кўзичоқни тагин бошқатдан чиздим. Бироқ бу расм ҳам унга маъқул бўлмади:

— Э, бу росаям қари-ку. Менга узоқ яшайдиган кўзичоқ керак.

Энди сабр-тоқатим тугади. Ахир, тезроқ моторни тузатиш керак эди-да! Шунинг учун апил-тапил мана шу нарсани чизиб ташладим:



Кейин болага қараб:

— Мана сенга қутича. Кўзичоқнинг шунинг ичида ётибди, — дедим.

Шунда мени буткул лол қолдириб, бу талабчан ҳакам гулгул яшнаб кетди:

— Менга худди шунақаси керак эди-да! У кўп ўт ермикан, нима дейсан-а?

— Нима эди?

— Ахир менинг уйимда унча серобгарчилик эмас-да.

— Унга кўп нарса керак эмас. Мен сенга жудаям кичкина бир кўзичоқ бераман.

— У жудаям кичкина эмас... — деди у бошини эгиб, расмга термиларкан. — Қара! У ухлаб қолди...

Мен Бола подшо билан шу тариқа танишдим.

III

Унинг қаердан пайдо бўлганини ҳадеганда билиб ололмадим. Бола подшо мени саволларга кўмиб ташлар, аммо ўздан бирор нимани сўрасам, эшитмаганга олар эди. Фақат, анчадан кейин, гап орасида тасодифан айтиб қолган баъзи сўзларидан унинг сирли ташрифи бирмунча ойдинлашди. Масалан, самолётимни биринчи марта кўрганида (самолёт расмини чизиб ўтирмайман, негаки, бунини барибир эплаёлмайман), у шундай деб сўради:

— Бу қанақа нарса?

— Бу нарса эмас, самолёт. Менинг самолётим, у учади.

Кейин унга, осмони фалақда учиш қўлимдан келишини фахрланиб айтдим. Шунда у:

— Э, шохма! Сен ҳали осмондан қулаб тушдингми? — дея хитоб қилиб қолди.

— Ҳа, — дедим камтарлик билан.

— Ана холос! Қизиқ-ку!..

Бола подшо шундай деб кўнғироқдек товуш билан кулиб юборди. Бунини кўриб пича ачиғим чиқди: тавба, бошингга кулфат тушганда, одамлар бунга жиддий муносабатда бўлиш ўрнига... Бир оздан кейин у:

— Демак, сен ҳам осмондан тушиб келибсан-да, — деди. — Ҳўш, қайси сайёрадан келдинг?

«Э, бу кимсасиз саҳрода тўсатдан пайдо бўлиб қолишининг сири буёқда экан-да!», деб ўйладим ўзимча ва дабдурустан:

— Бундан чиқдики, сен бу ерга бошқа сайёрадан тушиб келибсан-да? — деб сўрадим.

Бироқ у саволимга жавоб бермади. Самолётимни кўздан кечираркан, аста бош чайқади:

— Ҳе, бунинг билан узоқдан учиб келолмайсан, кўриниб турибди...

Сўнг нима ҳақдадир хийла ўйлаиб қолди. Кейин чўнтагидан мен чизиб берган бояги кўзичоқни олиб, гўё қимматбаҳо хазинадек томоша қилишга киришди.

«Бошқа сайёралар» хусусидаги бу чала-ярим эътирофдан сўнг кўнглимдаги қизиқиш ҳисси нақадар аланга олиб

кетганини тасаввур қила олсангиз керак. Иложи борича кўпроқ нарса билиб олиш ниятида устма-уст савол ёғдира кетдим:



— Сен қаёқдан учиб келдинг, болакай? Сенинг уйинг қаерда? Кўзичоғимни қаёққа олиб кетмоқчисан? У ўйга чўмганча жимиб қолди-да, кейин:



— Менга қутича берганинг жуда соз бўлди-да, кўзичок кечаси унинг ичида ухлайди, — деди.

— Албатта. Агар ақлли бола бўлсанг, сенга арқон ҳам ҳадыя қиламан — кўзичоқни кундузлари боғлаб қўясан. Қозиқ ҳам бераман.

Бола подшонинг қошлари чимирилди:

— Боғлаб қўясан? Нима кераги бор бунинг?

— Чунки, боғлаб қўямасанг, у бирон ёққа кетиб адашиб қолади.

Буни эшитиб дўстим хандон отиб кулиб юборди:

— Э, қаёққаям кетарди у?

— Билиб бўлмайди-да. Боши оққан томонга кетаверади, кетаверади...

Шунда Бола подшо жиддий тортиб:


— Майли, ҳечқиси йўқ, — деди. — Ахир, мен яшайдиган жой ниҳоятда кичкина... — Бир оздан сўнг хиёл ғамгин оҳангда кўшиб қўйди: — Бошинг оққан томонга кетаверганинг билан узоққа кетолмайсан...

IV


Шу тариқа мен яна бир муҳим янгиликни кашф этдим: унинг она сайёраси бор-йўғи бир уйдек келар экан!

Очиғини айтганда, бу нарса мени унчалик ҳайратлантирмади. Чунки мен Ер, Зухал, Миррих, Зухра сингари улкан сайёралардан ташқари, яна юзлаб бошқа сайёралар мавжудлигини, аксариятига ҳатто ном ҳам берилмаганини, улар орасида телескопда ҳам кўриш мушкул бўлган миттивойлари борлигини билар эдим. Астроном олим ана шундай жимит сайёрани кашф этаркан, унга ном қўйиб ўтирмайди, балки рақам билан атаб қўя қолади. Масалан: 3251-астероид, дегандек.

Менда, Бола подшо Б—612 деб аталмиш мўъжаз сайёрадан тушиб келган, деб ҳисоблашга имкон берувчи жиддий асослар бор. Бу астероид телескопда фақат бир марта — 1909 йили, бир турк астрономи томонидан кузатишган эди.



Ушанда астроном ажойиб кашфиёти ҳақида халқаро астрономия конгрессида маъруза қилган, аммо унинг гапига бирор кимса ишонмаган, чунки у туркча кийинган эди. Ана шунақа ғалати халқ бу катталар!



Буни қарангки, Б—612 деб аталмиш астероиднинг бахтига, турк султони ўз фуқароларига, ўлим жазоси таҳдиди билан, европача кийинишни жорий этди. Уша астроном 1920 йили кашфиёти ҳақида тагин маъруза қилди. Бу сафар у энг сўнги модада кийинган эди — ҳамма унинг гапини маъқуллади.

Б—612 деб аталмиш астероид ҳақида сизга бундай батафсил сўзлаб ўтирганимга, ҳатто унинг тартиб рақамини келтирганимга катталар сабаб. Чунки катталар рақамларни жуда яхши кўришади. Агар уларга янги дўст орттирганингиз хусусида айтиб қолсангиз, улар ҳеч қачон энг асосий нарса ҳақида сўрамайдилар. Улар ҳеч қачон: «Унинг овози қанақа? Қанақа ўйинларни яхши кўради? У капалак тутадими-йўқми?», деб суриштирмайдилар. Улар: «Еши нечада? Нечта оғаниниси бор? Оғирлиги қанча экан? Отаси қанча мойна олади?», дея сўрай кетадилар. Сўнг шу тариқа ўзларича одамни билиб олган бўладилар. Мабодо катта-



ларга: «Мен қизғиш ғиштли чиройли бир уйни кўрдим, деразасида ёронгул очилиб турибди, томида каптари бор», деб айтсангиз, улар бу иморатни сира ҳам кўз ўнгиларига келтира олмайдилар. Уларга: «Мен юз минг франкли уйни кўрдим», деб айтиш лозим — шундагина улар: «Ана гўзаллиги мана гўзаллик!», дея хитоб қиладилар.

Худди шунингдек, агар уларга: «Бола подшо чиндан ҳам мавжуд эди, у ниҳоятда ажойиб болакай эди, яйраб куларди, бир кўзичоғим бўлса, дерди, кўзичоғим бўлсин, деган одам, ростдан мавжуд бўлади-да», десангиз, ҳайрон елка қисиб кўядилар-да, сизга худди эсипаст гўдакка қарагандек қарайдилар. Аммо бордию уларга: «У Б — 612 деган сайёрадан учиб келган эди», деб тушунтирсангиз, бу гапга узил-кесил ишонишади ва ортиқ турли-туман саволлари билан сизни безор қилишмайди. Ана шунақа ғалати халқ бу катталар. Улардан хафа бўлиб ўтиришининг ҳожати йўқ. Болалар катталарга нисбатан кенгфеъл ва кечиримли бўлишлари лозим.

Аммо бизлар, яъниким, ҳаётнинг нима эканини англайдиган кишилар, номерлар ва рақамлар устидан қаҳ-қаҳ уриб куламиз! Мен, масалан, ўзимга қолса, ушбу қиссани худди сеҳрли эртақдек бошлаган бўлурдим:

«Бор экан-да, йўқ экан, бир Бола подшо бўлган экан. У ниҳоятда кичкина — ўзининг танасидан салгина катта бир сайёрада яшар, бирорта ҳам дўсти йўқлигидан қаттиқ изтироб чекар экан...» Ҳаётнинг нималигини англайдиган кишилар бунинг эртақдан кўра кўпроқ ҳақиқатга ўхшагини дархол пайқаган бўлур эдилар.

Зеро, мен китобимнинг шунчаки эрмак учунгина ўқилишини асло истамайман. Бўлиб ўтган у воқеаларни қайта эслаш мен учун ғоят оғир, уларни ҳикоя қилиш ҳам осон эмас. Дўстим кўзичоғи билан бирга мени тарк этганидан буён орадан олти йил ўтди. Уни унутиб юбормаслик учун ҳам у ҳақда сўйламоқчиман. Чунки дунёда дўстларни унутиб юборишдан ҳам қайғулироқ нарса йўқ, ахир, дўст бўлиш ҳар кимга ҳам насиб этавермайди-да. Қолаверса, мен ёруғ оламда рақамдан бошқа нарсага қизиқмайдиган катталарга ўхшаб қолишни сира-сира истамайман. Шу боисдан ҳам мен рангли қаламлар билан бирга бўёқлар солинган қутича сотиб олган эдим. Менинг ёшимда қайта бошдан расм чизишга киришиш — айтишга осон, холос, чунки мен бутун умрим давомида бўғма илоннинг ташқию ички кўринишидан бошқа (уни ҳам олти яшар пайтимда чизган эдим) нарса чизмаган эдим-да! Албатта, ҳозир иложи борича аслига ўхшатишга ҳаракат қиламан, бироқ бу ишни қойилмаком қилиб бажараман, деб кафилик беролмайман. Шунинг учун портретларнинг бири бинойидек чиқса, иккинчиси мутлақо ўхшамаслиги ҳам мумкин. Бола подшонинг бўйи тўғрисида ҳам шу гапни айтиш лозим: расмларнинг бирида у ҳаддан ташқари улкан, бошқасида эса — ҳаддан ташқари кичкина бўлиб кўринади. Шунингдек, унинг кийимининг ранги ҳам ёдимда йўқ. Шу боис эсимда қолганича, тусмоллаб, хаёлан чизавераман. Ниҳоят, мен баъзи бир муҳим тафсилотлар тасвирида хатога йўл қўйишим ҳам мумкин. Аммо сизлар мени маъзур тутарсизлар, деб умид қиламан. Дўстим менга ҳеч қачон бирор нарсани тушунтириб берган эмас эди. Эҳтимол, у мени ҳам худди ўзи қатори деб ҳисоблагандир. Бироқ, афсуски, мен қутича деворлари аро кўзичоқни кўришга

қодир эмасман. Балки мен катталарга озроқ ўхшаб кетарман. Чамаси, қариётган бўлсам керак.

▼

Кун сайин мен Бола подшонинг сайёраси ҳақида, дўстим уни қандай қилиб тарк этганию сафар чоғи қандай саргузаштларни бошидан кечиргани ҳақида янги-янги маълумотларни билиб ола бошладим. Хонаси келиб қолганида у шу ҳақда озми-кўпми гапириб қоларди. Шу тариқа, учинчи кунни мен Бола подшонинг сайёрасида рўй берган баобаб балосидан воқиф бўлдим.

Бунга ҳам аслида ўша кўзичоқ расми сабаб бўлди. Бола подшо, чамаси, нимадандир қаттиқ шубҳага тушгандек эди, тўсатдан менга қараб:

— Айт-чи, кўзичоқлар ростдан ўт ейдими? — деб сўради.

— Ҳа, ростдан.

— Э, зўр экан унда!

Кўзичоқнинг ўт ейиши нега бунчалик муҳим эканини, табиийки, тушунмадим. Лекин Бола подшо шундай деб кўшимча қилди:

— Бундан чиқдики, улар баобабларни ҳам ер экан-да?

Мен бу гапга эътироз билдириб айтдимки, баобаб дегани ўт-ўлан ёки бута эмас — минора бўйи келадиган баҳайбат дарахт; агар у сайёрасига бутун бошли фил подасини ҳайдаб борганида ҳам, улар бирорта баобабни ея олмайди.

Бола подшо бу гапни эшитиб, майиғида жилмайди:



— Унда, филларни бир-бирига мингаштириб қўйиш керак... — Сўнг пича ўйланиб, мулоҳазакор оҳангда давом этди: — Баобаблар энди униб чиққан пайтида жудаям кичкина бўлади.

— Тўғри, лекин, нега энди кўзичоғинг баобабни ейиши керак?

— Э, емаса бўлмайди-да! — дея хитоб қилди у, гўё бениҳоя оддий, ибтидоий бир ҳақиқат хусусида сўзлаётгандек.

Гап нимадалигини англаб етгунча роса бошим қотди. Бола подшонинг сайёрасида ҳам бошқа сайёралардаги каби фойдали ва зарарли ўт-ўланлар ўсар экан. Демакки, у ерда доривор, шифобахш ўтларнинг уруғи билан бирга, зараркунанда ва бегона ўсимликларнинг уруғлари ҳам мавжуд. Аммо уруғ ҳали тупроқ тагида мудраб ётаркан, кўзга кўринмайди, шу боис унинг зарарлими, фойдали эканини билиш ҳам мушкул. Фақат ер уйғонгачина уруғ ҳам аста-секин ниш уриб, ёруғ олам сари талпинади, куртак очиб барг ёзади-да, куёшга бўй чўзади. Қаттиқ ердан қалтираб чиққан чоғида у нимжонгина, беозор бир гиёҳ бўлади. Агар у бўлғуси гул кўчат ёки маймунжон бўлса, майли, бемалол ўсиб-унаверсин, бордию қандайдир зараркунанда ўсимлик бўлса, таг-томири билан юлиб ташлаш керак. Бола подшонинг сайёрасида ана шундай зарарли, мудҳиш уруғлар бор экан — баобабларнинг уруғи. Сайёранинг тупроғида шу ёвуз уруғ тўлиб-тошиб кетган экан. Агар баобабни ўз вақтида пайқаб юлиб ташланмаса, кейин ундан қутулишининг иложи бўлмайди. У бутун сайёрани эгаллаб

олади, баҳайбат, кутурган томирлари билан уни ҳар томондан чирмаб эза бошлайди. Мабодо сайёра мўъжазгина бўлсаю баобаблар сон-саноқсиз бўлса, у ҳолда улар уни тилка-пора қилиб ташлаши ҳам ҳеч гап эмас.

— Бизда шундай бир қонда бор, — деди Бола подшо кейинчалик менга. — Эрталаб уйқудан туриб, юз-қўлингни ювгач, у ёқ-бу ёқни йиғиштиргандан сўнг дарҳол сайёрангни тозалашга киришмоғинг лозим. Баобабларни ҳар куни, канда қилмай йўқ қилиб туриш керак. Аммо уларни



гул ниҳолдан ажрата билиш керак: иккаласининг бутаси бир-бирига жудаям ўхшайди. Бу ҳаддан ташқари зерикарли иш, лекин сираям қийин эмас.

Бир гал у менга, мана шу гапларни бизнинг болалар ҳам тушунсин десанг, расмини чизиб кўрмайсанми, деб маслаҳат берди.

— Агар улар қачондир сафарга чиқмоқчи бўлсалар, бу нарса ғоят қўл келади, — деди у. — Бошқа ишлар бир оз кечикса ҳам зиён қилмайди, аммо баобабларни ўз ҳолига



қўйиб берилса, охири вой бўлади. Мен бир сайёрани биламан, у ерда бир дангаса яшарди. У уч туп ниҳолни вақтида кўпориб ташламади, оқибатда...

Бола подшо бу ҳақда батафсил сўзлаб берди, мен эса ўша сайёранинг расмини чиздим. Бировга ақл ўргатишни ёмон кўраман, аммо баобабларнинг нақадар хавфли эканини жуда оз одамгина билади, ваҳоланки, астероидга қадам қўядиган ҳар бир киши муқаррар равишда бу даҳшатли хатарга дучор бўлади. Шу сабабдан мен ҳозир одатимга хилоф тарзда: «Болалар, баобаблардан эҳтиёт бўлинглар!», деб ҳайқиргим келади. Барча дўстларимни кўпдан буён таҳдид солиб турган шу бало-қазодан огоҳ қилиб қўймоқчиман, чунки улар шундай хатар борлигини, бир пайтлар мен ҳам мутлақо билмаганимдек, ҳатто хаёлларига ҳам келтирмайдилар. Шунинг учун ҳам мен овора бўлиб шу расмини чиздим, шунинг учун ҳам қилган меҳнатимга заррача ачинмайман. Эҳтимол, сиз, нима учун бу китобда манави баобабларнинг тасвиридан бошқа бирорта ҳам таъсирли расм йўқ, деб сўрарсиз. Бунга мен оддийгина қилиб шундай жавоб қайтараман: бошқа расмлар ҳам таъсирчанроқ чиқсин, деб мен роса уриндим, бироқ, афсуски, қўлимдан келмади. Баобабларни чизаётган пайтимда эса, бу чиндан ҳам мудҳиш хатар, уни даф этишни асло кечиктириб бўлмайди, деган фикр менга илҳом бағишлаган эди...

VI

Эҳ, Бола подшо! Аста-секин мен сенинг нақадар ғамгин ва якраг ҳаёт кечирганингни англаб етдим. Узоқ йиллар мобайнида ягона дилхуш эрмагинг қуёш ботар пайт — ғурубни томоша қилишдан иборат бўлган экан. Мен буни тўртинчи куни эрталаб, ўзинг сўз орасида:



— Ғурубни жудаям яхши кўраман. Юр, қуёшнинг ботишини томоша қиламиз, — деб қолганингда сездим.

— Э, унда бир оз кутиш керак.

— Нимани?

— Қуёш ботишини-да.

Бу гапни эшитиб, аввал беҳад ҳайрон бўлиб қолдинг, кейин эса ўзингнинг устингдан ўзинг кулиб:

— Назаримда, ҳалиям уйимда юргандекман! — дединг.

Ҳақиқатан ҳам, Америкада кун чошгоҳ бўлганда Францияда кун ботишини ҳамма билади. Агар у ердан бир лаҳзанинг ичида Францияга етиб борилса, қуёш ботишини ҳам томоша қилиш мумкин. Бахтга қарши, Франция бу ердан узоқ, бениҳоя узоқ. Сенинг сайёранда эса тагингдаги курсичани бир неча қадам нари сурсанг, бас — ғурубга истаганча, узлуксиз мафтун бўлиб термиллавериш мумкин эди...

— Бир сафар мен бир кунда қирқ уч марта қуёш ботишини томоша қилганман!

Орадан сал ўтгач, хиёл андуҳ билан яна шундай дединг:

— Биласанми... баъзан юрагинг нимадандир ғуссага тўлиб кетганда, ботаётган қуёшга бирпас термилиб ўтирсанг борми...

— Демак, ғурубни қирқ уч марта томоша қилган кунинг жудаям хафа бўлган экансан-да?

Аммо Бола подшо бунга жавобан индамади.

VII

Бешинчи кун эрталаб, тагин ўша кўзичоқ сабаб бўлиб, Бола подшонинг сиру асрорини билиб олдим. У, гўё узоқ вақт сукут ичра ўйлаб шу хулосага келгандек, дабдурустдан:

— Кўзичоқ ўт ер экан, бундан чиқди, гулни ҳам ейиши мумкин экан-да? — деб сўради.

— Ҳа, тўғри келган нарсани еяверади.

— Ҳатто тиканли гулниям ейдимиз?

— Ҳа, тиканли гулниям.

— Ундай бўлса, гулга тиканнинг нима кераги бор?

Буни мен ҳам билмасдим. Ҳозир жудаям банд эдим: моторнинг бир гайкаси ейилиб кетган, шуни бураб чиқаролмай, қонимга ташна бўлиб турардим. Авзойим бузук эди — аҳвол тобора оғирлашиб бормоқда, сув деярли тамом бўлди, бу мажбурий кўнишнинг охири расво бўлмаса эди, деган ғулгула юрагимга ўрмалай бошлаган эди.

— Ҳўш, тиканнинг нима кераги бор?


Бола подшо бирон-бир савол бераркан, жавоб олмаганича қўймас эди. Тош қотиб кетган гайка ҳадеганда буралавермагач, фиғоним фалакка чиқиб, оғзимга келган гапни ғўлдирадим:

— Гулга тиканнинг сираям кераги йўқ, азбаройи ёмонлиққа чиқаради.

— Шунақами?!

Жимлик чўқди. Анчадан кейин у ранжиган оҳангда:

— Гапингга ишонмайман, — деди. — Ахир, гуллар жудаям заиф, оқкўнгил-ку. Узларини ботир кўрсатиш учун ҳам тикан чиқаришади, гўё шунда улардан ҳамма кўрқади-гандек...



Индамадим. Ҳозир ўзимча жаҳл билан ғўлдираб қасам ичмоқда эдим: бу лаънати гайка шу сафар ҳам чиқмаса, болға билан шундай айлантриб соламанки, майда-майда бўлиб кетади!.. Бироқ Бола подшо тагин хаёлимни бузди:

— Уйлайсанки, гуллар...

— Э, ҳеч нарсани ўйламайман-э мен! Калламга келган гапни айтдим-қўйдим-да. Кўриб турибсан-ку, жиддий иш билан бандман.

У менга ҳайратдан донг қотиб тикилди:


— Қанақа жиддий иш?!

У ҳамон мендан нигоҳини узмасди: мен эса, афт-башарам қоп-қора мой, кўлимда болға, унинг кўзига ниҳоятда нотавон бўлиб кўринаётган манави шалдиروق арава — самолёт узра энгашганча асабий тутатиб турардим.

— Худди катталарга ўхшаб гапирасан-а! — деди у.

Уялиб кетдим. У эса аяб-нетиб ўтирмай, гапида давом этди:

— Ҳаммасини чалкаштириб юбординг... ҳеч нарсани ташунмас экансан!



Чиндан ҳам унинг қаттиқ жаҳли чиққан эди. Аччиқланиб бошини чайқаркан, тилларанг сочлари шамолда тўзғиб кетди.

— Мен бир сайёрани биламан, у ерда юзи бўзарган бир жаноб яшайди. У умрида бирор марта гул хидлаб кўрмаган, бирор марта юлдузларга тикилмаган. У ҳеч қачон бировни севган ҳам эмас, умрида бирон-бир юмушни ҳам бажарган эмас. У фақат бир иш билан — рақамларни бир-бирига уриштириш билан овора. Эртаю кеч худди сенга ўхшаб яккаш: «Мен жиддий одамман! Мен жиддий одамман!», деб такрорлагани такрорлаган. Тагин гердайиб-кеккайиб юришини айтмайсанми! Аслида, у одам эмас, кўзиқорин.

— Нима дединг?

— Кўзиқорин, деяпман! — Бола подшо азбаройи аччиқланганидан, ранги бўздек оқариб кетди. — Миллион йиллардан буён гулларнинг танасида тикан ўсади. Ва миллион йиллардан буён кўзичоқлар гулларни барибир еб қўяди. Шундай экан, ҳеч қандай наф кўрмаса ҳамки, гулларнинг тиканга бунчалик зўр беришининг боиси нимада? Наҳот, мана шу жумбоқни англаш зарур иш бўлмаса? Наҳотки, гуллар билан кўзичоқлар ўртасидаги асрий адоват сири муҳим нарса бўлмаса? Ахир, бу ўша юзи бўзарган жанобнинг ҳисоб-китобидан кўра жиддийроқ ва зарурроқ эмасми? Айтайлик, мен дунёда на тенги, на ўхшаши бўлган бир гулни биламан, у фақат менинг сайёрамдагина ўсади. Энди бир кунни жимитгина кўзичоқ шартта борсаю уни паққос еб битирса! Нима иш қилиб қўйганини ҳатто хаёлига ҳам келтирмаса... Балки бу ҳам сенингча муҳим нарса эмасдир?

У қип-қизариб кетди, бир зумдан кейин тагин давом этди:

— Агар бошқа миллионлаб юлдузларда учрамайдиган бир гулни яхши кўрсанг, шунинг ўзи кифоя: осмонга боққанинг замон ўзингни бахтиёр ҳис этасан. «Олисларда, қайдадир менинг ҳам гулим бор», деб шивирласанг, бас — кўксинг тоғдек юксалиб кетади. Бордию кўзичоқ тўсатдан уни еб қўйса борми, оламдаги жамики юлдуз бирданига сўнгандек бўлади-қолади! Сенга қолса, бу сираям муҳим нарса эмас!

У ортик гапиролмади, нафаси тиқилиб, ҳўнграб юборди. Атрофни қоронғилик чулғади. Қилаётган ишимни шартта ташладим, бадбахт гайкаю болға ҳам, ташналигу ўлим ваҳми ҳам дафъатан унут бўлди. Менинг юлдузимда, Ер аталмиш менинг сайёрамда Бола подшо ўқсиб-ўқсиб йиғлар — уни юпатмоқ даркор эди. Мен уни бағримга босганча кўлимда аллалай бошладим: «Сен кўнгил қўйган гулга ҳеч ким тегмайди... Кўзичоғингнинг тумшугига ўзим нўхта чизиб бераман... Мен...» Вундан бўлак нима деяримни билмасдим, ақлу ҳушим тамоман бошимдан учган, ўзимни беҳад беўхшов ва ўнғайсиз сезардим. Қандай қилсам у дилимни англаркин? Тутқич бермай мендан лаҳза сайин узоқлашиб бораётган бу беғубор кўнгил садосини қандай қувиб етсам экан? Ахир, аслида кўзёш дегани — англаб бўлмас, сирли бир салтанат эмасми?

VIII

Ҳадемай бу гулни яхшилаб билиб олдим. Бола подшонинг сайёрасида ҳамма вақт оддийгина, беҳашам гуллар ўсарди.

Улар камбарг, беозоргина бўлиб, ниҳоятда кам жойни эгаллар, эрталаб очилиб, оқшом чоғи сўлиб қолар эди. Бу гул эса, кунларнинг бирида шамолда қайдандир учиб келиб сайёра тупроғига тушиб қолган уруғдан униб чиққан эди. Бола подшо бошқа ўт-ўлан, гул-чечакларга асло ўхшамаган бу мўъжаз ниҳолдан кўзини узолмасди. Бордию у баобабнинг бирор янги хили бўлса-чи? Аммо ниҳол тез орада юқорига қараб бўй чўзишдан тўхтади-да, ғунча тугди. Бола подшо умри бино бўлиб бундай катта ғунчани кўрмаган эди, ғаройиб мўъжиза рўй беражагини кўнгли сезиб, бетоқат кута бошлади. Нотаниш, номаълум ғунча эса ҳамон юз очишни хаёлига келтирмас, яшил гумбаз ичра пинҳон ўтирганча ҳануз ўзига оро берар эди. У кунт билан ранг танлар, гулбарг либосларни нозик баданига бир-бир ўлчаб кўрарди — ёруғ оламга аллақандай лолақизғалдоққа ўхшаб, хурпайган-тўзғиган ҳолда дийдор кўрсатишни сира-сира истамасди-да. У ҳусни жамолини бор латофатию бутун жозибаси билан намоеён этмоқни орзу қиларди. Ҳа, ана шундай ўзига бино қўйган гўзал эди у!

Сирли тайёргарлик шу йўсин узоқ давом этди. Ва ниҳоят, бир саҳар чоғи, куёшнинг илк нурлари кўриниши биланоқ гулбарглар оҳиста очилди, бу лаҳзага шу қадар узоқ тараддуд қилган гўзал эса ширин эснаб:

— Эҳ, эсизгина, барвақт уйғониб кетибман-ку... Афв этинг мени... — деди. — Ҳаммаёғим тўзғиб ётудди-я...

Бола подшо ҳайрат ва завқини яширолмади:

— Нақадар чиройлисиз-а! — Йўғ-э, ростданми? — деди гулғунча бунга жавобан астагина. — Ҳа балки сезгандир-сиз, мен қуёш билан бирга туғилганман-да.

Бола подшо, бу ғунчанинг камтарлик бобида намуна бўлмаслигини пайқади, бироқ у шунчалар дилбар ва латиф эдики, одамни беихтиёр доводиратиб қўярди!



— Нонушта вақтиям бўлиб қолдим дейман, — деди у салдан кейин. — Барака топкур, менга ёрдам қиларсиз-а? Бола подшо беҳад хижолат бўлди, кўзачада муздек булоқ сувдан келтириб уни суғорди.

Кўп ўтмай гўзал гулғунчанинг хийла мағрур ва аразчилиги ҳам маълум бўлиб қолди Бола подшо у билан тил топишаман деб роса қийналди. Гул бир куни поясидаги тўртта тиканини кўрсатиб:

— Қани, йўлбарс зўр бўлса, бу ёққа келсин, мен унинг ўзидан ҳам, ўткир тирноғидан ҳам кўрқмайман! — деди.

— Менинг сайёрамда йўлбарс яшамайди, — деб эътироз билдирди Бола подшо. — Кейин, йўлбарслар ўт емайди.

— Мен ўт эмасман-ку, — деди гулғунча ранжиб.

— Кечиринг мени.

— Йўқ, мен йўлбарсдан сираям кўрқмайман, аммо елвизак деган нарсдан юрагим чиқиб кетади. Сизда парда йўқми, мени шамолдан тўсиб қўйсангиз?

«Ғалати-я, ўсимлик бўлатуриб елвизакдан кўрқади... — деб ўйлади Бола подшо. — Жудаям феълени топиш қийин экан бу гулнинг...»

— Бу ер роса совуқ экан. Кечқурун мени шиша қалпоқ



билан ўраб қўйинг, хўпми? Сайёрангиз ҳаддан ташқари бефайз экан. Мен келган жойда-чи...

У гапни тугатмай жимиб қолди. Чунки бу ёққа у ҳали уруғ чоғида учиб келган эди-да. Шу боис ўзга оламлар ҳақида ҳеч нарса билмаслиги табиий эди. Осонгина фош бўлишинг муқаррар вазиятда эса ёлғон гапирмоқ — бориб турган аҳмоқликдир! Гулғунча хижолат тортиди, сўнг гўё Бола подшо ўзини унинг олдида қанчалар гуноҳкор эканини сезсин, деган маънода устма-уст йўталди:



— Қани парда, борми?

— Мен боя бориб олиб келмоқчи эдим, лекин гапингизни бўлишга...

Шунда гўзал яна қаттиқроқ йўтала бошлади: майли, унинг виждони баттар қийналсин!

Бола подшо, гарчи бу феруза гулни яхши кўриб қолган ва унга хизмат қилишдан бахтиёр бўлса-да, кўп ўтмай кўнглида шубҳа уйғонди. У шунчаки айтилган ҳавойи гапларни юрагига яқин олар, шу сабаб ўзини бениҳоя бахтсиз сезар эди.

— Бекор унинг гапига қулоқ солган эканман, — деб қолди у бир куни менга. — Ҳеч қачон гулларнинг айтганига қулоқ солмаслик керак экан, уларга термилиб, ҳидларидан баҳраманд бўлиш лозим экан, холос. Менинг гулим бутун сайёрани хуш бўйларга буркаган эди, мен эса бундан фақат қувониш зарурлигини билмасдим. Йўлбарс ҳақидаги, тирноқ ҳақидаги анави гапларга келсак... улардан одамнинг кўнгли завқ-шавққа тўлиши керак эди, мен бўлсам аччиқланиб ўтирибман-а... — Бир муддат сукут сақлаб, андуҳ билан эътироф этди: — Ушанда ҳеч нимани тушунмаган эканман! Оғиздаги сўзга эмас, амалдаги ишга қараб баҳо бериш керак эди. У менга ўзининг муаттар бўйларини армуғон этди, ҳаётимни нурга чулғади. Мен ундан

қочмаслигим керак эди! Уша қовушмаган ҳйла-найранглар замирида нозик бир латофат мужжассам эканини пайқашим керак эди. Ахир, гуллар шунчалик беқарорки!.. Аммо мен ниҳоятда ёш эдим, муҳаббат сир-асроридан беҳабар эдим.

IX

Англашимча, у жаҳонгашта қушлар билан бирга парвоз қилишга қарор берган. Охириги куни эрталаб у одатдагидан кўра бошқачароқ ғайрат билан сайёрасини тозалашга киришди. Қунт ва зўр ҳафсала билан уйғоқ вулқонларни тозалай бошлади. Сайёрада иккита уйғоқ вулқон бўлиб, улар нонушта тайёрлашга жудаям қулай эди. Бундан ташқари, яна битта сўнган вулқон ҳам бор эди. Бироқ, бу сўнган-ку деб хотиржам юриб бўлмайди-да, деди у. Шу сабабдан уни ҳам эринмай тозалаб чиққан. Вулқонларни чинни-чироқдек озода қилиб тозаласангиз, улар тутуну



қурум чиқармай бир маромда бақирлаганча қайнаб ётади... Албатта, биз — аҳли замин ғоятта кичкина одамлармиз, вулқонларимизни тозалашга кучимиз етмайди. Шунинг учун ҳам улар бизга шу қадар кўп зиён-заҳмат етказади.

Бола подшо баобабларнинг сўнги ниҳолларини юларкан, хиёл ғуссага ҳам ботди. Балки энди сираям бу ерларга қайтмасман, деб ўйлади. Аммо ҳар кунги одатий юмушлари бу тонг унга ғайриоддий завқ бағишламоқда эди. Ажойиб феруза гулни охириги бор сўғориб, устини қалпоқ билан тўсиб қўйишга чоғланаркан, ўпкаси тўлиб, ҳатто ийғлагуси келиб кетди.

— Хайр, яхши қолинг, — деди у.

Феруза гул чурқ этмади.

— Хайр сизга, — деб такрорлади Бола подшо.

Феруза гул йўталиб қўйди. Совуқ қотганидан эмас, албатта.

— Аҳмоқлик қилган эканман, — деди у ниҳоят. — Кечир мени. Бахтли бўл.

Товушида таъна-дашномдан асар ҳам сезилмасди. Бола подшо, қўлида шиша қалпоқ, лолу ҳайрон қотиб қолган эди. Бу латофат, бу меҳр қаёқдан пайдо бўлди экан?


— Ҳа, мен сени яхши кўраман, ҳа... — деган сўзлар янграрди қулоқлари остида. — Айбим шундаки, сен буну билмасдинг. Бу унчалик муҳим ҳам эмас аслида. Лекин сен ҳам худди мендек тентак эдинг. Майли, бахтингни топ, омадингни берсин... Қалпоқни четроққа қўй, у энди менга керакмас.

— Аммо, шамол...

— Мен унчалик шамолламаганман... Тунги шабнам менга наф келтиради. Ахир мен — гулман-ку.

— Аммо, ҳайвонлар, ҳашоратлар...

— Агар мен капалаклар билан танишмоқчи бўлсам, бир-иккита ғумбакка дош беришим керак-ку. Капалаклар чиройли бўлса керак. Бўлмаса, ким энди менинг ҳузуримга келиб туради? Сен узоққа кетаётган бўлсанг... Ҳайвонлардан эса, кўрқмайман. Мениям ўткир тирноқларим



бор. — У соддадиллик билан тўрттала тиканини кўрсатди-да, шундай деб қўшиб қўйди: — Бўлди, бас, ортик чўзаверма, бардош бериш қийин, ахир! Модомики кетар бўлсанг — хайр, яхши бор.

У ўзининг силкиниб-силкиниб йиғлаётганини Бола подшо кўришини истамасди. Жудаям мағрур гул эди у...

X

Бола подшонинг сайёрасига 325-, 326-, 327-, 328-, 329- ва 330-астероидлар энг яқин эди. Шу боис у дастлаб уларга ташриф қилишга аҳд қилди: ҳам эрмак, ҳам нимадир ўрганади.

Биринчи астероидда қирол яшарди. Ипак-шоҳи либосларга бурканганча, у ниҳоятда оддий, айна пайтда, улугвор тахтада савлат тўкиби ўтирарди.



— Э, мана, фуқаро ҳам келиб қолди! — деб хитоб қилди қирол Бола подшони кўриши билан.

«У мени қаёқдан биларкин? — деб ўйлади Бола подшо. — Ахир, умрида биринчи марта кўриб турибди-ку!»

Билмасдики, қироллар дунёга жунгина қарайдилар, улар учун жамки одам — фуқаро.

— Яқинроқ кел, қани, сени бир яхшилаб кўриб олайчи, — деди қирол кимгадир қироллик қилиши мумкинлигидан ўлгудек талтайиб.

Бола подшо ўтиришга жой излаб ён-верига аланглади, бироқ қиролнинг ҳашамдор жуббаси бутун сайёрани қоплаб олган эди. Тик тураверишга тўғри келди. Бениҳоя қаттиқ чарчаганидан бир пайт аста хомуза тортиди.

— Ҳукмдорлар ҳузурда эснаш мумкин эмас, — деди қирол. — Мең сенга эснашни маън қиламан.

— Мен... тўсатдан, билмай қолиб... — деди Бола подшо қаттиқ хижолат тортиб. — Мен узоқ йўл юриб келдим, ухлаганим йўқ эди...

— Хай, ундай бўлса, эснашинга рухсат бераман, — деди қирол. — Кўп йиллар бўлди ўзим ҳам бирорта эснаган одамни кўрмаганимга. Мана, ҳозир роса қизиқиб қолдим. Демак, қани, эсна! Буйруғим шундай.

— Аммо... уяляган энди... бошқа қилолмайман, — дея гўлдиради Бола подшо ва қип-қизариб кетди.

— Ҳим-м..., Ҳим-м... Унда, унда... сенга буйруқ шу: гоҳ эсна, гоҳ...

Қирол гапини чалкаштириб, ҳатто бирмунча ранжигандек ҳам бўлди.

Чунки қирол учун энг муҳими — ўзига сўзсиз итоат қилиниши эди. У шаккокликка тоқат этолмасди, чунки мутлақ ҳукмдор эди-да. Бироқ у ғоят оққўнгил эди, шу вайдан фақат оқилона фармойишларгина берарди.

«Агар мен генералимга, денгиздаги оқчорлоққа айланасан, деб амр этсам-у, генерал буйруғимни бажармаса, — дерди у, — бу унинг эмас, менинг айбим бўлади.»

— Утирсам майлими? — дея бўшашибгина сўради Бола подшо.

— Амр этаман: ўтир! — деди қирол ва виқор билан ҳашамдор жуббасининг бир этагини пича йиғиштирди. Лекин Бола подшо ҳайрон эди: сайёра-ку шундай жимит экан, қирол кимнинг устидан ҳукмронлик қиларкин?

— Аъло ҳазратлари, — деб сўз бошлади у, — бир савол берсам майлими?

— Амр этаман: сўра! — деди қирол шоша-пиша.

— Аъло ҳазратлари... сиз ниманинг устидан ҳокимлик қиласиз?

— Ҳаммасининг. — деб жавоб берди қирол оддийгина қилиб.

— Ҳаммасининг?

Қирол камтарона бир ҳаракат билан ўз сайёрасига, шунингдек, бошқа барча юлдуз ва сайёраларга ҳам ишора қилди.

— Сиз шуларнинг барчасига ҳукмронлик қиласизми? — деб қайта сўради Бола подшо.

— Ҳа, — деб жавоб қайтарди қирол. Зеро, у чиндан ҳам қонуний мутлақ ҳукмдор бўлиб, ҳеч қандай тўсиқ ва чекланишларни билмасди.

— Юлдузлар ҳам сизга бўйсунадими? — деб сўради Бола подшо.

— Бўлмасачи, — деди қирол. — Юлдузлар бир зумда бўйсунди. Мен итоатсизликка чидаб туrolмайман.

Бола подшо бениҳоя ҳайратга тушди. Эҳ, унинг шундай қудрати бўлса эди, қуёш ботишини тўйиб-тўйиб томоша қиларди. Кунига қирқ икки марта эмас, балки етмиш икки, юз, ҳаттоки икки юз марта гурубга термиларкан, курсичасини нари-бери қўзғатишга ҳам ҳожат қолмасди! Бирданига у ўзи тарк этган сайёрасини эслаб ғуссага чўмди, бир оздан кейин журъат тўплаб:

— Мен қуёш ботишини томоша қилмоқчи эдим. Бир марҳамат қилинг: қуёш ботсин, деб фармон беринг, — деди.

— Бордию мен бирорта генералга капалак бўлиб гулдан гулга учиб юришни ёки фожиавий асар яратишни ё бўлмаса, оқчорлоққа айланишни буюрсам-у, генерал буни бажармаса, ким айбдор бўлади — менми, уми?

— Сиз, аъло ҳазратлари, — дея бир лаҳза ҳам иккиланмай жавоб қилди Бола подшо.

— Мутлақо тўғри, — деб тасдиқлади қирол, — Ҳар кимдан қурби етадиган нарсани талаб қилиш керак. Ҳокимият энг аввало оқилона бўлиши лозим. Агар халқингга денгизга ташлашни буюрсанг, у исён кўтариб инқилоб қилиб юбориши мумкин. Шунинг учун ҳам мен сўзсиз итоатни талаб эта оламан, чунки амр-фармонларимнинг барчаси оқилонадир.

— Қуёш-чи, қуёш ботиши нима бўлади энди? — деб сўради Бола подшо. У то саволига жавоб олмагунича тинчимас эди.

— Қуёш ботади, шошмай тур. Мен бу ҳақда тегишли буйруқ бераман. Аммо олдин қулай вазият етилишини кутиб тураман, зеро, ҳукмдорлик ҳикмати ҳам ана шунда.

— Хўш, қулай вазият қачон етилади? — деб суриштирди Бола подшо.

— Ҳим-м... Ҳозир... Ҳим-м... Дея қалин календарни титкилай бошлади қирол. — Қулай вазият... Ҳим-м... мана бугун кечкурун соат еттидан қирқ минут ўтганда етилади. Амр-фармонимнинг қанчалик сўзсиз бажарилишини кўрасан ана шунда.

Бола подшо тағин эснади. Афсус, бу ерда ғурубни истаган вақтингда томоша қилолмас экансан!.. Очиғини айтганда, у энди зерика бошлаган эди.

— Мен борай, — деди у қиролга. — Бошқа қиладиган ишим ҳам қолмади.

— Йўқ, кетма! — деди қирол. У ўзига фуқаро топиб

олганидан ниҳоятда хурсанд эди ва ундан айрилишни сира-сира истамасди. — Қол, мен сени министр этиб тайинлайман.

— Қанақа министр?

— Ҳим-м... бор ана, адлия министри бўлақол.

— Аммо бу ерда суд қиладиган бирорта ҳам одам йўқ-ку?

— Ким билади, дейсан, — деб эътироз билдирди қирол. — Ахир, мен ҳали бутун қироллигимни синчиклаб кўздан кечириб чиқмаганман-да. Кўриб турибсан, анча қариб қолганман, арава қўядиган жойим йўқ, яёв юришга эса чоғим келмади.

Бола подшо аста эгилиб, сайёранинг нариги чеккасига назар ташлади.

— Мен аллақачон синчиклаб қараб чиқдим! — деб хитоб қилди у. — У ёқда ҳам ҳеч зоғ йўқ.

— Ундай бўлса, ўзингни ўзинг суд қилақол, — деди қирол. — Бу — дунёдаги энг оғир иш. Ўзингни тергаш, суд қилиб ҳукм чиқариш ўзгаларни суд қилишдан кўра минг карра қийинроқ. Агар ўзингни тўғри суд қила билсанг, демак, чиндан ҳам донишманд одам бўлиб чиқасан.

— Ўзимни истаган жойда суд қила оламан, — деди Бола подшо. — Бунинг учун ҳузурингизда қолишимга асло ҳожат йўқ.

— Ҳим-м... ҳим-м... — деди қирол чайналиб. — Назаримда, сайёрамнинг аллақайси ерида бир қари қаламуш яшаса керак. Кечасилари унинг бир балоларни қитирлатиб юрганни эшитаман. Мана шу қаламушни суд қилсанг ҳам бўлаверади. Вақти-вақти билан уни ўлимга ҳукм қилиб турасан. Унинг ҳаёт-мамоти сенга боғлиқ бўлади. Аммо ҳар сафар кейин уни авф этиш лозим. Бу қари қаламушни асраб-авайлаш керак, ахир, ўзи бор-йўғи битта-я...

— Мен бировларни ўлимга ҳукм қилишни ёқтирмайман, — деди Бола подшо. — Умуман, менинг кетар вақтим бўлди.

— Йўқ, бўлмади, — дея эътироз билдирди қирол.

Бола подшо йўлга равона бўлмоқчи эди-ю, лекин кекса ҳукмдорни хафа қилишни истамасди.

— Агар аъло ҳазратлари амр-фармонларининг сўзсиз бажарилишини хоҳласалар, — деди у, — у ҳолда, менга оқилона фармойиш лозим. Масалан, сиз менга бир лаҳза ҳам ҳаялламай йўлга тушишни буюришингиз керак. Сезишимча, бунинг учун ниҳоятда қулай шарт-шароит мавжуд...

Қирол индамади. Бола подшо хийла кутиб турди-да, аста хўрсиниб, йўлга тушди.

— Сени элчи қилиб тайинлайман! — деб қичқирди қирол унинг ортидан шоша-пиша. Қиёфасидан у гўё умрида гапини биров икки қилмагандек мамнун ва хотиржам кўринарди.

«Ғалати халқ-да бу катталар», деб қўйди Бола подшо ўзича йўлида давом этаркан.

XI

Иккинчи сайёрада шуҳратпараст яшарди.

— О, ана, мухлис ҳам келиб қолди! — деб хитоб қилди у Бола подшони узоқдан кўриши билан.

Ахир, иззатталаб одамларга ҳамма уларнинг мухлиси бўлиб кўринаверади-да.

— Салом, — деди Бола подшо. — Шляпангиз жудаям антиқа экан-а?

— Бу — таъзим бажо келтиришга, — деб тушунтирди шуҳратпараст. — Мени олқишлаган пайтда таъзим бажо айлашим лозим. Бахтга қарши, бу ёққа бирор кимса қадамранжида қилмаяпти.

— Э, шундайми? — деб қўйди Бола подшо, у ҳеч нарсани тушунмаган эди.

— Бир чапак чалгин, — деди шуҳратпараст унга.

Бола подшо кафтларини бир-бирига уриб чапак чалди. Шуҳратпараст шляпасини бошидан олиб, тавозе билан таъзим қилди.

«Қари қиролнинг юртидан кўра бу ер қизиқроқ экан», деб ўйлади Бола подшо ва тагин чапак чалди. Шуҳратпараст яна шляпасини бошидан олиб таъзим бажо келтирди. Беш дақиқача шу тахлитдаги қарсақ-таъзимдан сўнг Бола подшо бундан ҳам зерикди.



— Нима қилса шляпангиз бошингиздан учиб тушади? — деб сўради у.

Аммо шуҳратпараст бу гапни эшитмади. Иззатталаб одамлар мақтовдан бошқа ҳамма нарсага қар бўлишади-да.

— Сен ростдан ҳам менинг чин мухлисини бўласанми? — деб сўради у Бола подшодан.

— Мухлис бўлиш дегани нима?

— Мухлис бўлиш дегани — бу сайёрада менинг энг гўзал, энг башанг, ҳаммадан бой ва ҳаммадан ҳам ақлли эканимни тан олиш демақдир.

— Лекин сайёрангга ўзингдан бошқа зоғ ҳам йўқ-ку!

— Барибир. Кел, менга бир яхшилик қил, яйраб қолай: мени бир мақтагин!

— Мақташга-ку мақтайман-а, — деди Бола подшо хиёл елка қисиб, — аммо бундан сен нима наф оласан?

Шундай деб шуҳратпарастни ҳам аста тарк этди.

«Ҳақиқатан ҳам, катталар жуда ғалати халқ-да», деб ўйлади йўлга тушаркан, соддалик билан.



XII

Кейинги сайёрада пиёниста жарди. Бола подшо у ерда күп бўлмади, бироқ шу қисқа вақт ичидаёқ юраги ғаш тортиб чиқди.

У сайёрага кадам қўйганида, пиёниста олдидаги бўш ва тўла шишалар сафига жимгина тикилиб ўтирарди.

— Нима қиляпсан? — деб сўради Бола подшо.

— Ичяпман, — деди пиёниста хўмрайиб.

— Нега?

— Унутмоқчиман.

— Нимани? — деб сўради Бола подшо пиёнистага раҳми келиб.

— Шу ишимнинг уятлигини, — деди пиёниста тан олиб ва бошини қуйи солди.

— Қайси ишинг? — деб сўради Бола подшо, бояқишга ёрдам беришни жон-дилидан истаб.

— Ичишим уят! — деди пиёниста ва қайтиб оғиз очмади.

Анчадан сўнг Бола подшо лолу ҳайрон бўлиб тагин йулга тушди.

«Ҳа, шубҳасиз, катталар жуда-жуда ғалати халқ», деб хаёлидан кечирди йўлида давом этаркан.

XIII

Тўртинчи сайёра корчалон одамга қарашли эди. У шу қадар банд эдики, ҳузурига Бола подшо кириб келганида ҳатто бош кўтариб ҳам қарамади.

— Салом, — деди Бола подшо. — Папиросингиз ўчиб қолибди.

— Иккига уч — беш. Бешга етти — ўн икки. Ўн иккига уч — ўн беш. Салом. Ўн бешга етти — йигирма икки. Йигирма иккига олти — йигирма саккиз. Гугурт чақишга вақт йўқ. Йигирма олтига беш — ўттиз бир. Уф! Жами, демакким, беш юз бир миллиону олти юз йигирма икки минг етти юз ўттиз битта.

— Нима у — беш юз бир миллион?..

— А? Э, ҳалиям шу ерда турибсанми?.. Нималигини билмай ҳам қолдим... Ишим шу қадар кўпки! Мен жиддий одамман, валақлаб ўтиришга вақтим йўқ! Иккига беш — етти...

— Нима у — беш юз бир миллион?.. — деб такрорлади Бола подшо. У бирор нарса ҳақида сўраркан, то жавоб олмагунича тинчимасди.

Корчалон одам бошини кўтарди.

— Эллик тўрт йилдан буён шу сайёрада яшайман. Шунча вақт мобайнида менга бор-йўғи уч марта халақит беришди. Биринчи гал йигирма икки йил муқаддам қаёқдандир бир тиллақўнғиз учиб келиб қолганда шундай бўлган эди. У шунақанги шовқин солиб визилладики, мен беихтиёр қўшувда тўртта хато қилиб қўйдим. Иккинчи гал эса ўн бир йил бурун бирданига мени бод тутиб қолди. Ҳадеб қадалиб ўтиравергандан кейин... Менинг сайр-томоша қилиб юришга фурсатим йўқ. Мен жиддий одамман. Учинчи гал... мана энди! Демак, жами бўлиши керак эди беш юз миллиону... — Беш юз миллион нима, ахир?

Корчалон одам жавоб бермаса қутулмаслигини пайқади.

— Беш юз миллион, бу, ҳалиги... бор-ку ҳар замонда осмонда кўриниб қоладиган?

— Нима экан у, паттами?

— Э, йўғ-э, бор-ку кичкина, ялтироқ...

— Арими?

— Йўғ-э! Митти-митти, тилладек чарақлайди, истаган тентак унга боқиши билан хаёли қочиб кетади. Мен жиддий одамман. Хаёл суришга асло вақтим йўқ.

— Ҳа, юлдузларми?

— Э, топдинг, юлдуз.

— Беш юз миллион юлдуз дегин? Нима қиласан уларни?

— Беш юз бир миллиону олти юз йигирма икки минг етти юз ўттиз битта. Мен жиддий одамман, аниқликни ёқтираман.

— Ҳўш, шунча юлдузни нима қиласан?

— Нима қиласан, дейсанми?

— Ҳа.

— Ҳеч нарса қилмайман. Мен уларга эгалик қиламан, холос.

— Юлдузларга эгалик қиласанми?

— Ҳа.

— Лекин мен йўлда бир қиролни кўрдим, у...

— Қироллар ҳеч нимага эгалик қилолмайди. Улар фақат ҳукмронлик қилади. Бу бутунлай бошқа нарса.

— Юлдузларга эгалик қилишнинг сенга нима кераги бор?

— Бой бўлиш учун-да, нимага бўларди.

— Бой бўлишнинг нима кераги бор?

— Бой бўлиш... кимдир янги юлдузларни кашф этса, уларга ҳам эгалик қилиш учун керак.

«Буям худди бояги пиёнистага ўхшаб фикрляпти», дея кўнглидан ўтказди Бола подшо ва яна сўроқни давом эттирди:

— Юлдузларга қандай эгалик қилиш мумкин?

— Юлдузлар кимники? — деб сўради корчалон энсаси қотиб.

— Билмадим. Ҳеч кимники.

— Демак, меники бўлади. Чунки мен буни биринчи бўлиб ўйлаб топдим.

— Шунинг ўзи басми?

— Албатта-да. Айтайлик, кўзадан олмос топиб олсангу эгаси бўлмаса, у сеники бўлади-да. Бордию эгаси йўқ оролни кашф этсанг ҳам у сеники бўлади. Агар мияннга тўсатдан бирон-бир фикр келиб қолса, дарров унга патент оласан: у энди буткул сеники. Мен юлдузларга шунинг учун ҳам эгалик қиламанки, менгача ҳеч ким уларга эгалик қилишни хаёлига ҳам келтирмаган эди.

— Тўғри, — деди Бола подшо. — Ҳар қалай, айт-чи, сен уларни нима қиласан?

— Улар устидан ҳукмимни юргизаман, — деди корчалон. — Тинимсиз санаб тураман. Бу жудаям қийин иш. Аммо мен жиддий одамман.

Бироқ Бола подшога бу изоҳ кифоя қилмади.

— Дейлик, менинг шоҳи рўмолчам бўлса, уни бўйнимга ўраб ўзим билан олиб кетишим мумкин, — деди у. — Мабодо менинг бир гулим бўлса, узиб олиб ўзим билан олиб кетишим мумкин. Лекин сен юлдузларни ўзинг билан бирга олиб кетолмайсан-ку!

— Йўқ, аммо мен уларни банкка қўйишим мумкин.

— Қандай қилиб?

— Мана бундай қилиб: қоғозга қанча юлдузим борлигини ёзиб чиқаман-да, кейин шу қоғозни тортмага солиб қулфлаб қўяман.

— Бўлдими шу билан?

— Шунинг ўзи кифоя.

«Қизиғ-а! — деб ўйлади Бола подшо. — Ҳатто шоирона ҳам. Аммо унчалик жиддий иш эмас».

Нима жиддий, нима жиддий эмас — буни Бола подшо катталар сингари эмас, ўзича тушунарди.

— Менинг гулим бор, ҳар куни эрталаб уни суғораман, — деди у. — Учта вулқоним бор, ҳар ҳафтада уларни тозалаб тураман. Биттаси сўнган, уни ҳам тозалайман, ҳар эҳтимолга қарши. Менинг гулимга ҳам, вулқонларимга ҳам уларга эгалик қилишимдан наф бор. Юлдузларга эса сенинг эгалигингдан зиғирдак ҳам наф йўқ...




Корчалон нимадир демоқчи бўлиб оғиз жуфтлади-ю, бироқ жавоб тополмади. Бола подшо-йўлига жўнади.

«Йўқ, катталар чиндан ҳам ниҳоятда антиқа халқ», дея соддалик билан кўнглидан кечирди йўлида давом этаркан.

XIV

Бешинчи сайёра жудаям ғаройиб эди. У бошқа сайёраларнинг ҳаммасидан кичкина бўлиб, сатҳига боғ-йўғи битта фонус чироқ билан чароғбон жойлашган эди. Бола подшо, бепоён коинот қаърида гарддек бўлиб кетган, на бирорта уй, на бирорта тирик жон бўлган бу митти сайёрада чироқ билан чароғбоннинг нима кераги борлигини мутлақо тушуна олмади.



«Эҳтимол, бу одам ҳам тентакдир. Аммо у қирол, шухратпараст, пиёниста ва корчалон сингари тентак эмас. Унинг ишида, ҳар қалай, маъно бор. У фонусини ёққан пайтда гўё яна бир юлдуз чақнагандек ёки яна бир гул очилгандек бўлади. Чироғини ўчирган пайтда эса, гўё юлдуз сўнгандек ёки гул сўлгандек бўлади. Жудаям ажойиб машғулот экан. Бу чинакамига фойдали бўлса керак, чунки гўзал иш».

Сайёранинг рўпарасига етиб келгач, у эҳтиром билан чароғбонга таъзим қилди.

— Салом, — деди у. — Нега ҳозир чироғингни ўчирдинг?

— Шарт шундай, — деб жавоб берди чароғбон. — Салом.

— Қанақа шарт?

— Чироқни кечкурун ўчиришим керак. Оқшоминг хайрли бўлсин!

У шундай деб чироқни яна ёқди.

— Ундай бўлса, нега тагин ёқдинг?

— Шарт шундай, — деб такрорлади чароғбон ҳорғин.

— Тушунмадим, — деди Бола подшо тан олиб.

— Тушунадиган нарсанинг ўзи йўқ, — деди чароғбон. —

Шарт бўлгандан кейин бажариш керак. Салом!

Шундай деб чироқни ўчирди-да, қизил катакли рўмолча билан пешонасини артиб:

— Жуда касбим оғир, — деди. — Бир пайтлар бунинг маъноси бор эди. Чироқни кечкурун ёқардим, эрталаб ўчирардим. Ихтиёримда дам олишга бир кун, ухлашга бир кеча қоларди...

— Хўш, кейин шарт ўзгариб қолдимми?

— Шарт ўзгармади, — деди чароғбон. — Ҳамма бало шунда-да! Менинг сайёрам кундан-кунга тезроқ айланмоқда, шарт эса ҳамон ўша эскилигича қоляпти.

— Энди нима қиласан? — деб сўради Бола подшо.

— Нимаям қилардим? Сайёра бир минут ичида тўла айланиб чиқади, нафас ростлашга бир сония ҳам фурсатим қолмайди. Чироқни ҳар дақиқада ёқиб-ўчиришга мажбурман.

— Ана ҳолос! Роса қизиқ-ку! Демак, сенинг сайёрангда куннинг узунлиги бор-йўғи бир дақиқа экан-да!

— Нимаси қизиқ экан бунинг, — деди чароғбон эътироз билдириб. — Мана, ҳозир иккаламиз бир ойдан буён гаплашиб турибмиз.

— Бир ойдан буён?!

— Ҳа-да. Уттиз дақиқа. Уттиз кун. Оқшоминг хайрли бўлсин!

У шундай деб яна чироқни ёқди.

Бола подшо чароғбонга тикилиб қолди. Аҳдига содиқ бу одам унга ҳаммадан кўра кўпроқ ёққан эди. Бир пайтлар ўзининг қуёш ботишини яна бир марта томоша қилиш учун курсичани нари-бери суриб юрганлари ёдига тушиб кетдию бу янги дўстига ёрдам бергиси келди.

— Менга қара, — деди у чароғбонга, — бир йўли бор: сен хоҳлаган пайтингда дам олишинг мумкин, фақат...

— Менинг доим дам олгим келади, — деди чароғбон.

Аҳдга содиқ қолиб ҳам дангаса бўлиш мумкин-да, ахир!

— Сенинг сайёранг шунчалик кичкинаки, — деб давом этди Бола подшо, — уч ҳатлаб уни айланиб чиқишинг мумкин. Биласаним, шундай тезлик билан юришинг керакки, қуёш ҳаммиша сен тарафда бўлиши лозим. Қачон дам олгинг келса, кетаверасан, кетаверасан... шунда куннинг узунлиги сен қанча хоҳласанг, шунча бўлади.

— Э, бунинг фойдаси кам, — деди чароғбон. — Мен дунёда ҳамма нарсдан ҳам уйқуни яхши кўраман.

— Унда, аҳволинг чатоқ, — деди Бола подшо ачиниб.

— Аҳволим чатоқ, — деб тасдиқлади чароғбон. — Салом.

Шундай деб тагин чироқни ўчирди.

«Ана одам! — деди Бола подшо ўзига, йўлида давом этаркан. — Ҳойнаҳой, қирол ҳам, шухратпарасту пиёниста ҳам, корчалон ҳам ундан нафратланган бўлурди. Аммо, менимча, уларнинг орасида энг расоси шу. Эҳтимол, фақат ўзи ҳақидагина ўйламаслиги учун ҳам у шунақадир».

Бола подшо аста хўрсинди.

«Мана мен дўст туттишим мумкин бўлган одам, — деб ўйлади яна. — Лектин унинг сайёраси шу қадар кичкинаки, икки киши сиғмайди...»

Бу ажойиб сайёрага бошқа бир сабаб туфайли ҳам айнаётганини тан олмоққа у ботинолмади: бу ерда айгирма тўрт соат мобайнида қуёш ботишини бир минг тўрт юз қирқ марта томоша қилиш мумкин эди-да!

XV

Олтинчи сайёра аввалгисидан ўн баробар катта эди. Унда ёстиқдек-ёстиқдек китоблар ёзадиган чол яшарди.

— Ана буни қаранг-а! Сайёҳ келди! — деб хитоб қилди у Бола подшони кўриб.

Бола подшо нафас ростлаш учун стол ёнига ўтирди. Бениҳоя кўп йўл юриб обдан чарчаган эди у!

— Қардансан? — деб сўради чол.

— Бу катта китобингиз нимаси? — деб сўради Бола подшо. — Бу ерда нима қилиб ўтирибсиз?

— Мен географман, — деди чол.

— Географ дегани нима?

— Бу дегани — дарёю денгизларнинг, шаҳар ва тоғларнинг, қўлу биёбонларнинг қаерда жойлашганини биладиган одам.

— Э, зўр экан! — деди Бола подшо. — Чиндан ҳам буни ҳақиқий иш деса арзийди!

У шундай деб географнинг сайёрасига назар ташлади. У умрида ҳеч қачон бундай катта сайёрани кўрмаган эди.

— Сайёрангиз жудаям чиройли экан, — деди у. — Айтинг-чи, океанлар борми бу ерда?

— Бунисини билмадим, — деди географ.

— Э-э, — деди Бола подшо ҳафсаласи пир бўлиб. — Тоғ борми, тоғ?

— Билмайман, — деди географ.

— Шаҳарлар, дарёлар, саҳролар-чи?

— Буниям билмайман.

— Ахир, сиз географсиз-ку!
 — Бўлмаса-чи! — деди чол виқор билан. — Гап шунда-да: мен сайёҳ эмас, географман. Менга сайёҳлар жуда-жуда етишмайди. Чунки шаҳарлар, дарёю тоғлар, денгизу океанларни, чўлу биёбонларни географлар ҳисоблаб қайд этмайди. Географ бу — катта одам, унинг санғиб юришга вақти йўқ. У ўз кабинетидан чиқмайди, аммо саёҳатчиларни қабул қилиб, уларнинг ҳикояларини ёзиб олади. Агар уларнинг бирортаси қизиқроқ воқеани айтиб берса, географ ҳужжат тўплаб, шу сайёҳнинг бамаъни одамми ёки бетайинлигини текширади.



— Нима учун?
 — Чунки сайёҳ алдаб уйдирмаларни сўзлаган бўлса, жуғрофия дарсликлари чалкашиб кетади-да. Агар у кўпроқ ичадиган бўлса, тағин ташвиш ортди, деявер.

— Нега?
 — Негаки, пиёнисталарнинг кўзига ҳамма нарса иккита бўлиб кўринади. Унинг гапига ишониб, географ битта тоғни иккита деб ёзиб қўйиши мумкин.

— Мен бир одамни билардим... Ундан ёмон сайёҳ чиқарди, — деб қўйди Бола подшо.

— Бўлса бордир. Хўш, шундай қилиб, агар сайёҳ бамаъни одам бўлиб чиқса, кейин унинг кашфиёти текширилади.

— Қандай текширилади? Бориб кўриб келинадими?

— Э, йўқ. Бу жудаям мураккаб иш. Шунчаки, сайёҳдан кашфиётини тасдиқлайдиган ашёвий далил талаб этилади, ҳолос. Масалан, агар у улкан бир тоғни кашф этган бўлса, ундан катта-катта тошларни олиб келиб кўрсатиши керак. — Географ бирданига ҳаяжонга тушди. — Э, айтмоқчи, ўзинг ҳам сайёҳсан-ку! Ҳойнаҳой, ғоят узоқдан келгандирсан. Менга ўз сайёранг ҳақида гапириб бер!

Географ олдидаги қалин дафтарини очди-да, қалам йўна бошлади. Сайёҳларнинг ҳикоялари аввал қаламда ёзиб олинади, кашфиётини тасдиқлайдиган ашёвий далил келтиришга, уларнинг хотираларини сиёҳ билан ёзиш мумкин.

— Қулоғим сенда, — деди географ.
 — Ҳе, менинг сайёрамда унчалик қизиқ нарса йўқ, — деди Бола подшо. — У ерда ҳамма нарса ниҳоятда кичкина. Учта вулқон бор, иккитаси уйғоқ, биттаси аллақачон сўнган. Лекин билиб бўлмайди-да.

— Ҳа, билиб бўлмайди, — деб маъқуллади географ.

— Кейин, менинг бир гулим бор.

— Гулларни ҳисобга олмаймиз, — деди географ.

— Нимага?! Ахир, у жудаям чиройли-ку!

— Чунки, гуллар эфемер саналади.

— «Эфемер»ингиз нимаси?

— Жуғрофия китоблари — дунёдаги энг қимматбаҳо китоблардир, — деб тушунтирди чол. — Улар ҳеч қачон эскирмайди. Зеро, тоғнинг ўз ўрнидан қўзғолиши камдан-кам учрайдиган ҳодиса. Ёки океаннинг қуриб қолиши... Биз фақат мангу ва турғун нарсалар хусусидагина ёзамиз.

— Бироқ сўнган вулқон қайтиб уйғониши мумкин-ку, — деб унинг гапини бўлди Бола подшо. — «Эфемер» дегани нима ўзи?

— Вулқон уйғоқми, сўнганми, буни биз — географлар учун аҳамияти йўқ, — деди географ. — Муҳими шундаки, у — тоғ. Тоғ эса ўзгармайди.

— «Эфемер» дегани нима? — деб тағин такрорлади Бола подшо.

— Ҳадемай йўқ бўладиган нарса, дегани.

— Менинг гулим ҳам ҳадемай йўқ бўладими?

— Албатта.

«Менинг феруза гулим, менинг ягона қувончим мангу эмас экан, — дея андуҳ билан шивирлади Бола подшо. — У бало-қазолардан, офатлардан ўзини қандай асрайди? Бор-йўғи тўрттагина тикани бўлса... Мен уни ташлаб кетдим, ҳувиллаган сайёрамда ёлғиз ўзи қолган эди-я!»

Шундагина у тарк этилган гулига беҳад ачиниб кетди, дилини ғусса чулғади. Аммо шу ондаёқ журъатини тўплаб:

— Энди мен қаёққа борсам экан, нима маслаҳат берасиз? — деб сўради.



— Ер деган бир сайёра бор, шунга бориб кўр, — деб жавоб берди географ. — Унинг нуфузи чакки эмас...

Бола подшо йўлга тушди, аммо фикри-ёди сайёрасида қолган ёлғизгина гулда эди.

XVI

Шундай қилиб, у қадамранжида қилган еттинчи сайёра Ер эди.

Ер — оддий сайёралардан эмас! Бунда бир юз йигирмата қирол (негр қироллари ҳам шунга киради, албатта), етти минг географ, тўққиз юз минг корчалон, етти ярим миллион пиёниста, уч юз ўн бир миллион шухратпараст, хуллас, жами икки миллиардга яқин катта одам мавжуд.

Ернинг нақадар катталиги ҳақида сизга бирмунча тасаввур бермоқ учун шуни айтиш билангина кифояланаман: электр кашф этилгунига қадар олти қитъада чароғбонларнинг тўрт юз олтимиш икки минг беш юз ўн бир кишидан иборат улкан лашкари тутиб туриларди.

Агар четдан разм солинса, бу қойилмақом бир томоша бўларди. Бу улкан лашкарнинг хатти-ҳаракатлари гўё балетдагидек аниқ бир қоидага бўйсунарди. «Саҳна»га биринчи бўлиб Янги Зеландия ва Австралиядоги чароғбонлар чиқишарди. Улар чироқларини ёқиб, ухлагани кетишарди. Кейин Хитой чароғбонларининг навбати келарди. Уз «фракси»ни адо этиб, улар ҳам парда ортига ғойиб бўлишарди. Улардан сўнг Россия ва Ҳиндистон чароғбонларига гал тегарди. Кейин эса — Африка ва Европа, ундан сўнг Жанубий Америка ва ниҳоят, Шимолий Америкадаги чароғбонларнинг навбати етарди. Шу тариқа ҳеч ким ҳеч қачон адашиб кетмас, ҳамма «саҳна»га ўз вақтида чиқарди. Ҳа, бу чиндан ҳам қойилмақом томоша эди!

Фақат, шимолий қутбдаги ягона фонусни ёқиши лозим бўлган чароғбон билан унинг жанубий қутбдаги ҳаммасига ҳаммадан ҳам маза эди, иккаласи ҳам ортиқча ташвиш-тараддудсиз яшарди: улар ўз ҳунарини йилда икки мартагина кўрсатарди, ҳолос.

Баъзан ҳаддан ташқари суҳандонлик қилгинг келиб қолганда озми-кўпми муболага қиласан киши. Мана, мен ҳам чароғбонлар ҳақида сўзлай туриб, ҳақиқатга бирмунча хилоф иш тутдим. Ишқилиб, сайёрамизни яхши билмайдиганларда у ҳақда нотўғри тушунча пайдо бўлмасда бас! Аслида одамлар Ер юзидан унчалик кўп жойни эгалламайди. Агар унда истиқомат қиладиган икки миллиард одам тўпланиб, худди митингдагидек елкама-елка турса, улар ортиқча қийналиб-нетмай, узунасию кенглиги йигирма миль келадиган майдонга бемалол жойлашган бўлур эди. Бутун инсониятни Тинч океандаги тангадеккина оролчага ҳам сиғдириб юбориш мумкин.

Катталар, албатта, бу гапингизга ишонмайдилар. Улар ўзларини жуда кўп жойни эгаллайдиган чоғлайдилар, ўзларини худди баобаблардек баҳайбат ва улўғвор ҳисоблайдилар. Сиз шунда уларга аниқ ҳисоб-китоб қилиб чиқишни таклиф этинг. Бу гап уларга маъқул бўлади, ахир, улар рақам деса ўлиб қолишади-ку. Сиз эса бу бўлмағур арифметика билан бошингизни қотириб ётманг. Унинг сариқ чақалик ҳам фойдаси йўқ. Биламан, сиз шундоқ ҳам менга ишонасиз.

Алқисса, Бола подшо Ерга тушгач, атроф-жавонибда бирор тирик жонни кўрмай, беҳад ҳайрон бўлди. Ҳатто, адашиб бошқа сайёрага келиб қолдиммикан, деган хаёлга ҳам борди. Бироқ шу пайт қум узра кулча бўлиб ётган аллақандай кулранг нарса кўзга кўрилади.

— Салом, — деди Бола подшо ҳар эҳтимолга қарши.

— Салом, — деб жавоб берди илон.

— Мен қандай сайёрага келиб қолдим?

— Ерга, — деди илон. — Африкада турибсан ҳозир.


— Шунақами? Нима, Ерга одам яшамайдими?

— Бу жой — саҳро. Саҳрода ҳеч ким яшамайди. Аммо Ер катта.

Бола подшо тош устига ўтириб, осмонга тикилди.

— Қани эди, юлдузларнинг нега чарақлашини билсам! — деди у ўйчан оҳангда. — Чамаси, улар, эртами-кечми ҳар ким ўз юлдузини топиб олиши учун чарақлаб турса керак. Кўряпсанми, ҳув ана менинг сайёрам — шундоққина тепамизда... Аммо у қанчалар узоқда, эҳ-ҳэ!

— Чиройли сайёра экан, — деди илон. — Ерга нега келдинг, нима қиласан бу ерда?



— Мен феруза гулим билан уришиб қолдим, — дея иқрор бўлди Бола подшо.

— Э, шундай дегин...

Иккови ҳам жимиб қолди.

— Одамлар қаёқда, одамлар? — деб тагин сўради ниҳоят Бола подшо. — Саҳрода, ҳар қалай, ўзингни ёлғиз сезаркансан киши...

— Одамлар орасида ҳам ўзингни ёлғиз сезаверасан, — деб кўйди илон.

Бола подшо унга синчиклаб тикилди.

— Ғалати жонивор экансан, — деди у. — Йўғонлигинг бармоқдек келмайди-ю...

— Аммо мен қиролнинг бармоғидан кўра кўпроқ қудратга эгаман, — деб эътироз билдирди илон.


Бола подшо кулимсиради.

— Наҳотки сен шу қадар қудратли бўлсанг? Лоақал панжанг ҳам йўқ-ку. Сен ҳатто саёҳат қилишга ҳам ярамайсан...

— Мен сени бирорта ҳам кема олиб кетолмайдиган олис манзилларга олиб кетишим мумкин, — деди илон, сўнг Бола подшонинг болдирига ҳалқа бўлиб чирмашди. — Кимгаки тегсам, уни аслига — тупроққа айлантираман, — деди у. — Аммо сен юлдуздан тушиб келгансан, юлдуздек поксан...

Бола подшо индамай тураверди.

— Сенга раҳмим келади, — дея давом этди илон. — Тош-метин бу заминда сен шу қадар заиф, ожизсанки... Ёдингда бўлсин, қачонки олисда қолган сайёрангни эслаб



юрагинг ғуссага тўлса, мен сенга ёрдам қилишим мумкин. Мен...

— Гапингни жуда яхши тушундим, — деди Бола подшо. — Аммо нега доим жумбоқ билан сўзлайсан?

— Мен ҳамма жумбоқларни ҳал этаман, — деди илон. Иккаласи тагин жимиб қолди.


XVIII

Бола подшо саҳрони кесиб ўтди-ю, ҳеч кимни учратмади. Йўлда фақат нимжонгина, рангпар бир гулга дуч келди.

— Салом, — деди Бола подшо.

— Салом, — деб жавоб қайтарди гул.

— Одамлар қаёқда? — деб мулоим оҳангда сўради Бола подшо.



Кунларнинг бирида ёнгинасидан ўтиб кетаётган карвонга гулнинг кўзи тушиб қолган эди.

— Одамлар дейсанми? Ҳа-а... Улар, чамаси, бештамитолита эди. Мен уларни кўп йил бурун кўрган эдим. Аммо уларни қаердан излаш кераклигини билмайман. Шамолдек учиб юришади, илдизи йўқ уларнинг, шунинг учун ҳам топиш қийин.

— Хайр, яхши қол, — деди Бола подшо.

— Хайр, — деди гул.

XIX

Бола подшо баланд тоққа чиқиб борарди. Шу пайтгача, у ўзининг тиззасидан келадиған учта вулқонидан бошқа бирорта тоғни кўрмаган эди. Сўнган вулқон унга курси бўлиб хизмат қиларди. Шу сабабдан у, ҳозир бу юксак тоғдан туриб сайёрани бошдан-оёқ кўздан кечирса бўлар, ундаги жамики одамларни ҳам кўрсам керак, деган фикрга келди. Бироқ тоғ тепасига чиқиб боргач, игнадек ўткир ва ингичка чўққиларгагина кўзи тушди, холос.

— Салом, — деди у ҳар эҳтимолга қарши.

— Салом... салом... лом... — дея акс садо янгради.

— Сиз кимсиз? — деб сўради Бола подшо.

— Сиз кимсиз... кимсиз... кимсиз... — дея акс садо янгради яна.

— Келинлар, дўст бўлайлик, мен яккаю ёлғизман, — деди у.



— Яккаю ёлғиз... ёлғиз... ёлғиз... — дея акс садо янгради.

«Шунчалик ҳам ғалати сайёра бўладими! — деб ўйлади Бола подшо. — Яп-яланғоч, тап-тақир, ҳамма томони игна. Одамларида қувваи ҳофиза ҳам етишмас экан. Айтган гапингни такрорлашдан бошқа нарсани билмайди... Уйимда феруза гулим бор эди, у менинг кўрар кўзим, қувончим эди, у ҳамisha биринчи бўлиб сўйларди».

XX

Бола подшо қум барханлари аро, қоя ва музликлар аро узоқ кезиб юрди, ва ниҳоят, йўлга тушиб олди. Ҳар қандай йўл эса одамзот ҳузурига элтади.

— Салом, — деди у.

Унинг қаршисида гул-чечакларга тўла бир чаманзор ястаниб ётарди.

— Салом, — деб жавоб қайтаришди гуллар.

Шунда Бола подшо бу гулларнинг барчаси унинг феруза гулига ўхшаш эканини пайқади.

— Тўхтанг, сизлар кимсиз? — деб сўради у лол бўлиб.


— Бизлар — гулмиз, — деб жавоб беришди гуллар.

— Шунақами... — деди Бола подшо бўшашиб.

Сўнг дафъатан ўзини бениҳоя бахтсиз сезди. Феруза гул унга, бутун оламда мен каби зебо санам йўқ, деб айтган эди. Мана, ҳозир пойидаги бу чаманзорда эрка гули янглиғ гулларнинг беш мингтаси ял-ял товланиб турибди!

«Агар буни кўрса, у қанчалар хафа бўларди-я! — деб ўйлади Бола подшо. — Чамаси, қулгили кўринмаслик учун у зўр бериб йўтала бошлаган, ўзини ҳатто жон таслим қилаётгандек кўрсатган бўлур эди. Мен эса унинг ортидан худди беморнинг ортидан юргандек эргашиб, таскин-тасалли беришга мажбур бўлардим, акс ҳолда, мени ташвишу уятга қўйиш учун ҳам у жон таслим қиларди...»

Кейин хаёлига яна шундай фикр келди: «Мен, ўзимча



дунёда ягона гулга эгаман, деб юрардим, ҳеч қайда унинг тенгию ўхшаши йўқ, деб ўйлардим, ваҳоланки, у оддийгина бир гул экан. Менинг бор буд-шудим ўша оддийгина гулу бўйи тиззамдан келадиған учта вулқондан иборат эди, унинг ҳам биттаси сўнган, ким билсин, балки абадий ўйғонмас... энди менинг подшолигим қолдим...»

У майса узра юзтубан тушганча, йиғлаб юборди.

XXI

Худди шу пайт рўпарасида Тулки пайдо бўлди.

— Салом, — деди у.

— Салом, — дея алик олди Бола подшо хушфёъллик

билан, бироқ теваарак-атрофига аланглаб, ҳеч кимни кўрмади.

— Мен бу ерданман, — деган овоз эшитилди яна. — Дарахтнинг тагидаман...

— Сен кимсан? — деб сўради Бола подшо. — Бунчаём чиройлисан!

— Мен — Тулкиман, — деди Тулки.

— Ман билан ўйнагин, — деб ўтинди Бола подшо. — Билсанг, ҳозир шу қадар хафаманки...

— Сен билан ўйнаёлмайман, — деди Тулки. — Мен қўлга ўргатилмаганман.

— Э, кечирасан, бўлмаса, — деди Бола подшо, аммо бир оз ўйланиб: — «Қўлга ўргатилмаган» дегани нима? — деб сўради.

— Бу ерлик эмас экансан-да, — деди Тулки. — Нима излаб юрибсан бу жойларда?

— Одамларни излаяпман, — деди Бола подшо. — «Қўлга ўргатиш» дегани нима?

— Одамларни излаяпман, дегин? Уларнинг ёнида қуроли бўлади, шунга тақиб овга чиқишади. Жуда чатоқ-да шуниси. Улар товуқ ҳам боқишади. Ягона маъқул иши шу уларнинг. Сен товуқ изламайсанми?

— Йўқ, — деди Бола подшо. — Мен дўст излаб юрибман. Хўш, «қўлга ўргатиш» дегани нима?

— Бу аллақачонлар унут бўлиб кетган тушунча, — деб тушунтирди Тулки. — Бу дегани — ришталар боғламоқ демакдир.

— Ришта боғламоқ?



— Худди шундай, — деди Тулки. — Ҳозир сен мен учун дунёдаги ўзингга ўхшаган юз минг боланинг бирисан, холос. Ҳозирча сен менга керак эмассан, мен ҳам сенга керак эмасман. Мен ҳам сенга ҳозир дунёдаги юз минглаб тулкининг бириман, холос. Аммо бордию сен мени қўлга ўргатсанг, иккимиз бир-биримизга керак бўлиб қоламиз. Сен мен учун дунёдаги ягона одамга айланасан. Мен ҳам сен учун дунёда ягонага айланаман...

— Тушунгандек бўляпман, — деди Бола подшо. — Бир гул бор эди... чамаси, у мени қўлга ўргатган экан...

— Бўлиши мумкин, — деб тасдиқлади Тулки. — Ер юзида нималар бўлмайди, дейсан.

— Бу воқеа Ерда бўлмаган, — деди Бола подшо.

Тулки ҳайрон қолди:

— Қаерда бўлган? Бошқа сайёрадами?

— Ҳа.

— Уша сайёрада ҳам овчилар борми?

— Йўқ.

— Э, соз экан-ку! Товуқ борми?

— Йўқ.

— Бир кам дунё дегани шу экан-да! — деб хўрсинди Тулки. Аммо зум ўтмай, тагин шу хусусда сўз бошлади: — Ҳаётим жудаям зерикарли. Мен товуқни пойлайман, одамлар эса мени. Товуқниям ҳаммаси бир хил, одамниям. Шунинг учун ҳаётим мудом зерикаш билан ўтади. Агар сен мени қўлга ўргатсанг, қоронғи турмушимга нур кирарди. Шунга сенинг оёқ товуқларингни мен минглаб одам ичидан ажрата оладиган бўламан. Ҳозир одам шарпасини сезсам, бас — дарҳол бекиниш пайига тушаман. Аммо мени қўлга ўргатсанг борми, қадам олишинг худди оҳанрабо мусиқа янглиғ мени ўзига чорлайдию яшириниб ётган жойимдан

истиқболингга югуриб чиқаман. Ундан кейин, ҳув анави буғдойзорни кўряпсанми? Қара, буғдой фарқи пишиб ётибди. Мен дон-дун емайман, галла билан ишим йўқ. Буғдойзор далаларнинг мен учун ҳеч қандай маъноси йўқ. Бунинг қанчалар қайғули эканини билсанг эди! Сенинг сочларинг ажойиб, тилларанг товланади. Агар мени қўлга ўргатсанг, шундай соз бўладики! Олтин тусли буғдойзор энди менга сени эслата бошлайди. Ва шунда мен бошоқларнинг шамолда чайқалишини яхши кўриб қоламан...

Тулки жимиб қолди, Бола подшога узоқ термилди, ниҳоят:

— Илтимос... мени қўлга ўргатгин, — деди.

— Жоним билан ўргатардим-у, — деди Бола подшо, — лекин вақтин кам-да. Мен ҳали дўстлар орттиришим, жуда кўп нарсаларни билиб олишим керак.

— Фақат қўлга ўргатилган нарсаларнигина билиб олиш мумкин, — деди Тулки. — Ҳозир одамларнинг бирор нарсани билишга вақти қолмаган. Ҳамма нарсани тайёрлигича магазиндан олишади. Лекин дўст сотадиган магазин йўқ-да, шунинг учун ҳам одамлар энди дўст орттирмайди. Агар дўст орттирмоқчи бўлсанг, мени қўлга ўргатақол!

— Хўп, бунинг учун нима қилишим керак? — деб сўради Бола подшо.

— Сабр-тоқатни бир жойга йиғиш керак, — деб жавоб берди Тулки. — Дастлаб сал узоқроқда, ҳув анави ердаги майсанинг устига келиб ўтирасан. Мен сенга аввал бир оз ҳадиксираб қарайман, сен бунга индамайсан, майлими? Чунки сўз бир-биримизни англашимизга халақит беради, холос. Кейин эса кун сайин аста-секин яқинроқ келиб ўтираверасан...

Эртасига Бола подшо яна шу жойга келди.

— Яхшиси, ҳар кунни бир пайтда келақолгин, — деб илтимос қилди Тулки. — Масалан, агар соат тўртда келадиган бўлсанг, мен соат учдан ўзимни бахтиёр ҳис қила бошлайман. Муддат яқинлашган сари бу қувонч орта боради. Соат тўртда эса юрагим ҳаяжонга тўлиб, шодумонлик билан тепа бошлайди. Ана шундагина мен бахтсаодатнинг қадрини сезаман! Бордию сен ҳар кунни ҳар хил вақтда келадиган бўлсанг, мени бу бахтиёрлик туйғусидан маҳрум қиласан... Расм-русми тўғри бажо келтириш керак.

— Расм-русм нима? — деб сўради Бола подшо.

— Буям аллақачон унутилган нарса, — дея тушунтирди Тулки. — У шундай бир нарсаки, у туфайли қайсидир бир кун бошқа кунларга мутлақо ўхшамайди, у туфайли қайсидир давр бошқа даврларга мутлақо ўхшамайди. Масалан, менинг пайимда юрадиган овчиларда шундай расм-русм бор: улар пайшанба кунлари қишлоқи ойимқизлар билан кўнгилхушлик қилишади. Шунинг учун ҳам пайшанба дегани жуда ажойиб кун-да! Шу кунлари мен аста айир қилгани чиқаман, ҳатто узумзорнинг чеккасигача бемалол бораман. Агар овчилар маълум кунларда эмас, хоҳлаган пайтларида кўнгилхушлик қилаверсалар, ҳамма кунлар бир хил бўлиб қоларди, унда мен ҳордиқ нималигини билмай ўтиб кетардим.

Шу тариқа Бола подшо Тулкини қўлга ўргатди. Мана, ниҳоят, айрилиқ чоғи ҳам етди.

— Энди сени эслаб йиғлаб юраман, — дея хўрсинди Тулки.

— Айб ўзингда, — деди Бола подшо. — Сени ранжитишни сира-сира истамасдим, ахир, ўзинг айтган эдинг-ку, мени қўлга ўргат, деб...

— Ҳа, албатта, — деди Тулки.

— Лекин, йиғлайман, деяпсан-ку!

— Албатта йиғлайман-да.

— Демак, сени қўлга ўргатиб хафа қилибман-да.

— Йўқ, — деб бош чайқади Тулки, — хафа эмасман.

Эсингдами, олтин бошоқ ҳақида сенга айтган гапларим? — У жимиб қолди, орадан сал ўтгач, тагин қўшиб қўйди: — Уша гулзорга яна бир марта бориб қарагин, феруза гулининг оламда чиндан ҳам ягона эканига ишонч ҳосил қиласан. Қайтиб келганингдан сўнг, хайрлашар чоғи сени яна бир сирдан огоҳ этаман. Майли, бу сенга мендан ҳада бўлсин.

Бола подшо чаманзорга қараб кетди.

— Сизлар менинг феруза гулимга сираям ўхшамайсизлар, — деди уларга. — Сизлар ҳали ҳеч нима эмассиз-

лар, чунки сизларни бирор кимса қўлга ўргатган эмас, сизлар ҳам бирор кимсани қўлга ўргатган эмассизлар. Менинг Тулким ҳам аввал шундай эди, юз минглаб бошқа тулкилардан асло фарқи йўқ эди. Аммо мен у билан дўст тутиндим, энди у мен учун ёруғ оламдаги ягона тулкига айланди.

Гуллар хижолатдан қип-қизариб кетишди.

— Сизлар чиройлисизлар, аммо дилингиз бўм-бўш, — дея давом этди Бола подшо. — Сизларни деб одамнинг қурбон бўлгиси келмайди. Албатта, феруза гулимга тасодифан кўзи тушиб қолган ўткинчи уни сўзсиз сизларга ўхшайди, деб айтиши мумкин. Аммо унинг ёлғиз ўзи менга сизларнинг барчангиздан кўра қадрлироқ. Чунки мен ҳар кун сизларни эмас, уни сўғорганман-да. Парда тортиб, шиша қалпоқ тутиб сизларни эмас, уни изғирину совуқлардан асраб-авайлаганман. Уни деб, капалаклар тезроқ очилиб чиқиб у билан ўйнасин, деб ғумбаклар олиб келганман. Мен унинг арзу додини ҳам, нозу фироғини ҳам эшитганман, ҳатто сукутга чўмган чоғларида ҳам кўнглини сезиб турганман. У — меники, у менинг ёлғизим, ягонам...

Шундан сўнг Бола подшо Тулкининг ёнига қайтиб келди:

— Хайр, яхши қол... — деди у.

— Хайр, яхши бор, — деди Тулки. — Мана сенга айтмоқчи бўлган сирли гапим: фақат кўнгли кўзигина очиқ, энг асосий нарсани кўз билан кўролмайсан.

— Энг асосий нарсани кўз билан кўролмайсан, — деб такрорлади Бола подшо, бу ҳикматни эслаб қолиш учун.

— Гулинг сенга шунинг учун ҳам қадрлики, унга кўнглингни бергансан.

— Чунки унга кўнглимни берганман... — деб такрорлади Бола подшо яхшироқ эслаб қолиш учун.

— Одамлар бир ҳақиқатни унутдилар, — деди Тулки, — аммо сен асло ёдингдан чиқарма: кимники қўлга ўргатган бўлсанг, унинг тақдирига ҳаммаша жавобгарсан. Унутма, феруза гулинг учун ҳам жавобгарсан.

— Феруза гулим учун жавобгарман... — деб такрорлади Бола подшо яхшироқ эслаб қолиш учун...

XXII

— Салом, — деди Бола подшо.

— Салом, — деб жавоб қилди бекат назоратчиси.

— Нима қилиб турибсан бу ерда? — деб сўради Бола подшо.

— Йўловчиларни саралаяпман, — деди назоратчи. — Мингта-мингта қилиб поездга ўтқазаман-да, бирини ўннга, иккинчисини сўлга жўнатаман.

Шу пайт ёп-ёруғ деразаларининг ойналарини ярқиратганча тезюрар поезд гўмбурлаб ўтиб қолди. Бекат назоратчисининг дўкончаси ҳам зириллаб кетди.

— Намунча шошади бу? — деб ҳайрон бўлди Бола подшо. — Шунчалик ошиқиб нимани излайди?

— Буни ҳатто машинистнинг ўзим билмайди, — деди назоратчи.

Иккинчи томонга ҳам қараб тезюрар бир поезд пишқирганча шовқин солиб ўтиб кетди.

— Бу боя ўтиб кетганга етиб олмоқчимиз? — деб сўради Бола подшо.

— Э, қаёқда, — деди назоратчи. — Вагоннинг ичида ҳозир ҳамма ё ухлаб ётибди, ё дераза олдида қўл қовуштирганча эснаб ўтирибди. Фақат болаларгина бурниларини ойнага тираб ташқарига тикилиб кетаётган бўлса керак.

— Фақат болаларгина нима излаб юрганни билади, — деди Бола подшо ўзича. — Улар латта кўғирчоққа ҳам юрак-бағрини бериб меҳр кўяди, шу сабабли у уларга бениҳоя қадрли бўлиб қолади. Шу сабабли ҳам боладан кўғирчоғи тортиб олинса, ўксиб-ўксиб йиғлайди...

— Уларнинг бахти-да, — деди назоратчи.

XXIII

— Салом, — деди Бола подшо.

— Салом, — деди савдогар.

У ташналикни босувчи, такомиллаштирилган қандайдир бир ичимлик сотиб ўтирарди. Шу ичимликдан беш-олти қултум ичилса, бас — кейин бир ҳафта чанқов нималигини билмай юравериш мумкин.

— Буни сотишдан маъни нима? — деб сўради Бола подшо.

— Бу нарса вақтни жуда қаттиқ тежашга ёрдам беради, — деди савдогар. — Мутахассисларнинг ҳисобига қараганда, шу ичимлик туфайли ҳафтасига эллик уч дақиқа вақтни тежаш мумкин экан.

— Хўш, ўша эллик уч дақиқада нима қилинади кейин?

— Хоҳлаган ишингни қилаверасан.


«Агар менинг эллик уч дақиқа ортиқча вақтим бўлса эди, — деб кўнглидан ўтказди Бола подшо, — тўппа-тўғри булоқ бошига борардим...»

XXIV

Фалокатга учраганимга роса бир ҳафта бўлган эди, фаройиб ичимлик сотадиган савдогар ҳақида эшитгач, сўнги қултум сувимни ичиб тугатдим.

— Ҳа-а, — дедим Бола подшога қараб, — бу айтган гапларинг ҳаммаси қизиқ, аммо мен ҳали самолётимни тугатолганим йўқ, мана, кўрдинг, охириги томчи сувни ҳам қуритдим, агар тўппа-тўғри булоқ бошига бориб қолсам, мен ҳам ўзимни беҳад бахтиёр ҳисоблардим.

— Мен дўст бўлган Тулки айтардики...



— Азизим, ҳозир тулки-пулқинг қулоғимга кирмайди! — Нега?

— Чунки ташналикдан ўлиб кетишимга кўзим етиб турибди...

У гап нимадалигини барибир тушунмади-да, яна эътироз билдирди:

— Дўстинг бўлса яхши-да, қўрқмай ўлимга ҳам бора-версанг бўлади. Мана, мен Тулки билан дўст бўлганимдан шундай хурсандманки...

«Қандай даҳшатли бало хавф солиб турганини у сезмай-диям, билмай-диям. Умрида у на очликни, на ташналикни кўрган. Унга қуёш нурининг ўзи кифоя...»

Мен буни товуш чиқариб айтмадим, ўзимча ўйладим, холос. Бироқ Бола подшо менга қаради-да, тўсатдан:

— Мен ҳам чанқадим... Юр, қудуқ қидириб кўрамиз, — деди.

Мен ҳорғин қўл силтадим: шу поёнсиз саҳрода тусмоллаб қудуқ излашдан нима маъно бор? Аммо барибир йўлга тушдик.

Узоқ вақт бир-биримизга қурқ этмай бордик; ниҳоят, қоронғи тушиб, осмонда бирин-кетин юлдузлар чарақлай



бошлади. Ташналикнинг зўридан мени бир оз иситма ҳам тутмоқда эди, шу боис юлдузларни тушдагидек элас-элас кўрардим. Бола подшонинг гапи ёдимга тушиб, сўрадим:

— Демак, ташналик нималигини сен ҳам билар экансан-да?

Бироқ у индамади, фақат, шунчаки сўзлагандек:

— Сув баъзан юракка ҳам керак бўлади... — деб қўйди.

Унинг нима демоқчилигини тушунмадим-у, сўраб ўтирмадим — уни сўроқ қилишнинг беҳуда эканини яхши билардим.

У ниҳоят ҳолдан тойиб, қумга мук чўқди. Мен ҳам ёнига оҳиста чўзилдим. Алламаҳалгача ҳеч биримиз чурқ этмадик. Бир пайт у секингина:

— Юлдузлар жудаям чиройли, чунки қаеридадир гули бор, фақат кўринмайди, холос, — деб қолди.

— Ҳа, албатта, — дедим мен, ой ёғдусида товланиб ётган қум тўлқинларига тикилганча.

— Сахро ҳам чиройли... — деб қўшиб қўйди Бола подшо.

Бу гап чиндан ҳам тўғри эди. Сахро менга ҳамиша ёқади. Қум барханига чиқиб ўтирасан, ҳеч нарса кўринмайди, ҳеч нарса эшитилмайди, аммо барибир сахро қўйнида нимадир биланар-билимас ялтирайди...

— Биласанми, сахро нима учун яхши? — деди у. — Чунки унинг бағрида, кўз илғамас аллақаерларда булоқлар яширинган бўлади...

Ҳайратдан қотиб қолдим. Бирданига қумлардан таралиб ётадиган сирли ёғдунинг нима эканини англадим. Бир пайтлар, ёш бола чоғимда мен ниҳоятда кўҳна бир уйда яшардим. Нақл қилишларича, бу уйга катта бир хазина кўмилган экан. Равшанки, уни бирор кимса ҳеч қачон топиб ололмади, ким билсин, балки, бирор кимса ҳеч қачон қидириб ҳам кўрмагандир. Аммо ўша миш-миш туфайли уй гўё тилсим қилингандек сеҳрли кўринарди — унинг бағрида сир пинҳон эди...

— Ҳа-а, — дедим оҳиста. — Юлдузми, уйми, сахроми, нимаики бўлмасин, ундаги энг гўзал нарса — кўзга кўринмайдиган нарсадир.

— Дўстим Тулки билан ҳамфикр экансан, жудаям хурсанд бўлдим, — деди Бола подшо қувониб.

Салдан кейин у ухлаб қолди. Мен уни қўлда кўтарганча йўлда давом этдим. Уз-ўзимдан ҳаяжонланиб кетган эдим. Назаримда, қўлимда нафис бир хазинани кўтариб бораётгандек, Ер юзидан бундан кўра нозик ва нафисроқ ҳеч нарса йўқдек туюларди. Ой ёғдусида унинг бўздек оқарган манглайига, юмуқ мижжаларига, шамолда тўзғиб ётган тилларанг кокилларига термилиб борарканман, ўзимга ўзим, буларнинг барчаси — шунчаки қобиқ дер эдим. Энг асосий нарсани кўз илғамайди, у сийратда, ботинда пинҳон...

Унинг хиёл очиқ лабларида табассум ўйнарди, уларга тикилиб туриб ўзимча яна шундай деб ўйладим: мана, Бола подшо, беозоргина ухлаб ётибди, феруза гулига шунчалар садоқатлики, одамнинг беихтиёр кўнгли эриб кетади, гулининг ёди-хаёли, шам шуъласининг шарпасидек, бирон зум, ҳатто уйқусида ҳам уни тарк этмайди... Ва шунда мен унинг аслидагидан ҳам кўра нозикроқ эканини англадим. Ахир, шам шуъласини эҳтиёт қилиш керак — қутурган шамол уни ўчириб қўйиши мумкин...


Алқисса, йўл юрдим мўл юрдим, тонг чоғи бир қудуқ бошига етиб бордим.

XXV

— Одамлар жон-жаҳди билан тезюрар поездларга интилади-ю, аммо нима излаётганини ўзлари ҳам билмайди, — деди Бола подшо. — Шунинг учун ҳам ором нелигини билмай гоҳ бир томонга, гоҳ иккинчи томонга зир югурадилар... — Хиёлдан кейин шундай деб қўшиб қўйди: — Лекин бари беҳуда...

Биз топган бу қудуқ Сахрои Кабирдаги бошқа қудуқларга ўхшамасди. Одатда, бу ердаги қудуқ қумни нари-бери ўйиб ясалган чуқурча бўлади. Бу эса қишлоқларда учрайдиган ҳақиқий қудуқ эди. Аммо атроф-жавонибда қишлоқнинг асари ҳам йўқлиги учун мен буну тушга йўйиб қўяқолдим.

— Ғалати-я, — дедим Бола подшога, — ҳаммаси тай-ёр — чамбарак ҳам, челақ ҳам, арқон ҳам...



У кулимсираб қўйди-да, арқонни тортиб, чамбаракни буради. Чамбарак худди шалоғи чиққан чархпалақдек ғичирлаб айлана бошлади.

— Эшитяпсанми? — деб сўради Бола подшо. — Қудуқни уйғотиб юбордик, ана, энди хиргойи қилишга тушди...

Мен, у чарчаб қолади, деб хавотирда эдим.

— Сувни ўзим тортаман, — дедим шоша-пиша, — сенинг кучинг етмайди.

Сув тўла челақни секин тортиб чиқардим-да, қудуқнинг тош қирғоғига авайлаб қўйдим. Қулоғимда ҳамон чамбаракнинг ғичирлаб айланиши акс садо берар, челақдаги сув оҳиста чайқалар, мавжларида қуёш шуъласи ўйнар эди.

— Шу сувдан ичгим келяпти, — дея менга жовдираб боқди Бола подшо. — Бир қултум бер...

Шунда мен унинг нима излаб юрганини туйқусдан англадим!

Челақни кўтариб, аста лабига тутдим. У кўзларини юмиб олган, ҳузур қилиб оби ҳаёт симирар эди. Бу чинакам бир шодиёна эди. Чунки бу оддий сув эмасди. У сахрода, юлдузлар остидаги узоқ саргардонликдан сўнг, чамбаракнинг ғичирлаб айланишидан сўнг, қўлларимнинг ҳаракатидан сўнг бизга муяссар бўлган ноёб, илоҳий бир неъмат эди. Гўё юракка тенгсиз малҳам эди у...

— Сенинг сайёрангда, — деди Бола подшо, — одамлар бир чаманзорда беш мингта гул ўстирар экан-у, излаганини тополмас экан...

— Тополмайди, — деб маъқулладим мен.

— Ҳолбуки, улар излаган нарсани бир дона гулдан, бир қултум сувдан ҳам топиш мумкин.

— Тўғри айтасан, — деб тасдиқладим яна.

Бола подшо тагин ўйга чўмди:

— Афсуски, кўзлар басир. Кўнгил кўзи билан излаш лозим.

Сувдан мириқиб ичдим. Нафас олишим енгиллашди. Сахар чоғи қум худди асалдек тилларангда товланади, унга тикилган сари ўзимни бахтиёр сезардим. Чиндан ҳам, нега, недан қайғу чекай?..

— Сен ваъданнинг устидан чиқишинг керак, — деди Бола подшо мулойимлик билан, тагин ёнимга келиб ўтираркан.

— Қанақа ваъда?

— Эсингдами, кўзичоғингга нўхта... бераман, деган эдинг? Ахир, мен ўша гулга жавобгарман-ку...

Чўнтагимдан чизган расмларимни олдим. Бола подшо уларни кўздан кечираркан, кулимсиради:

— Баобабларинг худди карамга ўхшайди-я...

Мен бўлсам, баобабни бошлаб чизганман, деб гердайиб юрибман-а!

— Тулкиннинг қулоғи бўлса... шохнинг ўзи! Узунлигини қараю! — У яна кулиб юборди.

— Бу гапинг адолатдан эмас, оғайни. Ахир, мен умримда бўғма илоннинг ичкию ташқи кўринишидан бошқа нарса чизган эмасман-да.

— Майли, ҳечқиси йўқ, — деди у мени юпатиб. — Болалар шундоқ ҳам тушуниб олишади.

Кейин мен унинг кўзичоғига нўхта чизиб бердим. Расми Бола подшога бердим негадир юрагим зирқираб кетди.

— Ниманидир ўйлаб қўйгансан-у, менга айтмаяпсан... Бироқ у индамади.

— Биласанми, — деди ниҳоят, — эртага сизларнинг ҳузурингизга — Ерга келганимга бир йил тўлади... — У тагин жимиб қолди, бир зум ўтгач: — Мен мана шу атрофга тушган эдим... — деди. Шундай дедию дув қизариб кетди.

Негалигини худо биледию дилимни яна кўрғошиндек ғашлик қоплади. Лекин барибир юрак ютиб сўрадим:

— Бундан чиқиди, бир ҳафта аввал, иккаламиз танишган тонгда, одамзот маконидан минг-минг қақирим узоқ бу овлоқ ерларда сен ёлғиз ўзинг бежиз кезиб юрмаган экансан-да? Осмондан тушган жойингга қайтиб келаётганмидинг?

Бола подшо баттароқ қизариб кетди.

Мен энди ҳадиксираб сўрадим:

— Балки, бир йил тўлгани учун шундай қилмоқчидирсан? У яна лодадек қизарди. У бирорта саволимга жавоб бермади, аммо қип-қизариб кетгани — «ҳа» дегани эмасми?

— Қўрқиб кетяпман... — дея сўз бошладим хўрсиниб. Аммо у гапимни кесди:

— Ишга киришадиган вақтинг бўлди. Турақол, машинангнинг ёнига бор. Мен сени шу ерда кутаман. Эртага кечқурун қайтиб келгин...

Аммо барибир кўнглим тинчимасди. Беихтиёр Тулкини эсладим. Қўлга ўрганиб қолганидан кейин баъзан кўзёш тўкишга ҳам тўғри келади.

XXVI

Кудуқдан сал нарида кўҳна тошқўрғоннинг вайроналари сақланиб қолган эди. Эртаси оқшом ишни тугатиб қайтарканман, узоқдан Бола подшонинг чалдевор устида оёғини осилтириб ўтирганини кўрдим. Яқинлашгач, овозини ҳам эшитдим.

— Эсингдан чиқидими? — дерди у. — Бу гап худди шу ерда бўлмаган эди, лекин...

Чамаси, кимдир унга жавоб қайтармоқда эди, чунки у шундай деб эътироз билдирди:

— Тўғри, бу гап бундан роппа-роса бир йил аввал бўлган эди, лекин бошқа жойда...

Қадамимни тезлатдим. Аммо деворнинг тагида бирор зоғ кўринмасди. Бироқ Бола подшо ҳамон ким биландир гаплашиб ўтирарди:

— Албатта-да. Менинг изимни қумдан осонгина топасан. Кейин кутиб тургин, бугун кечаси мен ўша ерга келаман.

Деворнинг олдиғача йигирма қадамлар чамаси қолди, лекин мен ҳануз ҳеч нарсени кўрмадим.

Бир оз жимликдан сўнг Бола подшо:

— Заҳаринг ўткирми ўзи? Ишқилиб, мени кўп қийнамайсанми? — деб сўради.

Турган жойимда қотиб қолдим, юрагим орқамга тортиб кетди, бироқ ҳамон бирор нимани тушунмас эдим.

— Кетақол энди, — деди Бола подшо. — Мен пастга сакрамоқчиман.

Шунда оёқ остига қарадим у икки газ нарига сапчиб тушдим! Деворнинг шундоққина тагида, одамни чақса, ярим минутга тил тортмай ўлдирадиган бир илон бўйнини гажак қилганча Бола подшога тикилиб турарди. Чўнтагимдаги тўппончани пайпаслаганча унга қараб югурдим, аммо илон шарпаланиб сезиб, қўриб бораётган жилғадек, қум узра аста сирғалганча, билинар-билимас оҳанрабо сас чиқариб, тошлар аро ғойиб бўлди.

Роса вақтида етиб келган эканман, бояқиш Бола подшомни даст кўтариб олдим. Ранги бўздек оқариб кетган эди.

— Нима қилганинг бу, болакай! — дедим нафасим

тиқилиб. — Нега илон билан суҳбат қуриб ўтирибсан?

Шундай деб, унинг доимий йўлдоши — тилларанг шарфини бўйнига тақиб қўйдим, юз-кўзини ювиб, мажбуран сув ичирдим. Аммо бошқа бирор нарсени сўрашга юрагим дов бермади. У менга синчиклаб тикилди-да, бўйнимдан маҳкам қучди. Юрагининг ярадор қушдек бетоқат типирчилаётганини яққол эшитиб турардим.

— Ниҳоят машинангни тузатиб олибсан, жудаям хурсанд бўлдим, — деди у. — Энди бемалол уйингга қайтишинг мумкин...

— Шошма, сен буни қаёқдан билдинг?!

Чунки, барча балоларни доғда қолдириб, самолётимни тузатишга муваффақ бўлганимни айтмоқ учун эндигина оғиз жуфтлаган эдим-да!

У, саволимни одатдагидек жавобсиз қолдириб, шундай деди:

— Мен ҳам бугун уйимга қайтаман.

Кейин ғамгин оҳангда қўшиб қўйди:

— Лекин менинг сафарим сеникидан узоқроқ... сеникидан қийинроқ...

Буларнинг барчаси алланечук ғалати эди. Мен уни худди гўдак боладек маҳкам бағримга босиб турардим-у, лекин, назаримда, у гўё оғушимдан сирғалиб чиққанча бўшлиққа сингиб кетаётгандек туюларди, уни тутиб қолишга ўзимни ортиқ қодир эмасдек ҳис қилардим...

У олис-олисларга ҳорғин, ўйчан термиларкан:

— Менда сенинг кўзичоғинг қолади. Қутичаям. Нўхта ҳам... — деди, дедию ғамгин кулимсираб қўйди.

Мен узоқ кутдим. У гўё аста-секин ўзига келаётгандек эди.

— Бирор нарсадан қўрққанга ўхшайсан, болакай...

Қўрқмай ҳам бўладими! Аммо у оҳистагина кулимсиради:

— Бугун кечқурун бундан баттар қўрқсам керак...

Муқаррар бир фалокат туйғуси тагин вужуд-вужудимни музлатиб, карахт қилиб ташлади. Наҳот, наҳотки, унинг жарангдор кулгисини қайта эшитмасам? Ахир, бу кулги мен учун саҳродаги покиза булоқ билан баробар-ку!

— Болакай, кулгингни соғиндим, бир кулгин...

Аммо у бунга жавобан:

— Бугун бир йил тўлади, — деди. — Юлдузим бир йил аввал мен қулаб тушган жойга роса рўбарў келади...

— Менга қара, болакай, ахир, буларнинг барчаси — илон ҳам, юлдуз билан учрашув ҳам аҳмоқона бир туш-ку, тўғрими?

Бироқ у гапимга индамади.

— Энг асосий нарса — кўз билан кўриб бўлмайдиган нарса... — деди у.

— Ҳа, албатта.

— Бу ҳам худди гулга ўхшайди. Агар олис юлдузлардан бирида ўсадиган гулни яхши кўрсанг, кечаси осмонга боқиб ҳузур қиласан. Кўз ўнгингда юлдузларнинг жами гулдек очилиб ётади...

— Албатта...

— Кечаси юлдузларга термиласан. Менинг юлдузим бениҳоя кичкина, уни сенга кўрсатолмайман. Шундай бўлгани тўзук. У сен учун осмон тўла юлдузнинг бири бўлиб қолгани маъқул. Шунда сен осмонга боқишни яхши кўриб қоласан... Жамики юлдуз сенга ошно бўлиб қолади. Кейин, мен сенга нимадир совға ҳам қилмоқчиман... — У шундай деб кулиб юборди.

— Эҳ, болакай, болакай, кулгиларингни қанчалар яхши кўришимни билсанг эди!

— Сенга бермоқчи бўлган совғам ҳам мана шу-да...

— Йўғ-э?

— Ҳар кимнинг ўз юлдузи бор. Баъзиларга, айтайлик, сарбону сайёҳларга — улар йўл кўрсатувчи, баъзиларга эса шунчаки митти шуъла, холос, олимларга — ечиш лозим бўлган масала, мен кўрган корчалонга эса — олтин бўлиб кўринади улар. Аммо бу одамларнинг барчаси учун юлдузлар безабон. Сенинг юлдузларинг эса бутунлай ўзгача бўлади...

— Узгача дейсанми?

— Кечалари осмонга боқасану мен яшайдиган, менинг кулгим янграётган юлдузларнинг барчаси жилмайиб кулаётгандек туюлади. Ҳа, сенинг юлдузларинг кулади, кула олади!

У шундай деб кулиб юборди.

— Юпанганингдан кейин эса (охир-оқибат юпанансан бари бир), қачондир мен билан ошно бўлганини эслаб, юрагинг қувончга тўлади. Сен ҳамини менинг дўстим бўлиб қолсан, ҳамини менга қўшилиб кулишни истаб юрасан. Баъзан деразангни мана шундай ланг очиб юборасану шодумон бўлиб кетасан... Шунда дўстларинг, нега у осмонга боқиб бунчалар хурсанд бўлаётган экан, деб қаттиқ ҳайрон бўладилар. Сен бўлса уларга: «Ҳа, ҳа, мен доимо юлдузларга боқиб хуш-хандон куламан!», дейсан. Улар эса сени, ақлдан озиб қолдимикан, деб гумон қилишади... Кўрдингми, қандай чатоқ ҳазил бошладим сен билан... — У яна кўнғироқдек товуш билан кулиб юборди. — Гўё юлдузнинг ўрнига мен сенга бир шода жарангдор кўнғироқ совға қилгандек бўлдим...

Яна хандон ташлаб кулди, сўнг тагин жиддий тортди:
— Биласанми... бугун кечаси... йўқ, яхшиси, келмай қўяқол.

— Мен сени ёлғиз қолдирмайман.

— Сенга, бирор жойим оғриётгандек... ҳатто жон бераётгандек бўлиб туюлишим ҳам мумкин. Бу шунақа бўлади. Келмай қўяқол, керакмас.

— Мен сени ёлғиз қолдирмайман.

У нимадандир қаттиқ ташвишманд кўринарди.

— Биласанми... ҳалиги... илонни ўйлаяпман. У сени чақиб олса-я? Ахир, у ёвуз ҳайвон-ку. Бировни чақса, ҳузур қилади.

— Мен сени ёлғиз қолдирмайман.

У бирдан хотиржам тортди:

— Ҳа, айтмоқчи, унинг заҳари икки кишига етмайди...

Кечаси унинг қандай туриб кетганини сезмай қолибман.

У сассиз-шарпасиз сирғалиб кетиб қолган эди. Ниҳоят уни қувиб етганимда, у жадал, дадил одим отиб борарди.

— Ҳа, сенмисан... — деди, холос, мени кўриб.



Сўнгра аста кўлимдан тутдию алланимадан чўчигандек дарров тортиб олди:

— Бекор келяпсан мен билан. Аҳволимни кўриб қийналасан. Назарингда ўлаётгандек бўлиб кўринаман-у, лекин бу ёлғон бўлади...

Мен индамай боравердим.


— Биласанми... йўлим ниҳоятда олис, жисмим эса ниҳоятда оғир. Мен уни олиб кетолмайман.

Мен индамай боравердим.

— Бу худди эски қоқиқни ташлагандек бир гап. Ҳеч қайғурадиган жойи йўқ.

Мен индамай боравердим.

Унинг бир оз руҳи тушди, аммо барибир зўр берди:
— Мана кўрасан, жуда соз бўлади ҳали. Мен ҳам юлдузларга термиламан. Шунда жамики юлдуз гичирлаб айланадиган чамбаракли кўхна қудуқ бўлиб кўринади. Ва уларнинг ҳар бири менга ичгани сув беради...



Мен индамай боравердим.

— Бир ўйлаб кўргин-а, қанчалик соз бўлади ўшанда! Сенда беш миллион кўнғироқ бўлади, менда эса — беш миллион булоқ...

У бирдан жимиб қолди — бўғзига йиғи тикилиб келди.

— Мана, етиб ҳам келдик. Қўй энди мени, бу ёғига ўзим борай.

Шундай деб қум узра бемажол чўқди — юрагини кўрқув чулғади. Хиёл ўтгач, секингина шивирлади:

— Биласанми... гулим... мен гулимга жавобгарман. Чунки у шунчалар заиф, ночорки! Соддалигини айтмайсанми! Узини ҳимоя қилмоққа тўрттагина арзимас тиканидан бошқа нарсаси йўқ...

Мен ҳам қумга мук тушдим, оёқларимдан мадор қочиб, чалишиб кетмоқда эдим.

— Мана... тамом энди... — деди у.

Бир лаҳза тек қолдию сўнг ўрнидан турди. Бир қадам илгари босди...

Мен эса ҳамон жойимдан кўзғалолмас эдим.

Оёқлари остида гўё сариқ яшин чақнагандек бўлди, бир дақиқа қотиб қолди. Йиғламади, бўзламади. Сўнг худди болта урилган дарахтдек оҳиста қулади: на бир шарпа, на бир сас... Илло, қум зарралари тик этган товушни ҳам ютиб юборади-да.


XXVII

Мана, ўшандан буён олти йил ўтди... Ҳанузгача бу ҳақда бирор кимсага чурқ этиб оғиз очганим йўқ. Қайтиб келганимда, дўстларим мени тагин соғ-омон кўриб севиндилар, бироқ кўнглим бениҳоя ғаш эди, сўраган одамга:

— Чарчабман шекилли... — деб қўяқолардим.

Лекин, аста-секин барибир юпана бошладим. Батамом эмас, албатта. Бироқ шу нарсани яхши биламанки, у ўз сайёрасига қайтиб кетган, чунки тонг ёришгач, қум устида





Бу ер, менинча, дунёдаги энг гўзал ва энг ҳасратли макон бўлса керак. Саҳронинг бу кимсасиз парчаси сал юқорида ҳам тасвирланган эди, аммо уни яхшироқ кўриб олишингиз учун яна қайтадан чизмоқчиман. Худди шу жойда Бола подшо Ер юзида биринчи бор лайдо бўлган, кейин худди шу жойда ғойиб бўлган эди. Диққат билан қараб эслаб қолинг, агар қачонлардир Африкага, саҳрога бориб қолсангиз, бу жойни танишингиз осон бўлади. Мабодо шу ердан ўтар бўлсангиз, ўтиниб сўрайман, мана шу юлдуз остида бир нафас тўхтанг! Бордию шу пайт тилларанг сочли бир бола ёнингизга келиб, кўнғироқдек товуш билан кула бошласа, бирорта саволингизга жавоб бермаса, ўйлайманки, кимга дуч келганингизни албатта сезсангиз керак. Ушанда, сиздан ўтиниб сўрайман, дардли дилимга юпанч бериш эсингиздан чиқмасин: унинг қайтиб келганини менга зудлик билан хабар қилинг...

жасадини кўрмадим. Жисми унинг унчалик оғир ҳам эмасди-да.

Кечалари юлдузларга қулоқ тутиб ўтиришни яхши кўраман. Гўё беш миллион кўнғироқ шодумон жиринглаётгандек...

Лекин, буни қарангки, кўзичоққа нўхта чизиб бераётганимда, тасмачасини унутган эканман! Энди Бола подшо уни кўзичоққа тақа олмайди. Шу боис гоҳ-гоҳ ўзимдан сўрайман: у ёқда, дўстимнинг сайёрасида аҳвол қалай экан? Тагин кўзичоқ гулни еб қўйган бўлса-я?


Баъзан эса ўзимга ўзим: «Йўғ-э, ундай эмасдир! Бола подшо кечасилари феруза гулни шиша қалпоқ билан ёпиб кўярди, кўзичоққа ҳам кўз-қулоқ бўлиб турса керак», деб таскин бераману бирдан қувониб кетаман. Шунда юлдузлар ҳам оҳиста жилмайиб кулаётгандек туюлади.

Гоҳида эса: «Баъзан нимадир хотирдан фаромуш бўлади-ку, ахир... Унда, ҳар бало ҳам бўлиши мумкин! Бордию Бола подшо бир куни шиша қалпоқни эсидан чиқариб қўйса ё кўзичоқ кечаси сездирмай қутичасидан чиқиб кетиб қолса-я...», деб ўйлайман ваҳимага тушиб. Шунда осмондаги кўнғироқларим ҳам унсизгина йиғлаётгандек туюлади...

Буларнинг барчаси алланечук ақл бовар этмайдиган сирли ҳодисалардир. Аминманки, сизга ҳам, Бола подшони яхши кўриб қолган бошқа ҳар қандай одамга ҳам, худди мен каби, коинотнинг аллақайси бурчагида биз ҳеч қачон кўрмаган бир кўзичоқ бизга нотаниш бир гулни еб қўйган-қўймагани асло бари бир бўлмаса керак; дунёнинг бизга қандай кўриниши ана шунга жуда-жуда боғлиқ...

Бошингизни кўтариб, бепоён осмонга боқинг. Сўнгра ўзингиздан: «Уша феруза гул омон бормикан? Бордию кўзичоқ уни еб қўйган бўлса-я?», деб сўранг. Ана шунда кўрасиз — олам кўз ўнгингизда буткул бошқача жилвалана бошлайди...

Ва бирорта катта одам бунинг қанчалар муҳим эканини ҳеч қачон тушуна олмайди!





А. С. Пушкин

* * *

Сўрама, қайғули ўй билан нечун
Шавқли базмларда дилгирман бот-бот,
Нечун мен атрофга боқаман нигун,
Лаззатли ҳаётнинг ўйи менга ёт:

Сўрама мен нечун совуқ қалб билан
Ёз буриб шўх ишқдан, зинҳор-базинҳор,
Демадим ҳеч кимни азизам, зотан,
Ким севса бир бора, севмагай такрор;

Ким билса гар бахтни, билмагай такрор.
Қисқадир берилган роҳат умри, сўнг —
Ёшлиқдан, лаззатдан, сафодан ёдгор,
Қолғусидир фақатгина мунг...
1817

* * *

Фавворалар эпкинидан дур
Сачраган ул кўшк аро бир пайт,
Бахш этарди хонларга ҳузур
Мадҳиябоз шоир айтган байт.

Шўх базмлар ипига у шод
Қув қўл билан тизарди секин
Ҳушомаднинг соф дуриин кушод,
Доноликнинг олтин тасбеҳин.

Куйлар эди севиб Қримни
Саъдий ўғли — машриқлик маддоҳ.
Очар экан у шеър сирини.
Тонг қоларди Боқчасарой гоҳ.

Ёйиларди ҳикоятлар боз
Эриваннинг гилами мисол,
Улар билан безанарди соз
Гаройларнинг хос базми алҳол.

Лекин ҳеч бир дона сеҳргар, —
Бўлса ҳамки беназир ғоят,
Тўқимаган асло бу қадар
Қудрат ила шеъру ҳикоят,

Нигитлари мағрур ва норғул,
Аёллари ҳурдек иззатманд,
Қароматли ва қаноти ул
Ажиб юртнинг шоири монанд.¹
1828

¹ Бу шеър улуғ поляк шоири А. Мицкевичга бағишланган. (Тарж.)



* * *

Гуржистоннинг дардларин, гўзал,
Куйламагил чок этиб дилни:
У эслатур менга ҳар маҳал
Ўзга ҳаёт, олис соҳилни.

Ёдга солур, ҳайҳот, ундаги
Шафқат билмас оҳанг қуюнц
Даштни, ойни, сутдек тундаги
Олис, шўрлик қизнинг рўйини!..

Ёзмишдаги шарпани мен гоҳ
Унутгайман сенга боқиб лол;
Лекин сен-чи, куйлайсан — ногоҳ
Такрор уни кўргайман яққол.

Гуржистоннинг дардларин, гўзал,
Куйламагил чок этиб дилни:
У эслатур менга ҳар маҳал
Ўзга ҳаёт олис соҳилни.
1828

Абдулла ШЕР таржималари



Абдумажид Мадраимов

ҚИЗҒИН ИЖОД ПАЛЛАСИ



Ўзбек совет тасвирий санъатиغا етмишинчи йиллар бошида кириб келган истеъдодли ёшлардан бири расом Темур Саъдуллаевдир. Ҳозир у кенг жамоатчиликка ҳам деворий расмлар муаллифи, ҳам дастгоҳли рангтасвир устаси, портретчи ва китоб рассоми сифатида маълум. Унинг асарлари ўндан зиёд республика ва бутуниттифок кўргазмаларида намойиш этилган, бир нечаси Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейи залларида кўрсатилмоқда, лавҳа расмлари эса оммавий журналлар ва газеталарда эълон қилинмоқда. Айтиш мумкинки, ҳозирги кунда у маданий ҳаётимизда фаол қатнашаётган ижодкорлардан биридир.

Т. Саъдуллаевнинг ижоди Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтида бошланди. У диплом иши сифатида устози Чингиз Аҳмаров раҳбарлигида Алишер Навоийнинг ғазалларидаги бешта қаҳрамон тасвирини яратди. Бу расмлар устознинг мақоласи билан «Гулистон» журнали саҳифаларида 1970 йили эълон қилинди. Шундан буён ўтган ўн беш йил давомида расом тасвирий санъатнинг турли соҳаларида — деворий ва дастгоҳли рангтасвир, китоб графикасида муваффақиятли ижод қилмоқда.

Деворий маҳобатли расм санъати билан Т. Саъдуллаев илк бор устози Чингиз Аҳмаров ёнида Самарқанддаги «Юлдуз» чойхона-ресторани залини безашда қатнашганида яқиндан танишди. Кейинчалик устози раҳбарлигида Ҳамза номидаги Санъатшунослик институти деворига ишланган тўрт гўзал тасвирини яратишда иштирок этди. Сўнгра, рассом Ақром Икромжонов билан биргаликда Чингиз Аҳмаровга Бухорода Абу Али ибн Сино номидаги Маданият уйидаги йирик деворий расмларни яратишда ёрдам беришди. Буларнинг барчаси ёш рассом учун маълум даражада мактаб ролини ўйнади. У 1980 йили Бухоронинг Афшона қишлоғидаги чойхонада мустақил равишда тўққизта деворий расм яратди. Асар кўпчилик томонидан маъқулланиб кутиб олинди. Жумладан, таниқли ёзувчи Пиримқул Қодиров расмлар тўғрисида мулоҳазаларини ўртоқлашар экан, «Устоз Чингиз Аҳмаров асарларида Шарқ аёлларининг нафосати, назокати ва латофати алоҳида йўсинда тасвирланган бўлса, истеъдодли рассом Темур Саъдуллаев яратган Афшонадаги деворий расмларда ўзбек аёли, хотин-қизлари гўзаллигининг яна янги қирралари кашф қилинган», дейди.

Рассомнинг маҳобатли санъат сирларидан хабардор бўлиши унинг бошқа асарлари, хусусан, дастгоҳли рангтасвирида ўз аксини топган. Қаҳрамонлар образига хос улуғворлик, салобат ва монументаллик хусусиятини акс эттиришда бу ҳолат яққол кўриниб туради. Мана шундай деворий расмлар таъсири мавжуд асарлардан бири «Наврўз» деб аталади. Унда гўзал қизларнинг баҳор чоғи табиат кўйидаги байрамона кайфияти юксак маҳорат билан тасвирланган.

Т. Саъдуллаев олий ўқув юртини битиргандан сўнг Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейига рассом бўлиб ишга кирди. Бу эса унинг келгуси ижодида ҳал қилувчи роль ўйнади, дейиш мумкин. Чунки, кейинги давр мобайнида рассом яратган элликка яқин мустақил асарларнинг деярли ярми, кўплаб китоб ва лавҳа расмлар ўзбек классик адабиёти, фольклори ва умуман бадий ижод билан, ижодкорлар ҳаёти билан чамбарчас боғлиқ. Шунинг учун ҳам унинг аксарият асарлари музей залларини безаб турибди. Бу расмлар ҳам улуғ шоир ва мутафаккир Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди, ҳам замонавий навоийшунослар, қолаверса, шоирлар, олимлар образларини яратиш билан боғланган. Юқорида қайд этилганидек, рассомнинг тасвирий санъатдаги илк жиддий изланишлари ҳам Навоий шеърини билан бошланган эди. Кейинги асарлари Темурнинг устози Чингиз Аҳмаров изидан бориб, улуғ шоир ижодида оид расмлар яратаётганини кўрсатади. Рассомнинг бу соҳадаги биринчи йирик иши «Алишер Навоий ва Камолитдин Беҳзод» номли асаридир. Унда биз улуғ шоир ва устод рассомнинг учрашув чоғини кўрамыз. Алишер Навоий машҳур миниатюраси Маҳмуд Музаҳҳиб асарида тасвирлангандек асога таянган ҳолда рассомни қаршиламоқда. Навқирон Камолитдин Беҳзод эса ҳомийси ва мураббийсига янги асарлар солинган жуздонни топширмоқда. Гўё рассом улуғ шоир олдида ижодий ҳисобот бераётгандек. Иккала улуғ шахс тарихий тасвирида ва рангларнинг танланишида ҳам Т. Саъдуллаевнинг Шарқ миниатюра аъаналарига асосланганини ҳис қиламиз. Бу расм ўзбек тасвирий санъатидаги икки улуғ ижодкор муносабатини ёритувчи муваффақиятли чиққан асарлардан биридир.

Алишер Навоий ижодида Т. Саъдуллаев кейинчалик яна мурожаат қилиб, «Фарҳод ва Ширин» дostonига расм ишлади. Расмда Шириннинг Фарҳод ҳарафига уюштирган базми тасвирланган. Бу асарда ҳам рассом Шарқ миниатюра аъаналаридан ўринли ва унумли фойдаланган.

Улуғ шоирнинг «Сабъаи сайёр» дostonига Т. Саъдуллаев тўртта лавҳа — миниатюра расм яратди. Бу лавҳа расмларда, аввалги картиналардан фарқлироқ, ҳатто ранг танланишида ҳам, энг майда чизиқларнинг нозиклигида ҳам рассом Шарқ миниатюраси аъаналарига мурожаат қилишини қўллаган

ҳолда, айрим ўринларда баъзи муаммолар ҳам мавжудлигини қайд этиш зарур. Бу фақатгина Т. Саъдуллаев эмас, балки бошқа rassомлар ижодига ҳам тааллуқли. Чунки Шарқ миниатюриси анъаналарини фойдаланишдан аввал уларни ҳар томонлама ва чуқур ўрганиш зарур. Бу ўтмишдаги атоқли миниатюрчиларнинг маҳорат сирларини эгаллашдаги бир зарурий босқичдир.

Ўзбек халқ оғзаки ижодининг қаҳрамонлик достони бўлмиш «Алпомиш»га Т. Саъдуллаев бешта расм ишлади. Энг асосий расмда остон қаҳрамонлари сиймоси улуғвор ва маҳобатли қилиб тасвирланган. Қолган тўртта лавҳа расмларда Алпомишнинг камондан ўқ отиш, найза отиш, кураш ва пойгадаги қаҳрамонлик характери очиб берилган. Яқинда қайта кенгайтирилиб очилган музейнинг фольклор бўлимидаги маҳорат билан яратилган бу расмларни rassом ижодидида янгилик, деб баҳолаш мумкин. Бу расмларнинг баъзи бир жиҳатлари қаҳрамонликка оид. Бошқа асарларни бир оз эслатса-да, умуман асар ўзбек совет тасвирий санъатидаги сезиларли воқеадир. Мазкур фикрни Ўзбекистон халқ rassоми Чингиз Аҳмаров ҳам таъкидлаб, шогирдини янги ижодий муваффақияти билан самимий табриклади.

Адабиёт музейи учун Темур бир неча ёрқин портретлар яратган. Воҳид Зоҳидов, Ҳамид Сулаймон, Воҳид Абдуллаев, Солиҳ Муталлибов каби олимларнинг, шоир Омон Матжоннинг расмлари шулар жумласидандир. Ҳар бир расм тасвирланган қаҳрамон характериға мос композицион ечимға эға. Ҳамид Сулаймон тасвирида шижоат, қатъийлик ва салобат акс эттирилса, Солиҳ Муталлибов расмида мулоимлик ва бой билим намоен. Академик Воҳид Зоҳидов портретида rassом олимнинг кенг маънавий оламини ёритиш мақсадида кўшимча тасвирий воситалардан ўринли фойдаланиш билан бирға, асосий эътиборини қаҳрамоннинг юзини биринчи планда бўрттириб тасвирлашға қаратади.

Т. Саъдуллаев кузатувчан, таъсирчан ижодкор. Шунинг учун унинг ижодидида кундалик турмуш, оддий одамлар мавзуи ҳам катта ўрин эгаллайди. Унинг бир неча асарини маиший мавзуга бағишланган дейиш ҳам мумкин. «Она бахти», «Rассом оиласи», «Қизим Нурхон» ана шундай расмлардир. Уларда ижодкорнинг тасвирланаётган ҳаётни жуда яхши билиши, расмда фақатгина энг зарур ашёларнигина кўрсатиш орқали керакли шароит, зарур муҳит ярата олиш иқтидори сезилиб туради. Бу расмларда халқимиз ҳаётига хос белгилар, рўзғор буюмлари, характерлар rassом томонидан ишонарли тасвирланган.

Ҳозирги замон шаҳар ҳаёти ҳам Т. Саъдуллаев эътиборидан четда қолмаган. Унинг «Гавжум кўча», «Метро қурилишида»

каби асарларида замонанинг шиддаткор ҳаёти ўзига хос маҳорат билан акс эттирилган. Шунингдек, rassом ўз дўстлари ва ҳамкасбалари портретларини ҳам хилма-хил шароитда, турли ҳолатларда тасвирлайди. «Қиз ҳаёли», «Экскурсовод қиз», «Дўстим Аҳмад» каби асарларда қаҳрамон характериға мос фон танланган. Айниқса, экскурсовод қиз характери rassом томонидан яхши илғаб олинган. Томошабинларға бир экскурсия давомида деярли минг йиллик адабиёт ҳақида сўзлаб беришға тайёрланган қиз бутун ҳаёли, билими ва тажрибасини ишға солиб, қадимий Афросиёб расмлари олдида турибди. Умуман, ёшлар характери rassом томонидан тўғри ва бир оз кучайтириброк тасвирланади. Бу эса, ижодкорнинг ўз характериғаги шоирона кайфият, кўтаринки рух, романтикаға мойиллигидан бўлса керак.

Т. Саъдуллаев томонидан яратилган бу асарлар унинг маҳорати юксалиб бораётганидан далолат беради. Энг муҳими, унинг ижодига хос хусусиятларға келсак, rassом рангин оламини бутун бор бўйича эмас, балки ўз ҳаёлида бир оз умумлаштириб, қайта яратаётгандай туюлади. Бу ўринда, унинг асарларида Шарқ миниатюрисига хос нозик чизиқларни кўраимиз, аммо ранг танлашда Темурнинг шахсий диди, ижодий йўналиши етакчилик қилади.

Rассом дастгоҳли рангтасвир қаторида китоб графикаси соҳасида ва журналларға лавҳа расмлар яратишда актив ижод қилмоқда. У безаган китобларнинг умумий сони элликдан ортиб кетди. Аммо уларнинг барчаси ҳам бир хил юксак бадий савияда яратилган дейиш қийин. Темур фахрланса арзийдиган, унинг ижодий ютуғи бўлган китоблар бизнингча, «Бобур. Асарлар» (икки жилдда, рус тилида), «Алишер Навоий. Асарлар» (рус тилида, икки жилдда), «Оғаҳий шеърятидан», «Билал Нозим шеърятидан» ва бошқалар қаторида, бир оз шошилиш сезилиб қолган баъзи асарлар ҳам учрайди.

Rассом ижодидида журнал ва газеталарға лавҳа расм ишлаш алоҳида, кенг ўрин тутуди. Унинг график расмлари бошқаларникидан яққол ажралиб туради. Аксарият расмлар ижодкорнинг ўз асарига жиддий, талабчанлик муносабатида эканидан далолат беради.

Ўзига хос ижодкор бўлган rassом Темур Саъдуллаевнинг ўн беш йиллик меҳнат ва изланишлар маҳсулини ҳаёлан кўз олдимиздан ўтказар эканмиз, унинг шак-шубҳасиз муваффақиятларини тан олиб, республикамиз тасвирий санъати тараққиётига кўшган ҳиссаси мавжудлигини қайд этиш лозим. Аммо, унинг ҳали барча ижодий имкониятлари тўла фойдаланилган эмас. Айни қизғин ижод палласидаги rassом келгусида халқимиз маданиятида муҳим воқеа бўлиб қоладиган яна янги ажойиб асарлар яратишиға ишонамиз.





Машраб Бобоев

Бизнинг режиссёримиз



аёт мендан аямади неъматларини¹. Бу неъматларнинг энг асосийси — кўп яхши одамлар билан таниш бўлганим, уларнинг суҳбатларидан баҳра олганим, кўпчилиги билан эса бевосита ҳамкор, ҳаммаслак бўлганим, деб биламан.

Маҳкам Муҳаммедов ана шундай одамлардан бири. Бунинг устига, биринчи режиссёрим ҳам. Ҳаётда юз берадиган баъзи ҳодисаларнинг биринчиси алоҳида ўрин тутади. Кейинги ҳодисаларнинг самара, моҳияти, аҳамияти ҳам кўпинча ўша, биринчи ҳодисанинг мазмуни, самарасига боғлиқ бўлади.

Биринчи марта драматургияга қўл урган, ҳали бу соҳанинг ташкилий йўл-йўриқларидан беҳабар бўлгани учун нима қиларини билмай юрган одамнинг аҳволини тасаввур қилиб кўринг. Яна мутасадди кишилар бу одамнинг асарини ўқиб, бирон-бир фикр айтиш, йўл-йўриқ кўрсатиш ўрнига, ҳар хил йўллар билан уни чалғитишга уриниб турса! Бу ҳол бир ой-икки ой эмас, бир йил-икки йил давом этса! (Бундай ҳол учрамайди, деманг, бошингизга тушганида (тушмасин-ку!) биласиз!) У одам, яхшими-ёмонми шеърини ёзиб юравериш ўрнига пьеса ёзгани учун ўзини лаънатлаб, энди бундай «номаъқулчилик»ни қилмасликка қасам ичиб қўйганида, тасодифан ўша пьесани ўқиб қолган режиссёр ҳеч иккиланмасдан, баралла: «Бу пьесани мен қўяман!» деса! У одам қай ҳолга тушади? Биринчи бўлиб қасамини қайтиб олади, дейсизми? Тўғри. Қасамдан қайтишдан осони йўқ. Лекин, яна шуниси борки, ҳар хил мавҳум гапларни эшитавериб, шу мавҳумликка ўрганиб ҳам кетгани учун, аввало бунга, яъни, аниқ, чин гапга унча ишонгиси келмайди. Режиссёр эса, ҳеч нарса билан иши йўқ, пьесани театрга олиб кетади. Коллективга ўқиб беради. Пьеса коллективга маъқул бўлади. Автор коллектив билан учрашувга таклиф этилади. Учрашув ниҳоятда самимий, қувончли ўтади. Икки ойда спектакль тайёр бўлиб, яхши баҳо олади, дарҳол радиого ёзиб олишади.

Маҳкам Муҳаммедов билан танишув, ҳамкорлигимиз шундай бошланган. (Маҳкам ака баҳонасида ўзим тўғримда гапиряпман шекилли, а? «Шолининг орқасидан курмак сув ичиб» қоляптими? Буни ўйладим. Бошқа иложи бўлмади. Маҳкам ака хусусида ниманики билсам, кўпчилигига ўзим аралашман.)

Маҳкам ака ўшанда, яъни 1978 йилнинг ёзида Олим Хўжаев номидаги Сирдарё область театрига бош режиссёр бўлиб ишга келганида, аҳвол... ҳозир кўп қўлланиладиган ибора билан, демакки, «мулойим қилиб айтганда»...унчалик эмасди. Гап иш шароитининг ёмонлигида, тўғрироғи, иш жойининг ўзи йўқлигидагина (спектакллар область ижрокомининг мажлислар залида қўйиларди) эмас, театр ташкил этилганига анча бўлиб қолган бўлса ҳам, ҳамон ўз қиёфасини топмаганида, шунинг учун ҳам кўпчилик шунчаки, «ўлганининг кунидан» ишлаб юрганида ҳам эди.

(Ростини айтинг, ўзингиз 1978 йилгача Сирдарё театри деса нимани билардингиз? Сирдарё театри деганда тасаввурига нимадир келадиган одам бўлса билади — бу театрнинг оғизга тушиши ўша, 1978 йилдан кейин бошланган.)

Бош режиссёр ишга дадил киришди.

Иш асосан иккита муҳим омил: репертуар сиёсати билан кадрлар масаласидан иборат эди.

Репертуар сиёсати деган гап — театрнинг қиёфаси деган гап. Шу пайтгача театр репертуарини асосан на бадний, на ғоявий жиҳатдан етук, аксинча, чалажон пьесалар ташкил этар эди. Театр оламида «маҳаллий автор» деган ибора бор. Миллатлар, республикалар назарда тутилганда-ку, бу ибора тўппа-тўғри, ҳеч қандай нимкосасиз жаранглайди. Лекин, битта республикадаги областларнинг ўзида маҳаллий авторлар бўлса... бу нима дегани? Бу саволга шу заҳотиёқ мийғингизда қулиб жавоб толиб қўйганингизга аминман. Сирдарё театри ҳам ўзини бошқа область театрларидан кам деб ҳисобламаса демакки, унинг ҳам «ўз» маҳаллий авторлари бор эди.

Маҳкам ака репертуарни замонавий асарларнинг энг яхшилари, шунингдек, классика билан мустаҳкамлади. Энди

¹ Абдулла Орипов сатри.

актёрларда ҳам ишга қизиқиш уйғона бошлади. Айтайлик, деҳқоннинг тирикчилиги ер билан. Ер бўлмаса, деҳқон қаерда ишлайди? Яхши репертуар театрнинг ўзи учун қиёфа бўлса, актёрлар учун оёқни маҳкам тираб ишлайдиган замин бўлиб хизмат қилади.

Тез орада жаҳон, совет классикаси ҳамда замонавий драматургиянинг энг яхши намуналари — «Ричард III», «Хаммом», «Имзо» сингари пьесалар асосида спектакллар вужудга келиб, театр жамоатчилигининг оғзига тушди-қолди.

Режиссёр тайёр пьесаларни репертуарга киритиш билангина кифоялиб қолгани йўқ. У Сирдарё областининг ижтимоий-сиёсий моҳиятига айланиб кетган чўлни ўзлаштириш мавзусида ҳам асарлар яратилиши йўллари қидира бошлади. Маҳкам аканинг Абдулла Орипов, Омон Матжон, Ҳалима Худойбердиева билан узоқ вақт шу хусусда гаплашиб юрганга гувоҳим.

Тўғри, одам доим ҳам ўйлаган барча ишларини амалга оширишга улгуравермайди. Биз унинг қилиб улгурган-улгурмаган ишлари билан бир қаторда интилиш, ниятларини ҳам назарда тутас яхши-да. Маҳкам Муҳаммедов Сирдарё театрида барча ниятларини амалга оширолмагандир, лекин, энг муҳими — театрнинг оёққа қалқиб, равон йўлга чиқиб олишига қўшган хиссаси бекиёс катта.

Бош режиссёр репертуар сиёсати билан бир вақтда кадрлар масаласи билан ҳам шуғулланди. Кадрлар масаласи билан шуғулланиш — ўзи хуш кўрмаган одамларни хуш кўрган одамлари билан алмаштириш деган гап эмаслигини ҳаммамиз яхши биламиз. Юқорида айтилди — кўпчилик «ўлганининг кунидан» ишлаб юрган эди. Айримлар бош режиссёрнинг фаолиятини кўриб, ўз-ўзидан бошқа иш қидириб қолишди. Бу жараён натижасида театр битта актёрини йўқотди, холос. Аммо, бу йўқотишнинг зиёидан фойдаси кўпроқ эди. Гап Шароф Бошбеков ҳақида кетяпти. Унинг тимсолида бир театр битта актёрдан айрилган бўлса, республикамиздаги кўпчилик театр яхши бир драматургияга эга бўлди. (Шарофнинг театрдан кетиши бош режиссёрнинг кадрлар масаласида хатога йўл қўйганидан эмас, унинг шахсидаги актёр билан драматург «жанг»ида драматургнинг «ғолиб» чиққани туфайли уз берганини айтиб ўтиш керак.)

Республикамиздаги кўпгина театрда: «Биз бир область театримиз» ёки «болалар театримиз» қабилида ўз-ўзинга камситиш билан қараш одати бор. Мен, умуман, ўзининг имкониятини ҳисобга олмай, «катта оғиз»лик қилиш тарафдори эмасман, лекин, ҳар бир нарса, хусусан камтарлик ҳам, меъёрида бўлгани яхши. Театрларнинг бу «камтар»лигида заиф асарлар қўйилишини оқлашдан ташқари, ўзининг имкониятини чеклашдек катта ИЖТИМОИЙ ЗАРАР ҳам бор. (Ўзингиз «қўлимдан иш келмайди», деб камтарлик қилавринг-чи, кўрасиз — бора-бора ҳақиқатан ҳам кўлингиздан ҳеч иш келмай қолади.)

Маҳкам Муҳаммедов Сирдарё театрини ана шу қусурдан ҳалос қилди. Театр сахнасида классика ҳамда яхши замонавий асарлар қўйила бошлаши билан актёрларнинг «қўр босган» истейдоди юзага чиқди, қисқа вақт ичида театрнинг учта спектакли радиого ёзиб олинди (бу мисолнинг ўхшабини бошқа биронта область театрида кўриш қийин), телевидениеда кўрсатилди. Натижада Абдуҳамид Ғофуров, Рустам Ҳамдамов, Мамажон Нурматов сингари кўпгина актёрлар «область миқёси» тоифасидан чиқиб, «республика миқёси»даги санъаткорларга айланди.

Бош режиссёрнинг бундай фаолияти туфайли театрнинг қиёфаси ўзгариб, актёрларнинг савия ҳамда маҳоратлари ошибгина қолмади, коллектив билан бирга Маҳкам аканинг ўзи ҳам ўсди. Устоз Фафур Фулом: «Бири бирига шоғирд, бири бирига устоз», деганидай, замирида ўзаро улкан меҳр ётган бу ҳамжиҳатлик театрга ҳам, режиссёрга ҳам кўп нарса бергани бугунги кунда ҳаммамизга аён.

1978 йилнинг ёзи эсимда. Маҳкам ака «Ўттиз ёшлилар» деган пьесамни Сирдарё театрига олиб кетган, мен коллектив билан учрашган кезлар. Агар мен ҳаётимда нимадандир мамнун бўлган бўлсам, ўша учрашувдан мамнунман. Кейин Маҳкам ака билан бир неча марта учрашдик. У режиссёр сифатида спектаклнинг шакли-шамойилини қандай кўраётганини айтди. Унинг гапидан келиб чиқиб, спектаклнинг боши билан охирига биттадан шеър ёзиб берай, дедим. Гапим Маҳкам акага маъқул бўлди-ю, ёзиб берган шеърларим маъқул бўлмади. Кейинчалик, унинг фикри яна ўзгариб, ҳар бир кўриниш орасига ҳам шеър керак, деб қолди. Энди китоблардаги шеърларни танламоқчи бўлдик. Маҳкам ака бу ишни менга юкледи. Лекин танлаган шеърларимни ана унча маъқулламади. Боринг-а, дедиму китобларимни ўзига олиб бориб бердим. Анчадан кейин репетицияга бориб кўрсам, Маҳкам ака шеърларни ҳар бир кўриниш орасига шундай танлаб қўйибдики, шеърлар атайлаб ёзилганида ҳам бунчалик ўрнига тушиши қийин эди. Ўзимнинг ношудлигимдан нолиб, Маҳкам аканинг зеҳни билан гидрокига тасанно айтишдан бўлак иложим қолмади...

Узоқ марра кўзланганда парвоз яхши бўлади. Маҳкам Муҳаммедов ана шундай — маррани узоқ кўзлайдиган режиссёр. Бу фикрни унинг Республика Ёш томошабинлар театрига бош режиссёр бўлиб ўтганидан кейинги фаолияти ҳам исботлаб турибди. Бу театрда у тўртта спектакль қўйди. Мана улар: Чингиз Айтматовнинг «Оқ кема»си, Виктор Гюгонинг «Гаврош»и, Раҳмат Файзийнинг «Ўз уйингдасан»и ҳамда Анвар Обиджоннинг «Қўнғироқли ёлғончи»си. Бу спектаклларнинг ҳар бири ҳақида узоқ гапирса бўлади, лекин, ўйлайманки, уларнинг номлариёқ кўп нарсаларни айтиб турибди.

Бу ўринда бир-иккита фактни келтиришнинг ўзи кифоя бўлса керак. Маҳкам аканинг бу театрдаги биринчи спектакли — «Оқ кема». Болаларнинг севиқли ёзувчиси Анвар Обиджоннинг драматургияга қўл уриши ҳам унинг фаолиятига боғлиқ.

Қолган икки асарни (В. Гюгонинг «Хўрланганлар» романи асосидаги «Гаврош» ҳамда Р. Файзийнинг «Ҳазрати инсон» романи асосидаги «Ўз уйингдасан» пьесалари) режиссёрнинг ўзи буюртма бериб ёздирган...

Совет адабиётининг фахри бўлган Чингиз Айтматов «Оқ кема»ни кўриб, жуда севинган ҳамда театрнинг дафтарига илиқ сўзлар ёзиб кетган.

Минг эшитгандан бир кўрган афзал, деган гап бор. Маҳкам Муҳаммедовнинг инсонлик, ижодкорлик хусусидаги фази-латларидан кўп гапирса бўлади. Бироқ, унинг республика телевидениесидаги йигирма йилдан ошиқ хизмати, Сирдарё область театрида, Ёш томошабинлар театридаги фаолиятини назарда тутсангиз, яъни, юқорида номлари зикр этилган спектаклларни кўрсангиз ҳам, унинг қай даражадаги истейдод билан салоҳият, қай даражадаги гражданлик савиясига эга эканлигининг гувоҳи бўласиз.

Бу кичик қутловни «Бизнинг режиссёримиз» деб атаганим — Маҳкам ака билан анча-мунча ҳамкорлик қилганим учунгина эмас. Бу гапларни драматург сифатидагина эмас, би-томошабин, маданиятимизнинг бир мухлиси сифатида ҳам ёзганман. Биз истейдодли одамларни доим кадрлаймиз. Маҳкам Муҳаммедов истейдодли, салоҳиятли санъаткор сифатида жамиятимиз учун жуда керакли одам. Демак, у — менинг режиссёрим, сизнинг режиссёрингиз.

Ана шу одам — бизнинг режиссёримиз, халқимизнинг режиссёри эллик ёшга кирди. Уни умрининг қутлуғ санаси билан сизнинг номингиздан ҳам қутлайман. У жамиятимиз, санъатимиз равнақи йўлида янада катта парвозлар қилишига сизнинг номингиздан ҳам ишонч билдираман.

Режиссёримизга янада омонлик, янада камолот тилайлик!



Нурали Қобул

Нурота камалаги

Санъаткорнинг мармардан безак бериб бунёд этган биоларини ёзувчининг халққа манзур бўлган романи билан таққослаш мумкин.

ГЮГО

Районим Нурота, тоғлар ораси,
Отим Эргаш, Жуманбулбул боласи...

Чўл бағридаги чаман — Навоий шаҳрини ортда қолдириб, бепоен яйловлар ва тоғлар оша эртактарда мадҳ этилган турнакўз булоқлар маскани Нуротага кириб борар экансиз, ўзбек фольклорининг асосчиларидан бири, ўзбек совет адабиётида илк бор доҳий Ленин образини яратган халқ бахшиси Эргаш Жуманбулбулнинг юқоридаги сатрлари ёдга тушади. Бу сатрларни ўқий бошлаганимда ҳамроҳим Шукур Нурбоевнинг кўзи ёшланди. Ҳозир область радиоштитириш комитетининг раиси бўлиб ишлаётган бу камсуқум йигит машҳур халқ оқинининг невараси. Бобосига тегишли бирор сўзни ҳаяжонсиз тинглай олмайди.

— Халқ бахшисининг бу сўзлари район чегарасига ёзиб қўйилса яхши бўлар экан,— дедик Нурота район партия комитетининг биринчи секретари Мунаввара Қурбоновага.

Секретарь бизни қувватлади.

Шу тариқа жаҳонга ўзининг бебаҳо мармари ва қоракўли [Бухоро қоракўлининг асосий қисми ўтмишда ҳам, ҳозир ҳам Нуротада етиштирилади] билан машҳур Нуротага сафаримиз бошланди. Қўйчилик ва мармар ҳақида гап кетаркан, беихтиёр ёдга шу район партия комитетининг биринчи секретари бўлиб ишлаган, Навоий область партия комитетининг иккинчи секретари бўлиб ишлаётган, чўпон фарзанди Ҳожиқул Худойқуловнинг сўзлари хаёлга келади.

— Дунёда мутлақо чиқитсиз иккита ишлаб чиқариш соҳаси бор. Бу қўйчилик билан мармар. Қўйнинг жунидан тортиб қийгача фойдаланилади, мармарнинг ушоғгача ишлатилади. Шарқ удумига кўра, чўпон касбини фарзандига топшираётиб, таёғини ўпади. Биз эса, халқимиз фаровонлиги, юртимиз равнақига хизмат қилаётган бу мармар тоғлар ва саҳий табиатга қанчалик таъзим қилсак ҳам оз.

Иттифоқимизнинг қаерида мармар ҳақида гап кетмасин, беихтиёр камалакранг Ҳозгон мармари тилга олинади. Дарвоқе, муҳташам Кремль Съездлар саройидан Прага метросигача [Московская станцияси] сайқал беришда қўл келаётган Ҳозгон мармарига талаб кун сайин ортиб бормоқда. Мутахассислар фикрича, бундай ранг-баранг мармар дунёнинг ҳеч бир бурчагида йўқ. Кўлами бўйича ҳам Ҳозгон мармари дунёда биринчи ўринда туради.

...Минг тўққиз юз ўттиз тўртинчи йилда инженер Я. Лук томонидан ишга туширилиб, илк бор Москва метроси учун маҳсулот берган Ҳозгон конининг тарихи ўтмиш халқ сангтарошлиги ва меъморчилигига бориб туташади. Негадир бу сеҳрли воҳада «илк бор» ёки «биринчи» деган сўзларга тез-тез дуч келасиз. Биринчи ўзбек совет ҳайкалтароши Ҳозгонлик уста Абдурахим Турдиев шогирди Абдулла Ҳайитов билан илк бор доҳий Ленин ҳайкалини яратиб, Туркистон ҳукуматиға совға қилди. Урта Осиёда сангтарошликни олий санъат даражасига кўтара олган бу тенгсиз халқ устаси инқилобдан бурун ҳам диний хурофот ва ақидаларга қарши ўлароқ тоштарошлик санъатининг бетақрор намуналарини яратди. Уста ўзини амир ва беклардан олиб қочиб, оддий халққа керакли бўлган буюмлар ясашни ҳаётининг мазмуни деб билди.

Босмачилар биринчилар қаторида Шўролар тарафига ўтиб кетган машҳур устани кечирмадилар. Ярим тунда отанинг уйига бостириб киришди. Қўл-оёғини боғлаб ҳушидан кетгунча дўппослашди. Улар бу билан ҳам кифояланишмади. Ярим йўлдан қайтиб келиб, унинг ҳамма тишини уриб синдиришди. Уста неча кун ҳушсиз ётганини билмайди. Воқеадан хабар топган кўшниси келиб унинг жонига ора киради, қўл-оёқларини ечади.

Эндиликда уста Абдурахим Турдиев сайқал берган Бухородаги Ситораи Моҳи Хоса меъморлик ансамбли ва Алишер Навоий номидаги Ўзбек Давлат Катта опера ва балет театрининг муҳташам биноси ўлмас санъат ва эзгуликнинг рамзи бўлиб қад кўтариб турибди.

Ҳозгон қишлоғидаги қадимий ҳовузга сув мармардан ишланган шер бошидан кириб, балиқ оғзидан чиқиб кетади. Устанинг Ленинград сафаридан сўнг яратилган бу асарлари ўзининг бетақрорлиги билан кишини мафтун этади.

Ўтмишда ва ҳозирда ҳам Кашкаш тоғидан нафис буюмлар ясашга қулай юпқа мармар олинган. Бу ноёб мармардан ҳар хил товоқлар, болалар ўйинчоқлари ва хотин-қизлар учун безаклар ясалган. Бу анъанани эндиликда тиклаш ва муваффақиятли давом эттириш учун барча имкониятлар бор. Фақат мутасадди ўртоқларга истак ва жонбозлик етишмай турибди.

Ҳозирги кунда Бухоро тарихи музейининг фондида сақланаётган беш юздан ортиқ антиқа мармар лаганлар, сандал устига қўйиладиган маҳсус мослама, қувур ва ғаройиб тарновлар сангтарош, наққош Абдурахим Турдиев ижодини чўқур ўрганиш, унинг хотирасини абадийлаштиришимиз кераклигини тақозо этади.

Ҳозгон қишлоғида ўнинчи аср архитектурасининг ажойиб намунаси Шоҳимардон ота мақбарасини кўрганда авлодлар ақл-заковати ва меҳнатига таҳсини ўқийсан киши. Бу Урта Осиёда Мавритания усулида қурилган илк меъморчилик обидасидир. Жуда йирик мармар устунларга мутаносиб равоқ ва пештоқлар... Урта Осиёда бу усулда қурилган яна бир обида Самарқанд областининг Советобод районидаги Аработа ансамблидир. Мармар бўлаклари бириктириш учун ўтмиш халқ усталари жинчкон дея атагувчи алебастрнинг антиқа бир турини қўллашган. Тошкентдаги қатор биоларга қопланган мармар бўлаклари икки-уч йил ўтмай кўчиб тушяпти ёки бўлакларнинг туташтирилган жойидан оқиб чиққан суоқликдан оппоқ мармар хира тортиб қоляпти. Мутахассисларимиз жинчконнинг таркибини ўрганиб чиқиб, Бухоро ва Самарқанд обидаларини таъмирлаш ишида ва янги қурилишларда қўллалсалар фойдадан холи бўлмас.

Уста Абдурахим Турдиев Шоҳимардон ота обидасини бир неча бор реставрация қилиб, каптар уя қурадиган қўшимча пештоқлар ясади. Бироқ бу бебаҳо ёдгорликнинг бугунги аҳоли ачинарли. Нурота район партия комитетининг ташаббуси билан Шоҳимардон ота ансамбли базасида Ҳозгон мрамари тарихи музейини ташкил этиш масаласи кўтарилди, дастлабки ишлар амалга оширилганди. «Навоиймармар» ташкилоти бўйсунадиган Ўзбекистон ССР саноат қурилиши материаллари министрлигида бу хайрли мақсад учун 175 минг сўм маблағ ажратилиб, республика Маданият министрлиги тақдим этилган эди. Сен солар, мен солар, отга емни ким солар, деганларидек икки министрлик ўртасидаги иш ўлда-жўлда қолиб кетди. Меъморлик обидаси эса, усталаримизнинг ҳаётбахш қўлини кутиб ярим вайрона ҳолида ётибди.

Буюк ипак йўлининг Кармандан кейинги манзилгоҳи бўлган Ҳозгон ўрта аср қишлоқларининг бугунги кунгача етиб келган ғаройиб намунаси. Бундай музей қишлоқлар Шарқда тобора камаяиб борапти. Қизғин шундаки, бу атрофда мрамардан бошқа тош йўқ. Шунинг учун қишлоқ кишилари азал-азалдан қурилишда мрамар чиқиндиларини ёки бошқа жинслар аралашган ярим мрамар тошларни ишлатишган. Шу тарихи узоқ аср мобайнида бу ерда оппоқ мрамар қишлоқ бунёдга келган. Бу антиқа қишлоқни бемалол туристик маршрутга киритиш мумкин. Бу масала ҳам бир кўтарилган эди. Бироқ Шоҳимардон ансамблини таъмирлаш муаммоси муаммолигича қолиб кетганлиги туфайли бу иш ҳам сувга чўккан тошдек ўз-ўзидан тинчиб кетди.

Шу ўринда яна бир нарсани таъкидлаб ўтиш жоиздир. Ҳозгон қишлоғида ранг-баранг мрамардан ёдгорлик совғалари ишлаб чиқарадиган цех ташкил этиш керак. Бу иш билан фақат қишлоқ мактабининг ўқитувчиси Эркин Абдуллаев бошлиқ ўқувчи-сангтарошлар шўғулланишади. Улар мактаб қошида ташкил этган мўъжазгина музей бу соҳада кенг миқёсда иш олиб бориш мумкинлигини, ёш сангтарошлар фаолиятини халқ учун гоят зарур бўлган мақсадларга йўналтириш кераклигини тақозо этади. Лекин бу иш билан бирорта республика, область ёки район ташкилоти жиддий шўғулланаётгани йўқ...

Эрамизнинг бошларидаёқ Нуротада коризлар қазила бошланган. Бу ерда жами 363 та кориз бўлиб, уларнинг ҳар бирида 100—250 тагача қудуқ бўлган. Бир-бирига туташган бу қудуқлардан ўша пайтда халқ деҳқончилигига етгулик даражада сув оққан. [Ҳозир Нуротада сув йўқлиги учун бутун бошли районда деҳқончилик қилинмайди]. 1960 йилга қадар бу коризларнинг энг сўнгилари тозаланиб, уларнинг сувидан фойдаланиларди. Энди эса 363 кориздан фақат биттаси — ташландиқ ҳолдаги Калтакориздангина жилдираб сув оқиб турибди. Қурилишга қарийб минг йилдан ошган, шарқда суғориш санъати, деҳқончилик маданиятининг ноёб намунаси бўлган бу обидани муҳофазатга олиш, асраб-авайлаб, уни авлодлар учун сақлашни ҳеч ким ўйлаб кўрмаётар. Район Совети икромия комитети областнинг «Навоийдренаж» трестига 810 метр узунликдаги Калтакоризни реконструкция қилиб, ундан фойдаланишга кўмак беришни сўраб хат ёзди. Бироқ ҳалигача «Навоийдренаж»дан садо чиқмади. Коризни реконструкция қилиб фойдаланиш — масаланинг бир томони. Энг муҳими — Калтакориз суғориш санъатининг ноёб иншооти. Унинг теварак-атрофини махсус девор билан ўраб, ибратли меҳнат ва санъат қошонасига айлантириш ҳақида ўйлаш керак. Тезда бу ишга киришилмас экан, Калтакоризнинг ҳам суви қуриб, кўмилиб кетиши ҳеч гап эмас.

Искандар Зулқарнайн боқинларининг изи қолган Нур қалъаси Мовароуннаҳр тарихининг зарҳал саҳифаларини ташкил этади. Гоят бой ва серунум Зарафшон воҳаси, яъни Сўғд ҳамда Бухоро ерларининг теварак атрофи тоғлар билан қўршалган. Бу афсонавий диёрга ўтмишда икки томондан — Жиззах шахри яқинидаги Темуранг дарвозаси [халқда Илонўтти ҳам дейилади] ва Нурота орқали кирилган. Искандар ҳам Сўғда Нурота тизма тоғлари орқали кириб келган ва коризлар қурилишда халққа кўмак берган.

Нур қалъаси ўртасида ҳукмдор яшайдиган Арк бўлган. Қалъа атрофи пишиқ лойдан қилинган қалин қиштинг девор билан ўралган. Бу қалъани забт этиш доимо душман қўшинлари учун қийматга тушган. Қалъа этагидаги гоят серсув чашма Нуротани оби-ҳаёт билан таъминловчи асосий манба бўлган.

Ўзбекистон Маданият министрлигининг маданий ёдгорликларни консервациялаш ва реставрация қилиш, пойиха-қидирув

илмий-текшириш институти ходимлари олиб борган илмий-тадқиқот ишларидан сўнг «Чашма ва Арк» тарихий меъморчилик кўриқхонасини ташкил этиш масаласи кўтарилди, кераклик ҳужжатлар тайёрланди. Меъморчилик кўриқхонаси фақат туристлар ташриф буюрадиган жой бўлмади. Унинг территориясини ободонлаштирилиб, шарқона бозор ва ҳунармандчилик расталари, доривор ўтлар билан харид қилувчи дўконлар, чойхона ҳамда шарқона ресторан қурилади. Беш минг томошабинга мўлжалланган «Наврўз» амфитеатрида халқ сайллари ва турли спорт мусобақалари ўтказилади. [Бундай амфитеатр Зулқарнайн даврида ҳам бўлган] Чашма бўйидаги Чилстун ва Гумбаз мачитларида Улкашунослик ҳамда халқ амалий санъати музейлари фаолият кўрсатади. Меҳмонлар истасалар шинам меҳмонхонада ёки ўтовларда яшашлари ҳордиқ чиқаришлари мумкин. Бироқ бу хайрли тадбир ҳамон қозғоқда қолиб кетаётир... Бунинг учун жон куйдирадиган кишилар топилмапти шекилли.

Бироқ Нуротанинг шон-шарафи бўлган Ҳозгон мрамари проблемаси бугунги куннинг ёш масаласи бўлиб турибди. Бугунги кунда «Навоиймармар» номи билан юритилувчи бу йирик корхонага қарашли Ҳозгон, Нурота ва Оқтов карьерлари ҳар йили истезъмолчиларга 20 минг кубометр тайёр мрамар блокларини етказиб бераётир. Совет Иттифоқининг ўнлаб марказий шаҳарларидаги қурилиш объектлари йилга 60 минг тонна мрамар ушоқларини оломқда.

Корхона бошлиғи Нуриддин Эгамов ташкилот маъмурий биносидagi мўъжазгина музейда ярқираб турган тўққиз хил мрамар плитасини кўрсатар экан, «Италия ва Германия Федератив республикасида келган мутахассислар бизнинг мрамарни кўриб ҳайратдан ёқа ушладилар», дейди. Эйтибор бериб кузатилса, Ҳозгон мрамарида учрамайдиган рангининг ўзи йўқ. Нурота карьеридан эса, Италиянинг машҳур оқ мрамари билан беллашадиган оппоқ мрамар олинаётир. Ҳозгон ва Нурота мрамарига эҳтиёж борган сари кучайиб борапти. Эгамовнинг иш столи ўстидаги телеграммаларни ўқигунча зеркиб кетасиз.

Москва. 143/902. Ҳозгон. Шартномадаги блокларни тезда жўнатиш. Ишга тушириладиган станцияда иш тўхтаб қолди.

Метромрамор. Цюпка.

Витебск. 15/4972 наряд бўйича келишилган мрамар ушоқларини жўнатиш. Озиқ-овқат программаси объектларида иш тўхтаб қолади.

Унинчи қурилиш трести.

Тошкент. «Наваимрамор»га. «Олтойпромстройматериалов»га 15/4985 наряд бўйича икки вагон мрамар ушоғи юборинг.

Узминстройматериалов. Воробьев.

Тўқмоқ. Қирғизистон ССР. Ҳозгон. Эгамовга... Мрамар блокларини кутяпмиз. Иш тўхтаб қолиш хавфи бор. «Тўқмоқстройматериалов». Бабаков.

Бундай телеграммаларнинг кети узилмайди. Мрамарчиларнинг эса, қўли-қўлига тегмайди. Йилга 20 минг кубометр мрамар блоклари ва 60 минг тонна мрамар ушоғини автотранспортдан Навоий шахрига етказиб, ундан вагонларга ортиб тегишли адресларга жўнатишнинг ўзи бўлмайди.

Хўш, бу ерда меҳнат қандай ташкил этилган? Ишлаб чиқариш жараёни қай йўсинда? Меҳнатни ташкил этиш партия қўяётган талаблар даражасидами? Ишчиларнинг унумли меҳнат қилиши учун қандай шароит яратилган? Фан ва техника ютуқларидан ўринли ва самарали фойдаланилаетими? Корхонани замонавий асбоб-ускуналар билан реконструкция қилиш масаласи қалай?

Келинг, корхона бош инженери, ўз ишининг билимдони Абдумажид Абдурашидовнинг хикоясини тинглайлик.

— Дунёда энг катта мрамар кони ҳисобланган Ҳозгонда мрамар қатламлари ер текислигига нисбатан 35 градус қияликда жойлашган. Шунинг учун бу ерда тош кесиш машиналаридан фойдаланишнинг иложи йўқ. Мен Италиянинг Каррара тоғларидаги мрамар конларида бўлгандим. Улар шахта усулида, мрамарни ёғдек қилиб сим арқонлар билан кесиб олишяпти. Сим арқонларни биз ҳам синаб кўрдик. Бўлмади. Бизда мрамар қатламлари орасида тўроқ ва бошқа тоғ жинслари кўп

учрайди. Олимпаримиз етказиб бераётган машиналар хориклик ҳамкасбаримизники билан беллаша олади.

Мармарни асосий массада ажратиб олишда ишлатиладиган суюқлик қоғизи [НРС], КМ-26 қурилмаси ва 25 тоннагача юк кўтарадиган ўзиноран кранлар меҳнатимизни енгил қилаётир. Москвадаги Бутуниттифоқ қурилиш материаллари ва хом ашё илмий-тадқиқот институти олимплари тавсия этган қоришма бизга жуда қўл келаётир. Бу суюқлик маълум нормада сув билан аралаштирилиб, пармаланган чуқурчаларга қўйилади. Беш соат чамаси вақт ўтгач унинг таъсир кучи бошланади. Процесс 48 соат давом этади. Бу моддадан ҳаво температураси 25 градусгача бўлганда фойдаланиш мумкин. Иссиқ пайтида қўлланилса, модда ён томонга кенгаймай портлаб, отилиб, чиқиб кетади. Ҳозиргача тажриба яхши натижа берапти.

Шу институт бизга жадал қазिश станогини ҳам етказиб бериши керак. Сифатли пармалаш мармар бўлагини асосий массада ажратишда муҳим аҳамиятга эга. Чунки яхши пармаланган массада майда, кўзга кўринмас ёриқлар пайдо бўлмайди. Бизда ҳозир пармаловчилар кечаси ишлаш олмайди. Бу аппаратга программа бериб қўйилса бўлди, кечаю кундуз ишлайверади. Фақат техника назорати яхши йўлга қўйилиши керак. Италиялик ҳамкасбаримиздан харид қилган Бенетти ва Пеллигринни кранлари ҳам жуда бизбоп.

Костромада ишлаб чиқарилган СМР—014 станогини [олмос диски Бельгияники] яхши фойдаланилса бир кунда минг квадрат метр тош кесади. Бизга ана шундай замонавий станоклар керак. Биз ҳамон бир законлар Тошкент тажриба механика заводида ишлаб чиқарилган КРС—5 тош кесиш станогини ишлатялмиш. Техника тараққиёти юксалаётган кунда бундай ибтидоий станоклардан фойдаланишга уяласан киши. Заводга ташриф буюрган меҳмонларга бу станокларни кўрсатиш ҳам ноқулай. Лекин бизни ҳамон, шу станокдан оласан, деб тикилиш қиладиган ўртоқлар министрлигимизда йўқ эмас. Агар бундай ҳол давом этаверса, меҳнат унумдорлиги ҳақида оғиз очмаса ҳам бўлади.

Хуллас, Ҳозгон мармарчиларининг дарди кўп. 1977 йилдаёқ Ҳозгонда карьерлар ишини яхшилаш ва кенгайтириш учун қарийб уч миллион сўмлик лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланган эди. Ленинграддаги «Союзпронеруд» институти томонидан батафсил ўрганилиб тайёрланган бу ҳужжатда Ҳозгон мармарининг порлоқ истиқболи белгилаб берилган. Шундан сўнг институт Нурота карьеридан ҳам илмий-амалий фойдаланишнинг ҳужжатларини тайёрлади. СССР ва Ўзбекистон ССР санаот қурилиши материаллари министрликлари томонидан маблағ ажратилмаётганлиги туфайли бу истиқболли режа амалга ошмай турибди. Корхона ҳар йили бир миллион 125 минг сўм соф фойда беради. Яқинда 220 минг сўм маблағ ажратилди, бироқ қурилиш ишларини бажарадиган, ишни сифатли уддалайдиган ташкилотни топиш бир муаммо бўлиб турибди.

Минглаб киши истиқомат қиладиган мармарчилар шаҳарчаси неча йилдири, табиий газ келишини кутади. Агар Ҳозгонга газ олиб келинса, бу ерда Ўрта Осиёда энг сифатли оҳак берувчи завод қуриш имкони туғиларди.

1970 йилдан бошлаб Нурота карьери ғоят танқис оқ мармар етказиб берапти. Сутдек оппоқ бу мармар жаҳон бозорида қиммат туради. Ҳозгон мактаби аънавалари асосида очилган Нурота карьериде дастлаб мармар ушоқлари ишлаб чиқарадиган тегирмон қурилди. 1972 йилдан бошлаб эса йирик блоклар бера бошлади. Нурота мармарларини яроқли плита чиқиш коэффициенти юксак. Бошқа мармарларга қараганда қаттиқ бўлганлиги туфайли ҳар қандай таъсирларга чидамли. Таркибида темир моддаси кам бўлганлиги учун у «зангламайди», яъни ёриқлар пайдо бўлмайди. Бу мармарнинг ўзига хос яна бир хислати шундаки, у ўзидан қуёш нурини ўтказмай, шу билан биргалликда қуёш нурини тўсади. Лекин қоронғулик ҳосил қилмайди. Карьерда йилга 3200 кубометр аъло сифатли оқ мармар блокли ишлаб чиқарилмоқда. 42 минг тонна мармар ушоқлари тайёрланаётир. 1979 йили Нурота мармарига Давлат Сифат белгиси берилди. Шу карьернинг филиали ҳисобланган Қорамўлада икки миллион кубометр мармар кони тегириб кўрилди. Келгусида 7800 кубометрли Оқтов карьерини очиш керак. Бу ҳам жуда сифатли оқ мармар. Оқтов карьерини фойдаланишга топшириш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири бўлиб турибди. Нурота карьериде ниҳоятда оғир иш — мармар бўлакларини асосий массада ажратиб олиш қўлда

бажарилади. Техника кучидан фойдаланишни йўлга қўйиш карьерни замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлашга ажратилган катта миқдордаги маблағ банкка келиб тушмаётганлиги туфайли бу борада силжиш рўй бермаётир.

— Корхонани аллақачон ўз ҳисоб-китобига эга ҳўжалик ҳисобидеги ташкилотга айлантириш керак эди, — дейди Нурота карьерининг бошлиғи Шоди Фозилов. — Ҳозгон карьерининг соясиде қолиб кетялмиш. Бизга қурилиш бўлсайди. Қорамўлада ушоқ ишлаб чиқарувчи тегирмон қуришимиз керак. Ишлаб чиқариш жараёнини кўрдингиз. Эски усулда ишлялмиш.

— Ҳозир биз ишляётган тегирмонни зудлик билан бошқа жойга кўчирмаса бўлмайди. Сабаби — тегирмон район марказининг шундоққина биқинида. Одамлар соғлигини ўйлашимиз керак, — дея суҳбатга қўшилади цех партия ташкилотининг секретари Раҳмат Остонов.

— Еқа ушлайдиган яна бир воқеа шуки, — куйиб-пишиб сўзлайди Шоди Фозилов. — Илгари Ҳозгонда корхонамизнинг ўз қурилиш участкаси бўларди, бизнинг карьерда ҳам унинг филиали бор эди. Эҳтиёжлар ҳисобга олинми, энг зарур ишлар бажарилар ва шунга яраша ҳақ тўланарди. Ишнинг қандай кетаётганига кўз-қулоқ бўлиб турар эдик. Сифатсизлик ва сусткашликка йўл қўймасдик. Кимнингдир «доно» фикри билан бу қурилиш участкаси Самарқанддаги 11-механизациялашган кўчма колонна ҳисобига ўтказилди. Бу колонна вакили илгари бу ерга ҳафтада бир келса, ҳозир ойда бир келади. Шунда ҳам ишни жонлантириш, муаммоларни ҳал қилиш учун эмас, кўйининг қатигини ичиб, дам олиб кетиш учун келади. Бошқа область марказидеги ташкилот ўз участкасини назорат қилиш имкониятига эга эмас. Участка корхонага бўйсунганда жуда кўп иш қилинган бўларди. Ҳозир эса ишнинг на боши, на охири бор. Ана шу қурилиш участкаси қайта «Навоиймармар» корхонасига олиб берилса, қурилиш ва ободончилик ишларимизда силжиш бўларди.

— Бу воҳанинг келажиги, биз орзиқиб кутаётган эзгу ишлардан бири — Нуротага темир йўл келтирилишидир. Бу масала билан деярли барча бўғиндаги область, республика ва Иттифоқ ташкилотлари шўғулланаётир. Бироқ бу шўғулланиш жуда чўзилиб кетяпти, — дейди «Навоиймармар» корхонаси партия ташкилотининг секретари Шоди Назаров. — Биласизми, агар Нуротага темир йўл келса, мармарнинг таннархи арзонлашибгина қолмай, бутун воҳанинг халқ ҳўжалигида катта ўзгаришлар юз берарди. Бир йилда транспорт харажати учун 800 минг сўм тўланади. Агар шу юк темир йўлда ташилса, бор-ўтти 167 минг сўм сарфланарди. Кимга фойда, кимга зиён! Ўттиз беш километрлик бу йўл қурилиши Томди ва Нурота районлари экономикасининг ривожига ижобий туртки бўларди. Томди районининг айрим ҳўжаликларига автомобилда 300 километр йўл босиб юк ташилади. Агар темир йўл қурилса, бу масофа жуда қисқарарди.

— Мен қирқ йилдан буён шу корхонада ишляйман — дейди республикада хизмат кўрсатган бинокор Саттор Қаҳҳоров. — Маҳсулотимизнинг 53 проценти Тошкент областидаги Ҳазалкент заводига жўнатамиз. Узимиздаги заводни кенгайтириб, Ҳазалкентда қилинадиган ишни шу ерда ҳам бажариш мумкин-ку! Шундай қилинса, давлатимизнинг қанча маблағини тежаб қолардик... Бунинг учун фақат сув масаласини ҳал қилиш керак. Навоий шаҳридан сув келтиришнинг ҳисоб-китобини қилиб кетишганди. Лекин ҳамон натижа бўлмайоти.

Юқориде қайд этилган проблемалар Иттифоқимиздаги ўнлаб чинни заводларини маҳсулот билан таъминлайдиган Нурота тоғидаги Лангар кон бошқармасига ҳам тааллуқидир. Бу корхона дала шпатида чиннисозлик учун хомаше етказиб беради. Йилига корхона 2 миллион 720 минг сўмлик маҳсулот тайёрлайди. Москва, Ленинград, Украина, Белоруссия ва Қозғистоннинг йирик санаот корхоналари лангарлик кончилардан маҳсулот олишади.

Кон бошқармаси директори Қўзибой Ирисқулов билан суҳбатда бир нарсa маълум бўлди. Лангар маҳсулоти СССР территориясидеги йигирма тўрт санаот корхонасига жўнатилар экан-у, коннинг шундоққина биқинидаги Самарқанд чинни заводи шу хом ашё Самарқанд чиннисининг сифатини бузар эмиш. Бу хулосага ишонмаган чиннисозлар 60 тонна хом ашёни олиб бориб, синаб кўришибди. Натижа кутилгандан ҳам зиёда бўлиб чиқибди... Дарҳақиқат, бир пайтлар ёзилган қоғозларни асос қилиб олмасдан изланми, завод ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш учун асқотадиган қулай имкониятлардан фойдаланмаслик кимга керак!

Бу саховатли воҳа нечун бу қадар бебаҳо мраммарга бой! Урта Осиё территорияси ўрнида миллион йиллар бурун Тетис океани бўлган. Мраммар тошлар ўша сув остидаги ётқиқиқлардир. Бу ётқиқиқлар чўкиш ва катта босим натижасида мраммарга айланган. Сўнгра магма (Вулқон ҳаракати) натижасида мраммар қатламлари ёрилиб турли қалинликда гранит ва диаритга ўхшаган жинслар ер юзасига чиқиб қолган.

Урни келиб қолди, бир мулоҳазани айтиб ўтайлик. Мраммар кўчада ётган оддий тош эмас. Бу қимматбаҳо маҳсулот чиқитидан кишилар меъёридан ортиқча, баъзида ҳатто бачкана мақсадлар учун фойдаланяптилар. Истардикки, «Навоймраммар» раҳбарлари тегишли чора-тадбирларни кўрсалар, мраммарнинг талон-тарож бўлишига йўл қўймасалар. Блокларнинг


сифатига ҳам эътиборни кўчайтириш керак. Тошкент қурилишларида ишлатилган мраммар тахталар икки-уч йилда ёрилиб, бинолар ремонтталаб бўлмоқда.

Ҳал қилиниши керак бўлган проблемалар бошида Деҳлидаги Бобурийлар қўрган Тож-Маҳал ансамблидан тортиб, Ленин Марказий музейининг Тошкент филиали, қардош Вьетнам халқининг улў фарзанди Хо Ши Мин мавзолейи, Москва ва Тошкент метроларида сайқал топган, топаётган камалакранг Гозғон мраммарини ишлаб чиқаришни ҳозирги кун талаби даражасига кўтариш муаммоси турибди. Шундай қилинганда бугунги авлодлар меҳнати ва санъатининг рамзи бўлган мраммарнусха бинолар янада кўркам ва сержило бўлиб, ҳақиқий санъат даражасига кўтарилади.



Улкамиз тоғлари — битмас-туғанмас бойлиқлар ва оби ҳаёт манбаи

С. МАҲКАМОВ фотоси



«Ёзувчининг асл мақсади...»

Ёзувчи ҳар бир авторнинг ҳақиқатда бераётган нарсасини унинг ўзи бердим деб тасаввур қилаётган нарсасидан ажрата билиши зарур.

Асарларимда қандай камчиликлар бўлмасин, уларнинг қиймати шундаки, улар бадий жиҳатдан бир бутун асардир: бунга эса фақат менинг методим билан эришиш мумкин — улар олдимда яхлит тайёр ҳолда турмагунча матбаага бермаслик керак.

Бу импровизаторлар буюк шоирлар ҳам бўлганини бирон кимса бирон вақт эшитганми! Поэзияда қандай бўлса, сиёсатда ҳам шундай. Революциялар ҳеч қачон буйруқ билан қилинмайди.

Нодонлик — иблисона кучдир, шунинг учун биз у кўп фожиаларга сабаб бўлмасмикин, деб хавотирдамиз. Машҳур грек шоирларининг Микен ва Фив подшо хонадонлари турмушидан олиб ёзган ҳаяжонли драмаларида нодонликини фожиали қисмат шаклида тасвирлашлари бежиз эмас.

Санъатга келсак, шу нарса маълумки, унинг муайян даврларда гуллаб-яшнаши жамиятнинг умумий ривожига, демак, жамият тузилишининг скелети бўлган моддий негизининг ривожига ҳам ҳеч бир мувофиқ келмайди. Масалан, грекларни ёки Шекспирни ҳозирги халқлар билан солиштирсак, худди шуни кўрамиз. Санъатнинг баъзи бир шакллари тўғрисида, масалан, эпос тўғрисида, ҳатто шундай бир фикр қабул қилинганки, бу фикрга кўра жаҳон тарихида бутун бир даврни ташкил этувчи бу шакллар ўзларининг классик қиёфаларида бадий ижод пайдо бўлгандан буён такрор яратилиши мумкин эмас; шу тариқа, санъат соҳасида унинг маълум аҳамиятга эга бўлган баъзи шакллари санъат тараққиётининг қуйи босқичларидагина вужудга келиши мумкин экан.

Греклар мифологияси греклар санъатининг хазинаси бўлиши бараварида бу санъатга замин ҳам бўлган. (...) Ҳар қандай мифология ҳам табиат кучларини хаёлда ва хаёл ёрдами билан енгади, ўзига бўйсундиради ва шакллантиради; демак, мана шу табиат кучлари устидан ҳақиқатда ҳукмронлик қилиш бошланиши билан мифология ҳам тамом бўлади. ...Греклар санъатига грек мифологияси, яъни халқ фантазиясида онгсиз-бадий тарзда аллақачон қайта ишланган табиат ва ижтимоий формаларнинг ўзи замин бўлди. Бу унинг материали. Бироқ, унга ҳар қандай мифология ҳам, яъни табиатнинг онгсиз-бадий тарзда қайта ишланиши ҳам материал бўлавермайди. Миср мифологиясининг греклар санъатига ҳеч вақт замин ёки она оғуши бўлиши мумкин эмас эди. Ҳар ҳолда, қандайдир бошқа мифология бундай хизматни ўтай олмас эди.

Ҳарф босиш станогини ва айниқса босмаҳона машинаси кашф этилган замонда «Илиада» асарининг ёзилиши мумкинми! Ахир, ҳарф босиш станогини пайдо бўлиши билан дostonлар, ашулалар ва музаларнинг ва, демак эпик поэзия учун зарур бўлган шарт-шароитларнинг йўқолиб кетиши муқаррар бўлиб қолмайдими!

Бироқ бу ердаги мушкуллик греклар санъати ва эпоси ижтимоий тараққиётнинг маълум шакллари билан боғлиқ эканлигини тушуниб олишдан иборат эмас. Бундаги мушкуллик шундаки, бу нарсалар ҳали шу вақтгача ҳам бизга бадий лаззат бериб келаётганини ҳамда маълум даражада норма ва эришиб бўлмайдиган намуна бўлиб хизмат қилаётганини тушуна билишдан иборат.

Санъат предмети ва шунингдек бошқа ҳар қандай маҳсул ҳам — санъатни тушунувчи ва гўзалликдан лаззатлана биладиган одамларни бунёдга келтиради.

Коммунизм — хусусий мулкнинг — инсоннинг ўз-ўзини бегоналаштиришининг — ижобий бекор қилиниши ва шу тўғрисида инсонлик моҳиятининг инсон томонидан ва инсон учун чинакам эгаллаб олинишидир.

Инсониятнинг тараққиётига жуда кўп таъсир кўрсатган бу энг улў заковат — хаёлот одамзодга қудратли таъсир кўрсатиб, энди оғзаки адабиётни: мифлар, афсоналар, ривоятларни ярата бошлади.

Барҳаёт кучлар дахлсиз қолаверади...

Родерих Бенедикс мени ажаблантирмайди. Агар у ва у сингарилар Шекспири тушунганларида эди, улар қандай қилиб ўз «маҳсулотларини» халойиққа кўрсатишга журъат қила олардилар!

Воз кечиш! Танқидчилик қилувчи филистёр, тараққиёт деган сўздан ҳеч нима англамагани ҳолда, бу воз кечиш деган сўз билан ҳар қандай тараққиётни ёмонотлиг қилиши мумкин; ўзининг тараққиётига қобилияти йўқ ношудлигини у тантанали суратда ахлоқий мусаффоликдай бунга қарама-қарши қилиб қўйиши мумкин.

Донишмандлар ҳамиша халқ тани билан кўз илғамас иплар орқали боғланган бўлади.

Ҳатто энг машҳур мутафаккирлар ҳам, муҳокаманинг қандайдир хиралиги тўғрисида, бурунлари остида турган нарсаларни ҳам пайқамайдилар. Кейин шундай пайт келадими, ҳамма ёқда илгари пайқалмаган ҳодисаларнинг излари кўринганидан ҳайрон қола бошлайдилар.

... ҳатто абадий қолишига умид боғлаб ёзилган кўпчилик асарлар учун ҳам муайян давр борки, улар шу даврдагина жуда мароқли ва замонабоп бўлади.

Жаҳон тарихи ҳам ўз нигоҳини ўтмишга қаратишни яхши кўради, ўзига назар ташлайди, бу эса кўпинча уни орқага қараб ҳаракат қилаётгандек ва бир нуқтада қотиб қолгандек қилиб кўрсатади; ваҳоланки бунда у, ў з и н и а н г л а м о қ ч и б ў л и б, ўзи қилган ишларининг — руҳий фаолиятнинг — мағзини маънавий жиҳатдан чақмоқчи бўлиб хаёлга чўмгандай ҳолатда бўлади.

Матбуот доирасига — маъқуллаб ёки қоралаб киритиладиган ҳар қандай объект матбуот доирасига киритилишининг ўзи билан абадий объектга ва, демак, адабий мунозара объектга айланади.

Худди ана шу нарса матбуотни халқ маданияти ва маънавий таълимининг қудратли воситасига айлантиради.



Турсунбой Адашбоев

Боладек

беғубор бўлсин !

ар гал устоз шоирлар Султон Жўра, Зафар Диёр ва Қудрат Ҳикматнинг болалардай содда, ўйноқи шеърларини ўқиганимда, фикрим тиниқлашиб, равшан тортади.

Солиштириб кўрайлик,
Кимнинг хати чиройлик?
Қани, очинг дафтарни
Меникидай хат борми?

Султон Жўранинг «Кимнинг хати чиройлик?» сарлавҳали асари ана шундай қўйма мисралар билан бошланиб китобхоннинг юрагига етиб боради. Ҳар қандай ўқувчи бундай қувноқ шеърларни бир ўқишдаёқ ёд олади. Эки Қудрат Ҳикматнинг энг қисқа вазнларда битилган шеърларини эслайлик:

Осмон тиниқ-зангори,
Беғубор афт-ангори.
«Ассалом!», дەر Ер аста
Қанча орзу-ҳавасда
Офтоб чиқди оламга.

«Лампочка» сарлавҳали шеърда маҳорат билан чизилган ушбу картина ҳам ёдингиздадир:

Тўлқинжоннинг нок нусха,
Лампочкаси бор эди.
Патронга солиш билан
Уйнинг ичи ёриди.

Булар — бизнинг болалик шеърларимиз, беғубор болалигимиз. Шоирнинг сеҳри-қудрати, маҳорати туфайли илк марта бадий сўз кучини бизга англаган сатрлар.

Бугунги кунда кўпгина истеъдодли шоирлар ҳам бу борада ғайрат билан ишламоқдалар. Болалар адабиётига 60-йилларда кириб келган Миразиз Аъзам, Сафар Барноев, Султон Жаббор, Қамбар Утаев, Рауф Толиб, Ҳабиб Раҳматнинг ижоди бир-бирдан тубдан фарқ қилади. Чунончи, М. Аъзамга кўпроқ

фалсафий мушоҳадалар хос бўлса, С. Барноевнинг шеърлари граждандлик руҳи кучлилиги билан ажралиб туради.

Мана, шоирнинг «Амаким» деб номланган шеъри:

Амакимнинг йўқдир икки
Оёғи.
Оёғи — унинг қўлтиқ
Таёғи.
Қўлтиқтаёқ инграб борар
Тўқ-тўқ
Бу дегани урушга йўл —
Йўқ-йўқ!!!

Анвар Обиджон эса қиссадан ҳисса чиқариш борасида моҳир:

Каламуш-эй,
Каламуш,
Саводинг сал
Чаламиш
«Ёз», десалар
«Темир», деб
Сен ёзибсан
«Кемир», деб.

Энди икки оғиз «назария»га ўтсак:

«Юмор — болаларга аталган шеърнинг хамиртуриши бўлмоғи шарт, — деб ўқтиради поляк болаларининг сеvimли шоири Ян Бжехва. — Бир оз юмор, пича ўғит ва фалсафа билан йўғрилган қисқа вазнли, ўт чақнаган қофиялар асосида битилган шеър ўқувчи хотирасида узоқ сақланиб қолади».

«Бадий адабиётда бир вақтнинг ўзида қўш тизгинни ушлаш нақадар зарар эканини ўз бошимдан кечирдим, — дея эътироф этади инглиз болалар шеърятининг асосчиларидан бири Де Ла Мэр. — Катталар учун қанча китоб ёзмайин, ҳақли эътирозларга дуч келдим. Кичкинтойларга аталган биргина шеърлар тўпламим эса мени юксак чўққиларга олиб чиқди. Афсуски, буни кечроқ англадим. Агар дилингда болаларга аталган бирор сеҳрли сўзинг бўлса, уни баралла ифода этишдан асло эринма...»

Сўнги йилларда Абдусайд Кўчимов, Ҳамза Имонбердиев, Оллоберган Пўлатов, Умида Абдуазимова, Кавсар Турдиева, Ҳусанжон Аминов, Саодат Тожи ва Умарали Қурбонов каби ўнлаб ёшларнинг биринчи китоблари босилиб чиқди. Булар, албатта, турлича бадий савиядаги тўпламлардир.

Ҳусанжон Аминов айтмоқчи бўлган гапини мухтасар баён қилишга интилади. Яхшиси, унинг «Қизилиштон» сарлавҳали шеъри билан танишиб чиқайлик:

Нуқта тире,
Тире нуқта.
Вазифани
Бажардим пухта
Дарахтлардан
Суриб ташланди
Ҳашоратлар
Қириб ташланди.
Утай энди
Қайси чорбоққа?
Ердамимга
Мухтож, зор боққа?
Зерикмайман
Бундайн ишдан,
Қабул, қабул,
Мен — Қизилиштон.

Айтиш мумкинки, бу ёш шоир учун жиддий ютуқ. Ҳолбуки, О. Абдурахмон, Р. Исҳоқ каби қаламқашлар ҳам аввалроқ шу мавзуда шеър ёзган бўлсалар-да, бирор янги гап айтолмаган эдилар.

Саодат Тожининг касби ўқитувчилик. Шу боисдан ҳам унинг ижодидаги етакчи мавзу таълим-тарбиядир. Бироқ, унинг «Энг

яхши совға» китобидан ўрин олган эртаклари ўқувчини ишонтирмайди. Ҳаммага маълум гаплар, сўз устида ишла-маслик китобхоннинг ғашини келтиради. «Болта» деб номлан-ган эртақ куйидагича бошланади:

Бўлган экан бир болта,
Болталарнинг болтаси
Номи экан Ойболта,
Болталарнинг каттаси...

«Сичқон ва қопқон» эртагида эса шоир танбал мушукдан ибрат олишга чақиради:

Шундай қилиб Сичқонвой,
Ҳол-аҳволи бўлиб вой
Қопқонда қолиб кетди,
Мушуквой олиб кетди...

Ҳар бир сўзни ўз ўрнида, тежаб ишлатиш, бадий тилимизнинг улкан имкониятларидан самарали фойдаланиш болалар адабиётига ҳам бевосита дахлдорлиги шубҳасиз. Бироқ бу соҳада ҳамма ишлар кўнгилдагидек эмас. Ҳабиб Раҳмат — тажрибали шоир, аммо унинг кейинги китобига кирган бир қатор шеърларидаги қайтариқ сўзлар болаларнинг фикрини ўтмаслаштиради:

Интизор қилмасангиз
Мунча мени, гириттон.
Қани энди, гириттон,
Гаплашайлик бир тўйиб.

(«Дугоналар
учрашганда» шеърдан)

Хурсанд бўлар бир жаҳон,
Қотирибсан, гириттон.

(«Каштачи»
шеърдан)

Энди икки оғиз сўз тақлидчилик ҳақида. Турли йилларда нашр этилган тўпламларни, «Гунча», «Гулхан» журналларини, «Ленин учқуни» газетасини варақлаб ўтириб, қарға тўғрисида олтимшдан ортиқ шеър босилганининг гувоҳи бўлдим. Уларнинг деярли барчаси бир хил савияда, бадий ғўр ёзилган.

Қарға нега қағиллайди,
Қор ёққанда қағиллайди.
Қарғавой энди билсин
«Қағ» сўзин янги қилсин.

Ж. БОЗОРОВ.
«Қарға»

Олақарға тонгданок
Карнай чалар қор деб
Бобом айтар: «Қор есанг,
Олатоққа бор», деб

Д. ПУЛАТОВ.
«Олақарға»

Энди юқоридаги ҳис-ҳаяжондан йироқ, бир томчи сувдек бир-бирига ўхшаш машқларни туркман шоири Оғагелди Алланазаровнинг «Ўрганияпман» сарлавҳали шеъри билан бир қоғиштириб кўрайлик:

Қарға, билган кўшигинг,
Эртаю кеч қорр-қорр.
Чўчитасан жужуқларни,
Овлақ ерга қорр-қорр.
— Кўшигимни эски деб,
Қувлама мени бекор.
Сен машқ қилган «Р» ҳарфин,
Ўрганияпман, қорр-қорр...

Иқтидорли шоир Султон Жаббор 70-йилларда момагулди-рак ва булутлар ҳақида «Қайси амаки чекар тамаки» сарлавҳали шеър ёзган, у куйидаги мисралар билан бошланар эди:

Кўкда чақмоқ чаққан
Қайси амаки?
Йўталади чекиб роса
Тамаки!

Энди Нусрат Абдусаломнинг мазкур шеърга кўр-кўрона тақлид қилиб битган мана бу тизмасига бир эътибор беринг-а:

Бизнинг уйда яшайди,
Печка амаки.
Ҳар йил кишда уч-тўрт ой
Чекар тамаки.

(«Печка амаки»
шеърдан)

Тақлиднинг умри қисқа. Бу зарарли одатни касбга айлантир-ган киши узоққа бормади. Ёш ижодкор Ҳамидулло Муродовнинг гулларни, нурларни севишга бағишлаб битилган машқи ҳам аллақачон айтилган гапларнинг такрори, холос:

Мен гулларни севаман,
Сиз ҳам севинг гулларни.
Мен нурларни севаман,
Сиз ҳам севинг нурларни.

«Ёшлик» журналининг ўтган йилги 12-сонида шоир Муҳаммад Солиҳнинг «Сеҳрли қалпоқ эмас, сеҳрли сўз» сарлавҳали мунозарали мақоласи эълон қилинди. Эътироф этиш лозимки, муаллифнинг мулоҳазаларида жон бор. Агар М. Солиҳ мулоҳазалари конкрет мисоллар билан асослаб берилганида, нур устига нур бўлар эди. Ҳеч кимга сир эмаски, мактабларда фанлардан ўзлаштирмовчи, ялқов, ўқувсиз болалар охириги парталарда ўтиради. Улар ўзларини қанчалик панага олишмасин, барибир сезилиб қолади. Олдинги парта-лардан аёлочи ўғил-қизлар ўрин олиши табиий. Чунки, ўқитувчи учун илғор бола кўзига яқинроқда ўтиргани маъқул. Демак, М. Солиҳнинг мулоҳазасига кўра кўпчилик ёзувчилар охириги парталарда ўтирган «қолоқлар учун» асарлар битаётир, деган фикр келиб чиқади. Бироқ шуни ҳам унутмаслик кераки, ёш китобхонлар айни вақтда К. Чуковский, С. Маршак, С. Михалков, Н. Юсупов, В. Витка, О. Вазиетис, Е. Пиркулиев, К. Мирзалиев, Н. Бақозода, М. Жонғозиев сингари машҳур болалар шоирларининг асарларини ҳам ўз она тилларида севиб ўқимоқдалар. Устоз Миртемир томонидан ўзбек тилига моҳирона ўгирилган А. С. Пушкин, Н. Некрасов ва Ершов эртаклари фарзандларимиз тарбиясига катта ижобий таъсир кўрсатиши табиий.

Лекин, кўлга киритилган ютуқлар соясида қатор нуқсонлар, ҳал қилиниши лозим бўлган муаммолар ҳам бор. Нашри-ётларнинг болалар редакциялари жаҳон ва бутуниттифоқ миқёсидаги болалар шоирлари китобларининг мукамал таржималарини яратишга етарли аҳамият беришмаётир. Бундан бир неча йил аввал С. Маршакнинг «Ёй-камалак» тўплами чоп этилган эди. Бу, албатта, қувончли воқеа. Аммо китобда ўта заиф таржималарга ҳам ўрин берилган. Даъво-мизнинг исботи учун «Темирчи» шеърининг таржимаси билан танишиб чиқайлик. Асли:

— Эй, Кузнец,
Молодец!
Захромал мой жеребец
Ты подкуй его опять
— Отчего не подковать
Вот гвоздь,
Вот — подкова
Раз; два —
И готово!

Таржимаси:

— Ҳой темирчи,
Қандинги ур
Оқсаб қолди тойчоғим кўр!
Унга янги тақадан қок.
— Боллаймиз-да ҳозир, ўртоқ!
Мана, миҳ
Тақа, мана.
Бир, икки
Тайёр, ана!

Муҳтарам шоиримиз Шамси Одил томонидан амалга оширилган бошқа таржималар ҳам С. Маршак ижодига,

болалар тарбиясига бефарқ қарашнинг ана шу кўринишдаги думбул меваси бўлган.

Бизнингча, бу шеърни тахминан мана шундай таржима қилинса ҳам, мақсадга мувофиқ бўлар эди:

Яша, темирчи
Шоввоз
Тойчоғим оқсар
Бир оз
Тақалаб бергин
Менга.
— Тақалаб бермай
Нега?
Мана, тақа,
Михлар бор.
Тақ-тақ, ана,
От тайёр!

Шунингдек, Ленин мукофоти лауреати Сергей Михалковнинг Уткир Рашид томонидан амалга оширилган таржималари ҳам маромига етмаган.

Авар шоири Расул Ҳамзатовнинг «Менинг бобом» дostonи ҳассос таржимон Я. Козловский таржимасида рус тилида бир неча марта нашр этилган. Бу асарни Н. Умаров ўзбекчага ағдарган. Афсуски, таржима ниҳоятда ғариб чиққан. Келинг, яхшиси баъзи мисраларни қоғиштириб чиқайлик:

Асли:

Для козлёнка нашего
Я нарвал травы
Жаль, козлёнка нашего
Не видали вы.
Хоть живёт на свете он
Месяц с небольшим,
Но уже бодаётся —
Не шутите с ним!

Таржимаси:

Эчки бола(?) ҳар куни
Эргашар менга
Барра ўтлар юламан
Атайлаб унга.
Эчким бўлди бир ойлик,
Жуда ёш ҳали.
Катта эчкими(?) дейсиз
Сузган маҳали.

Бир нав қофияга солинган бундай пойинтар-сойинтар мисраларни тугал таржима дейиш мумкинми? «Мен нима дейман-у, қўбизим на дейди», деганларидек, эчки билан улоқнинг фарқи бормай туриб, Расул Ҳамзатов асарларига қўл уришни қандай изоҳласа бўлади? Болалар адабиёти соҳасидаги таржимачиликда йўл қўйилаётган бундай нуқсонларга барҳам бериш, «сабаби тирикчилик» учун иш битириб, ёш китобхонларни лақиллатаётган устмонлар «фаолияти»га чек қўйиш керак. Шунингдек, жаҳон ва қардош халқларнинг Жавонни Рабони, Морис Карем, Ян Бжехва, Де Ла Мэр, Григоре Виеру, Данил Хармс, Овсей Дриз, Борис Заходер сингари етук вакиллари асарларининг мукамал намуналарини ўзбек тилида нашр этишнинг аллақачон вақти етди.

Ёш ижодкорларни рағбатлантириш, уларни босқичма-босқич тарбиялаш соҳасида қардош Қирғизистонда олиб борилаётган

кичик бир тажриба хусусида тўхталиб ўтмоқчиман. «Гунча» шаклида чиқадиган «Бойчечак» журнали ҳар икки йилда бир марта ўз саҳифаларида ёритилган болаларнинг энг яхши шеър, ҳикояларини саралаб алоҳида китоб ҳолида нашр этади. Одат тусига кириб қолган мазкур альманах беазаги учун кичкинтойлар томонидан чизилган турли-туман суратлардан фойдаланилади. Болалар республикаси аталмиш Ўзбекистонда ҳам бундай илғор тажрибаларни амалда татбиқ этилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Ҳўш, болалар адабиётининг танқидчилиги қай даражада, деган савол ҳам туғилиши табиий. Рўй-рост тан олиш керакки, бу борадаги аҳвол ҳам кўнгилдагидек эмас. Тўғри, шу соҳанинг етакчи мутахассисларидан С. Мамажонов, П. Шермухамедов, Қ. Қахрамонов, С. Матчонов, С. Ирисхожиевнинг чиқишларини инкор этмаганим ҳолда, 1980—1985 йиллар шеърини таҳлили бўйича арзигулик, жиддий ишлар қилинмаганини ҳам айтиб ўтмоқчиман. Мазкур мунаққидларимиз болалар адабиётига тўғаноқ бўлаётган муаммолар бўйича газета-журналларда фаол иштирок этишмаётир.

Мен биргина мисол келтириш билан чекланмоқчиман.

Утган йили «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида бир туркум шеърларим босилганида, танқидчилардан бири «Тугма» деб номланган шеърим ҳақида «Бир оз ошириб юборибсиз, фантазиянинг ҳам чегараси бор», деб эътироз билдирган эди. Мана, ўша танқидга учраган машқим:

Рузвон хола кўшнига
Чиққанида элакка
Камзулининг тугмаси
Тушиб қолди йўлакка.
Чумолилар тўпланиб,
Мажлис қураш шошилиб:
«Бир, икки, уч, кўтардик,
Тегирмоннинг тошини...»

Ҳолбуки, болаларнинг беғубор оламини фантазиясиз тасаввур қилиб бўлмайди. Машҳур шоир Корней Чуковскийнинг «Женни» сарлавҳали куйидаги шеъри фикримизнинг ёрқин далилидир:

Туфлисини йўқотиб Женни,
Уни излаб кўп жойга борди.
Тегирмончи туфлини топиб,
Донга қўшиб тортиб юборди...

Юқорида болалар адабиётининг баъзи бир жиҳатлари, тақлид ва таржимачилик борасидаги кузатишларимиз ҳақида бир оз гурунглашдик. Зотан, болалар шоирларининг граждандлик ва ижодкорлик бурчи хоҳ оригинал асарда, хоҳ таржимачилик борасида бўлсин, кичкинтойлар адабиётига хиёнат этмасликдан иборат. Шу муносабат билан Ленин мукофоти лауреати Э. Межелайтиснинг куйидаги фикрларини эслаш диққатга сазовордир: «Кўпчилигимиз болалар учун шеър ёзиш ўта мушкул иш эканлигини хаёлимизга келтирмаган ҳолда, кичкинтойларга атаб тўплалар чоп этамиз-у, бу билан ёш авлодни тарбиялаш борасида катта хатога йўл қўганимиз тўрисида яхшироқ ўйлаб кўришни хаёлимизга ҳам келтирмаймиз».

Болалар адабиёти — болаларнинг ўзидек беғубор бўлсин!



Анвар Обиджон

Камроқ хитоб, кўпроқ китоб

Мактубимнинг давоми бор...



Збек шеърятини осмонда янги-янги юлдузлар кашф этилиб, уларнинг номлари адабиётшунослигимиз мунажжимларининг тилидан тушмай қолган чоғларда, яъни 70-йилларнинг бошида мен ҳали район газетасида ишлаб, бўрдоқчилик комплекслари қурилиши маҳаллий шароитда самара бериш-бермаслиги ҳақида мақолалар ёзиш билан банд эдим. Шунга қарамай, икки масалада адабиётга бевосита аралашидан ўзимни тийиб туролмадим. Катталар учун ёзган шеърларимни семиз пакетга жойлаб, холисона баҳо эшитиш умидида таниқли шоирлардан бирига юборганимдан сўнг, энди болалар шеърятини масаласини «узил-кесил бирёқли қилиш» ниятида Абдулла Ориповга хат битишга киришдим.

Бу мактуб мен Абдулла Ориповдек забардаст шоирнинг пионерлар журнаliga редактор бўлиб ўтишида озми-кўпми ҳиссам бор, деб мақтанмоқчи эмасман. Имкон туғилган экан, бир пайтлар Абдулла акага «ўқитирмоқчи» бўлган ўша гапимни энди ҳамма катта-кичик адибларга бошқачароқ тарзда такрорламоқчиман: китобхонга эга бўлиш китоб ёзишдан бирмунча қийинроқдир. Уқишга чанқоқ ва юксак дидли китобхонларни тарбиялаб етиштириш учун эса, болаларнинг қўлига яхши китоблар тутқазса билишимиз керак.

Аммо болалар адабиётига ғамхўрлик қилиш учун барча адиб кичкинтойларга бағишлаб бирон нарса ёзиши шарт эмас. Бунда иш, аксинча, янада чувалашиб кетиши ҳам мумкин. Зеро, зўрма-зўраки ёзишдан ёмони йўқ. Истагим шуки, адибларимиз болалар адабиётини жиддий кузатиб боришлари, янги тўпламларга вақти-вақти билан муносабат билдириб туришлари, яхши асарларни оммалаштиришга, истеъдодли ёш қаламашлар ўз қадрини топишига кўмаклашишлари даркор. Чунки, «бошидан ўтган табиб» деганларидек, муайян асарни яратиш учун кимнинг қанча машаққат чекканини адиблар янада яхшироқ ҳис қилаолади.

Бу гапим билан, болалар адабиёти соҳасида аллақачон катта ишлар қилиб қўйган номдор танқидчиларимизни камситмоқчи ёки уларнинг хизматларини буткул инкор қилмоқчи эмасман, фақат улар болалар адабиёти тараққиётидан камда беш-олти йил ортда бораётганликларини афсусланиб таъкидламоқчиман.

Мен ўзимча куюниб айтмоқчи бўлган гаплардан яна бири шуки, кейинги уч йил ичида Ҳамза Имонбердиев, Кавсар Турдиева, Умарали Қурбоновнинг илк шеърый тўпламлари босмадан чиқди. Аммо ёш мунаққидларнинг ихчам тақризларида ижобий баҳо олган, адабий давраларда тез-тез тилга тушаётган бу китоблар ҳақида на болалар адабиёти советининг йиллик ҳисобот йиғилишларида, на обрўли танқидчиларнинг бирон-бир мақоласида сўз юритилди. Таникли адиб янги асарларининг салмоғини ўзича чамалаб кўришга қодир, ёш ижодкор эса эътиборли кишиларнинг фикр билдиришини, йўл-йўриқ кўрсатишини орзиқиб кутади. Қолаверса, адабиётимизни янги босқичларга тезроқ кўтариш, асосан, ёшларнинг изланувчанлиги, ғайрат-шижоати, тўғри йўлдан бора олишларига боғлиқ. «Оқсоқоллик»ни вақтинча зиммамга олиб айтишим лозимки, биз хоҳлаймизми, хоҳламаймизми, адабиётимизнинг эртаги тақдирини бари бир ёшлар ҳал қилади. Бизнинг олдимизда эса битта йўл бор — уларнинг ёдида ҳам виждонли ижодкор, ҳам яхши инсон сифатида сақланиб қолишга интилиш.

Мунаққидларга умумий тарздаги охирги гапим шу: номдор адиблар қанча эъзозлаб турилса, шунча яхши. Аммо уларнинг эски ва янги асарлари атрофида ҳадеб ўралашаверишдан бир оз тортиниш, янги кучлар қўдратини ўз вақтида илғаёлмай қолишдан чўчиш керак. Менимча, ўзининг ҳалол ва холис хизмат қилаётганига қаттиқ ишонган мунаққид бу сўзларимдан заррача ҳам бўлмайдими, аксинча мени қувватлайди. Ахир бу шунчаки аччиқ-чучук сўзлар эмас, гап эзгу ишларимизнинг давомчилари бўлган ширин-шакар фарзандларимизнинг манфаати устида боряпти.

Шундай қилиб, кичик китобхонлар олдидаги катта қарзимизни узиш учун яна нима кароматлар кўрсата оламиз! Бунинг учун ишни энг аввало нимадан бошлашимиз керак!

Кичкинтойларнинг севишли адиби, содиқ дўсти Сергей Михалков Россия Федерациясида ҳар йилда бир болага бор-йўри 4—5 тадан китоб тўғри келаётгани ҳақида бир пайтлар ачиниб гапирган эди. Бизда эса йилига ҳар икки болага битта китоб чиқариляпти, холос. Лекин, бу ҳам умумий кўрсаткич. Аслини олганда, аҳвол янада ташвишли. Чунки, рус тилида энг катта тиражларда чоп этилаётган китоблар фақат ўзимизга эмас, бутун Урта Осиё республикаларига тарқатилаётганини ҳаммамиз яхши биламиз.

Тўғри, нашриётлар ишини қайта кўриб чиқиш, тахминий айтганда, 15—20 ўрнига бирданига 30—40 номда китоб чиқаришни ташкил этиш тез фурсатда ҳал қилинадиган масала эмас. Бунинг қулайроқ йўли тиражлар борасидаги чалкашликларни оқилона бартараф этиб, ҳозирча болаларга озроқ номда бўлса ҳам кўпроқ нусхада китоб етказиб беришга эришишдир. Бошқачароқ айтганда, палов пишгунча, ҳеч бўлмаста, шўрва ичиб турайлик.

«Абдулла Тўқай Андижонликми!»

Гап тиражлар масаласига бориб тақалган экан, бу ҳақда алоҳида тўхталишимизга тўғри келади.

Илгарилари болаларга аталган шеърӣ китобларнинг бир тиражи 30 мингга эди. Ҳозирда эса бу миқдор 10 мингга белгиланган. Сезяписмчи, республикамиз бола тўғилиши соҳасида рекорд кўрсаткичга интилгани сайин болаларга китоб чиқариш гўё ўчакишаётгандек кескин камайиб бормоқда. Хўш, бунинг сабаби нимада!

Доҳий В. И. Лениннинг «Ҳамма яхши нарсалар — болаларга» деган меҳр-муҳаббатга тўлиқ сўзларига амал қилаётган партия ва ҳукуратимиз болалар шоирларининг моддий манфаатдорлигини ошириш мақсадида ҳар 10 минг нусха учун бир тираж ҳисобида ҳақ тўлашни жорий этди. Китоб савдоси ташкилотлари эса бу қарорни ўзларига сунъий равишда мослаб олишиб, эндиликда нашриётларга фақат бир тираж миқдоридан заказ беришга ўтиб олдилар. Кўрибсизки, хайрли ишнинг бирданига акси бўлиб турибди.

Нашриётлар энди иқтисодий фойда кўриш учун бошқа йўллар излашга, классикларнинг асарлари ва халқ эртақларига қайта-қайта мурожаат қилишга мажбур бўлишяпти. Чунки, уч, беш, ўн минг нусхада китоб чиқариш кони зарар. Айни пайтда тиражини кўп белгилаб [шундаям, китоб савдосидагилар рози бўлсалар] муаллифга 2—3 баравар ҳақ тўлашдан ҳам нашриёт манфаатдор эмас. Ана энди, мард бўлсангиз калаванинг учини топиб олинг!

Бу ўринда бир савол тўғилади: азалдан фидойи кишилар ҳисобланган шоирларнинг моддий манфаатдорлигини бир четга қўйиб, яна аввалги бекатга қайтиб қўяқолсак қалай бўларкин! Мен шеърӣ китобларнинг бир тиражини камида 30—40 минг нусха атрофида белгилашни назарда тутяпман.

Китоб савдосидаги ўртоқлар, шунча нарсани бошимизга ураимизми, дейишлари табиий. Мен эса уларга ишонч билан айтишим мумкинки, аслида бу ҳам оз. Ҳамма гап шундаки, қайси муаллифнинг китоби қаерда, қанча сотилиши мумкинлигини ўларнингиз яхши билмайсизлар, ўрганмайсизлар, қизиқмайсизлар. Мен шу йилги тираж комиссияси йиғилишларида бунга тўла-тўқис амин бўлдим. Масалан, кўзга кўриниб қолган ёш шоир Ёқубжон Аҳмаджоновнинг китобига Наманган облатидан умуман талаб тушмагани сизларни оз бўлса-да ташвишлантирганини сезмадим: бу шоирнинг наманганлик эканини на Намангандаги буюртмачилар билишади, на сиз.

Ҳа, мен авваллари тираж белгилашдаги ноаниқликларга асосан республика китоб савдоси бирлашмасидагилар айбдор, деб ўйлардим. Энди билсам, бу «фожиа»га чиқарилаётган китобларнинг камида 60 фоизини сотиб олиши лозим бўлган кооператив савдо ходимлари кўпроқ сабаҳчи эканлар. Чунки республика китоб савдоси бирлашмаси ходимлари, айниқса, ҳам шоирлик, ҳам ижодкорлик машаққатини яхши тушунадиган ҳурматли Сотиболди Йўлдошев айрим арзирли китобларнинг тиражини кўтаришга интилишга қарамай, кооперативчилар маҳкам оёқ тираб, сўзларида туриб олдилар. Балки улар ўз ишларининг билимдонларидир, дерсиз! Йўқ! Масалан, И. Нуриллиннинг «Абдулла Тўқай» номли китобига тираж белгиланаётган пайтда «Ўзбекбирлашув»дан келган мутасадди ўртоқ [номини айтмай қўяқолай] ёнидаги шеригидан: «Бу китобга Андижон облатидан энг кўп талаб тушибди. Нима, Абдулла Тўқай андижонликми!» деб сўраб қолди. Бундай пайтда ҳам қўлинг келади, ҳам йиғлагинг.

Қайси область ёки районга бормаин, албатта китоб дўконларига кираман. Аммо мен бирон-бир жойда ёшларнинг на шеърӣ, на насрий китоби чанг босиб ётганини кўрдим. Тўғри, таржима асарлар, кўп томлиқлар, фақат дostonлардан иборат шеърӣ тўпламларнинг айримлари харидорларни ўзига жалб қилолмай турибди. Лекин бу ҳам катта офат эмас. Чунки, белгиланган тартибга кўра, ҳар бир китоб ўч йил давомида савдода туриш ҳуқуқига эга. Агар шу муддат давомида умумий тиражнинг икки проценти [масалан, 60 минг нусханинг 1200 таси] сотилмай қолиб кетса ҳам, бу нормал ҳол ҳисобланади.

Олтиариқ районидаги марказий китоб магазинини шу йилнинг январда кўздан кечриб, болалар учун бирорта ҳам ўзбекча китоб йўқлигининг гувоҳи бўлдим. Сотувчи қизларнинг айтишларига қараганда, бундай китоблар оմбордан келиши биланоқ талаш бўлиб кетар экан. Узим ишлаётган «Ёш гвардия»

нашриётида чоп этилган китоблар тақдири билан қизиқиб кўрдим, улардан айримлари ҳатто районга етиб ҳам бормабди.

Дарвоқе, 10 минг дона китобни миллионлаб болаларнинг қай бирига тақсимлаб етказиш мумкин!

Барчиной опа Мирзамаҳмудова район матлубот жамиятида йнгирма йилдан бери китоб савдоси билан шуғулланади. У ўз ишини жуда пухта биладиган аёл. Бир вақтлар унинг ташаббуси билан қишлоқлардаги аралаш моллар магазинларига ҳам болалар адабиёти бериб турилар эди. Энди эса, ҳатто марказий дўкон бу борада танқислик сезаётганидан қаттиқ таажубда.

— Илгарилари область матлубот жамиятининг китоб савдоси бўлимида махсус семинарлар ўтказиб туриларди, қайси китобларга қанча тираж белгилаш ҳақида келишиб оларди, — дейди Барчиной опа. — Энди бўлса, китоб савдоси бўлими бутунлай йўқ қилиниб, бу вазифа Маргилондаги китоб савдоси базаси ходимларининг зиммасига юклаб қўйилди.

Кўриниб турибдики, иш хуржунда. Қайси китобга қанча талаб ёзиш энди базадагиларнинг ўзига боғлиқ. Улар эса, классиклар ва ҳозирги номдор адиллар китобидан кўпроқ, ёшларниқидан иложи борича камроқ олиб, тезроқ сотиб бўлиш ҳақида ўйлашади. Фарғонадек маданият ўчоғи ҳисобланган облатда китобга шундай муносабатда бўлганларидан кейин, яна нимадан ўпкалаш мумкин!

Энди кутубхоналар масаласига келайлик. Қишлоқ кутубхоналари фақат болалар учун эмас, ўсмирлардан тортиб қариялар учун ҳам асосий муталаа манбаидир. Мана, улардан биридаги аҳвол: ҳозирги ўзбек болалар шоирларининг китоблари [кўп нусхада чиқариладиган рангли китоблардан ташқари] анқонинг уруғи. Катталар учун ёзадиган ёш адиллар китоби ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин.

Тираж комиссияси йиғилишида кутубхоналар бўйича мутасадди сифатида иштирок этаётган аёлдан аста сўрадик:

— Беш, ўн минг нусхали китобларнинг қанчаси кутубхоналарга бориб тушади!

— Уларни олмаймиз. Муқоваси юпқа. Икки-уч йилга етмай яроқсиз бўлиб қолади.

Яроқсиз бўлиб қолади! Демак, одамлар китобларни ўқишар экан! Демак, уларга китоблар керак экан! Қолаверса, икки-уч йил қисқа муддатми! Масалан, газеталар фақат бир кунга хизмат қилади, лекин давлатимиз ҳатто зарар кўрса ҳам, уни тўхташиб қўяётгани йўқ. Чунки бизда меҳнаткашлар манфаати, уларнинг ғоявий тарбияси масаласи биринчи ўринда туради. Бадий китобларнинг нақадар кучли, таъсирчан тарбиячи экани, партия ва ҳукуратимиз адабиётга қанчалик катта эътибор бераётгани эса кундек равшан ҳақиқат.

Босмадан чиққан ҳар қандай китоб барча кутубхоналарга камида 2—3 нусхадан етиб боришини таъминлаш даркор. Ахир қишлоқ аҳолисининг кўпчилиги, айниқса, кичкинтойлар район марказидаги китоб магазинга тез-тез бориб туролмайдилар, борган тақдирларида ҳам китоб ҳаммага етмайди.

Ана энди ҳозирги кун талабидаги тиражини ўзингизча хомчўт қилиб кўринг. Юз минг нусха дегани нима бўпти! Тираж комиссияси аъзолари эса 10 минг нусхани қандай тарқатиш ҳақида ҳамон бош қотириб ўтиришибди.

Майли, теракнинг олдига борайлик

Очиғини айтганда, ўзимизда ҳам айб бор. Тираж комиссиясидаги ўртоқларнинг кўпчилиги бизни танимасликларидан ортиқча ранжишимиз ҳам инсофдан эмас, яхшиси, уларга ва китобхоналарга ўзимизни тузукроқ танитиш чораларини излайлик. Ахир, «Терак авлиёнинг олдига келмаса, авлиё теракнинг олдига борибди», деганлар.

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати», «Шарқ юлдузи», «Ёшлик» каби адабий газета-журналларимиз бор. Нега энди уларда адилларнинг, айниқса, ёш қаламкашларнинг ижодий портретларини, босмадан чиққан китобининг батафсилроқ мазмунини бериб боролмаймиз! Уларнинг бирон-бир мукофотга сазовор бўлиши, турли конкурсларда ғолиб чиқиши, ижодий семинарларда қатнашиб қайтиши, ҳатто мазкур сонда туркум шеър ёки ҳикоялари эълон қилиниши шарафига каттароқ рангли суратлари бериб борилса, қандай яхши бўларди. Масалан, «Кино» ва «Совет Ўзбекистони санъати» журналларида дурустроқ роль ижро этган ёш актёрлар, санъат

майдонида эндигина танилиб келаётган хонанда, раққосларнинг суратлари кўпинча биринчи бетларда берилади.

Тўғри, шоирлар одатда камтарин бўлишади. Лекин камтаринлик ўзимизга панд берадиган даражада бўлмагани маъқул.

Радио ва телевидение ёш ижодкорларнинг, жумладан, болалар адабиётининг кенжа авлоди вакиллари элга танитиш борасида анча фаоллик кўрсатмоқда. Лекин, бу ишларни янада жонлантириш пайти келганга ўхшайди. Ёш адиб ва мунаққидларнинг юзма-юз суҳбатларини кўпроқ уюштириш, янги китобларнинг мазмун ва моҳиятини оммабоп тилда, янада чуқурроқ очиб берувчи эшиттиришлар тайёрлаш, бир гуруҳ ёшлар иштирокида қўшма ижодий кечалар ўтказиб туриш мақсадга мувофиқ бўларди.

Бундан ташқари, республикамызда Китобсеварлар жамияти деган ташкилот ҳам бор. Давраларда адиблар ва уларнинг китоблари пропагандаси яхши эмаслиги ҳақида гап кетганда, бизда жуда катта кучни ўзига бирлаштирган ана шундай жамият мавжудлигини негадир унутиб қўйяпмиз. Нега! Ёки уларнинг фаолиятини умуман сезмаяпмизми!

Бизнинг «Ёш гвардия» нашриётимиз қардош Чехословакиянинг «Албатрос» болалар нашриёти коллективи билан тез-тез тажриба алмашиб туради. Маълум бўлишича, Чехословакиядаги барча мактабларда «Албатрос» нашриётининг жамоатчи фаоллари иш олиб боришар экан. Улар тематик планда кўрсатилган китобларнинг мазмуни, муаллифнинг ижодий услуби ҳақида ўқувчилар билан суҳбатлашиб олгач, ким қайси китобдан сотиб олмақчилигини аниқлаб, нашриётга талаб варақаси жўнатишар экан.

Бизда Китобсеварлар жамиятининг кучи билан худди шундай ишни фақат мактабларда эмас, балки завод ва фабрикалар, колхоз ва совхозлар, олий ва ўрта махсус билим юртларида ҳам ташкил этиш мумкин.

Ҳа, муаммолар сероб, шунга яраша таклиф ва истакларимиз ҳам анчагина. Аммо гапнинг ози яхши. Энди иложи борича тезроқ амалий ишга ўтмоқ керак. Шунда тираж ва китоблар кўпайиб, талаб ва хитоблар камайди. Шунда биз партия ва халқ олдида «Пухта ўйлаб ишляпмиз, юракдан чиқариб ишляпмиз», деб дадил айта оламиз.





Миср мулкида давлатманд ва феълу атворда ҳожатманд бир киши яшар эди. Унинг молу дунёси бениҳоят кўп, эшиги мусофирларга очик, дастурхони эса тўкин ва муҳтожларга ҳамма вақт ёзиғлиқ эди. Бу саховатли бойнинг оламда мисли йўқ, афсонавий Юсуф жамолидай хуш суратли бир фарзанди бор эди. У ҳусну жамолда бемисл бўлиши билан бирга, фазлу камолда ҳам тенгсиз эди:

Борча фазлу ҳунар аро моҳир,
Юзудин хушмандлиқ эди зоҳир.

ШАҲРИСАБЗ

АФСОНАСИ

Алишер Навоийнинг
хаёлий-афсонавий қиссаларидан

Алишер Навоийнинг «Сабъаи сайёр» достонидан олинган ушбу қисса ажойиб хаёлий-афсонавий сюжетти билан китобхон диққатини жалб қилади.

Қиссанинг воқеаси Шарқнинг кўҳна маданият марказларида — ўлкамиздаги Шаҳрисабз шаҳри билан узоқ Миср юртида бўлиб ўтади. Бир-биридан анча олис бўлган бу географик нуқталар қадим замонларда бир турли маданий-маънавий ҳаётда яшаганликлари қисса воқеаларидан кўриниб турибди.

Ҳамма хаёлий эртақларда бўлгани каби, бу қиссада ҳам мифологик образлар, сеҳрланган қалъалар, дарбандлар, ақл-дониманд эгалари — ҳақимлар ва бошқалар иштирок этадилар. Қиссанинг асл моҳияти жамият ва табиатдаги ёвуз кучлар билан яхшилик, билим, тафаккур ўртасидаги курашда кўринади. Бу курашда адолат ва ҳаққониятнинг галаба қозониб чиқиши қиссанинг ғоявий-эстетик мазмунини, тарбиявий йўналишини ташкил қилади.

Алишер Навоийнинг XV аср ўзбек ҳаётининг бадий энциклопедияси бўлиб қолган улуғ «Хамса» асарининг яратилганига 500 йил тўлиши муносабати билан ўтказиладиган тантаналарга тайёргарлик бораётган шу кунларда «Хамса»дан олинган ушбу хаёлий-афсонавий қиссанинг насрий баёнини, Навоий даҳосидан бир намуни сифатида ҳурматли журналхонларга тақдим қиламиз.

Бу ёлғиз ўғилнинг исми Саъд эди. Саъд очиққўлликда отаси изидан бориб, ажойиб бир меҳмонхона қурдирган, унга дўст-ёрларини, қариндош-уруғларини тўплаб, дастурхон атрофида суҳбатлар ўтказишни одат қилган эди. Саъд, айниқса, мусофир аҳлини меҳмонхонасига йиғишни, уларни иззат-икром билан меҳмон қилгандан сўнг, қай юртдан келганларини, у юрт халқи, одатлари ва ажойиботлари тўғрисида сўрашни яхши кўрар эди. Шу тариқа Саъд хилма-хил одамлар билан гаплашиб, кўп мамлакатлар ҳаёти билан танишди, турли-туман халқ урф-одатларидан, касб-ҳунарларидан хабардор бўлди, шу машғулотни асносида сеҳргарлик, кимёгарлик илмлари билан ҳам ошно бўлиб қолди.

Кунлардан бир кун Миср мамлакатига бошдан-оёқ яшил рангли либослар кийган икки мусофир келди. Саъд, одатига кўра, бу мусофирларни меҳмонхонасига таклиф қилиб, олдиларига дастурхон ёзди, ош-сув кўйди. Орадан бир неча кун ўтгандан сўнг, ширин суҳбат асносида уларнинг қайси юртдан келганларини ва нима учун яшил кийимда эканликларини сўради. Улар жавоб бериб дедилар: «Бизнинг юртимиз ниҳоятда хушманзара ва дилкаш мамлакатдир. Унинг исми ҳам жисмига монанд: Шаҳрисабз ёки Кеш дейдилар. Юртимиз сабза рангли кўкаламзор бўлгани учун бизга ҳам яшил рангда кийим кийиш одат бўлиб қолган».

Саъд уларнинг сўзига қизиқиб қолди ва у юрт ажойиботларидан, кўрган-билганларидан сўзлаб беришларини илтимос қилди. Шунда мусофирларнинг бири айтди: «Ул ажойиб яшил диёрда, сабззорлар орасидаги кўм-кўк тоғ бағрида бир кишвар бор, отини кишвар аҳли «Китвар» дейдилар. Уша ўлкада бир катта бутхона бор. Бутхона тоқининг боши кўкка етади. У бошдан-оёқ тошдан ясалган. Ичию таши сартопо сувратлар билан безатилган, турли-туман ҳайвонлар расми чизилган. Кимки бутхонага кириб, унда бир кеча тунаб қолса, ажойиб ҳодисалар гувоҳи бўлади. У, албатта, туш кўради. Тушида икки ажиб сувратли махлуқ намоён бўлади. Уларнинг бири туш кўргувчининг ҳаётида рўй берадиган яхшилик — эзгуликлардан хабар беради, иккинчиси эса унинг умрида содир бўлажак бахтсизликлардан, толе юлдузининг ботишидан дарак қилади. Бу ғаройиб тушни кўрган киши шу он сесканиб уйғонади ва туш таъбирига чора излаб дарбадар кезади».

Мусофирлардан бири бу ажойиботни сўзлагач, иккинчи мусофир уни давом этдириб деди: «Ул бутхонадан узоқ бўлмаган бир гўшада ҳар нарсадан хабардор бир донишманд кекса бор. Туш кўрган киши ўз муддаоси йўлида қандай қийинчиликларга учраса ёки тушига таъбир тополмаса, у кексага мурожаат қилиши керак. Туш таъбири йўлидаги чигалликларни ечишга, мурод аҳлининг истакларига етиш йўлини кўрсатишга у кекса қодирдир».

Мусофирларнинг бу сўзларидан сўнг Саъд кўнглидан бутхона ва унда кўриладиган туш ҳаваси жой олди ва фикри-зири Шаҳрисабз сафари бўлиб қолди. Отаси ўғлини бу йўлдан қайтармоқчи бўлиб ҳарчанд уринса ҳамки фойда бермади, кўрган чоралари кор қилмади. Охириламр отаси рози бўлди. Саъд ўн кун давомида йўл тадорикини кўрди. Йўл асбоби ҳозир бўлгач, отаси билан хайр-хўшлашиб, ҳалиги икки мусофир йўлбошчилиги остида тўрт юз нафар ҳамроҳлари билан бирга сафарга чиқди. Кўп йўл юриб, йўл юрса ҳам мўл юриб, мўлжалланган манзилга, сабзавор-яшил диёрга етиб

келдилар. Шаҳрисабзлик мусофирлар кўрсатган жойга тушиб кўндилар.

Саъднинг фикри-ёди бутхонада эди. Икки ҳамроҳи билан бирга бутхонага отланди. Саъд бутхонани зўр ҳавас ва ҳайрат билан томоша қилишга киришди. Бутхонадаги ажойиботларни томоша қилиб, Саъд кунни кеч қилди. Ҳамроҳларининг оғоҳлантиришларига, панд-насихатларига қарамай, бутхона одамларидан яширинча бир қоронғи бурчакни тунаш учун мўлжаллаб қўйди. Кеч бўлгач, бутхона роҳиби бараҳман одамларни ташқари чиқариб, эшикларни бекитди. Шунда бутхонада ёлғиз қолган Саъднинг кўнглига бир оз ваҳима тушди, кўздан уйқу қочиб, узоқ вақт беҳол ўлтирди. Охири тонг палласига яқин кўзига уйқу келиб, туш кўрди. Тушида шу бутхона эмиш, унда Саъд сайр қилиб юрар эмиш. Бир замон қаршисида дилкаш қиёфали икки сиймо намоен бўлди, қушга ўхшар эди-ю, қуш деса қуш эмас, яшил рангли гўзал жонивор-паризод эди. Бу яшил рангли гўзал жониворлар бутхона ичида ёқимли овоз ила сайраб-учиб юрадидилар. Шу тахлитда бутхонани бир-икки марта айланиб, охири Саъд олдига келиб кўндилар. У яшил қушларнинг бири Саъдга мурожаат қилиб, инсон лисони билан: «Сенинг насибанд бир пари бўлғуси», деди, лисоничиси эса худди шундай йўсинда: «Икки оёғингга банд урулғуси, сени дев асир олғуси», деб кўздан ғойиб бўлди. Шунда Саъд сесканиб уйғонди, атрофига қараса — бутхона бўм-бўш, тирик жондан дарак йўқ, фақат тонг ёришиб, субҳ ёғдулари бутхонани эндигина ёрита бошлаган эди.

Саъд сакраб ўрнидан турди, бараҳман бутхона эшигини очгач, югуриб ташқарига чиқди. У гўёки маст, паришонҳол бир қиёфада, туш ҳаёли билан банд, шаҳар кўчаларида телбаларча кезар эди. Саъд шу аҳволда кечгача нима қиларини, нима деярини билмай кўча-кўйларда саргардон юрди. Саъднинг аҳволида рўй берган бу ўзгаришдан хабар топган унинг ҳамроҳлари ташвишга тушиб, чора ахтаришга киришдилар, ҳар бирлари бир турли тадбирни ўйлаб кўрдилар. Ақли комил, дунё кўрган бир одам маслаҳат бериб айтдики: «Сенинг бу дардинг давосини фалон тоғ орасидаги ғорда яшовчи кекса айтиб берса ажаб эрмас». Бу ақли комил одам бошчилигида кексани ахтариб йўлга тушдилар. Саъд уларга ҳамроҳ бўлди. Кўп юриб, тоғлик ерга етдилар. Тоғ орасида бир қоронғи ғорни топдилар. Ғор ичида бир кенглик кўринди, бу кенглик тошўйнар тешаси билан қавланган айвонга ўхшар эди. Айвон тўрида узлат ихтиёр қилган кекса чол ўлтирарди. Унинг гавҳардек мўъжаз жуссаси қоронғи кон ичида яширингандек кўринар эди. Озғин елкаларини тўзғиган сочлари қоплаган. Кон ичида жавоҳир пинҳон бўлгани каби, бу кексанинг кўнгли ичра ҳам илм-донимандлик мавжуд эди. У қариянинг умридан етти юз йил ўтган, вужудидан эса ҳикмат ёғилиб турар эди. Унинг бу жаҳонда хешу акрабоси, на умиди ва на қайғуси бор эди. Халқ уни «Файлақус ҳаким» деб атар эди.

Ғора кириб келган талаб аҳли бу ғаройиб жойда ажиб қиёфали чолни кўрганларидан сўнг қўлларини кўксиларига қўйиб салом қилдилар ва бир зум ҳайратда қотиб қолдилар. Кўнглига барча илмларни жо қилган, хушманд ва узоқни кўрадиган у кекса бошини кўтариб тўзғиган паршон сочларини тартибга солганда, юзидан таралган нур, қуёш жаҳонни мунаввар қилгандек, ғор айвонини ёритиб юборди. Шунда кекса ҳаким мезбонлик илтифоти ила меҳмонларга назар ташлади. Меҳмонларда алоҳида виқор ва салобатни кўриб, тўфроқча бош эгди ва Саъдга қараб мурожаат этди:

«Эй саодатли Саъд, илоҳи замона сенинг зотингга нуқсон етказмасин. Сенинг жамолингга кўзум тушиши билан борча аҳволингдан хабардор бўлдим. Бас, аҳволингни ўзинг аён қиласанми ёки мен сенга уни бирма-бир баён қилиб берайми!»

Шунда дардманд Саъд эгилди, ер ўпиб дедикки: «Эй пири комил, ҳикмат айтиш Луқмонга ярашур!» Донишманд кекса табассум билан бош эгиб, кўнглини равшан қилгучи сўзларини бошлади. Донишманд қария аввал Саъд ҳаётидан баҳс очиб, ишларидан нишона, турмушидан афсоналар деди. Унинг шахру мулки, ота-онаси, уларнинг хайри-эҳсонлари, Саъднинг касб-илм эгаллаши, сафар аҳлига бўлган илтифоти, меҳмондўстлиги, шаҳрисабзлик икки мусофир қиссасига кўнгли қўйиши, ўз диёри-ватанини тарк этиб ғурбат ихтиёр қилиши, бу тарафларга келиши, бутхонага кириши, тунда ухлаб у дайрда туш кўриши, тушида икки қушнинг айтган сўзлари ҳақида бирма-бир баҳс очди ва охирида айтдики: «Эй Саъд, сенга тақдир ёр бўлди, жамолинг бизнинг орзумиз эди. Мен тушинг таъбирини айтаман, ҳам унинг чорасини кўрсатаман. Лекин бу ишда яна

бир ҳикмат борки, ундан ҳам сени оғоҳ қилиб қўймоғим даркор: мендан сенга қанчалик наф етса, сендан ҳам менинг муродим ҳосил бўлади. Вақтики, мен бу дайр-бутхона ичида пешволик қилар эрдим, ҳикмат аҳлига йўл-йўриқ кўрсатар эрдим, лекин кўнглимда пинҳон ниятим шул эрдиким, бу дайрда бир кеча тунасам, туш кўриб, ул қушлар сўзини эшитсам. Лекин дайрдаги мавқеим ва вазифам бунга монъелик қилар ва мен кўнглимдаги шу орзум ҳаёли билан яшар эдим. Охири мендаги бу ҳавас галаба қилди. Кунлардан бир кун кеч бўлгач, беихтиёр бутхонага кириб бир бурчакча бекиндим ва тунашга қарор қилдим. Дайр одатига кўра кечаси туш кўрдим. Тушимда хилма-хил ранглар, кўринишлар содир бўлди. Улар ақлу ҳушимни олди. Шундан сўнг сенинг қошингда пайдо бўлган икки қуш учиб келди. Бу қушлар ёқимли ва навобахш овозлари билан сўзга кирдилар. Уларнинг бири дедикки, эй ҳавасманд киши, сенинг оёғингга банд тушади ва:

Ишратинг шамъи кўр бўлғусидур
Ватанинг тийра гўр бўлғусидур.

Бошқа қуш тилга қириб, тақдиримдан шундай дарак берди: сен кўрқувга ва ваҳимага тушма, сенга Саъд йўлчи юлдуз бўлади.

Эгнингга чиққусидур икки қанот,
Қаъ қилгунг учуб тарикк нажот.
Ким қанотдин санга тараб бўлғай.
Анга учмоқ қачон ажаб бўлғай.

Қушларнинг бу сўзларидан сесканиб уйғондим, шундан бошлаб кўнглимга савдо, вужудимга изтироб азоби тушди, оромим кетди. Борган сайин ваҳима кучайди, ётар-тураримда ҳаловат қолмади. Иш шунга бориб етдики, дардим давосини ахтариб, кирмаган кўчам, бормаган маконим қолмади. Ҳамма тушим таъбирини айтишдан, менга йўл-йўриқ кўрсатишдан ожиз эди. Охири даврон ғами юки остида жондан тўйиб, ҳаётдан умид уздим. Шу вақт бирдан яшил либосдаги бир қарияга дуч келдим. У зот бошдан-оёқ яшил рангдаги кийим кийган, қўлидаги ҳассаси ҳам яшил тусда эди. У киши менга хитоб қилди: «Эй ҳушини йўқотган жафокаш йигит, кўп қайғурма, жонингга ваҳф ўқин урма. Мен тушинг таъбирини айтаман. Шартим шуки, мен нима десам, шуни сен узр айтмай қабул қиласан, акс ҳолда ўзингни умрбод ғамга мубтало қиласан». Мен ер ўпиб дедимки: «Эй пир, ҳақиқатни айт, додимга ет. Сўзингни жондин қабул қиламан, айтганингни ибто қилмай бажараман». Шунда қария тушим таъбирини баён қилишга киришди: «Жомосипнома» рақамларга назар ташла, унинг ҳукмларини, йўл-йўриқларини ўрган. Унда туш таъбирлари баён қилинган, бу илмнинг бутун сирри-асрори унда бирма-бир кўрсатилган, энди сен бошқа илмга назар солмай, Жомосип илмини ўргангайсан ва таъбир илми сирларига ошно бўлгайсан. Сендан у илмга сазо-ҳаракат, биздан у илм кушодига, равнақиға баракат бўлсин!»

Яшил кийимли у зот шу сўзларни айтдию кўздан ғойиб бўлди, мен эса, унинг изига кўз тикиб қолдим. Сўнг бориб «Жомосипнома»ни очдим. Не кўз ила кўрайки, китоб варақларида менинг ҳолимдан ҳикоя қилинар эди. Унда ёзилган эдики, фалон замонда, илм-ҳикматдан хабардор бўлган бир киши, кечаси дайр ичида ухлаб ташвишли туш кўради; у ғаму ғуссанинг чораси бўдурки, у киши тоғ оралигидаги қоронғи ғорда ватан тутгай, орадан юз йил вақт ўтса ҳам ғордан ташқарига қадам қўймагай, шундай ҳаёт кечирса, ундаги банд нажот билан, гўр эса ҳаёт билан алмашади, ўрни унинг қоронғи шомини юз йилдан сўнг Саъд юлдузи келиб ёритади. Замоникни етиб, Саъд отлиг саодатманд бутхонага келиб унда тунайдди, туш кўриб, таъбирини ахтариб, қоронғи ғорга келади. Қоронғи ғорда юз йил ўлтирган ва одамларга туш таъбирини айтиб, улар мушқулини осон қилиб, ғам-ғуссадан озод этиб келган Файлақус ҳаким Саъд тушига ҳам таъбир айтади ва бу билан ўз мушқулини ҳам осон қилади. Саъд тушига таъбир айтиш билан унинг вужудидagi моддий тўсиқлар йўқолади, зотида руҳий камолот фазилатлари ҳосил бўлади. Ҳикмат аҳли халқ мушқулини осон қилиб, туш таъбири билан бахти қароларга йўл-йўриқ кўрсатган ҳожатмандларга нимани муносиб кўрган бўлсалар, буларнинг ҳаммаси ғор заҳматкашига ҳам насиб этади, фалак машъали нури билан унинг вужуди ёришади. Дайрдаги қушларнинг «Эгнингга икки қанот чиққусидур», деган сўзларининг маъноси шу руҳий

камолот белгисидур. Форда заҳмат чекиб, таъбир илмига киришиб, чеккан меҳнатларим эвазига ҳақ мени руҳий камолот хазинасидан насибадор қилди. Мана энди юз йил чеккан меҳнатим, сенинг жамолингга эришиш билан абас кетмади, сенинг қадаминг туйфайли мен ўз мақсадимга етдим. Менинг бошимдан кечирганларим шундай бўлди. Энди сенинг саргузаштларингга ўтайлик.

Тушда кўринган қўшлар, сенинг насибанг пари бўлишини айтганда, Шаҳрисабз подшосининг қизини кўзда тутган эдилар. Яшил сабзаларга ўралган у шаҳарда нашъу намо толган у қиз балоғат ва тароватда шу қадар бемислдирки, оёғининг изи кўзларга сурма бўлади. У қиз ҳусну жамолда шу қадар ноёбдирки, гўзалликда қуёшдан бож олади. Жаннат парилари унга фақат канизлика ярайдилар. Райҳон ҳидли либоси сабза рангиде, ипақлар орасида юзи жилваланиб, жаннат гуллари янглиғ чаман-чаман ороланиб туради.

Шоҳнинг ҳузур-ҳаловати ҳам шу қизи, кўрар кўзи ҳам шу қизидир. Сенга маълум бўлсинким, шоҳ тоғ қояларидан бирида буюк истеҳком яساتган. У истеҳкомда ажойиб қаср қурдирган, шу қасрда «аср офоти» бўлган қизини сақлайди. Қаср айланаси уч қўрғон билан ўралган. Ҳар бир қўрғонда бир дарбанд яساتган, ҳайбатда бу дарбандлар осмон билан тенг. Бу дарбандлар мустақкам бекитилган, йўлида эса сон-саноксиз хавф-хатарлар учрайди. Биринчи дарбанд қўрғонини Қатрон отлиғ дев қўриқлайди. Бу дев шу қадар зўрки, фил унинг олдида чумоли билан тенгдир, у дев жанг вақтида шундай даҳшат соладики, қора балодек ёпирилади, баданидаги ҳар бир туки бамисоли аждаҳого айланади. Қўрғон соқчиларига шу дев, осмон билан бўй ўлчашадиган шу қутвол бошчилик қилади.

Қўрғон мудофаасида бу ҳайбатли девдан ташқари бир нозикфаҳм ҳақим ҳам қатнашади. У ҳақим турли илмлардан хабардор бўлиб, ҳусусан, тақво илми унинг вужудидан ёғилиб туради. Бу ҳақим ҳам қўрғон воқеаларидан хабардор бўлиб, унга кўз-қулоқ бўлади.

Қўрғоннинг бу дарбандидан ўтган киши яна бошқа дарбандга дуч келади. Унда афсунгар бир кампир-зол хўжайинлик қилади. Бу кампир умрида хийлаю найрангни касб қилиб олган бўлиб, дунё найрангбозлари унга шоғирд тушадилар. У ўз ҳунарини ишга солганда қўрғон томонга шамол ҳам эсиб ўтолмас, ҳатто қуш учса қаноти, одам юрса оёғи куярди. У сеҳргарлик ўтини ёққанда тошлар эриб, булоқ сингари оқади. Бу шум кампир шу қадар тош кўнгулки, меҳр-шафқат нима эканини билмайди, муҳаббат кўчасидан асло ўртмаган.

Мана шундай қалъада, мана шундай дарбандлар билан ўралган қалъада, девлар, сеҳргарлар, тақводор ҳақимлар ихтосида сақланиб келаётган шоҳ қизини орзу қилиб келган ҳар қандай киши дарбандларнинг бирида тузоққа илиниши, орзуларининг қурбони бўлиши турган гап эди. Қўлга тушган кимсани шу он қиличдан ўтказар, бошини кесиб қўрғон кунгурасига осар, танасини итлар олдида ташлар эдилар. Унинг қавм-хайлини талон-тарож қилиб, мамлакатдан ҳайдаб чиқарар эдилар. Ҳеч бир кун йўқ эдиким, гўзал малика йўлида боши кесилмаган, жони узилмаган одам бўлмасин.

Ҳор айвонидаги кекса Саъдга баён қилган сўзларини қўйидаги кўнгул кўтарувчи насихатлар билан хулосалайди:

Лек сен ҳеч навъ қайғурма,
Ваҳм даштига маркабинг сурма.
Ким ани ҳақ сенга насиб этмиш,
Васл топмоққа вақт ҳам етмиш.
Ҳар не қилгумдурур сенга таълим,
Андоғ этмоқ керак сен этмай бийм.

Файлақус ҳақим шу сўзларни айтиб, яна бир неча йўл-йўриқларни кўрсатди ва буларни қаттиқ ёдда тутшини таъкидлади. Бундан ташқари, чўнтағидан бир муҳра чиқариб Саъдга узатди, яна бир қорозга кичик бир мактуб ёзиб, уни ҳам Саъдга бедди. Шундан сўнг кекса ҳақим Саъдга мурожаат этиб, деди: «Тур эмди, эй Саъд, мақсадинг йўлида ҳаракат қил. Ҳойнаҳойин, малика талабда келганинги билган Шаҳрисабз подшоси, сенга Қатрон дев билан курашишни буюради. Шунда хатда ёзилган сўзларни такрор-такрор ўқишни унутма, муҳрани эса оғзингга солиб, сувини Қатрон девга қараб фуркашни эсдан чиқарма! Қороздаги сўзлар такрори душманнингдан қувватни олади, муҳра суви эса кўзига уйқу келтиради. Шу йўл билан Қатрон девни енгганингда, билгилки, қаср йўли сенга очилиб, дарбандлар ўртадан кўтарилади. Биринчи

дарбанддаги тўсиқни енгиб, иккинчи дарбандга қадам қўйганингда қаршинга тақводор ҳақим чиқади. Руқъа — хатни унинг қўлига тутқаз. Тақводор-ҳақим руқъа — хатни ўқиғач, сенга меҳрибонликлар кўрсатиб, мушқулингни осон қилиш йўлини тутайди. Чунки у менга ҳам шоғирд, ҳам фарзанд бўлади. Унинг ёрдамида сеҳргар кампир найрангларига ҳам чора топсан ва уни ҳам енгиб ўтасан ва оқибатда барча муродларингга етасан», деди-да, ўрнидан туриб, Саъднинг манглайдан ўпиб, йўлга фотиҳа берди. Охирида Файлақус ҳақим шод-хуррамлик билан:

Бўлибон шодмон деди: «Шод ўл,
Бизни обод қилдинг, обод ўл.
Кўнгулу эрта кунин айлама кеч,
Йўл юрурда таваққуф айлама ҳеч».

Саъд Файлақус ҳақимдан фотиҳа олгандан сўнг, кеча-кундуз баробар йўл юриб, дала-водийларни кезиб ўтиб, Шаҳрисабз қалъасига етиб келди. Саъднинг келишидан ва муддосидан шоҳга хабар етказдилар. Шоҳ Саъдни қасрида қабул қилди. Шоҳнинг кўзи Саъдга тушиши билан унинг шакли-шамойили ва ёқимли қиёфаси шоҳ кўнглида муҳаббат туйғуларини уйғотди. Саъд ҳам шоҳ ҳурматини бажо келтириб, тиз чўкиб, ер ўпди. Шундан сўнг шоҳона таомлар тортилди, ундан ошно ҳам, бегона ҳам баҳраманд бўлишди. Зиёфатдан кейин Саъдга жавоб бериб шоҳ унга мурожаат қилди:

Дедик: «Бориб ўлгил осуда,
Йўл аро бўлдунг эрса фурсуда,
Букун осудалик ғанимат бил,
Тонг-ла қўрғон сори азимат қил».

Саъд таъзим билан шоҳ олдидан чиқиб, ўз қўшхонасига қайтди. Саъд кўнгул орзулари шиддатидан, ой юзли ёри ёди билан май ичишини давом эттирди. Кеча ярмидан оққондан сўнг, бошидаги май ҳарорати ва кўнглидаги маҳбуба иштиёқи галаба қилиб, ташқарига чиқди ва мастона юриш билан гандирақлаб қўрғон сари равона бўлди. Саъднинг қавму хайли бу ишдан хабарсиз эдилар. Саъд эса қўрғон атрофида гоҳ йиқилиб, гоҳ туриб, гандирақлаб тентирар эди. Бунинг устига, ошиқона бир оҳангда қўшиқ айтиб, кўнгул орзуларини қўйлар эди. Саъд шундай қўрғон атрофида ашула айтиб, тентираб юрган бир пайтда қўрғон атрофидаги тоғларда Қатрон дев посбонлик қилар эди. Ногоҳ унинг қўлоғига одам овози эшитилди. Бу қутилмаган воқеадан ғазабга келган Қатрон қоснраган ханжарини қўлига олиб овоз келган томон югурди. Кўрдик, эс-ҳушдан жудо бўлган бир одам нола-фигон билан кезиб юрипти. Қатрон дев бу беадабни шу он ўлдирмоқчи бўлди. Яна ўйлаб, уни тонг отгунча маҳкам бандда сақламоқчи, эртасига одамлар маъракага тўпланган вақтда ҳаммага — яхши ва ёмонга ибрат бўлсин учун кўпчилик олдида жазоламоқчи бўлди. Шу хаёли ўзига маъқул тушиб, Саъд оёғига маҳкам банд солди ва қўрғон сиртидаги бир қоронғи ғорга қамаб, унинг оғзига улкан тош бостирди. Шундай қилиб, оёғига банд урилган Саъд қоронғи ғор ичиде асирликда қолди. Қатрон дев эса посбонлигини давом этдириб, қўрғон сари равон бўлди.

Эрта тонг пайти Саъд ҳушига келди, кўрдик, оёғида банд, ғорда асир ётибди. Бўлиб ўтган воқеалар оз-оз эсига туша бошлади. Шу жумладан бутхонадаги туши ва қўш айтган сўз ҳам ёдига келди. Шу вақт кекса ҳақим берган хатни эслади. Файлақус ҳақим айтгандек қилиб, у хатни такрор-такрор ўқиди. Хат ҳосиятидан баданида шундай қувват пайдо бўлдики, оёғидаги банд занжирларини парча-парча қилиб синдирди. Шундан сўнг, Саъд ғор оғзидаги тошни ҳам осонгина суриб ташлади-да, ундан чиқиб, ўз қавми-хайли томон йўл олди. Бориб кўрдик, дўст ва ёронлари ғамгин ва қўрқувда эдилар, уларга воқеани бирма-бир сўзлаб берди ва ўзларини шод, кўнгулларини обод қилди.

Шундан сўнг Саъд отланиб йўлга чиқди. Шоҳ тайин қилган қўрғон ичидеги майдон томон йўл олди ва белгиланган вақтда у ерга етиб келди. Шоҳ бошлиқ халойиқ ҳам у ерда ҳозир эдилар. Қатрон дев эса майдон узра жавлон урар эди. Ой юзли гўзал Зухал нур сочиб ўз тахтада ўтирар эди. Майдонга тўпланган эл Саъд тақдирни ташвиши ила безовта, нима воқеа рўй беришини бесарамжонлик билан қутишмоқда эди. Қатрон дев асири Саъдни жазолаш учун ғордан олиб чиқиш ниятида кетган бир фурсатда Саъд майдонга кириб келди. Бу ғариб ва

ажиб ҳодисадан эл ҳайронлик аралаш хушнуд бўлди. Қатрон дев қоронғи ғорда тутқунини топа билмагач, фиғони фалакка чиқиб, ғазаб билан оғзидан ўт фуркаб изига қайтди. Қатрон дев майдонга кириб Саъдни кўрдию бутун даҳшати ва жаҳолати билан унга ҳамла қилди. Саъд ҳам отидан тушиб курашга шайланди. Файлақус ҳақим берган тилсим Саъдга мадад бериб, унга қувват ва шавкат бахшида этиб турар эди.

Бир томонда Саъд, иккинчи томонда Қатрон дев ўртасида кураш бошланди. Ҳар икки томон ҳам бир-биридан қолишмас эдилар. Жанг узоқ давом этди. Фурсатдан фойдаланиб, Саъд кекса ҳақим берган муҳрани оғзига қолди ва ундан пайдо бўлган сувни Қатрон дев башарасига фуркади. Бу фуркалган сув таъсирида Қатрон дев бўшашиб, уйқуга мойил бўлди. Шу они Саъд уни ердан озод кўтариб, шундай улоқтирдикки, чинор қулагандек гурсиллаб тушди. Буни кўрган халқ қий-чув кўтариб, ғолиб Саъдни олқишладилар ва шод-хуррам бўлдилар.

Саъд Қатрон девни шундай ер билан яксон қилгандан сўнг кўрғондаги иккинчи дарбандга қараб от сурди. Қаршисида тақводор ҳақим пайдо бўлди. Файлақус ҳақим берган руқъа — хатни унга тутқазди. Ўз устозининг мактубини ўқиган тақводор ҳақим уни кўзларига суртиб, ер ўпди ва Саъдга иккинчи дарбанд тўсиқларини енгил йўлларини ўргатди. Тақводор ҳақим иккинчи дарбанд сирлари тўғрисида сўзлаб деди: «Дарёдил устозим ўз хатида сеҳргар кампир — Зол сирлари билан сени ошно қилишимни сўраб ёзибди. Мен унинг сўзини икки қилолмайман, — деб гапида давом этди тақводор ҳақим. — Эл ўртасида сеҳргар кампир — Зол номи билан танилган махлуқ аслида Зол эмас, Золга тимсол қилиб ясалган кўғирчоқдир. Унинг атрофидаги сеҳргарликлар ясама ва қалбаки кўринишдир, аслида ҳеч кўрқинчли нарсаси йўқдир. Сен ҳеч нарсадан ҳайиқмай дарбанд томон боравер ва пойлаб

туриб Золнинг кўксига мушт ургин-да, дарбанд ичига кириб, ёринг висолига маҳрам бўлгин».

Саъд тақводор ҳақим айтгандек Зол дарбандига келиб унинг кўксига мушт билан урди. Зол бир тебрандию парча-парчага ушалиб тўкилди. Шу он дарбанд йўли очилди. Шу тариқа кўрғон сирларини кашф қилган Саъд шоҳ олдида келиб таъзим қилди. Шаҳрисабз шоҳи уни қучоқлаб юз-кўзидан ўпди ва ўзини ота, Саъдни ўғил деб эълон қилди.

Шоҳнинг кўнгил қўйиб бино этган бир гулшани бор эди, отини «Яшил гулшан» дер эдилар. Ундаги қасрларнинг бирида шоҳ қизи яшар эди. Шоҳ бу боғ ва қасрда тўй-томошалар ўтказиб, Шаҳрисабз халқини хурсанд қилишга одатланган эди.

Шундай қилиб, Саъд ҳақим ва донишмандлар ёрдамида барча дарбандлардан ўтиб, сеҳргарликларни енгил ўз севгилисиди дийдорига эришди. «Яшил гулшан» боғида тўй-томошалар ўтказилди.

Васл топди фаришта бирла пари,
Меҳр бирла ситоран саҳари.

Кўп ўтмай Шаҳрисабз шоҳи оламдан ўтди, шаҳзода Саъд унинг ўрнига шоҳ этиб кўтарилди. Тожни ва қасрни яшил рангли жиҳозлар билан безатдилар. Унинг олдида яшил кийинган икки вазир қойим эди. Райҳоний рангли ипак кийимларга ўралган гул юзли ёри бўстонни обод қилиб юрар эди.

Шоҳ ҳукмронлиги даврида халқ ғамдан озод, унинг адолатидан мулк сабзадек яшнади. Илло, яшил ранг баҳор даракчисидир, ҳаёт ва гўзаллик белгисидир...

Насрий баён муаллифи Ғулом КАРИМОВ



Акбар Юнусов

ЖАҲАННАМ ҚАЙТА ҚУРИЛМОҚЧИ

Даҳрий ҳангомаларидан

Ер юзида зир югуриб иш битиролмай юрган прорабнинг куни битди. Бир куни «пуф» этиб жони чиқиб кетдию тўппа-тўғри дўзахга бориб тушди. Биқирлаб қайнаётган сақичда бир йил куйди, икки йил куйди... охири азобга ҳам ўрганиб кетди. Гўлаҳлар дам олишга ўтирганда у дўзахнинг «диққатга сазовор» жойларини томоша қиладиган бўлди. Лекин бундай сайру саёҳат ҳам жонига тегди.

Кунларнинг бирида ахлат уюмидан патнисдек фанер топиб олди. Юпқа пайрахани сақич зритмасига ботириб мана бундай эълон ёзди:

ЭЪЛОН!

«Эртага маҳаллий вақт билан роппа-роса еттию ноль-нолда ишлаб чиқариш масаласига бағишланган мажлис бўлади. Барча собиқ қурувчиларнинг иштирок этишлари ҳам фарз, ҳам қарз».

Чақириққа биринчи бўлиб «бўрдоқи» портфель қўлтиқлаган бақалоқ киши «Лаббай!», деб жавоб берди.

— Асли, таъминотчиман. Не ёзиғим бор — ҳайронман, — деди тирноғини сақичдан тозалаб, — ипидан игнасиғача расмийлаштириб қўйгувчи эдим.

Шу пайт қайсидир маҳкаманинг планлаштириш бўлимининг мудири етиб келди.

— Касбимнинг беназир устасиман! Ҳатто «қоғоз қасрлар»нинг мукофотини ҳам ямламай ютишим мумкин, — деди у.

Кейин, бир замонлар «ўлик жонлар» учун ҳам тирик тавон ундириб юрган кадрлар бўлимининг бошлиғию бировларнинг лойиҳасини ўзиники қилиб олаверадиган меъмор ҳозир бўлдилар.

Прораб йиғилганларни кўздан кечиргач нутқ ирод айлади:

— Қондошларим! Соя-салқинда бекор ётавериш меъдаларингга урмадими? Тўғри, қайноқ қоришмани «салқин» деб бўлмайди. «Салқин ичимликлар» — бошқа гап. Шундай бўлсада, келинлар бир ёқадан бош чиқариб ишга киришайлик!

Мажлис аҳли бир овоздан арши аълога телеграмма йўллашга қарор қилди:

«Собиқ қурувчи осий бандалар сиз халлоқи оламга шул хусусда мурожаат этмоқдаларким, дўзахнинг барча жиҳозлари эскириб, ярқисиз бир ҳолга келгандир. Бундан ташқари, ҳамон жисмоний меҳнат асоссиз равишда устун бўлиб турибди. Механизация йўқ. Қолаверса, иситиш усули ҳам замонавий талабларга жавоб бермайди — ибтидоий. Яъни, ёқилғи сифатида ўтиндан фойдаланилади. Биз, дўзахни тубдан қайта қуришни: қозонларни газ билан иситишни ва иссиқлик таксимотини автоматик тарзда бошқаришни таклиф қиламиз».

Арши аълодан шотилнич жавоб телеграммаси келди: «Лойиҳа тасдиқланди. Қурилишнинг барча иқир-чиқирлари ташаббускорлар зиммасига юкланади. Объектни истеъмолчиларга топшириш муддати — икки йил. Зафар ёр бўлсин сизга, мўминларим!»

Прораб зудлик билан имкониятларни қайта чамалаб кўриб, қурилишни бир йилдаёқ узил-кесил тугатиш мажбуриятини олди. Иш қизиб кетди.

Кўҳна, ич-ичидан зил кетиб қолган дўзах ер билан яксон қилинди... Мундоқ чўтга солиб кўрилса, бузғунчилик ишларига ҳам бир йилдан кўпроқ вақт сарфланибди. Дўппи торлик қилиб тургани камдек, юқоридан: «Иншоотни қабул қилиб олиш учун махсус комиссия йўлга чиқди», деган нохуш хабар келди. Прораб шоша-пиша, «атиги пардозлаш ишларини ниҳоясига етказиб олишга» яна бир йилгина муҳлат беришларини сўради. Юқоридагилар қийналиброқ бўлса-да, илтимосни қондиришди.

Ҳаш-паш дегунча йил ҳам ўтди. Комиссия келди. Комиссия аъзолари нариги дунёдаги чала-ярим қурилишларга хос бўлган манзарани кўриб, ёқасига туфладилар: тоғ-тоғ чиқиндилар орасида такасалтанглар лақиллаб юрар, кашандалар папиросини карнай қилиб ўтирар, бир тўп одам шовқин-сурон кўтариб домино уриб ётар эди. Алвасти хотин эса қурилиш майдони узра сочилган бўш шишаларни териб олаётганди.

— Бошлиқ қаерда? — деб сўради комиссия раиси.
— Сақарнинг¹ имкониятларини қайта ўрганяпти.
— Нима учун?
— Ортиқча маблағ ёки резервдаги ишчи кучи бўлса Ҳовия² қурилишига жалб этмоқчи.

— Ҳовияга ажратилган маблағ қаёққа кетди?
— Идора қурдик, ҳордиқжой солдик...
— Жин урсин! — дея жиғибийрон бўлди масъул шахс. — Бугундан бошлаб шахсан ўзимнинг раҳбарлигим остида ишлайсизлар!

Шундай қилиб, қурилишга янги раҳбар «сайланди». Бироқ, ердагилар айтгандек, бояги-бояги Бойхўжанинг таёғи бўлиб қолаверди. Яна зулмат қўйнида қурилиш материаллари ғойиб бўлар, ишчилар бурнини қоқиш учун ҳам шайтонаравага тушиб, қайгадир йўқоқлар, объектга аталган материаллар зўр бериб маишатхоналар қуришга ишлатиларди.

Бу орада учинчи муҳлат ҳам етиб келди.
...Зўр тантана билан ўчоққа тутантириқ ташланди-ю, лекин учкундан аланга чиқмади.

— Воҳ! — Меъмор ногаҳон бошини чангаллади. Чунки у газ қузури ўтказишни хаёлидан фаромуш қилган экан-да!

Чўкичу мисранглар ила бетонлар ўйилди... Ниҳоят, сарғайиб кетган лента ҳам бир нави қайчиланди. Учоққа олов ёқилди. Не ажабки, қозондаги қуюқ сақич иссиқлиги инсон танасининг ўртача (яъни, иситма чиқмай турган пайтдаги) ҳароратидан ярим даража ҳам кўтарилмас эди.

Қабул комиссиясининг янги раиси тўсатдан инфаркт бўлиб, дорулшифога жўнатилди.

Тавбасига таянган собиқ қурувчилар эртаси куни арши аълога янги телеграмма жўнатишди:

«ЭХМ ёрдамида дўзахни қайта қуришга ижозат беришингизни ўтиниб сўраймиз...»

¹ ²Сақар, ҳовия — дўзах номлари.

АВТОРЛАРИМИЗ

Мукаррама МУРОДОВА. Андижон шаҳрида туғилган. «Сени куйлайман», «Гулхан», «Еруғ кун», «Янги тўлқин» каби шеъррий тўпламлари нашр этилган. СССР Ёзувчилар союзининг аъзоси.

Нодир НОРМАТОВ. Сурхондарё областининг Шеробод районида туғилган. ТошДУни битирган. «Кўҳитанг ҳикоялари» тўпламининг муаллифи. СССР Ёзувчилар Союзининг аъзоси.

Нормурод НОРҚОБИЛОВ. 1954 йили Қашқадарё областининг Чи-

роқчи районида туғилган. В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг журналистика факультетини тамомлаган. Ҳикоялари матбуотда эълон қилинган. Ўзбекистон телевидениесининг Адабий-драматик кўрсатувлар Бош редакциясида хизмат қилади.

Аббос САИДОВ. 1956 йили Тошкент шаҳрида туғилган. ТошДУнинг журналистика факультетини тугатган. Илк ҳикоялар тўплами чоп этилган. «Ёш гвардия» нашриётида хизмат қилади.

АВТОРЛАРИМИЗ

«Ёшлик («Молодость»)»
ежемесячный
литературно-художественный
общественно-политический журнал

На узбекском языке

Орган ЦК ЛКСМ Ўзбекистана и
Союза писателей Узбекской ССР

Расом: Х. СОЛИҲОВ
Техник редактор: В. УРУСОВА
Корректор: М. НАБИЕВА

Адресимиз: 700000, Тошкент—П,
Ленин кўчаси, 41.
Телефонлар:
Бош редактор — 32-26-01.
Бош редактор ўринбосари — 32-26-06
Масъул секретарь — 32-56-27
Поэзия бўлими — 32-56-41

Редакция ҳажми 12 босма листдан
ортиқ роман ва 8 босма листдан зиёд
қиссалар қўлёзмасини қабул қилмайди.
Бир босма листгача бўлган асарлар
авторларига қайтарилмайди. Редакция
ўз тавсиясига кўра амалга оширилган
таржима асарлар қўлёзмаларининг
қабул қилади.

Журналдан кўчириб босилганда «Ёшлик»дан олинди» деб изоҳланиши шарт.

Босмахонага 29.04.85 йилда туширилди.
Босишга 4.06.85 йилда рухсат берилди.
Р-13797. Қоғоз формати 84×108^{1/16}.
Қоғоз ҳажми 5,25 лист. Шартли босма
листи 8,82. Нашриёт ҳисоб листи 12,6
Тиражи 201443 нусха. Буюртма № 644.
Баҳоси 50 тийин.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети
«Ёш гвардия» нашриёти.
Ўзбекистон Компартияси Марказий
Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил
Байроқ-орденли босмахонаси.
Тошкент, 700029, Ленин кўчаси, 41.



Пионер ёзи қувончлари

Р. АЛБЕКОВ фотоэюди

© «Ёшлик», № 6, 1985.
«Ёш гвардия» нашриёти